

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО  
ҲАМЖИХАТЛИК МАРКАЗИ**

**С.С. САФОЕВ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ  
ГЕОСИЁСАТ**

**Тошкент - 2005**

**UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND  
DIPLOMACY**

**CENTER FOR PEACE EDUCATION  
AND INTERCULTURAL UNDERSTANDING**

**S. Safaev**

**GEOPOLITICS IN  
CENTRAL ASIA**

**Publication was implemented under the UNESCO  
Participation Programme Request  
№ 27216103 UZB**

**Tashkent - 2005**

**Ушбу нашр ЮНЕСКО қатнашув дастури  
доирасида чоп этилган**

**Муҳаррирлар: Т. Рустамов, Т.Шамшаров**

**Такризчилар: Ш.М. Абдуллаев, с.ф.д.,  
профессор  
Қ.С. Жўраев, с.ф.н.**

Ушбу монография шаклида яратилган илмий тадқиқотда геосиёсат ва жараёнларининг Марказий Осиёда кечиб ўтиши таҳлил қилинган. Нашрда Марказий Осиёнинг геосиёсати: тарихга назар ва замонавий контекст, глобализация ва минтақавий ҳамкорлик, муаммолари, ташқи кучларнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари каби долзарб мавзулар китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Мазкур китоб ўқув қўлланма сифатида ҳам фойдаланиладиган бўлиб, талабалар, магистрант ва аспирант, докторант ва профессор-ўқитувчи ҳамда сиёсатшуносликнинг ушбу йўналиши билан қизиқадиганлар учун мўлжалланган.

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005.

# **М У Н Д А Р И Ж А**

**Кириш сўзи  
5-бет**

**1-БОБ  
Марказий Осиёнинг геосиёсати:  
тариҳга назар ва замонавий контекст  
8-бет**

**2-БОБ  
Глобализация ва минтақавий ҳамкорлик  
муаммолари  
46-бет**

**3-БОБ  
Ташқи кучларнинг Марказий Осиёдаги  
манфаатлари  
77-бет**

**Хулоса  
154-бет**

**Адабиётлар  
156-бет**

## **КИРИШ СЎЗИ**

XXI аср бўсағасида Марказий Осиёнинг халқаро ҳаётнинг мустақил субъекти сифатида қайта тикланиши, шубҳасиз, оламшумул, ўзида муҳим жараёнларни ҳам ифодалувчи, ҳам акс эттирувчи ҳодиса бўлди.

Бу, Евросиёдаги геосиёсий вазиятни тубдан ўзгаришига олиб келган, жаҳон миқёсида авж олаётган чуқур, тектоник силжишлар ҳосиласи бўлди. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти мустақил субъекти сифатида тикланиши, ўз навбатида, дунё миқёсида рўй бераётган жараёнларга қучли таъсир кўрсатувчи муҳим омилга айланди. Юзлаб йиллар давомида унтутилган, эътибордан четда қолган ўлка бўлиб келган Марказий Осиё жаҳон ҳамжияти томонидан қайта кашф этилди. Дунё бу минатақанинг халқаро иқтисодий, сиёсий муносабатларга, цивилизацияларо алоқаларга қўшилишига катта умид боғлади. Айни вақтда, бошиданоқ, Марказий Осиё дунё миқёсидаги барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарлар манбаига айланиши мумкинлиги ҳам аён бўлиб қолди. Деярли дарҳол, янги «Катта Ўйин» - минтақадан ташқаридаги кучларнинг Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун рақобатининг турли вариантлари ва кўринишлари таҳлил қилина бошланди. Бу ерда мустақил давлатларнинг шаклланиши, ҳатто давлатчилик институтлари барқарор бўлган жамиятларни ҳам беқарорлаштиришга қодир бўлган, мисли кўрилмаган глобал хавфларнинг юзага келиши билан бир вақтда рўй берди. Боз устига, минтақа терроризмга қарши жаҳон миқёсидаги уруш марказига айланиб қолди. Бугунги кунда мазкур урушдаги муваффақият Марказий Осиёда воқеалар қандай ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аён бўлди. Ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида қайд этилган «сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил мамлакатлар қайси йўлдан боришлирига боғлиқ»,<sup>1</sup> деган фундаментал холосасини тасдиқлади.

Буларнинг барчаси минтақага жаҳон ҳамжамияти томонидан бўлган жуда катта, жиддий эътиборнинг мислсиз равишда кучайишига олиб келди. Марказий Осиёни синчилкаб ўрганишга интилиш, бу ерда рўй бераётган мураккаб жараёнларни тушуниб етишга қизиқиш ҳам кучайиб бораётир. Айни вақтда, Марказий Осиё ўзи

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. - 8-б.

қандай миңтақа, деган савол теварагида баҳс ҳанузгача давом этмоқда. Тадқиқотчилар орасыда миңтақаның түзилиши, чегаралари, жағон цивилизацион харитасидаги ўрни юзасидан яқдиллик мавжуд әмас.

Әътиборингизга ҳавола этилаётган китобнинг биринчи қисми шу саволларга жавоб бериш, миңтақаның геосиёсий аҳамиятига янгидан назар ташлашга уриниш натижасидир. Бу ерда учта асос қилиб олиниши даркор бўлган жиҳатни қайд этиб ўтиш лозим. Биринчидан, Марказий Осиё XX аср охирида қайта вужудга келган бўлса-да, лекин у халқлар ҳамжамиятида ўз ўрнини биринчи марта излаётган бутунлай янги геосиёсий тузилма әмас. Унинг Евросиёдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-цивилизацион аҳамияти, бу ердаги асосий миңтақалар билан яқин алоқалари чуқур илдизларга эга бўлиб, уларнинг замерида стратегик аҳамиятга молик объектив омиллар ётади. Тарих дом-дарақсиз ғойиб бўлмайди. Марказий Осиёнинг ҳозирги ривожланиш йўлларини тушуниб етиш учун уни тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш жуда муҳимдир. Иккинчидан, Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти унинг Евросиёдаги муҳим давлатлар ва миңтақаларга чегарадошлиги билан белгиланади, деган фикр анча кенг тарқалган. Лекин бу ёндашув ҳозирги кун вазиятига тўғри келмайди. Бир қанча ижобий омилларга ва бу ердан тарқалаётган дунё миқёсидаги хавфларга кўра, миңтақа, шубҳасиз, ўзига хос, мустақил аҳамиятга моликдир. Энг муҳими, Марказий Осиёга у «совет Ўрта Осиёси» деб номланган ва қолган дунёдан «темир парда» билан ажратилган даврдаги ёндашувлар нуқтаи назаридан қараш мумкин әмас. Эндилиқда Марказий Осиёнинг геосиёсий қамрови ўзининг табиий шакл-шамойилини қайта тикламоқда ва СССРнинг илгари берк бўлган чегарасидан жанубдаги ҳудудларни ўз ичига олмоқда.

Марказий Осиёнинг афсуски бисёр бўлган муаммолари кўпинча алоҳида мамлакатларга боғлаб тадқиқ қилинмоқда. Бу муаммоларнинг аксарияти умуммимтақавий хусусиятга эгалиги етарли дарражада әътиборга олинмаяпти. Миңтақавий ҳамкорликнинг чуқурлашишига асосланган глобализация шароитида бундай ёндашув фақат назарий жиҳатдан нотўғри бўлиб қолмасдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам самарасизdir. Бу, аввало, сув ресурслари, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш каби Марказий Осиёга хос бўлган муаммоларга тегишли. Китобнинг иккинчи қисмida шу муаммолар батафсил кўриб чиқилади.

Умуман олганда, бизнинг назаримизда, Марказий Осиёнинг ноёб хусусиятларидан бири - бу миңтақада регионал омилнинг жуда катта аҳамиятга эгалигидир. Марказий Осиёдаги муайян мамлакатнинг ривожланиш тенденцияларини миңтақадаги ривожланиш-

га боғламасдан чуқур геосиёсий ва иқтисодий таҳлил қилиш мумкин эмас. Ҳудди шунингдек, Марказий Осиёдан ташқаридағи муайян давлатнинг минтақадаги у ё бу давлатта нисбатан ташқи сиёсатини унинг бутун Марказий Осиёга нисбатан бўлган регионал сиёсатини тушунмай туриб англаб етиш мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб, китобнинг учинчи қисмида асосий регионал ва глобал кучларнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатини белгиловчи муҳим омиллар баён этилади. Йирик давлатларнинг ташқи сиёсати доим нуфузли тадқиқот марказларининг концепциялари ва таникли олимларнинг асарларига асосланган назарий пойдеворга эга бўлади. Фарб мамлакатлари дипломатиясининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун, масалан, А.Тойнбининг концептуал ғояларини, шунингдек ҳозирги даврнинг таникли олимлари Ф.Фукуяма, Ж.Мирсхаймер, С.Хантингтон, З.Бжезинский ва бошқаларнинг асарларини билиш муҳимдир. Минтақада ўз таъсирини ўрнатиш учун «Катта Ўйин» давом этаётгани ҳақида гапиргандада, кўпинча рақобатлашаётган кучлар орасида янги, балки энг агресив ва хавфли субъект - радикал, диний экстремизм пайдо бўлгани эътибордан четда қолаёттир. Бу хавфнинг илдизлари қаерда, унинг ижтимоий негизи, кун тартиби қандай, деган саволларга жавоб топмасдан, Марказий Осида ва унинг атрофидаги барча кучларнинг жипсланган ҳаракатисиз, инсониятнинг асосий душмани - хаљаро терроризмни енгид бўлмайди.

Китобда Марказий Осиёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий муаммоларини кўриб чиқиш чоғида, ҳозирги замон вазиятини таҳлил қилиш билан бир қаторда, амалий аҳамиятга молик тавсиялар ҳам баён этилади. Шу боис китоб нафақат Марказий Осиёни ўрганаётган талаба ва тадқиқотчиларга, балки амалиётчи мутахассисларга ҳам фойдадан холи бўлмайди деб умид қиласиз.

## 1-БОБ

### **Марказий Осиёнинг геосиёсати: тариҳга назар ва замонавий контекст**

- ◆ Геосиёсат ўзи нима?
- ◆ Марказий Осиё халқаро муносабатлар тизимида - тарихий илдизлар.
- ◆ Ҳозирги дунёда Марказий Осиёнинг аҳамияти.
- ◆ Ўзбекистоннинг минтақадаги роли.
- ◆ Минтақа мамлакатлари ички ривожланиши ва ташқи сиёсатининг ўзига хос ҳусусиятлари.
- ◆ Афғонистон - Марказий Осиёнинг таркибий қисми.
- ◆ XXI аср бошида Марказий Осиёдаги янги геосиёсий бурилиш.

#### **Геосиёсат нима?**

«Мамлакат географиясини билиш унинг ташқи сиёсатини тушуниш демакдир», деган эди Наполеон.

Ҳудудий императивлар доимо давлатнинг хатти-ҳаракатини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Халқаро ҳаёт ҳусусияти ва мазмунидаги туб ўзгаришлар рўй берганлигига қарамай, мамлакатлар у ёки бу минтақада иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа нуқтаи назардан ҳозир бўлишларини (presence) ёки иштирок этишларини (engagement) таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий мақсадларни ўз олдига бугун ҳам қўядилар. Бу деган гап, ушбу минтақада ўша давлатнинг ўз миллый манфатларини мувафқиятли илгари сурмоқ ва ҳимоя қилмоқ учун керакли бўлган шарт-шароитлар мажмусини вужудга келтиришга интилиш демакдир. Ёки, аксинча, бошқа мамлакатнинг бу ерда ҳозир бўлиши ёки бу ердаги жараёнларда иштирок этишининг олдини олиш дипломатик вазифа сифатида белгиланган бўлиши мумкин. Геосиёсий мақсадлар давлатнинг таъсир доирасини (sphere of influence) ёки ҳаётий муҳим манфаатлар зоналарини (zone of vital interests) аниқлаш, миллый манфаатларни илгари суриш, минтақа ёки дунё миқёсида ўз устунлигини (regional or global dominance) таъминлаш билан боғлик бўлган бўлиши мумкин.

Ҳудуд ва макон векторлари бўйича рақобат албатта ўзгача, анча маърифийроқ шаклларга эга бўлди, аммо йўқолмади. Географ-

фик жойлашув ташки сиёсатнинг устувор йўналишлари ва мақсадларини белгилашнинг муҳим омили бўлиб қолаётир. Бу эса сиёсий фанларда ҳозир энг кўп қўлланилаётган атамалардан бири - «геосиёсат» атамасини тушуниш учун ўзига хос қалит бўлиб хизмат қиласди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг фикрича, «мамлакатнинг ҳалқаро мавқеини ёки унинг ҳалқаро миқёсдаги таъсири даражасини белгиловчи бошқа омиллар ҳудуд омилига қараганда муҳимроқ бўлса-да, мамлакатнинг географик ўрни давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда ҳануз муҳим рол ўйнайди. Давлатнинг ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий қудрати қанча катта бўлса, унинг ҳаётий муҳим геосиёсий манфатлари, таъсири ва иштирок этиш доираси радиуси ҳам шунча кенг бўлади».¹

Геосиёсий муҳит ташки сиёсий доктринанинг мазмуни ва хусусиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Ушбу доктринанинг бош мақсади эса мамлакатнинг ташки хавфсизлигини таъминлаш ва ҳалқаро соҳада миллий манфатларни илгари суриш учун қулай ташки муҳитни яратишдан иборатdir. Масалан, ғаним давлатлардан ҳимоя қилувчи ҳудуд - яъни океан, саҳро, орадаги давлатлар - билан ажралмаган мамлакатлар, одатда, ўзини кўпроқ даражада хавфсиз ҳис этадиган мамлакатларга қараганда, хавф-хатарнинг олдини олишга фаолроқ ҳаракат қиласдилар.

Шундай қилиб, *геосиёсат* - бу амалий ижтимоий-сиёсий фан соҳаси ва у ҳалқаро ҳаёт, минтақавий ва глобал хавфсизик масалаларини, давлатнинг дипломатик ва ташки иқтисодий фаолиятини ҳудудий императивлар ва географик жойлашувга боғлаб туриб ўрганади².

«Геосиёсат» атамаси XIX аср охирида швед олими Рудольф Челлен (*Rudolf Kjellen*) томонидан илмий муомалага киритилган. У Германияда ишлаган даврда немис олими Фридрих Ратцель (*Friedrich Ratzel*) асарлари таъсирида 1897 йили «Сиёсий география» асарини яратди.

Мазкур фан соҳаси, «геосиёсат» атамаси каби, кенг тарқалишида инглиз олими сэр Холфорд Маккиндер (*sir Halford Mackinder*)нинг ҳиссаси катта бўлди. У 1904 йили тамоман янгича дунёқарашни - ўзининг машҳур *Оралиқ Макон назарияси* (*Heartland Theory*)ни таърифлаб берди. Шунга қадар узоқ вақт мобайнида Альфред

¹ Brzezinski Z., *The Grand Chessboard: American primacy and its geostrategic imperatives*, BasicBooks, N.Y., 1997, p.40.

² Loughlin O., John / Heske, Henning: From Geopolitik to Geopolitique: Converting a Discipline for War to a Discipline for Peace. In: Kliot, N. and Waterman, S. (ed.): *The Political Geography of Conflict and Peace*. London: Belhaven Press, 1991.

*Сайер Мэан* (*Alfred Thayer Mahan*)нинг жаҳон миқёсидаги тўқнашувда денгиздаги ҳукмронлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, деган таълимоти исбот қилишни талаб қилмайдиган ақида сифатида эътироф этиб келинган эди. Мазкур таълимотга кўра жаҳонда ҳукмронлик қилиш буюк денгиз давлатлар пешонасига ёзилган. Маккиндер эса бунга мутлақо тескари фикрни илгари сурди. Унинг моҳияти шундан иборатки, Евросиё маконида улкан империя вужудга келиши мумкин. У ўз ҳарбий-саноат комплексининг фаолиятини таъминлаш учун денгиз (океан) кемалар қатновидан фойдаланишга эҳтиёж сезмайди. Уни ҳатто жаҳондаги қолган барча мамлакатлар ўз кучларини бирлаштириб ҳам енга олмайдилар.

Маккиндернинг фикрича, ер юзини икки қисмга - Эски Дунё (ер юзининг деярли бутун шарқий ярми) ва Янги Дунё (ер юзининг фарбий ярми ва Океания)га ажратиш мумкин. Эски Дунё, агар ундан Британия ва Япония каби архипелаглар чиқариб ташланса, моҳият эътибори билан, Жаҳон Оролини ташкил этади. Архипелаглар эса Жаҳон Оролининг чет ҳудудлари ҳисобланади ва ишлаб чиқариши зарур дараҷада сақлаш учун денгиз транспортига катта эҳтиёж сезади. Айни вақтда, Жаҳон Ороли ўзини ўзи таъминлаш учун табиий ресурсларнинг етарли захирасига эга бўлади. Бундан ташқари, архипелагларнинг саноат марказлари бир-биридан узоқда жойлашган бўлиб, Жаҳон Ороли уларнинг ҳар бирини алоҳида алоҳида вайрон қилиши мумкин. Жаҳон Оролининг ўзи эса, ўз саноат марказларини ичкарироққа, хавф-хатарлардан узоқроқ ерларга жойлаштиришга қодир. Шундай қилиб, Оралиқ Макон вужудга келади ва у, Маккиндернинг фикрича, Украина, Фарбий Россия ва Шарқий Европани қамраб олади. «Ким Шарқий Европада ҳукмронлик қилса, у Оралиқ Маконда ҳам ҳукмронлик қиласди. Ким Оралиқ Маконда ҳукмрон бўлса, у Жаҳон Оролида ҳам ҳукмронлик қиласди. Ким Жаҳон Оролида ҳукмрон бўлса, у жаҳонда ҳукмронлик қиласди», деб таъкидлаган эди Маккиндер.

Унинг назариясидан кейинчалик ҳудудий экспансияларни асослаш учун фойдаланилди. Бу назарияни ҳаётнинг ўзи бир неча марта инкор этгандай бўлди чоғи. Чунки айнан шу Оралиқ Маконга киритилган ҳудудларда ҳукмронлик қилган давлатлар бошқа мамлакатлар билан курашда мағлубиятга учрадилар. Макон ва ҳудудларнинг илгариги аҳамиятини тобора йўқолишига олиб келаётган глобализация даврида геосиёсат мавзуси бутунлай беркилиши лозимдай тюялган эди. Аммо сўнгги йилларда Маккиндер назариясига янги қизиқиш кузатилмоқда. Эндилиқда минтақавий масалалар эмас, балки глобал муаммолар, аниқроғи, жаҳон сиёсатида ва иқтисодиётида айрим минтақаларнинг роли геосиёсат обьектига айланди.

Бу Марказий Осиёни жаҳоннинг энг синчиклаб ўрганилаётган худудлари қаторига киритди.

## **Марказий Осиё ҳалқаро муносабатлар тизимида - тарихий илдизлар**

Марказий Осиёning қайтадан вуждга келиши инсоният охирги ўн-ўн беш йил мобайнида бошдан кечирган кўплаб драматик ўзгаришлар ва кескин бурилишлар орасида, шубҳасиз, энг муҳимлари қаторига киради. Минтақа асрий сиёсий йўклиқдан қайtdи ва яна бир бор ҳалқаро ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлди. Боз устига, у бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг дикқат марказида турибди.

«Марказий Осиё» атамаси биринчи марта таниқли немис олими, географ Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли «Марказий Осиё». Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлиmlарни таққослаш» асарида қўлланилган эди. Унда олим ички суғориш системасини ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида ажратди<sup>1</sup>.

Шундан сўнг «Марказий Осиё» тушунчалик узок вақт мобайнида, то сўнгти давргача геосиёсий тушунча сифатида эмас, балки асосан тарихий ёки географик атама сифатида қўлланилиб келинди. Боз устига, минтақанинг чегаралари ҳам, унинг таркиби ҳам аниқ эмас эди. Ҳатто унинг номи ҳам турли тарихий даврларда ва ҳалқларда ҳар хил атаглан. Тарихан олганда, географик омиллар асосий мезон бўлиб хизмат қилган. Юнонлар ва римликлар уни «Трансаксония» - Oxus дарёси (Амударё) ортидаги ер деб, хитойлар «Гарбий ўлка» деб, араблар - «Мовароуннаҳр» ёки икки дарё оралиги деб атаганлар. Эрон «Турон»дан ажратилган. Баъзан минтақа этнолингвистик асосда «Туркистон» деб атаглан. Баъзан эса, у «Ички Осиё» (*Inner Asia*) деб кенгайтирилган тарзда талқин қилинган ва унга Мўгулистон, Гарбий Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Россия Сибирининг жанубий қисми киритилган. Ҳар қалай, ЮНЕСКО томонидан нашр этилган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» китобида минтақа худди шундай кўринишига эга.<sup>2</sup> Баъзан аксинча, собиқ СССРда бўлганидек, минтақа доираси атиги тўрт республика - Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олган «Ўрта Осиё» тушунчасига қадар торайтирилди.

<sup>1</sup> Humboldt, A. de. *Asie centrale. Recherches sur les chaines de montagnes et la climatologie compare.* - Paris, 1843.

<sup>2</sup> *History of civilizations of Central Asia.* - UNESCO Publishing, Paris, 1996.



Замонавий Марказий Осиё

Аммо Марказий Осиё чегаралари ҳар хил белгиланғанлиги ва у ҳар хил номлар билан аталғанлигига қарамай, барча тадқиқотчилар бир нарасада яқдил әдилар - мінтақа жағон тараққиетіда тарихан жуда мұхим рол ўйнаб келган.

Арнольд Тойнби ўзининг монументал «Тарихни англаш» асарыда *Окс-Яксарт хавзаси* (яъни Амударё ва Сирдарё оралығы), Яқын Шарқ кабім ер юзидаги барча мұхим йүллар кесишадиган жой эканлигиним табиий шарт-шароитлар бу жойлар халқаро чоррағага айланишига имконият яратғанлигини қайд этади.<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам жағоннинг барча асосий динлари ёки шу ерда вужудға келған, ёки құдратлы ривож топған, деб таъқидлайды Тойнби.

XXI аср бұсағасида юз берган геосиёсий ўзгаришлар күчларнинг халқаро балансида ва цивилизациялар үртасидаги алоқаларда Марказий Осиё мұхим рол ўйнашини яна бир карра тасдиқла-

<sup>1</sup> Қаранг: А. Дж. Тойнби. *Постижение истории*. Москва, Издательство «Прогресс», 1991. - С. 556-557.

ди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, минтақанинг ҳозирги замон геосиёсий шароитдаги аҳамияти ҳақида гапирап экан, ушбу аҳамият шунчалик сезиларли ва каттаки, «бу республикаларда юз берәётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар турли жўғорфий-сиёсий тузилмаларниң манфатларига бевосита дахлдордир»,<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Минтақада мутлақо янги геостратегик вазият юзага келди. Ўтган аср мезонлари, таърифлари ва сиёсий хариталари буғунги Марказий Осиёни тушуниш ва унинг муаммоларини англаш учун тўғри келмай қолди. Минтақага янгича, янада кенгроқ ёндашувсиз у дуч келган жиддий муаммоларниң тўғри ечимини топиш мумкин эмас.

Минтақани маданий, этнолингвистик, геосиёсий ва геоиқтисодий тенденциялар, шунингдек ҳавфсизлик муаммолари мажмуйи нуқтаи назаридан англаш, муқаррар тарзда Марказий Осиё фақатгина собиқ СССРнинг беш республикасидан иборат эмас, деган хуласага олиб келади. Афғонистон ҳамда Хитойнинг гарбий ҳудудлари ҳам узвий равишда минтақанинг таркибий қисмларидир.

Буғунги кунда мазкур минтақани фақат география, иклим, умумий тарихий ва цивилизацион илдизларгина бирлаштирумайди. Минтақа мамлакатлари қарши турган ҳавф-хатарлар ва муаммолар ҳам умумийдир. Уларнинг келиб чиқиши ва хусусияти Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари айнан шу композицияда бирга иш олиб боришини ва ҳамкорликни институциявийлаштиришни тақозо этади. Бундан минтақадаги бир давлатнинг четда туриши ҳам барча ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин. Ҳудди шунингдек, кўрсатилган етти мамлакат яқин, институциявийлаштирилган ҳамкорлик қилган тақдирдагина минтақанинг стратегик имтиёз ва афзаликларидан тўлақонли ва кенг қамровли равишда фойдаланиш учун имконият яратиши мумкин.

\* \* \*

Уинстон Черчилль ёш сиёсатчига шундай маслаҳат берган эди: «Тарихни ўрганинг. Унда Сиз келажакнинг барча саволларига жавоб топасиз».

Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг бой, кўп жиҳатдан ўзига хос тарихини ўрганиш минтақада ҳозир рўй берәётган мураккаб жараёнларни тушуниб етишга ва унинг келажагига назар ташлашга ёрдам беради.

Марказий Осиё тарихан Евросиёнинг тўрт йирик тузилмаси билан доим яқин алоқада бўлиб келган. Бу алоқа барча замонларда

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, Ўзбекистон, 228-б.

стратегик хусусиятга эга бўлган. У шу даражада узвий бўлганки, муайян даврларда Марказий Осиёдаги воқеалар мазкур минтақалар тарихий тараққиёти йўлларининг мазмуни ва хусусиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган, уларнинг тарихидаги кескин бурилишларни белгилаб берган. Бу таъсир, шубҳасиз, икки томонлама бўлган. Кўпинча Марказий Осиёнинг ривожланиши ҳам қўшни цивилизацияларнинг таъсири билан белгиланган. «Окс - Яксарт ҳавзаси тахминан милоддан аввалги VIII асрдан бошлаб Эрон, Евросиённомад, Қадимги Суря, Инд, эллинистик, Қадимги Хитой ва рус цивилизациялари ўртасидаги сон-саноқсиз тўқнашувлар майдони бўлган», деб таъкидлайди Тойнби.<sup>1</sup>

Бу ерда қўйидаги тўрт тузилма тўғрисида сўз юритилмоқда.

1. *Форс кўрфази ва Жанубий Кавказни ўз ичига олган Яқин Шарқ*. Цивилизациялар ўртасидаги алоқаларнинг жанубифарбий йўналиши жуда қадимги тарихий илдизларга эга. Баъзан у, асосан, минтақанинг араблар томонидан истило қилиниши ва бу ерда Ислом дини тарқалиши муносабати билан мутлақо нотўғри талқин қилинади. Ҳолбуки, бундан кўп асрлар олдин бу ерда Эрон ва эллинлар цивилизациялари билан жуда чукур, бир-бирини бойитувчи алоқалар мавжуд бўлган. Боз устига, муайян даврда Марказий Осиё улар билан ягона сиёсий, иқтисодий ва маданий майдонни ташкил этган. Академик Э.Ртвеладзе қайд этишича, юонон тили Марказий Осиёда бир неча юз йил давомида асосий тиллардан бири ҳисобланган. Табиийки, буларнинг барчаси минтақа тақдирида ва бу ерда яшаган халқларнинг тарихи ва анъаналарида ўз изини қолдирган.

Ислом дини минтақанинг ривожланишига ва умуминсоний цивилизация марказларидан бирига айланишига катта туртки берди. Мұхаммад пайғамбар таълимотини ривожлантириш ва тарқатиш ишига Марказий Осиё цивилизацияси қўшган улкан ҳисса мусулмон дунёси томонидан эътироф этилган ва юксак даражада баҳоланади. Европа тақдирига бевосита таъсир кўрсатган Яқин ва Ўрта Шарқдаги бир неча қудратли империялар тарихий ватани Марказий Осиё бўлган халқлар томонидан барпо этилган эди. Минтақаларни асрлар синовидан ўтган савдо йўллари боғлайди. Марказий Осиё халқлари ҳозир ҳам ана шу томонга қараб намоз ўқийдилар.

Бу алоқалар шу қадар чуқурки, айрим таникли тадқиқотчилар, масалан, Принстон университети профессори Бернард Льюис «цивилизацион нуқтаи назардан Марказий Осиё бугунги кунда ҳам, худди ўтмишдагидек, Яқин Шарқнинг таркибий қисмидир», деб таъкидлайди. Айниқса, америкалик олимлар орасида кенг тарқалган

<sup>1</sup> Тойнби А. Дж. *Постижение истории*. Москва, Издательство «Прогресс», 1991. - С. 557.

ёндашувга кўра Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ бир макроминтақага бирлаштирилади.

2. *Афғонистон ва Жанубий Осиёни ўз ичига олган Ҳиндистон субконтиненти*. Жанубий йўналишда географик жиҳатдан минтақага энг яқин, унга ҳеч қачон таҳдид солмаган, аммо Марказий Осиё халқларини ҳар доим ўзига чорлаган йирик қўшни цивилизация - Ҳиндистон жойлашган. Орада тоғли тўсиклар мавжудлигига қарамай, иккала минтақа доим узилмас ришталар билан боғланган ва маълум даврларда ягона сиёсий ва иқтисодий майдонни ташкил этган. Маданиятларнинг ўзаро таъсири жуда катта бўлган. Бу жараён Бобур барпо этган зарварақ қудратли Буюк Мўғуллар империясининг пайдо бўлишидан анча олдин бошланган.

Бугунги кунда, Афғонистондаги жараёнлар нуқтаи назаридан, жанубий йўналиш Марказий Осиё учун ҳам асосий транснационал хавф-хатар, ҳам ривожланиш учун ноёб имкониятлар манбаи сифатида гавдаланмоқда.

3. *Хитой*. Бу фақатгина буюк қўшни давлат эмас. Ўзининг фарбий қисми билан у Марказий Осиёга киради. Уларнинг ўртасидаги алоқалар қадимдан икки омил билан белгиланади.

Биринчи омил - савдо-сотик ҳажми. Буюк ипак йўлининг равнақ топиши ва таназзули тарихи бунинг ёрқин ифодасидир. Агар Буюк ипак йўли равнақ топган давр Хитой ва минтақа ўртасида энг яқин алоқалар ўрнатилган давр бўлса, кейинчалик савдо йўлларининг ўзгариши бу алоқаларнинг камайишига олиб келди.

Иккинчидан, икки минтақа ўртасидаги ҳудуд, айниқса, ўрта асрлар бошида, қизғин миграция жараёнлари ҳудуди бўлган. Тарихда Хитой ва Марказий Осиёning ўтроқ цивилизациялари бир неча марта ўзларига хавф соглан кўчманчи халқларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузганлар.

Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан тарақкий этиши, савдо йўлларининг ўзгариши, энергетик инфратузилма ролининг ортиши, янги хавфларнинг умумийлиги минтақалар ўртасидаги муносабатлар яна фаоллошишини башорат қилиш имконини беради.

4. *Русь, XVII асрдан - Россия*. Россия билан Марказий Осиё ўртасидаги муносабатлар, табиийки, генерал Черняевнинг юришларидан бошланмаган. Улар ўртасида жойлашган Буюк Чўл ажратувчи зона эмас, балки жуда қизғин, муштарак сиёсий, ҳарбий, миграцион ва бошқа жараёнлар рўй берган ҳудуд бўлган. Иккала тараф давлатчиликнинг хусусияти кучли ўзаро таъсир остида шаклланган.

Минтақани жаҳон бозорлари билан боғловчи бош темир йўл магистрали айнан шу шимоли-фарбий йўналишда жойлашганлиги Марказий Осиёning ривожланишига стратегик таъсир кўрсатган ва кўрсатишда давом этмоқда.

\* \* \*

Тарих Марказий Осиё равнақ топган ва гуллаб-яшнаган давр у бошқа минтақалар билан қизғин алоқалар қилған йилларга тұғри келишидан далолат беради. Үзаро алоқалар мұайян сабабларга күра сусайған даврларда эса, аксинча, минтақа ривожланишда орқада қолған, бу ерда жаҳолат, үзаро үрушшар вә, бунинг натижаси үлароқ, қашшоқлик вә қолоқлик ҳұмк сурған. Фаол товар айирбошлаш, тажриба, ғоялар, фан вә техника ютуқларини алмашишга интилишгина Марказий Осиё халқларининг жадал ривожланишини таъминлаган. Машхұр олим, академик В.Бартольд үзининг «Түркістан тарихи» асарыда таъкидлаб үтганидек, минтақа келажағи «жәхон савдосида у қандай мавқега эга бўлиши билан белгиланади», бу эса, үз навбатида, тўлиқ транспорт коммуникациялари тармоғининг ривожланишига боғлиқ.<sup>1</sup>

## **Ҳозирги дунёда Марказий Осиёнинг аҳамияти**

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти минтақаның үз салоҳияти билан әмас, балки асосан бошқа, чиндан ҳам мұхим минтақаларга яқинлиги билан белгиланади. Масалан, «Уикпедия фри энциклопедия» деб номланған оммабоп Интернет-сайтда қуйидаги сўзларни ўқиш мүмкін:

«Марказий Осиё узок давр мобайнида стратегик аҳамиятга молик минтақа деб ҳисобланиб келингани фақат унинг Евросиёда жойлашған буюк давлатларга яқинлиги билан боғлиқ. Минтақаның үзи ҳеч қачон кўп сонли ўтроқ аҳолига ҳам, үз табиий бойликларидан фойдаланиш қобилиятига ҳам эга бўлмаган. Шу боисдан бу минтақа тарихида унинг ҳудудида құдратли империя ёки нуфузли давлатлар кам вужудга келган. Марказий Осиё асосан ташки кучлар рақобатлашган майдон бўлган».<sup>2</sup>

Ўз-ўзидан равшанки, географик жойлашув ҳар қандай мамлакатнинг геостратегик салоҳияти вә аҳамиятини белгиловчи мұхим омиллардан биридир. Мавқеи бошқа мамлакатларга нисбатан жойлашувига боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам хақиқатдан мұхим минтақа ёки давлат жаҳонда йўқ. Лекин Марказий Осиёнинг бутун стратегик аҳамиятини фақат унинг буюк давлатлар яқинида жойлашганлигига боғлаш ҳам тұғри әмас. Зоро, бугунги кунда Марказий Осиё үз ҳолиға ҳам мұхим аҳамиятта эга эканлиги намоён

<sup>1</sup> Бартольд В.В. *История Туркестана*. Москва, Издательство Восточной литературы, 1963. - С. 166.

<sup>2</sup> [http://en.wikipedia.org/wiki/Central\\_Asia](http://en.wikipedia.org/wiki/Central_Asia).

бўлмоқда. Минтақанинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда ва бир қанча омиллар билан тавсифланмоқда. Бу омилларни шартли равиша икки гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурух *ижобий омиллар* гурухи бўлиб, унга қўйидагилар киради:

**1. Нисбий демографик салмоқнинг ошиши.** Макроминтақанинг юқорида қайд этиб ўтилган чегараларида бугунги кунда 95 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Минтақа аҳолисининг зичлиги унча катта эмас - бир квадрат километрга 9 киши тўғри келади. Айни пайтда ушбу кўрсаткич бутун Осиё бўйича 80,5 кишини ташкил этади. Лекин муҳим демографик кўрсаткич - аҳоли сонининг икки баравар кўпайиш даври сўнгги пайтгача Марказий Осиёда 23-25 йилни ташкил қилган. Сўнгги йилларда аҳолининг ўсиш суръати бироз пасайган бўлса-да, у нисбатан анча юқори бўлиб қолмоқда.

Бу ерда яна икки ҳолат - Афғонистондан тинчлик ўрнатилгани ва миллионлаб қочоқлар шу мамлакатга қайтганини, шунингдек Хитойнинг фарбий минтақалари жўшқин ривожланаётганини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шундан келиб чиқиб ўрта муддатли истиқболда Марказий Осиё аҳолисининг кўпайиш тенденцияси сақланиб қолиши ва, шу боис, қўшни мамлакатларга нисбатан минтақанинг демографик салмоғи ошиб боришини прогноз қилиш мумкин.

**2. Ҳалқаро аҳамиятга молик табиий ресурсларнинг мавжудлиги.** Аввалинбор, албатта, бу ерда сўз Марказий Осиёнинг энергетик салоҳияти тўғрисида юритилмоқда. АҚШ Энергетик Ахборот Маъмурияти Марказий Осиё ва Каспийбўйи ҳавзасида жойлашган мамлакатлардаги нефть ва газ захиралари ҳақида қўйидаги маълумотларни берган.

1-жадвал

### Марказий Осиёнинг энергетик салоҳияти<sup>1</sup>

Мамлакатлар	Нефть захиралари (млн.баррел)	Табиий газ захиралари (трлн. куб. фут)
Озарбайжон	4-12,000	11
Қозогистон	10-17,000	53-83
Қирғизистон	40	0.2
Тоҷикистон	12	0.2
Туркманистан	1,700	98-155
Ўзбекистон	600	74-88
Дунё бўйича	1,033,200	5,142

<sup>1</sup> Strategic Assessment of Central Eurasia, The Atlantic Council & Central Asia - Caucasus Institute, SAIS, Washington DC, 2001, p.8

Жадвалдан кўриниб турганидек, Марказий Осиёning энергетик салоҳияти жаҳон нефть ва газ бозорига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш ёки углеводородли хом ашёнинг анъанавий манбалари билан рақобатлашиш учун етарли эмас. Турли маълумотларга кўра, нефтнинг текширилган умумий захиралари 15 ва 31 миллиард баррел атрофида бўлиб, бу жаҳон захираларининг тахминан 2,7% ни ташкил этади. Бу, албатта, углеводородли хом ашёнинг Яқин Шарқдаги манбалари салоҳиятидан анча кам. Бу ерда текширилган нефть захиралари жаҳон ресурсларининг 55% ни ташкил этади. Хусусан, такқослаш учун, Саудия Арабистонининг текширилган нефть захиралари 269 миллиард баррелни ташкил қилади. Марказий Осиёning текширилган табиий газ захиралари 230-360 триллион куб футга баҳоланмоқдаки, бу жаҳон захираларининг тахминан 7% ни ташкил этади.<sup>1</sup>

Аммо, ўз-ўзидан равшанки, Хитой, Ҳиндистон ва Покистоннинг жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодиёти шу суръатларни сақлаш учун янги энергия манбаларини топиши зарур. Бундай манбаларни улар амалда фақат Марказий Осиёда топишлари мумкин. Бу уч давлат жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро ҳаётда стратегик рол ўйнашини ҳисобга олсан, Марказий Осиё мамлакатлари ўз нефть ва газ захираларини қандай тасарруф этиши оламшумул аҳамият касб этади.

Дунё ва минтақа миқёсидаги етакчи давлатлар Марказий Осиёга нисбатан олиб бораётган сиёsat бугунги кунда кўп жиҳатдан юкорида зикр этилган ҳолат билан белгиланади.

**3. Чет эл инвестицияларининг кўп миқдорда жамланиши.** Сўнгги йилларда минтақа салмоқли молиявий инвестициялар обьектига айланиб бормоқда. Америкалик етакчи тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 1992-2000 йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон иқтисодиётига 50 миллиард АҚШ долларли миқдорида чет эл инвестициялари жалб қилинган бўлса<sup>2</sup>, кейинги тўрт йил ичida шу давлатларга амалга оширилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари (*FDI*)нинг ўзи 17,1 миллиард долларни ташкил этди<sup>3</sup>.

2002 йилнинг бошида Токиода ўтказилган Афғонистон иқтисодиётини тиклашга бағишлиланган ҳалқаро конференцияда донор мамлакатлар Афғонистон иқтисодиётини тиклаш мақсадларига 4,5 миллиард АҚШ доллари ажратиш мажбуриятини олдилар. Афғони-

<sup>1</sup> UNDP, Центральная Азия - 2010, перспективы человеческого развития, с.29.

<sup>2</sup> Ibid., p.9.

<sup>3</sup> Қўйидаги манбадан олинган маълумотларга кўра ҳисобланди: *Asian Development: Outlook 2005*, ADB Report, Hong Kong, China, 2005, p.318.

стонга молиявий ёрдам күрсатиш бўйича барча режалар тўлиқ амалга ошгани йўқ, лекин вазиятнинг барқарорлашига қараб Афғонистон иқтисодиётига, асосан инфратузилма билан боғлиқ лойиҳаларга, чунончи: йўллар, кўпприклар, телекоммуникация тармоқлари қуришга ҳар йили анча кўп маблағлар йўналтирилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси мамлакатнинг фарбий худудлари - Синцзянь-Уйғур автоном районини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиёга жалб қилинаётган маблағлар умумжоҳон мезонларига кўра ҳам анча салмоқлидир. Бу минтақанинг барқарор ривожланишидан ва бошланган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишидан жаҳон ҳамжамиятининг монфаатдорлиги ошиб бораётганидан далолат беради. Марказий Осиёга ҳам ўсиб бораётган, истиқболли ва қамровли бозор, ҳам стратегик жиҳатдан муҳим ҳом ашё манбаи сифатида қаралмоқда.

4. *Муҳим транспорт-коммуникация йўлларининг кесишиши.* Марказий Осиё савдо йўллари чорраҳаси сифатидаги ўзининг тарихий аҳамиятини тикламоқда. Тўғри, анъанавий савдода денгиз транспорти ҳал қилувчи рол ўйнаймоқда ва келажакда ҳам ўйнажак. Айни пайтда Марказий Осиёда темир йўл ва автомобиль транспорти самарадорлигининг ошиши, авиация алоқаларининг ривожланиши транспорт маршрутлари тизимида минтақанинг рақобат-бардошлиги ошишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий алоқаларнинг телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ янги шакллари денгиз йўлларига эҳтиёж сезмасдан, энг қисқа, тўппа-тўғри йўллардан ўтаётир. Демак, улар муҳим иқтисодий марказлар - Европа ва Осиё-Тинч океани минтақасини бирлаштириб, Марказий Осиё орқали ўтмоқда.

5. *Цивилизацияларо алоқалар.* Марказий Осиё аҳолисининг кўпчилиги ислом динига мансуб бўлган минтақалардан биригина эмас. У мусулмон дунёсининг тарихий жиҳатдан энг муҳим маркази ҳамдир. Халқаро радикал кучлар Марказий Осиёга экстремистик фояларни олиб кириш, тарқатишига ҳаракат қилаётгани бежиз эмас. Бу жаҳондаги кучлар нисбатида туб ўзгариш ясали мумкинлигини улар яхши тушунадилар. Мусулмон дунёсида кечеётган мураккаб жараёнлар, тангликлар Марказий Осиёга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Айни вақтда, Осиё қоқ марказида жойлашган минтақа мамлакатлари Европада Хавфисизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзолик орқали Европада кечеётган жараёнларда ҳам бевосита иштирок этмоқдалар.

Шу сабабли Марказий Осиё кимгадир цивилизациялар тўқнашуви рўй бераётган «фронт бўйи» минтақа бўлса, бошқалар учун

у асрлар давомида бағрикенглик, маърифатпарварлик ва инсон-парварлик фалсафасининг бешиги саналган ва шу боисдан Ғарб ва Шарқ, турли динлар ва маданиятлар ўртасида кўприк вазифасини бажаришга қодир бўлган дунёнинг ўзига хос ҳудудидир.

\* \* \*

Бироқ, афсуски, Марказий Осиёning ҳозирги дунёдаги аҳамияти минтақанинг имкониятлари ва креатив салоҳияти билангина белгиланмайди. Марказий Осиё бу ердан келиб чиқаятган ва тарқалаётган *хавф-хатар ва таҳдидлар* туфайли ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидадир.

Бугунги кунда жаҳонда ҳалқаро миқёсдаги хавф-хатарлар, бекарорлик омиллари билан тўқнаш келмаган бирорта ҳам минтақа бўлмаса керак. Марказий Осиёning муаммоси шундан иборатки, бу ерда барча *асосий хавф-хатарлар мажмуи* юзага келди. Боз устига, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва қўллаб-қувватлади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг оддий арифметик қўшилиши эмас, балки *мультипликация* эффектим яъни ҳар бир хавфнинг вайрон қилувчи кучи кўп карра кўпайиши рўй бермоқда.

Марказий Осиёning ҳозирги даврдаги геосиёсий аҳамиятини белгиловчи омилларнинг иккинчи гурухини минтақанинг тараққиётига ғов бўлаётган омиллар, *таҳдидлар* ташкил этади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. *Ҳалқаро терроризм*. Сиёсий террор узоқ тарихга эга. Аммо у ҳеч қачон ҳозиргидек дунё миқёсида хавф түғдирмаган эди. Агар илгари у муайян давлат билан боғлиқ бўлса, эндиликда транс-миллий, ҳақиқатдан ҳам ҳалқаро аҳамият касб этди. Боз устига, у муайян ҳуқуматга эмас, балки террорчиллик ташкилотлари раҳбарларининг эътиқодларига қўшилмаган барча мамлакатлар ва кучларга душман сифатида қарамоқда. Ўтмишда терроризм муайян сиёсий арбоб ҳаётига қасд қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, «янги терроризм»га «юмшоқ нишонлар» (soft targets) - аҳоли тўпланадиган яхши ҳимояланмаган обьектларга ҳужум қилиш хосдир. У муайян сиёсий вазифани бажаришга ҳаракат қилмайди. Унинг мақсади - жамиятни, бутун дунёни даҳшатга солиш, одамлар орасига кўркув, таҳлика уругини сочиш.

Ўз моҳиятига кўра глобализм ғояларининг ашаддий душмани бўлган ҳалқаро терроризм глобализация ютуқлари - Интернет, телекоммуникация тизимлари, молиявий муносабатларнинг эркинлашуви ва кўчиб юриш эркинлигидан фаол фойдаланмоқда.

Илгари терроризмнинг асосий марказлари Яқин Шарқда жойлашган бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларида улар *Марказий Осиёга*

қўшни ҳудудларга кўчиб ўтди. Лекин сўнгги йилларда Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг таҳлили «Марказий Осиё терроризми»нинг кун тартиби «Яқин Шарқ терроризми» кун тартибидан сира фарқ қиласлигини кўрсатади.

Бундан хулоса шуки, ҳалқаро терроризм бир мамлакат муаммоси эмас. У бой мамлакатларга ҳам, камбағал мамлакатларга ҳам, демократия ривожланган давлатларга ҳам, бу йўлга эндиғина кираётган жамиятларга ҳам чанг солмоқда. Марказий Осиёнинг муаммоси шундан иборатки, минтақа бир пайтнинг ўзида ҳам ҳалқаро терроризмнинг фаол, узлуксиз қўпорувчилик ҳаракатлари объекти, ҳам ҳалқаро терроризм ўз сафларини тўлдириб бориш учун инсон ресурсига эга бўлишини кўзлаётган ҳудуддир. Марказий Осиёда ҳалқаро терроризмнинг фаоллашуви ҳам ички, ҳам ташқаридан олиб келинган омиллар билан ҳам боғлиқ. Буларнинг ичida диний экстремизмнинг роли айниқса катта.

**2. Диний экстремизм.** Афсуски, кўпгина ноҳукумат ташкилотлари ва Марказий Осиё тадқиқотчилари диний экстремизм билан ҳалқаро терроризм ўртасидаги узвий алоқани кўрмаяптилар. «Хизбут-тахрир» ҳаракати экстремистик хусусиятга эга эканлигини тан олган ҳолда, улар бу ҳаракатни «моҳиятига кўра зўравонлик ишлатишига асосланмаган, террорчилик тадбирларига аралашмайди ва ўз foялари тарқатиш билан машғул» деб ҳисобламоқдалар. Ваҳоланки, ёшлар онгини диний адоват foялари билан заҳарлаш террорчилик ташкилотларига сафарбар этиш учун «ресурс» тайёрлашдан бошқа нарса эмас.

Диний экстремизм илдизларини аниқлаш, уни «козиклантирувчи» омилларни топиш ҳозирги кунда муҳим муаммолардан биридир.

Ислом ақидапарастлиги ички омилларининг мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, Марказий Осиёда диний экстремизм факат минтақа ёки муайян мамлакат муаммоси эмаслигини қайд этиш лозим. Диний экстремизм дунё миқёсидаги глобал муаммодир. Бу соҳадаги барча муаммоларни айрим ноҳукумат ташкилотлари каби давлат ва дин ўртасидаги қарама-қаршилик билан боғлашга ҳаракат қилиш, мусулмон дунёсида кечаётган жараёнлардан кўз юмиш, диний экстремизм муаммосини соддалаштиришдан бошқа нарса эмас.

Бошқа минтақаларда бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам чуқур ва тез амалга оширадаётган жамиядаги ўзгаришлар тамоман янги шароитда ижтимоий нуқтаи назардан ўзини йўқотган аҳоли қатлами вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Баъзан «маргинал» деб ҳам аталадиган бу қатлам муаммолар ечимини «казалий» қадриятлар, анъанавий турмуш тарзига қайтишдан қидирмоқдалар. Ушбу жараён глобализация шароитида ислом динининг ўзида кечаётган

ўз ўрни ва вазифасини англаш жараёни ҳамда шу билан боғлиқ мазҳаб доирасидаги ички кураш билан бир пайтда рўй берәтирип. Бой Шимол ва қашшоқ Жануб ўртасидаги тафовутнинг кучайиши испом жамиятларида «модернизация қилишга уринишлар барбоди» психологияк комплексини вужудга келтирмоқда. Бу ҳозирги давр муаммоларига «асимметрик» жавоб, яъни жамият тараққиётини таъминлашда, Фарбий дунё билан рақобатда илм, техникани ривожлантиришга таянган ҳолда эмас, балки масаланинг ечимини бошқа жабҳалардан қидиришга олиб келмоқда.

Натижада Марказий Осиё, испом дунёсининг тарихий муҳим марказларидан бири сифатида, радикал оқимларнинг foявий экспансияси объектига айланди. Ушбу минтақа испом экстремизмининг марказларидан ва таянч нуқталаридан бирига айланиб қолишига, Марказий Осиё мамлакатлари дунёвий демократик давлат куриш йўлидан қайтишига йўл қўймаслик давримизнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Акс ҳолда минтақада радикал кучларнинг фалабаси дунё миқёсида аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррар.

**3. Кескин ўзгаришлар муаммолари ва аҳолининг қашшоқлиги.** Марказий Осиё СССРнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг ривож топмаган минтақаси эди. Фаровонлик ва саноат ривожланишининг кўпгина кўрсаткичларига кўра у Иттифоқдаги ўртacha статистик даражадан анча орқада эди. Марказий Осиё республикалари иқтисодиёти асосан хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашганди. Қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш улуши жуда кам эди. Масалан, мамлакатда пахта етиштирадиган етакчи республика - Ўзбекистон ўз худудида етиштирилган хом ашёнинг 8% нигина қайта ишларди. Табиийки, бу аҳолининг турмуш даражасида ҳам акс этар эди. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 1985 йили ўрта хисобда 31 килограммни ташкил қилди. Бу Иттифоқдаги ўртacha кўрсаткичдан икки баравар, илмий асосланган меъёрлардан эса икки ярим баравар кам эди. Паст калорияли нон маҳсулотлари истеъмол қилиш эса Иттифоқ даражасидан 33% юқори эди.<sup>1</sup> БМТ эксперктларининг маълумотларига кўра, 90-йилларда аҳоли жон бошига олинган даромад Тожикистанда Россия Федерациясидагидан 2,1 баравар ва Эстониядагидан 2,6 баравар кам бўлган.<sup>2</sup> СССРнинг парчаланиб кетиши ва иқтисодий алоқаларнинг йўқолиши вазиятни янада оғирлаштириди. Минтақанинг умумий даромадлари учдан бирга камайди. Натижада, БМТ Тараққиёт дастури маълумотларига кўра, 90-йилларнинг ўрталарига келиб Марказий Осиё жаҳоннинг энг

<sup>1</sup> Сафаев С. Развитие труда и ускорение. Ташкент, Узбекистан, 1988. С. 16.

<sup>2</sup> UNDP. Центральная Азия - 2010, перспективы человеческого развития, С. 22.

қашшоқ минтақалари қаторидан ўрин олди. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, қашшоқлик даражаси Қозогистон ва Ўзбекистонда таҳминан 30-35%, Туркманистанда - 50%, Қирғизистонда - 60%, Тожикистанда - 70% ни ташкил этган.<sup>1</sup> Айни вақтда, мустақил ривожланишнинг дастлабки йилларида минтақаининг барча мамлакатларида даромадлардаги тенгсизлик даражаси анча ошди. Бу энг аввало Қирғизистонга тегишилдири. Бу ерда даромадлар нотекис тақсимланишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган Жинни индекси коэффициенти<sup>2</sup> 1989-1996 йилларда 0,287 дан 0,353 га кўпайдики, бу фарб мамлакатларидағи ушбу коэффициентнинг ўсиш суръатларидан икки ярим баравар юқоридир.<sup>3</sup>

Шу сабабли биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилиш минтақадаги барча мамлакатларнинг устувор вазифаси бўлиб қолаётир. Бу, ўз навбатида, нафақат чет эл инвестицияларини жалб қилишни, балки иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни, қолаверса инсонларнинг дунёқарашини ёки менталитетини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Амалда бу ўйилликлар давомида шаклланган ҳаёт тарзининг тубдан ўзгаришини, мутлақо янги мұхит вужудга келишини талаб қиласи. Табиийки, янги шароитлар кўпларни эсанкиратиб қўйиши мумкин.

Бошқа минтақалар тажрибаси шуни кўрсатадики, энг катта муаммо ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги ўзгаришлар билан эмас, балки ижтимоий йўналишдаги чуқур ўзгаришлар билан боғлиқдир. Анъанавий жамиятлар одатда чет эл иқтисодий тажрибасидан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришларга муайян даражада тайёр бўлади ва шу мақсаддаги фаол алоқаларга ўз мойиллигини намойиш этади. Аммо ўзга маданият ва ижтимоий муносабатлар үнсурларининг кириб келишига муносабат бир хил бўлмайди.

Фарбда иқтисодий глобализациянинг ажралмас қисми сифатида қаралаётган ғоялар ва маданиятлар глобализацияси анъанавий жамиятларда ўз турмуш тарзи, маънавий қадриятлари ва урғодатларига таҳдид сифатида қабул қилинмоқда. Бир қанча мусул-

<sup>1</sup> Ўша ерда, 10-б.

<sup>2</sup> Жинни индекси (*Gini index*) - ахоли даромадларининг амалда тақсимланиши фарз қилинган идеал тенг тақсимланиш даражасидан оғиш кўрсаткичи. *Лоуренц эгри чизиги* шундай бир чизикки, унинг координаталари (*x*) тақсимланган даромадларнинг ўсиб борувчи фоизини ва (*y*) даромаддан тегишли фоиз олган ахоли сонини кўрсатади. Жинни индекси Лоуренц эгри чизиги билан даромадларни тақсимлашдаги мутлақ тенглик чизиги ўртасидаги майдондир. Масалан, Жинни индекси 0 га тенг бўлса, бу мамлакатда даромадлар идеал даражада тенг, 100 га тенг бўлса - мутлақ нотекис тақсимланишини англатади.

<sup>3</sup> UNDP. Центральная Азия - 2010, перспективы человеческого развития, С. 24.

мон давлатларининг тажрибаси кўр-кўрона «*фарбийлаштириш*» («вестернизация») сиёсати охир-оқибатда жамиятда сиёсий исломизм мавқеининг кучайишига олиб келганини кўрсатади.

Марказий Осиёда тараққиётнинг асосий йўли сифатида дунёвий демократик давлат қуриш йўли танланганлигига умуман олганда шубҳа билдирилаётгани йўқ. Айни вақтда, «демократик фундаментализм» - *Фарб* ижтимоий андозаларини минтақада жорий этишдаги шошмашошарлик диний экстремизм ва сиёсатлаштирилган исломистик оқимларни «руҳлантирувчи» омил бўлиб қолмасмикан, деган хавотир ҳам йўқ эмас.

Ислом дунёсининг барча мамлакатлари орасида Марказий Осиё давлатларига демократлаштириш нуқтаи назаридан жуда катта талаблар қўйилмоқда. Бу мазкур давлатлар ЕХХТга аъзолик орқали Европадаги жараёнларда иштирок этаётганилиги билан изоҳланмоқда. Минтақа жамиятлари дунёвий демократияга ва кўпгина тадқиқчиларнинг фикрича сиёсий таълимот ҳисобланган<sup>1</sup> аждодлар динини тиклашга интилишни уйғуллаштира оладими, йўқми - ҳозирча муаммо бўлиб қолаётир. Ўз-ўзидан равшанки, нафақат минтақа, балки бутун дунёning тақдиди шу муаммонинг ечими топилиши ёки топилмаслигига боғлиқ.

**4. Ҳалқаро наркобизнес.** Марказий Осиё 90-йилларда қисқа вақт ичida жаҳоннинг энг ийрик гиёхвандлик моддалари манбаига айланиб қолди. Бугунги кунда Европада истеъмол қилинаётган гиёхвандлик моддаларининг қарийб 90%и Афғонистонда этиштирилган бўлиб, бу ердан Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар худуди орқали Европага етказилади. Натижада минтақада наркобизнес миллиардлаб долларлик маблағга эга бўлган улкан, ёвуз саноатга айланиб қолди. Бунда наркобизнес молия ресурсларининг асосий қисми истеъмолчи мамлакатлардан олинмоқда ва ишлаб чиқариш жойидан узоқлашишига қараб ўсиб бормоқда. Масалан, 2004 йили Афғонистон шимолида ва Тожикистонда бир килограмм соф героиннинг кўтара нархи 1,5 минг доллар бўлса, Остонада 8-12 мингга етади, Москвада эса 18 минг доллардан ошиб кетади.<sup>2</sup> Европада бир килограмм героиннинг нархи юз минглаб долларни ташкил этиши мумкин. Ваҳоланки, бу оғу билан ноқонуний савдо қилиш килограммлар билан эмас, балки тонналар билан ўлчанади. Масалан, БМО маълумотларига кўра 2004 йилда Афғонистонда

<sup>1</sup> «Классик Ислам, моҳият эътибори билан, ҳокимият динидир», деб ёзади француз олими А. дель Валь. Қаранг: Del Valle A. *Islamisme et Etats-Unis: Une alliance contre l'Europe*, - Lausanne: L'Age d'Homme, 1999.

<sup>2</sup> Информационный бюллетень о наркоситуации: Центральноазиатский регион, ОБСЕ, 2005, С. 9.

етиштирилган афъюн ҳосили 4200 тоннани ташкил қилган. Афғон героинининг 24% га яқини одатда Марказий Осиё орқали, ёки «шимолий маршрут»дан ўтади ва тахминан 40 тоннани ташкил этади. Бунда унинг тўртдан бир қисми - 10 тоннагача миқдори транзит мамлакатларида қолади, қолган қисми эса Россия ва Европага етказилади.<sup>1</sup> Минтақадаги наркотрафикнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, маҳаллий агентларнинг хизматига пул билан эмас, балки гиёхвандлик моддалари билан ҳақ тўланади. Уларнинг нақд пулга айланиши гиёхвандлик моддалари истеъмол қилишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Натижада Марказий Осиё бугунги кунда нафақат гиёхвандлик моддалари ишлаб чиқариладиган ва олиб ўтиладиган, балки уларни истеъмол қилиш ўсиб бораётган ҳудуд бўлиб қолаётир.

Наркобизнес - заиф давлатнинг функциясидир. Шу боисдан у Марказий Осиё мамлакатларининг заифлашувидан манфаатдор, бу ерда демократиянинг мустаҳкамланиши, қонун устунлиги қарор топиши, фуқаролик жамияти қуришга фаол қаршилик кўрсатмоқда. Унга бошқа муаммолар билан банд бўлган амалфурӯш ҳокимият керак. Марказий Осиёдаги ҳалқаро хавф-хатар омилларининг манфаатлари шу ерда кесишади: наркобизнес терроризм ва диний экстремизм билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлиб, уларни маблағ билан таъминлайди. *Наркоаггрессия* - гиёхвандлик моддалари ва наркобизнесга қарам бўлиб қолган жамиятларни вужудга келтириш мақсадидаги изчил ҳаракатлар тушунчаси шундан келиб чиқади.

Марказий Осиёдан тарқалаётган ушбу хавф-хатарлар кўлами, шубҳасиз, глобал ҳусусиятга эга ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг уларга қарши мувофиқлаштирилган ҳаракатларини тақозо этади.

*5. Глобал масштабга эга бўлган экологик муаммолар.* Уларнинг энг машҳури Оролбўйидаги экологик ҳалокатdir. Бир авлоднинг кўз ўнгига бутун бир денгиз йўқ бўлган ҳол инсоният тарихида ҳали рўй берган эмас эди. Ушбу ҳалокат сабаблари антропоген ҳусусиятга эга ва инсон фаолияти, янги ерларнинг жадал суръатларда ўзлаштирилиши ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаганлиги билан боғлиқ. Натижада, 60-йиллардан бошлаб, Амударё ва Сирдарёнинг Оролга қўйилаётган сувлари аста-секин камайиб борди, 80-йилларнинг охирига келиб эса бутунлай барҳам топди. Шундан буён денгиз ҳажми тўрт баравар қисқарди, унинг сатҳи 20 метрга пасайди, сувнинг минераллашуви даражаси тўрт бараваргача ошди, денгиз тубининг 33,4 минг кв. км.дан иборат қисми қуриди ва сахрога айланди. Орол денгизининг собиқ туби

---

<sup>1</sup> Ўша ерда, 36-б.

энди атмосферанинг заҳарли туз ва чанг-тўзонлар билан ифлосла-ниш манбаи сифатида таъсир кўрсатмоқда. Орол денгизи устидан Фарбдан Шарққа ўтвучи кучли шамол оқими аэрозоллар ҳавонинг юқори қатламларига кўтарилиши ва Ер атмосферасида тез тарқалишига сабаб бўлмоқда. Олимлар Орол денгизи тубидан кўтарилиган туз ва бошқа заҳарли чанг-тўзонлар атмосферада аэрозол таркиби 5% га кўпайишига олиб келаётганини, бу эса, ўз навбатида, дунё миқёсида исиш жараёнига ва иқлимининг ўзгаришига таъсир кўрсатаётганини қайд этдилар.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили бу ердан шамоллар таъсирида 75 тоннагача туз ва қум кўтарилади, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб боради. Бунинг бевосита таъсирини бутун Марказий Осиёда ва унинг атрофида яшайдиган 35 миллион киши ҳис этмоқда. Жаҳондаги энг йирик ички сув ҳавзаси қуриши натижасида табиий мувозанатнинг бузилиши ҳатто Скандинавияда ҳам кузатилмоқда.

Лекин Орол ҳалокати Марказий Осиёнинг ягона экологик муаммоси эмас. Минтақада барча замонларда ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Сўнгги йилларда Марказий Осиё сув ресурсларини бошқариш ягона тизимининг парчаланиши рўй берди. Мамлакатлар ўртасида дарёларнинг сувларидан ё суғориш, ё энергетика мақсадларида фойдаланиш бўйича манфаатлар тўқнашуви кескинлашди. Сувдан фойдаланиш ҳажмлари ўсиб бораётган шароитларда сув ресурслари чекланганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади.

*6. Геосиёсий рақобат.* Бугунги кунда Марказий Осиё дунё миқёсидаги ва минтақавий етакчи давлатларнинг бевосита манфаатлари доирасига киради. Нафсијамбрини айтганда, уларнинг барчasi минтақада ўз геосиёсий иштирокини таъминлаш ва бу ерда ўз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик манфаатларини илгари суриши ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Афғонистондаги антитеррористик операциянинг дастлабки босқичида Марказий Осиёда жаҳоннинг етакчи кучлари *non-zero-sum-game* принципи асосидам яъни барча учун бирдек фойдали ҳамкорлик имконияти вужудга келгандай туюлган бўлса, кейинчалик уларнинг манфаатлари кўп жиҳатдан мос эмаслиги, баъзан ҳатто уларнинг тўқнашуви намоён бўла бошлади. Кўпгина тадқикотчилар буни XIX аср охирида Буюк Британия билан Россия ўртасида Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун авж олган ва пировард натижада минтақани қарийб юз йилга ҳалқаро ҳаётдан ажратиб қўйган «Катта Ўйин»га ўхшата бошладилар.

Энди эса Марказий Осиёдаги геосиёсий рақобатнинг янги версияси ҳар хил мақсадларни кўзлаган кўпроқ субъектларни жалб қилди. Авваламбор, Марказий Осиё давлатлари бу жараёнда пассив обьектлар сифатида эмас, балки ўз манфаатларига эга бўлган фаол иштирокчилар сифатида қатнашмоқда. Бу минтақада геосиёсий ихтилофлар хавфини туғдирмоқда. Энг катта хавф шундан иборатки, Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун кураш олиб бораётганлар орасида янги даҳшатли ва жуда агресив куч - исломизм, диний экстремизм пайдо бўлди.

**7. Ҳарбий рақобат потенциали.** Македониялик Александр қўшинларидан сўнг тарихда биринчи марта Марказий Осиёда Европа, Фарб давлатларининг ҳарбий тузилмалари пайдо бўлди. Фарб дунёсининг энг йирик ҳарбий-сиёсий ташкилоти - НАТО минтақа ҳудудида кенг миқёсда тинчликпарварлик ҳаракатларини бошлаб юборди. Бу тадбирларга НАТО аъзоси бўлган ўнлаб мамлакатларнинг кучлари жалб қилинди. АҚШ ва НАТО Афғонистондаги ўз ҳаракатларини қўллаб-куватлаш учун минтақа инфратузилмасидан фаол фойдаланмоқда. Айни вақтда, Россия ҳам Марказий Осиёдаги ўз ҳарбий-сиёсий иштирокини мустаҳкамлаш ва институциявий-лаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Минтақадаги ҳарбий-сиёсий рақобат дунё миқёсидаги ва минтақавий давлатлар ўртасида ихтилофга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Лондон стратегик тадқиқотлар халқаро институти (IISS)нинг баҳолашига кўра, бугунги кунда Осиёда ядро қуролига эга давлатлар ўртасидаги минтақавий мажаролар бутун инсониятга катта хавф туғдиради. Марказий Осиё яқинида жойлашган Осиё ҳарбий қудратининг асосий субъектларини санаб ўтишнинг ўзиёк минтақавий хавфсизлик муаммолари ҳамда XXI аср глобал тизими конфигурациясида минтақанинг ўрни ҳақида яна бир карра ўйлашга мажбур қиласди.

Бу фикр геосиёсий контекстнинг ўзгариши стратегик ноаниқлик ва сиёсий-психологик кескинлик фонида рўй бераётган Марказий ва Жанубий Осиё макроминтақаси учун айниқса долзарб аҳамиятга эга. Айрим давлатларининг қуролланиш пойгасига берилиши ва ҳарбийлашиши минтақада бекарорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддият даражасининг ядрорий мезон билан ўлчаниши бугунги кунда дунё миқёсидаги хавфсизликка энг катта таҳдид бўлиб қолаётир.

**8. Оммавий қирғин қуроллари.** Бугунги кунда Марказий Осиё ядро қуролига эга бўлган тўрт давлат қуршовида. Уларнинг сони янада кўпайиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Айни вақтда, минтақа ядро ҳом ашёси - ураннинг йирик манбаидир. Осиёда 60-70-йилларда бошланган иқтисодий ривожланиш жараёни айрим дав-

латларнинг ҳарбий құдрати кескин ошишига олиб келмоқда. Бұл эксперталарға «иккінчи ядро асри»м яғни жағоннинг олдинги иккі құтбли конфигурациясидан ташқаридаги қарама-қаршилик түғрисида сүз юритиш имконини бермоқда. Покистонда ядро қуроли синовдан үтказилиши муносабати билан айримлар құркұв, бошқалар - завқ билан «ислом атом бомбаси» яратылганини қайд этдилар.

Минтақадағи ва құшни мамлакатлардаги воқеалар ядро технологияларини топширишга чеклашлар белгилаш сиёсати ва ҳатто халқаро назоратнинг күчайтирилиши ҳам үрта ва узок муддатлы истиқболда ядро қуроли ишлаб чиқариш бүйіча үсіб бораётган имконияттарни чегаралаш учун етарли бұлмаётганини күрсатмоқ да. Ядро қуроли ясашға яқынлашған давлатлар тажрибаси ядро энергетикасининг ривожланиши, ядро қуролига эга «Эски» давлатларнинг аңанавий ядро ёнілғи циклларидан фойдаланиш соҳасидаги тажрибасини үзлаштыриш АЭС үчүн үз ядро ёнілғисини ишлаб чиқариш мақсадида соф плутоний ва бойитилған уран ажратиб олиш имконияттини туғдиришини намойиш этади. Бұл ядро қуроли материалларини яратыш учун мұхым аҳамияттаға эга бўлған технологиялар халқаро-ҳуқуқий нұқтаи назардан қонуний равишда тарқалишига олиб келади.

Шундай қилиб, минтақада ядро қуроли, ракета технологияларининг тарқалиши ва улар устидан назорат соҳасида жиiddий муаммолар өзага келиш хавфи мавжуд. Айни вактда одий ва стратегик қурол-аслақалар ҳаддан ташқары күпайиши мұаммоси ҳам сақланып қолмоқда. Минтақавий ва дунё миқёсидаги хавфсизликка таҳдид солаётган бу жараёнлар устидан қаттық халқаро назоратни таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолаёттир. Шу муносабат билан минтақа мамлакатлари Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурған ва Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистан ва Туркменистан томонидан тұлық құллаб-қувватланған *Марказий Осиёни ядросиз зона деб* әълон қилиш ташаббусини мантиқий якунига етказиш лозим. Бұл қадам минтақа давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш умумий жараённага фаол қүшилаётганидан далолат беради. Пировард натижада бу дунё миқёсиде стратегик хавфсизликни таъминлашга қўшилган мұхим ҳисса бўлиши мумкин.

Қирғизистонда минтақаның бош сув артерияси - Сирдарё яқинидаги ядро чиқындилари кўмилган жойлар (улар 23 та) мұаммоси ўта кескин бўлиб қолмоқда. Орол денгизидаги Возрождение оролида сақланыётган бактериологик қурол захиралари ҳам инсиятта катта хавф туғдиради. Боз устига, Орол денгизи куриши натижасида бу орол ҳудуди қуруқлик билан туташған бўлиб, у энди нафақат биотеррорчиларга, балки куйдирғи касаллиги ўта хавфли

вирусларининг тарқатувчиларига айланиши мумкин бўлган ҳайвонлар ва кемирувчиларга ҳам очиқдир.

9. *Афғонистондаги барқарорлик.* Афғонистонда халқаро терроризм тармоғи ва Толиблар тузумига барҳам берилиши бу мамлакатда тинч қурилишни амалга ошириш ва уни қўшни мамлакатларга ҳавф солмайдиган нормал давлатга айлантириш учун шарт-шароит яратди. Бироқ, ўз-ўзидан равшанки, бу масала узилкесил ҳал бўлишига ҳали анча вақт бор. Афғонистон жаҳонга гиёхвандлик моддалари тарқатадиган асосий манба бўлиб қолаётгани, улар сотиш бозорларига Марказий Осиё орқали жўнатилаётганини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Муайян шароитларда бу мамлакатда чет эл ҳарбий контингентининг бўлиши ҳам ички, ҳам минтақавий кескинлик манбаига айланиши мумкинлигини ҳам эътибордан соқит этиб бўлмайди.

\* \* \*

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари тўқнаш келаётган жиддий муаммолар ва тангликлар шунга олиб келмоқдаки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2004 йил июнь ойида Тошкентда ўтган саммитидаги нутқида таъкидлаганидек, минтақада стратегик ноаниклик унинг ривожланиш истиқболларида ноойдинлик сақланиб қолмоқда.

## **Ўзбекистоннинг минтақадаги роли**

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган обьектив омилларга асосланади.

Биринчидан, Ўзбекистон - минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда қарийб 27 миллион киши истиқомат қилади. Бу Марказий Осиёнинг барча собиқ совет республикалари аҳолисидан озгина камроқдир. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади.

Минтақанинг қолган барча олти мамлакатидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон бир хилм гомоген аҳоли таркибига эга. Бу ерда аҳолининг 85% ни титул миллат вакиллари ташкил этади. Бу ўтиш даври шароитида ички ҳамжиҳатликни таъминлашнинг мухим омилидир.

Умуман олганда, ўзбеклар Марказий Осиёдаги энг кўп сонли миллат ҳисобланади. Ўзбекистондан ташқарида етти миллионга яқин ўзбек яшайди. Шулардан уч ярим миллиони Марказий Осиёнинг собиқ совет республикаларида истиқомат қилади. Бу мамла-

катларнинг ҳар бири ўзбеклар гуж бўлиб яшайдиган муайян ҳудудларга эга. Тожикистонда аҳолининг 25%, Қирғизистонда - 15%, Туркманистонда - 10%, Қозоғистонда - 3% га яқинини ўзбеклар ташкил этади. Турли баҳолашларга кўра, Афғонистонда 2-2,5 миллион ўзбек яшайди.



### Ўзбекистон ва унга чегарадош давлатлар

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёning бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, мухим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақাসининг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёning ўртасида, қоқ марказида жойлашганлиги айнан шу ҳолат билан белгиланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачондир мавжуд бўлган ва давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизацион таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган. Бу шаҳарлар асрлар давомида Марказий Осиёда ва Евросиёнинг бошқа ҳудудларида ислом таълими, илоҳиёти ва диний раҳбариятининг марказлари бўлиб келган.

Нихоят, Ўзбекистон минтақада энг ривожланган иқтисодий салоҳият, коммуникациялар инфратузилмаси ва малакали меҳнат ресурсларига эга. У шунингдек табиий ресурсларга ҳам бой ўлқадир. Бу ресурсларнинг аксарияти ўз кўрсаткичларига кўра бетакрордир. Экспертларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 50 номдаги минерал ресурслар қазиб олинади. Уларнинг баҳоланган қиймати 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда (қазиб олиш бўйича еттинчи ва захираси бўйича тўртинчи ўринда) туради. Ўзбекистонда рангли металларнинг қирқقا яқин кони бор. Олтиннинг баланс захиралари 5,3 минг тоннани ташкил этади. Ўзбекистон мис ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг пешқадам ўн мамлакати қаторига киради. У кумуш, рух, қўроғшин ва вольфрам захиралари бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллади.

Мамлакат анча катта энергетик салоҳиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, текширилган табиий газ захиралари мамлакат эҳтиёжларини 30 йилга, нефть захиралари эса - 25 йилга қоплади. Ўзбекистон ҳудудида умумий захиралари тўрт миллиард тоннадан кўпроқ бўлган 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Конденсацияланган газ захиралари 630 миллиард тоннани, табиий газ захиралари эса - 5,5 триллион кубометтри ташкил этади. Аниқланган кўмир захиралари 2 миллиард тоннадан ортиқ.

Ўзбекистон пахта етишириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Ушбу стратегик хом ашёни экспорт қилишида Ўзбекистон жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистоннинг минтақадаги ролини таҳлил қиласуриб Президент И.А.Каримов унинг дунёдаги энг бой мамлакатлар сафига кириши бу ердаги қулай иқлим,nihоятда катта минерал-хом ашё ресурслари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг катта захиралари мавжудлиги билан боғлиқ деб таъкидлаган эди. «Марказий Осиёда жўғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон, - деб ёзган эди у, - кучлар тенглиги ва мувозанатини

таъминлаш, стратегик мұхим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга». <sup>1</sup>

Кўрсатилган омиллар мажмуи Ўзбекистоннинг минтақадаги нафақат мавқеини, балки Марказий Осиёдаги ҳолат учун унинг алоҳида масъулиятини ҳам белгилайди.

Юқорида зикр этилган демографик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра, бу мамлакат минтақадаги ҳар бир давлат ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишидан кўпроқ даражада манфаатдордир. Кўп жиҳатли минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиши аввало Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Айни вақтда, айнан Ўзбекистон ўз ўрни ва мавқеига кўра Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларининг боришига ҳаммадан кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин.

## **Минтақа мамлакатлари ички ривожланиши ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари**

### **Қозогистон**

Қозогистон майдонига кўра жаҳоннинг тўққизинчи йирик мамлакатидир. У бутун Фарбий Европага тенг майдонни эгаллади. Лекин аҳолисининг сони жиҳатидан Қозогистон жаҳонда 57-уринда турорди (15,1 миллион киши). Аҳолининг зичлиги Ўзбекистондагидан 10 баравар кам бўлиб, бир квадрат километр майдонга 6 тадан камроқ киши тўғри келади. Мураккаб демографик жараёнлар рўй бериши, чунончи, бир миллионга яқин немислар ҳамда русизабон аҳолининг бир қисми ўз тарихий ватанига қайтиши натижасида мамлакат аҳолисининг умумий сони 1989 йилдагига нисбатан қарийб 1,5 миллион кишига камайди. Айни вақтда, титул миллат - қозоклар мамлакатда аниқ кўпчилик - 60% ни ташкил эта бошлади. Ҳолбуки, 1989 йилда қозоклар бу ерда атиги 45% ни ташкил этар эди. Бунга бошқа мамлакатларда яшайдиган этник қозоклар - оралманларнинг ўз ватанига қайтишини рафбатлантириш сиёсати ҳам ўз ҳиссасини кўшди.

Қозоклар кўчманчи ҳалқ бўлиб, тарихан яйловлар қидириб, жойдан-жойга кўчиб яшаганлар. Бу қабилаларнинг уч асосий бирлашмаси - жузлар ўртасида рақобат учун асос бўлган. Бунинг натижасида ҳозирги Қозогистон ҳудудини Россия империяси томо-

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликга тоҳид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 228-б.

нидан истило қилиш ҳам ихтиёрий қўшилиш, ҳам босиб олиш эвазига амалга оширилган. Кичик Жуз ҳамда Ўрта Жузнинг бир қисми 1730 ва 1740 йиллардаёқ Россия билан ўз паноҳига олиш тўғрисида шартнома тузганлар, энг обрўли Катта Жузнинг ҳудуди эса чор қўшинлари томонидан 1860-йилларда босиб олинган. Қозоқларнинг жузларга бўлуниши унсурлари тадқиқотчилар томонидан ҳозиргача қайд этилади.

Қозоғистон ҳудудини Россия империяси томонидан ўзлаштириш жараёни бир томондан бу ерга славян миллатига мансуб аҳолининг кўчирилиши, иккинчи томондан эса - кўчманчи чорвадорлар анъанавий хўжалик юритиш тизимининг вайрон қилиниши билан тавсифланади. Бу XIX аср охиридаёқ миллий озодлик ҳаракатининг вужудга келишига ва қозоқлар ўзлари туғилиб ўсган жойлардан оммавий равишда бош олиб чиқиб кетишига сабаб бўлди. Иммигрантлар оқими 1920-1930-йилларда, колективлаштириш, яъни колхоз тизимини жорий қилиш йилларида ҳамда ўтрок турмуш тарзини мажбурий жорий этиш сиёсати даврида айниқса кучайди. 1950-йилларда қўриқ ерларни ўзлаштириш кампанияси ҳам чукур из қолдирди.

Натижада Қозоғистонда жузлар билан бир қаторда яна бир бўлуниш юз берди - асосан русийзабон аҳоли яшайдиган Шимол билан маҳаллий аҳоли яшайдиган Жануб фарқлана бошланди.

Мустақилликка эришилганидан сўнг Қозоғистон раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда манфаатлар мувозанатини сақлаш учун юқорида зикр этилган ҳолатларни ҳисобга олишга мажбур бўлди.

Қозоғистон иқтисодиёти анча тез суръатларда ўсиб бормоқда. Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) маълумотларига кўра, нефть нархларининг ошиши, инвестициялар келиши ва ички ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2004 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 9,4% га ошишини таъминлади.<sup>1</sup> 2000 йилда Қозоғистон Халқаро валюта жамғармасига барча қарзларини муддатидан етти йил олдин тўлаб бўлган биринчи собиқ совет республикаси бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, молия тизимининг ислоҳ қилиниши ва нефть-газ саноатининг ривожланиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг бош омиллари ҳисобланади. Қозоғистон нефть қазиб олиш ҳажмини ошириб бормоқда. Ҳозирда у йилига 50 миллион тоннадан ошиб кетди. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида мазкур хом ашё нархларининг ошиши мамлакат валюта тушумларининг кўпайишига сабаб бўлди. Масалан, 2004 йилда мамлакатнинг олтин-валюта захиралари бирданига 5,7 миллиард долларга кўпайди ва 14,3 миллиард долларга

<sup>1</sup> Asian Development Outlook 2005. Asian Development Bank. 2005, p.170.

етди.<sup>1</sup> Тенгиз (захиралари - 7 млрд. баррел), Қорачағаноқ (8 млрд.), Кашаган (7-9 млрд.) конлари Қозогистоннинг асосий углеводородли хом ашё манбаларидир. Мамлакат ҳар йили 17 миллион тонна ғалла етишидири ва жаҳон бозоридаги йирик ғалла экспортчила-ридан бири ҳисобланади.



Қозогистон ва унга чегарадош давлатлар

Қозогистон Евросиёning икки буюк давлати - Россия ва Хитой ўртасида жойлашганлиги мамлакат ташки сиёсатининг хусусияти ва мазмунига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Унинг геостратегик ўрни, улкан ҳудуди, шунингдек СССР парчаланганидан сўнг бу ерда 108 та СС-18 қитъалараро ракетаси қолганлиги Қозогистонга ҳалқаро ҳамжамият жиддий эътибор беришига сабаб бўлди.

### *Кирғизистон*

Асосан тоғли мамлакат ҳисобланган Кирғизистонда 5 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Улардан ташқари энг йирик миллий

<sup>1</sup> Asian Development Outlook 2005. Asian Development Bank. 2005, p.171.

гурӯхлар асосан жанубда яшайдиган ўзбеклар (15%) ва мамлакат шимолида яшайдиган руслар (9%)дир. Демографик омиллар, ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида Қирғизистон сиёсий жиҳатдан ўзаро ракобатлашувчи икки минтақага бўлинганлигини кўриш мумкин. Булар: нисбатан ривожланган саноат ва руслашган аҳолига эга шимол ҳамда асосан қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланадиган, турмуш тарзи анъанавийроқ бўлган, географик жиҳатдан Фарғона водийсининг таркибий қисми ҳисобланган Жануб.

Қирғиз халқи кўчманчи халқлар тоифасига мансуб. Ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида у ҳозирги Монголиянинг шимоли-шарқий ҳудудларидан Сибирга, Енисей дарёси атрофига кўчиб келди ва XV-XVI асрлардагина ҳозирги Қирғизистон ҳудудига келиб жойлаши. Қўқон хонлиги назорати остида бўлган қирғизлар унинг тақдирини баҳам кўрдилар ва 1876 йилда чор Россияси томонидан босиб олиндилар. Анъанавий турмуш тарзининг бузилишига қарши бўлган қирғизлар миллий озодлик ҳаракатида, бир қанча қўзғолонларда иштирок этдилар. Қирғизларнинг бир қисми Афғонистон ва Хитойнинг тоғли ҳудудларига бош олиб кетди.



Қирғизистон ва унга чегарадош давлатлар

Қирғизистон мустақиллікка әришиши унинг Иттифоқ ички хұжалык комплексига бүткүл боғлиқ бүлгап иқтисодиети учун жиддий синов бўлди. Бозорлар ва таъминотчиларнинг йўқолиши, салмоқли нефть ва газ захиралари, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларнинг йўқлиги ишлаб чиқариш ҳажмлари тушиб кетишига олиб келди. 90-йилларнинг бошида Қирғизистон ўз иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан собық СССР мамлакатлари орасида, уруш натижасида вайрон бўлган Арманистон, Озарбайжон ва Тожикистанни ҳисобга олмагандан, охирги ўринда эди. Моҳият эътибори билан, мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг 45% ни ташкил этувчи Қумтор олтин кони мамлакат валюта тушумларининг ягона ички манбаига айланаб қолди.

Шу шароитда мамлакат раҳбарияти либерал ислоҳотлар йўлини танлаш ва Халқаро валюта фонди сиёсатини олиб боришга қарор қилди. Ташқи кучлар, шу жумладан ҳорижий ноҳукумат ташкилотлар мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатишга қодир бўлдилар. 1998 йилда Қирғизистон собық Иттифоқ ҳудудидаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб Жаҳон савдо ташкилотига қабул қилинди.

Лекин, қирғизистонлик бир қанча эксперталар тан олишича, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши натижасида нисбатан рақобатбардош бўлган чет эл маҳсулотларига йўл очилди ва маҳаллий саноат кучли зарба остида қолди. Мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юқори бўлиб қолаётир. Коррупция мамлакатнинг энг кескин муаммоларидан бирига сийланди. Ушбу иллат кўламишининг кенгайиши натижасида ҳукумат 2004 йилда маҳсус Коррупцияга қарши кураш дастурини қабул қилишга мажбур бўлди. Давлат ҳокимиятининг заифлашуви шунга олиб келдики, асосий наркомаршрутлар Қирғизистон ҳудудидан ўта бошлади.

Титул миллат - қирғизлар мамлакатда яшайдиган халқлар орасида энг кам таъминланган гурухга айланаб қолганлиги ҳам ижтимоий вазиятга ўз таъсирини кўрсатди. ОТБ маълумотларига кўра, ЯИМ кўрсаткичи аҳоли жон бошига 330 долларни ташкил этувчи Қирғизистон жаҳоннинг энг қашшоқ мамлакатлари қаторига киради.<sup>1</sup>

Юқорида кўрсатилган омиллар шунга олиб келдики, 2005 йил мартда кескин сиёсий ва иқтисодий танглик шароитида Президент А.Ақаев ҳокимияти емирилди. Янги раҳбариятга кескин ижтимоий-иктисодий муаммолар мерос бўлиб ўтди. Бугунги кунда унинг вазиғаси айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига зид ўларок, Қирғизис-

<sup>1</sup> Asian Development Outlook 2005. Asian Development Bank. 2005, p.33.

тон «*failed state*»м яьни мустақил ривожланиш истиқболларига эга бўлмаган лаёқатсиз давлат эмаслигини исботлашдан иборат.

### **Тоҷикистон**

Худуди жиҳатидан Марказий Осиёнинг энг кичкина мамлакати бўлган Тоҷикистон айнан худудий аҳамиятга молик катта ички муаммоларга эга.

Тоҷикистон тизма тоғлар билан қопланган мамлакат бўлиб, худудининг ярми дengiz сатҳидан 3,000 метрдан ортиқ баландликда жойлашган. Шундай қилиб, Тоҷикистон иктисадий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи иккى географик омил - худуднинг тоғлилиги ва анклавлиги, яьни дengиз портларидан ажralганликни ўзида мужассамлаштирган. Кўшни мамлакатлар билан транспорт коммуникациялари ташқи бозорлар билан фаол алоқа қилиш учун



Тоҷикистон ва унга чегарадош давлатлар

етарли даражада ривожланмаган. Боз устига, ҳатто мамлакатдаги айрим минтақалар билан барқарор алоқа қилиш имконияти ҳам мавжуд эмас. Масалан, қиш ойларида Тожикистоннинг катта қисмини ташкил этувчи Бадаҳшонга Душанбе томондан йўл деярли тўсилади.

Мамлакатда яшайдиган етти миллион аҳолининг тўртдан бир қисмини этник ўзбеклар ташкил этади. Тожиклар орасида нафакат яшаш жойига, балки тили ва динига қараб ҳам ажратиш мавжуд. Помирликлар тили текисликда яшайдиган тожиклар тилидан анча фарқ қиласди ва улар шиаларнинг исмоилийлик мазҳабига мансуб. Умуман олганда, тўрт асосий минтақавий гурух - Кўлоб, Хўжанд, Гарм ва Помир ўртасидаги рақобат доим мамлакат сиёсий ҳаётидаги кучли омиллардан бири бўлган.

Салмоқли табиий ресурсларнинг йўқлиги шунга олиб келдики, мустақил ривожланиш йўлига Тожикистон сабиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ мамлакат сифатида қадам қўйди. Ҳатто 2004 йилда, бир неча йиллик барқарор ривожланишдан сўнг ҳам бу ерда ЯИМ кўрсаткичи аҳоли жон бошига атиги 269 долларни ташкил қиласди. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Бошқача қилиб айтганда, ялпи маҳсулот кунига бир доллардан ҳам кам бўлган.<sup>1</sup>

Ушбу омиллар Тожикистонда сиёсий исломизм вужудга келиши билан 90-йилларнинг бошида қуролли мажарога сабаб бўлди. Фуқаролар уруши 40 мингдан ортиқ кишининг ёстигини қуритди. Мамлакатда яшаган 400000 русийзабон аҳолидан атиги 25000 киши қолди.

1997 йилда урушаётган тарафлар ўзаро муросага келдилар. Тожикистон сабиқ Иттифоқ ҳудудида сиёсий жараёнда муҳолиф куч сифатида иштирок этишга ислом партиясини кўйган биринчи мамлакат бўлди. Бу 1999 йилги сайловда рўй берди.

Сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлашуви Тожикистонда юқорида қайд этилган фундаментал мұаммоларни ҳал қилмади. Кенг миқёсда гиёхвандлик моддалари этишириш ва наркотрафик мамлакатнинг жиддий мұаммосига айланди. Юз минглаб тожиклар иш қидириб мамлакат ҳудудини тарк этдилар.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши жанубий йўналишда транспорт коммуникациялари ривожланишига имконият яратди. Ҳалқаро ҳамжамият ёрдамида Панҷ дарёси устида кўприк қурилиши бошланди. Тожикистон электр энергиясини сотиш ҳисобига валюта тушумларини жалб қилиш учун ўз гидроресурсларидан янада фаолроқ ғойдаланишга умид қилмоқда.

<sup>1</sup> Asian Development Outlook 2005. Asian Development Bank. 2005, p.177.

## *Туркманистон*

Туркманистон майдони жиҳатидан Марказий Осиёда иккинчи ўринда туради. Лекин мамлакат майдонининг 90% ни Қорақум саҳроси эгаллади. Туркманистон минтақа мамлакатлари орасида энг кам аҳоли яшайдиган мамлакат. Унда беш миллиондан камроқ аҳоли яшайди. Энг йирик миллий гурухлар - ўзбеклар ва руслар.

Мамлакатдаги сугориладиган ерларнинг ярмига пахта экиласди. Туркманистон пахта етиштиришда дунёда пешқадамлик қилувчи ўн мамлакат қаторига киради.

Газ саноати мамлакат иқтисодиётининг бош сектори ҳисобланади. Туркманистон табиий газ захиралари жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринни эгаллади. Лекин унинг асосий геоиқтисодий муаммоси жаҳон энергетика бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг йўқлигидир. Натижада туркман газини сотиш Россия, Украина, Грузия товарларининг етказиб берилиши ва валюта билан ҳақ тўлашни ўзида мужассамлаштирган мураккаб схемаларга асосланмоқда.

Мамлакат ўз ташқи сиёсатида «позитив нейтралитет» йўлини тутмоқда.



Туркманистон ва унга чегарадош давлатлар

## **Афғонистон - Марказий Осиёning узвий қисми**

Мұхым геосиёсий чорраҳада жойлашган Афғонистон жуда мұркаб тарихга әга. 1746 йил Дурронийлар сулоласи даврида алоҳида давлат сифатида вүжудға келген Афғонистон мұттасил равиша ташқи күчлар тажовузи ва ички низолар обьекти бўлиб келди. XX асрда Афғонистоннинг барча ўн бир давлат бошлиги фитна ёки тўнтаришлар натижасида ҳокимиятдан маҳрум қилинди. Уларнинг олтитаси қатл этилди. Айни вақтда 1933 йил таҳтга ўтирган Афғонистон қироли Зокиршоҳ ҳозирги замон монархлари орасида энг узоқ вақт - 40 йил давлатга раҳбарлик қилди. У ҳукмронлик қилган давр мамлакатда барқарорлик даври бўлди. Зокиршоҳ 30 йил давом этган қувфиндан сўнг 2002 йил Афғонистонга қайтиб келгач, «Миллат Отаси» фахрий унвони берилди.

Афғонистон 1979 йил бу ерга совет қўшинлари бостириб кирганидан сўнг ер куррасининг «қайноқ нуқтаси»га ва жаҳоннинг етакчи күчлари тўқнашган жойга айланди. Зўравонлик йўли билан ўрнатилган ижтимоий-сиёсий тузумни қабул қилмаган ағон халқининг 10 йил давом этган қаҳрамонона курашидан сўнг совет қўшинлари мамлакатни тарқ этишга мажбур бўлди. Босқинчиларга қарши биргаликда кураш олиб борган «мужоҳидларжонинг турли гуруҳлари ҳокимият масаласида ўзаро тил топа олмадилар ва натижада янги уруш - фуқаролар уруши бошланди. Тартибсизлик ва ҳокимиятсизлик шароитида ташқи күчлар иштироқида Афғонистонда яна бир куч - шариат қонун-қоидаларига асосланган тартиб ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйған «Толибон» ҳаракати вүжудға келди. Толиблар эгаллаган ҳудуд тез орада бутун дунё радикал экстремистлар манзилига айланди. Афғонистон халқаро терроризм маркази бўлиб қолди.

2001 йил 11 сентябрдан кейин АҚШ ва алсилтеррористик коалициянинг бошқа аъзолари «Давом этайдын озодлик» операцийини бошладилар ва тез орада «Толибон» ҳаракатининг асосий күчларини ва Афғонистондаги халқаро терроризм марказларини тор-мор қилдилар. Лекин урушда ғалаба қилиш билан бир вақтда тинчликни бой бермаслик керак эди. Халқаро коалиция ва Ҳамид Карзай ҳукумати ҳануздагача жиддий муаммоларга тўқнаш келмоқдалар. Мамлакат ер юзидағи энг қашшоқ мамлакатлардан бири ҳисобланади. Аҳолининг учдан иккى қисми даромадлари кунига 2 долларга етмайди, болалар ўлими туғилган ҳар 1000 гўдакка 166 тани ташкил этади.

Гиёхвандлик моддалари етишириш ҳажмлари ўсиб бормоқда. Бу саноат мамлакатда марказлашган ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига очиқ ёки яширин тарзда қаршилик кўрсатаётган маҳаллий

раҳбарларнинг асосий молия манбаси ҳисобланиб келган эди. Турли этник ва диний гурӯҳларнинг манфаатларини қондириш муаммоси Афғонистон тақдиди учун мухим муаммолардан биридир. Ҳарбий қарама-қаршилик йилларида уларнинг ҳар бири алоҳида гурӯҳга ўюшиш, сиёсий амбицияларга эга бўлган ўз раҳбарларини илгари суришга муваффақ бўлди. Шу гурӯҳларнинг манфаатлари ва уларнинг раҳбарлари шахсий амбицияларининг мувоззанатини таъминлаш Афғонистон раҳбарияти олдида турган энг оғир вазифалардан биридир.

Халқаро коалицион кучлар ва марказий ҳукуматга қарши террорчилик ҳаракатлари ҳам тўхтамаяпти. Ўз-ўзидан равшанки, бу бир қарашда спорадик тадбирлар ўюшган, мувофиқлаштирилган хусусиятга эга. Қаршилик кўрсатаётган кучларнинг базалари қўшни Покистон ҳудудида жойлашгани ва уларни тор-мор қилиш қийинлиги муаммони янада чуқурлаштирум оқда.

Айни вақтда, Афғонистондаги вазиятнинг нормаллашуви жараёни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширила бошлианди, йўллар, кўприклар, электр



Афғонистон ва унга чегарадош давлатлар

узатиш тармоклари қурилмоқда. Миллионлаб кишилар ватанига қайтмоқда, бу билан улар мамлакатнинг келажагига ишонишини намойиш этмоқда ва Кобулдаги ҳозирги ҳукуматни ёқлаб «ёёклари билан овоз бермоқда». 2004 йил ўтказилган биринчى эркин президент сайлови мамлакат тарихида мұхим воқеа бўлди.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар Афғонистон Марказий Осиёнинг узвий қисми эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Геосиёсий нуқтаи назардан бу ерда Афғонистон учун ҳам, минтақанинг бошқа мамлакатлари учун ҳам мұхим аҳамиятга эга бўлган муштарак жараёнлар ва тенденциялар рўй бермоқда. Бунинг исботи тариқасида Афғонистондаги можарони тартибга солишига халқаро ҳамжамиятни жалб қилишда мұхим рол ўйнаган тузилма - 6+2 гурӯҳининг энг фаол аъзолари Марказий Осиё мамлакатлари -Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон бўлганини эслашнинг ўзи кифоя деб ўйлаймиз. Ушбу гурӯҳнинг моҳият эътибори билан инаугурацион анжумани 1997 йил Тошкентда бўлиб ўтди. 90-йиллар охирида қувғинда бўлган афғон арбоблари - қирол Зокиршоҳ тузган «Рим гурӯҳи» съзолари Ҳамид Карзай, энг обрўли ҳарбий командирлардан бири Абдулҳақ Тошкентда маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатига қарши кучларни бирлаштиришда мұхим омил бўлди. 2001 йил 11 сентябрь воқеасидан сўнг халқаро терроризмга қарши иттифоқнинг шаклланишида Афғонистон билан чегарадош бўлган Марказий Осиё мамлакатлари, аввало Ўзбекистон мұхим рол ўйнади. Бу мамлакатлар толиблар тузумини ва «Ал Қоида» террористик ташкилотининг Афғонистондаги тармогини тор-мор келтирган ҳарбий кучлар ҳаракатининг ягона зонасига айланди. Афғонистон қироли Зокиршоҳ 2002 йил бошида 30 йиллик қувғиндан сўнг ўз ватанига айнан Тошкент орқали қайтиб келди. Бу иккала мамлакат ҳам бир геосиёсий маконга мансублигининг ўзига хос рамзи бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон делегацияларининг таклифига кўра 2002 йил декабрда Порто шаҳри (Португалия)да Афғонистонга Ҳафғизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг ҳамкори мақоми берилди. Ўзбекистон раҳбариятининг таклифига кўра Ҳамид Карзай 2004 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган саммитида иштирок этди. Буларнинг барчаси Афғонистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида рўй берадиган жараёнлар доирасига жалб қилинганилигидан далолат беради.

Масаланинг иқтисодий жиҳати шунда намоён бўладики, Афғонистонда вазият нормаллашганидан сўнг унинг Марказий Осиёданги бошқа мамлакатлар билан товар муомаласи ҳажми кескин

ошди. Тарихан шаклланган кучли омиллар ўз таъсирини кўрсатиб, сўнгги даврда вужудга келган сунъий тўсиқларни бартараф этди. Ўша заҳоти Марказий Осиёни Форс кўрфази ва Ҳинд океани портлари билан Афғонистон ҳудуди орқали боғлайдиган транспорт йўлаги барпо этиш foяси туғилди. 2003 йил июнидаёқ Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон президентлари Техронда шу масала юзасидан қўшма Шартномага имзо чекдилар. Жаҳон ҳамжамияти Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами тариқасида юборган юкларнинг катта қисми бу ерга Ўзбекистоннинг Термиз порти орқали келди.

Кун тартибида Марказий Осиё газини жаҳон бозорига олиб чиқувчи қувур йўлларини Афғонистон орқали ўтказиш масаласи турибди. Халқаро молия институтлари Марказий Осиёда, шу жумладан Афғонистонда инфратузилма лойиҳалари дастурларини ишлаб чиқмоқдалар ва амалга ошироқмоқдалар. 2004 йил Ўзбекистон таклиф қилган ва минтақанинг бошқа мамлакатлари қўллаб-қувватланган Марказий Осий Умумий бозори концепциясида Афғонистонга ушбу лойиҳанинг узвий қисми сифатида қаралиши қайд этиб ўтилгани бежиз эмас.

Халқаро аҳамиятга молик таҳдидлар ва *хавфсизлик муаммолари* ҳам шубҳасиз умумий хусусиятга эга. Марказий Осиёнинг наркобизнес билан шугуулланадиган барча корчалонларини бирлаштирувчи ва Афғонистонда гиёҳвандлик моддаларини кенг миқёсда етиштиришга асосланган наркобизнеснинг ягона тармоғи бунинг ёрқин далилидир. Бу оғатни бирон-бир мамлакат ёлғиз енга олмайди. Муаммонинг ёчими бутун минтақа мамлакатлари баҳамжиҳат ҳаракат қилишини тақозо этади. Минтақада экстремистлар ва террорчилар ташкилотлари ўртасида алоқа ва ўзаро ёрдам йўлга қўйилганлиги ҳам шубҳасизdir. Ўзбекистон Ислом Ҳаракатининг асосий кучлари айнан Афғонистон ҳудудида жангари гуруҳларга бирлашгани ва ўқитиб-ўргатилгани тасодифий ҳол эмас.

Географик, этно-лингвистик ва маданий жиҳатлар Афғонистонга Марказий Осиёнинг узвий қисми сифатида қараш имконини берувчи муҳим омиллар ҳисобланади. Минтақа мамлакатларини умумий фойдаланишдаги дарёлар, ягона тизма тоғлар бирлаштиради. Афғонистон аҳолисининг катта қисмини Марказий Осиё давлатларининг титул миллатлари ҳисобланган этник гуруҳлар - тожиклар (Афғонистон аҳолисининг 27%), ўзбеклар (10%) ва туркманлар (3%) ташкил этади.

Буларнинг барчаси Афғонистонни Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан бир давлатга бирлаштирувчи омиллар тизимини ташкил қиласди.

## **XXI аср бошида Марказий Осиёдаги янги геосиёсий бурилиш**

XXI аср бошида Марказий Осиёнинг геосиёсий ривожланишида янги, ўйниллик ичида иккинчи йирик бурилиш рўй берди. Минтақа тақдиридаги биринчи оламшумул бурилиш бу ерда беш мустақил давлат ташкил топиши ва Марказий Осиё халқаро ҳаёт соҳасига мустақил субъект сифатида қайтиши билан боғлиқ бўлган эди. Янги бурилиш дунё тараққиётида минтақа роли ва аҳамиятининг кескин ўзгариши билан боғлиқ.

Ўтган ўйниллик давомида минтақанинг муҳимлиги ҳақида кўп гапирилди, аммо иш умумий декларациялардан нарига ўтмади. Кўпгина зийрак сиёсатчилар минтақа аҳамиятининг салоҳиятини ҳис этган бўлсалар-да, жаҳондаги асосий воқеа-ҳодисалар ушбу ҳудуддан анча узоқда рўй берди. Нафсилаамбрини айтганда, Марказий Осиё жаҳоннинг етакчи кучлари манфаатлари доирасидан четда қолиб келди. Минтақадаги жараёнларда амалда изчил иштирок этиш (*engagement*, бу ерда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик жиҳатдан ҳозир бўлиш (*presence*)га интилиш кузатилмади.

2001 йил 11 сентябрь воқеасидан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Янги тарихда биринчи марта *Марказий Осиё жаҳон ҳамжамиятининг дикъат марказидан ўрин олди*. Минтақанинг геостратегик аҳамиятини англаб етган асосий глобал ва минтақавий кучлар Марказий Осиёга нисбатан узоқ муддатли сиёсатнинг концептуал ёндашувларини ишлаб чиқмоқдалар ва бу ерда ўз манфаатларини илгари суришга ҳаракат қилмоқдалар. Етакчи халқаро сиёсий ва молия ташкилотлари Марказий Осиёга нисбатан маҳсус адресли дастурларни амалга оширмоқдалар.

Марказий Осиёда фарб мамлакатлари ҳарбий миссияларининг вужудга келиши мутлақо янги, улкан геостратегик аҳамиятга молик ҳодиса бўлди. Дастлабки босқичда қатъий белгиланган мақсад - «Толибон» ҳаракати ва «Ал Қоида» тармоғини тор-мор келтириш кўзланган бўлса, кейинчалик унга кенгроқ нуқтаи назардан ёндашила бошланди. Бугунги кунда у мақсади улкан макроминтақанинг ривожланиш мазмуни ва хусусиятини ўзгартиришдан иборат бўлган «Катта Яқин Шарқ» дастурини ҳарбий-сиёсий жиҳатдан таъминлашнинг таркибий қисмидир. Шундан келиб чиқиб, фарб мамлакатлари нинг хеч бўлмаса Афғонистондаги ҳарбий ҳозирлиги қисқа бўлмайди деб тахмин қилиш мумкин.

Ислоҳотлар ўтказиш учун ички муҳит ва ташқи шароитнинг тубдан ўзгариши Афғонистондаги террорчилликка қарши кураш кампаниясининг оқибатларидан бири бўлди. Афғонистон икки ўйниллик давомида минтақа мамлакатлари, аввало Ўзбекистон учун бевоси-

та хавф манбай бўлиб келди. Табиийки, бу Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга маълум даражада салбий таъсир кўрсатди. Минтақа мамлакатлари хавфсизлик масалаларини устун қўйишга мажбур бўлдилар. Хавф-хатарлар ҳанузгача тўлик бартараф этилгани йўқ. Наркоаггрессия ва террорчиларнинг жа нубдан яширинча ўтиб келиш ҳолатлари ҳозир ҳам кузатилмоқда. Бироқ, энг муҳими шундаки, Марказий Осиёда умумий хавфсизлик мустаҳкамланди, минтақани кенг миқёсдаги ҳалқаро қуролли можарога тортишга қодир бўлган ташқи хавф асосан бартараф этилди. Марказий Осиё бу ерда жойлашган мамлакатлар ўртасида ҳарбий тўқнашув рўй бермаган жаҳоннинг оз сонли минтақаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ерда геоиқтисодий шарт-шароитлар ҳам аста-секин ўзгармоқда. Охирги юзийилликда биринчи марта жанубий стратегик йўналишда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Асосий маршрутларни Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлаги орқали йўналтириш нафақат катта иқтисодий наф келтиради, балки янги ташқи сиёсий имкониятларни ҳам туғдиради. Марказий Осиёда муқобил йўналиш, демак, танлаш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг ривожланган транспорт тармоғидан бошқа мамлакатлар ҳам юкларни транзит қилиш учун янада фаолроқ фойдаланмоқдалар. Бу ҳам ҳалқаро муносабатлар соҳасида минтақа мамлакатлари мавқеининг ўсишига кўмаклашади.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари мустақил давлатлар сифатида қарор топдилар деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Боз устига, улар Марказий Осиё теварагидаги геосиёсий рақобат жараёнининг оддий кузатувчиси бўлиб қолмаяптилар, балки минтақа ва ундан ташқаридаги ҳалқаро ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатиш қобилиятини намойиш этмоқдалар. Бу XXI аср бўсағасида Марказий Осиёда рўй берган энг муҳим геостратегик бурилишdir. Минтақанинг демократик, дунёвий йўлдан ривожланиши барқарор хусусият касб этадими? Унинг жаҳон миқёсидаги алоқалар тизимиға мустақил субъект сифатида қўшилиш жараёни чуқурлашиб борадими? Бу саволларга жавоблар Марказий Осиё жамиятлари глобализация талабларига қандай жавоб беришига, минтақавий ҳамкорлик ва интеграциянинг юқори даражасига кўтарилишга қодир ё қодир эмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## **2-БОБ**

### **Глобализация ва минтақавий ҳамкорлик муаммолари**

- ◆ Глобализация жараёни - ижобий ва салбий томонлари.
- ◆ Минтақанинг анклавлиги ва транспорт коммуникацияларининг ривожланиш истиқболлари.
- ◆ Сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.
- ◆ Марказий Осиё Умумий Бозорини шакллантириш - минтақада иқтисодий ҳамкорликнинг бош йўналиши.

### **Глобализация жараёни - ижобий ва салбий томонлари**

«Барча замонларда инсон ўзини тарихий бурилиш даврида яшяяпман деб ҳисоблаган. Тараққиёт нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, у маълум даражада тўғри тахмин қилган. Лекин шундай пайтлар бўладики, бу эврилиш таассуроти янада кучлироқ ва айниқса ўринлироқ хусусият касб этади»<sup>1</sup>, деб ёзган эди француз олими ва мутафаккири Пьер Тейяр де Шарден (1881-1955). «Глобализация даври» ҳақидаги бобни мазкур иқтибос билан бошлаш, бизнинг назаримизда, шу боисдан ҳам ўринлики, Тейяр де Шарден фикрига мурожаат этиш глобализация ҳодисасининг ўзи ҳам, унинг талқини ҳам охирги ўйниллик маҳсулни эмаслигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Айнан Тейяр де Шарден глобализациянинг геометрик образини тавсифлаб берди, уни «жиплашган, ихчамлашган дунё» шаклида ифодалади. Узининг «Инсон феномени» китоби (1948)да де Шарден кишилик жамиятининг эволюцияси «мегасинтез» жараёни эканлигини кўрсатиб берди. Бу жараён тобора тезлашиб боради ва пировард натижада инсониятнинг оммавий жиплашиши (планетизация)га олиб келади. Халқлар ва цивилизациялар ўзаро алоқа ёки иқтисодий боғлиқлик ёхуд руҳий бирликнинг шундай даражасига эришадики, бундан кейин улар фақат баҳамжиҳат тараққий этишлари мумкин бўлади. «Шу пайтгача статик ва қисмларга бўлинадиган дунё ўз геометриясининг уч ўқи устида зоҳир эди. Энди у бир оқимни ташкил этади»<sup>2</sup>, деб ёзган эди у ўтган асрнинг 40-йилларида.

<sup>1</sup> <http://www.agnuz.info/book.php?id=150&url=index.htm>

<sup>2</sup> Қаранг: Тейяр де Шарден П. Феномен Человека. М., 1965.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобализация тушунчаси, унинг моҳияти, асосий кўринишлари, тенденциялари ва оқибатлари теварагидаги мунозаралар сўнгги йилларда нафақат жонланди, балки қизғин тус олди. Нафақат айрим жамиятлар, балки бутун дунё бир-бирига қарши кураш олиб бораётган «глобалистлар» ва «антиглобалистлар»га ажралди.

Айримлар глобализацияни фаровон турмуш, ташлаш ҳуқуқи ва янада кўпроқ эркинлик, яъни кўчиб юриш, тўлиқ ахборот олиш, кўпроқ ҳақ тўланадиган жойларда ишлаш, энг яхши университетларда таълим олиш эркинлиги билан боғламоқдалар. Бошқалар учун эса бу инсониятта таҳдид солувчи, глобал исиш, атроф муҳитнинг ифлосланиши, назоратсиз миграция оқимлари вужудга келиши, ишсизларнинг кўпайиши, анъанавий қадриятларга путур этиши каби муаммоларни туғдирувчи жараёндир.

Хўш, глобализация ўзи нима?

Жаҳондаги ҳозирги тараққиёт жараёнларининг энг таникли тадқиқотчилари асарларида берилган таърифларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкинки, глобализация кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёндир.<sup>1</sup>

Глобализация XX аср охирида бошлангани йўқ. Олимлар охирги 500 йил мобайнида инсоният шу йўлдан изчил ҳаракат қилганини қайд этмоқдалар. Янги Дунёнинг кашф этилиши, ер куррасининг доимий транспорт маршрутлари билан бирлаштирилиши, миграция оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ҳоказолар шакланаётган глобализациянинг босқичлари эди. Ўтган асрнинг охири бу жараён мисли кўрилмаган даражада жадаллашувига олиб келди ва глобализация даври номини олди.

Эндиликда жаҳоннинг чекка ўлкалари ёки хилват бурчаклари мавжуд эмас. Барча минтақалар жаҳон иқтисодиёти ва ягона ахборот майдонининг таркибий қисмларига айланмоқда. Ҳудудлар ва масофалар ўзининг асл маъносини йўқотадиган чегарасиз дунё тушунчаси реал шакл-шамоийл касб этиб бормоқда. Тадқиқотчилар «глобал қишлоқ» (*global village*), «тизимга бирлашган жамият» (*networked society*) тўғрисида сўз юритмоқдалар. Ушбу жараён суръатларининг сифат жиҳатидан янги даражасини таърифлаш учун янги атама - «гипер-глобализация»

<sup>1</sup> Қаранг: T. Friedman, *The Lexus and the Olive Tree*, Straus, New York, 1999; M. McLuhan, *The Global Village: Transformations in World Life and Media in the 21st Century*, New York, 2001; S. Strange, *The Retreat of the State*, Cambridge, 1996; M. Waters, *Globalisation* London, 1995; E. Kofman and G. Youngs, *Globalization Theory and Practice*, London, 1996.

атамаси қўлланмоқдаки, у барча жабҳалар, чунончи: иқтисодиёт, ахборот, молия, одамлар, товарлар, пуллар, фоялар ҳаракати жабҳаларида халқаро алоқалар тезлиги тобора ошиб бораётганини акс эттиради.

Ҳар қандай комплекс ҳодиса сингари, глобализация ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Уларни кўриб чиқмасдан бутун жараён ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Бу глобализациянинг жиҳатларини бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини англатади. Масалан, иқтисодий глобализацияга йўл очиб, ахборот соҳасидаги глобализацияни инкор этиш мумкин эмас.

Глобализациянинг энг муҳим, унинг моҳиятини белгиловчи жиҳатлари қўйидагилардир:

**Фоялар ва маданият соҳасидаги глобализация.** Одатда глобализацияга аввало иқтисодиёт ва ахборот соҳаларида рўй берадиган жараён сифатида ёндашилади. Лекин унинг жиҳатларини кўриб чиқишинайтганда, ғоялар ва маданият соҳасидан бошласак, ўринли бўлади деб ўйлаймиз, чунки глобализация тарафдорлари ва мухолифлари ўртасидаги зиддият чегараси асосан шу ердан ўтади.

Фоялар глобализацияси узок тарихга эга бўлган комплекс жараён. У ягона иқтисодий макондан ҳам олдин вужудга келган. Нафсијамбрини айтганда, жаҳон динларининг барчаси глобализма интилиш руҳи билан суғорилган. Ҳар бир қудратли цивилизация ўз тараққиётининг чўққисида дунё миқёсида ўз тартибини ўрнатишга ҳаракат қилган. Унинг мақсади ўз ички қоида ва меъёrlарини мумкин қадар кенг тарқатиш ва шу тариқа үйғунлик ва тартиб ҳукм сурган янги дунё куришдан иборат бўлган. Фарbdаги кўпгина тадқиқчилар бозор иқтисодиёти, вакиллик, дунёвий демократия, сиёсий плюрализм ва очиқ жамият ғоялари ҳозирги замон глобализациясининг негизидир, деган фикрга қўшилмоқдалар. Уларнинг фикрича, инсоният тарихида биринчи марта Ер куррасида яшовчи кишиларнинг мутлақ кўпчилиги турмуш тарзининг асосий тамойилларини бир хилда тушуна бошламоқдалар. Бу глобализациянинг **ғоявий негизини ташкил** этади.

Бугунги кунда Евросиёда рўй берадиган аёвсиз кураш ғоялар ва мағкуралар қарама-қаршилиги натижасидир. Ўтган аср тарихи Марказий Осиё ҳамда Евросиёнинг қўшни минтақалари тараққиётининг қўйидаги тўрт йўли (концепцияси)дан бирини танлаши мумкинлигини кўрсатди. Булар: социализм, миллатчилик, исломизм ва дунёвий демократия. Одатда, миллатлар ушбу жамиятни сафарбарлаштирувчи ғоялардан бирини етакчи ғоя сифатида, бошқа ғояларнинг айрим элементлари билан бирга қабул қилишлари мумкин. Бошқа варианtlар кузатилгани йўқ.

Ўтган асрнинг ўрталарида социализм Евросиёда кўпчиликка юксак тарақиётга эришиш учун миллат салоҳиятини сафарбар этишга қодир концепция бўлиб туюлган эди. Социализм концепцияси ижтимоий адолат, гурӯхлар ва табақалар манфаатларининг муштарақлиги тамойилларига асосланган жамият қуришнинг фояйи негизи бўлиши мумкин деб тахмин қилинганди. Бугунги кунда социализм фоя сифатида мутлақо лаёқатсизлиги аён бўлиб қолди. Шу боис у жамиятни ўюштиришга, бирлаштиришга қодир бўлган етакчи фоя бўлиб хизмат қила олмайди.

Миллатчилик эса, миллий истиқлол ва мустақил давлатчилик фояси бўлиб, аксинча, асосан ғалаба қилди. Евросиёда янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши унинг кун тартибидаги барча масалалар деярли ҳал қилинганилигидан далолат беради. Шу боис у жамиятни мамлакат келажагини қуришга сафарбар этадиган фояни илгари суришга қодир эмас.

Исломизм, ёки жамиятни шариат қоидаларига асосан қуриш концепцияси изоляционизм ва антиглобализм мағкурасидан бошқа нарса эмас. Бу концепция соф кўринишда «Толибон» ҳаракати томонидан Афғонистонда амалга оширилди. Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида исломизм ва антиглобализм экстремистик фояларининг ашаддий тарқатувчиси «Хизб-ут-Тахрир» ташкилотидир.

Марказий Осиё ҳалқлари танлаган тарақиётнинг бош йўли дунёвий демократия ва бозор иқтисодиёти қуриш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2004 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган мамлакат Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида «демократик жамият қуриш йўлидан бизни ҳеч нарса қайтара олмайди», деб таъкидлаб ўтди.<sup>1</sup>

Маданий глобализация соҳасида ҳам шундай аёвсиз кураш кетмоқда. Бу фақат Ислом дунёси мамлакатларида кузатилаётганий йўқ. Ҳатто глобализация фояларининг бешиги бўлган Европада ҳам «маданий империализм» ҳақидаги овозлар тобора баландроқ янграмоқда. Франциянинг собиқ маданият ишлари вазирларидан бири фильмлар ва теледастурлар орқали тарқатилаётган ва жамиятнинг анъанавий қадриятларига путур етказаётган «Кока-кола-Мак-Дональдс-Микки-Маус» маданиятига қарши курашиш зарурлигини қайд этди.<sup>2</sup>

Ислом дунёси мамлакатларида, анъанавий қадриятларни эъзозлашга асосланган жамиятларда эса ўзга маданият унсурларининг

<sup>1</sup> Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005. - 35-6.

<sup>2</sup> B. De Schutter and J. Pas, *About Globalisation* Brussels, University Press, 2004, p.34.

бостириб кириши кишиларда нафақат норозилик уйғотмоқда, балки уларнинг кескин қаршилигига ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу жамиятларда ички ихтилофнинг яна бир йўналиши - ёт маданиятларни муайян даражада қабул қилган кишилар билан уларни хоин ва мунофиқ деб билувчилар ўртасида ихтилоф юзага келмоқда. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, кўр-кўронга «вестернизация», одатда, реакцияга олиб келади - ислом ақидапарастларининг фаоллиги кучаймоқда.

Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси шундан иборатки, глобализациянинг ушбу үнсурини унинг қолган үнсурларидан ажратиб бўлмайди. Иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, чет эл инвестициярининг жалб қилиниши шу жумладан сиёсий, ҳуқуқий, ахборот тизимларининг халқаро андозаларга мослашуви билан белгиланади. Айни вақтда, хорижий бизнес ўзини қулай ҳис этиши учун мамлакатда тегишли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан маданий мухитни ҳам вужудга келтириш зарур. Марказий Осиё давлатлари олдида шу мушкул муаммони ҳал қилиш вазифаси турибди.

### *Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги глобализация.*

Ҳозирги даврда бу шаҳдам қадамлар билан илгарилаётган глобал жараёнлардан биридир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Альберт Эйнштейн: «Инсоният 1945 йилда атом бомбасининг портлатилишини бошдан кечирди, лекин аср охирида у яна бир муҳим портлаш - информацион портлашни бошдан кечиришига тўғри келади», деган эди. Ахборот-технологик инқилоб XVIII аср ўрталарида бошланган саноат инқиlobидан кейинги даврда рўй берган энг оламшумул ҳодиса эканлигини кўпгина мутахассислар қайд этмоқдалар.

Ер юзида бир неча лаҳзада боғланиш мумкин бўлмаган нуқта қолмади. Айни вақтда, одамлар ўзини қизиқтирган ахборотни дарҳол олиш имкониятига эга бўлмаган жой ҳам йўқ. Дунё чиндан ҳам ягона ахборот майдонига айланди. Бу мисли кўрилмаган сиёсий, иқтисодий ва маданий оқибатларга олиб келмоқда. Дунё миқёсидағи ягона ахборот майдони таъсирида янги менталитет, янги тил, янги маданият вужудга келмоқда.

Шу билан бир қаторда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи янги, мисли кўрилмаган хавфлар ҳам пайдо бўлмоқда. Үюшган жиноятчилик, жаҳон терроризми қўлида ахборот хавфли қуролга айланмоқда. Масалан, Интернет қўпорувчилик тадбирлари ташкил этиш бўйича қўлланмага айланиб қолди.

Шу шароитда айрим мамлакатлар ахборот технологияларидан фойдаланишга ҳар хил чеклашлар белгилашни мўлжалламоқдалар. Бу ерда ҳам, ғоявий ва маданий глобализация соҳасида бўлганидек, мамлакатларининг иқтисодий очиқликка интилиши билан улар-

нинг ахборот майдонини назорат қилишга интилиши ўртасида ихтилоф юзага келмоқда. Муаммо шундаки, шаклланаётган жаҳон иқтисодий ва молия бозорлари жаҳон хўжалик алоқаларига тўлиқ миқёсда қўшилишга интилаётган мамлакатлардан ривожланган ахборот-коммуникация тизимиға эга бўлишни талаб қилмоқда. Буни глобализациянинг навбатдаги жиҳати - иқтисодий глобализация мезонларининг тавсифидан кўриш мумкин.

**Иқтисодий глобализация** икки жараён - бозорлар (капитал, меҳнат ресурслари, товарлар ва хизматлар бозорлари) глобализацияси ва иқтисодий шакллар глобализацияси (иқтисодиёт ташкилий тузилмаларининг йириклишуви) мажмудидр.

Технологияларнинг тараққий этиши жаҳон иқтисодий тизими нинг ягона комплекс сифатида фаолият олиб бориш имкониятлари кенгайиши учун шарт-шароит яратди. Фонд бозорлари ва инвесторлар ўртасида узлуксиз электрон трансферт ўрнатилди, жаҳон пул, товар ва хизматлар бозорлари туну-кун ишлай бошлади. Жаҳон савдосига хизмат кўрсатиш учун маълумотлар узатиш электрон тизими (*EDT - electronic data transmission*) ташкил этилди.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 37 000 кўп миллатли корпорациялар (КМК) фаолият олиб бормоқда, улар 170 000 шўйба корхоналарини назорат қилмоқда, жаҳон иқтисодиётига жами 5 триллион АҚШ долларини инвестициялаштирунган.<sup>1</sup> Корпорация ички савдоси - айни бир маҳсулот таркибий қисмларини КМК филиаллари ўртасида етказиб бериш - жаҳон савдосининг қарийб 80% ни ташкил этади.

Ҳамма гап шундаки, КМК ё узлуксиз глобализациялашиши, ё рақобат кураши гирдобида йўқ бўлиб кетиши керак. Кўп миллатли корпорациялар турли мамлакатларнинг қиёсий устунликларидан фойдаланиш ҳисобига мутлак устунликка эришмоқдалар.<sup>2</sup> Улар кўп меҳнат сарфини талаб қиласиган жараёнларни ишчи кучи арzon бўлган жойларда, ишлаб чиқаришнинг юксак технологияларга асосланган қисмини эса - малакали ишчи кучига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган мамлакатларда йўлга қўймоқдалар. Тайёр маҳсулот чиқарадиган корхоналар сотиш бозорлари яқинида ва солик ставкалари паст бўлган мамлакатларда жойлаштирилмоқда.

---

<sup>1</sup> UNCTAD, *World Investment Report 2001*, Geneva, 2001.

<sup>2</sup> Абсолют устунлик - товар ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига эришадиган устунлик бўлиб, бунинг натижасида у маҳсулотни рақиблар билан бир хил нархда сотганда ҳам кўшимча даромад олади; Қиёсий устунлик - товар ишлаб чиқарувчи маҳсулот таннахи нисбатан пастлиги, ихтисослашув туфайли эришадиган устунлик. Давид Рикардо таърифлаб берган қиёсий устунлик конуни халқаро савдо унинг иштирокчиларига кўпроқ наф келтиришини кўрсатади.

Калифорниядаги Силикон Водийси компаниялари ва Ҳиндистон ах-борот-технология компаниялари ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши икки мамлакатнинг иқтисодий устунликларидан узлуксиз фойдаланишнинг ёрқин мисолидир.

Эндилиқда иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва иш жойлари ташкил этишда ҳукуматларнинг роли, олдинги даврлардан фарқли ўлароқ, асосан бошқа мамлакатлардан ўз ҳудудига бой инвесторларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Валюта айирбошлиш бозоридан ҳар куни 1,2 триллион АҚШ доллари ўтади. Ҳалқаро банклараро тизими ва ҳисоб-китоблар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар ҳажми бир кунда 6 триллион долларни ташкил этади. АҚШдаги CHIPS (Clearing House Inter-Bank Payments System)га ўхшаш йирик клиринг ўйлари кунига ўрта ҳисобда 250 000 та пул ўтказувларини амалга оширади, бу пулга ўғиргандা йилига тахминан 315 миллиард долларни ташкил қиласди. АҚШ, Германия ва Япония тўлов тизимларидаги бир неча кунлик муомала ҳажми ушбу мамлакатларнинг йиллик ЯИМ миқдорига тенг.<sup>1</sup>

Тадқиқотчилар (Р.О Брайен)нинг фикрича, бу тенденциялар «география йўқолгани»ни кўрсатади. Технология ҳукми остида ҳудуд ўз аҳамиятини йўқотади. Давлатдан ташқари, муайян ҳукумат назоратидан холи бўлган кўп миллатли молия тизими вужудга келади. Бунинг натижасида ҳокимият марказий банклардан мамлакатларнинг молия ресурсларини биргаликда назорат қилувчи шахслар қўлига ўтади.

Пул энди аксарият ҳолда қўлга олиб бўладиган, нақд нарса эмас. У бойлик ҳақида маълумотни хабар берувчи электрон импульсдир.

Пировард мақсади янги, ҳалқаро миқёсдаги муаммолар ечи мини топишдан иборат бўлган давлатлараро, аввало - минтақавий тузилмалар вужудга келмоқда. Бу энди глобализациянинг навбатдаги жиҳати - геосиёсий глобализация билан узвий боғлиқ.

**Геосиёсий глобализация** икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, одатдаги Фарб-Шарқ ўқи ва Шимол-Жануб конструкциясининг бузилиши билан тавсифланади. Илгари кузатилмаган минтақавий кўп миллатли геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар рўй бераётir.

Жаҳон савдосида тўсиқларни бартараф қилиш, ягона ахборот майдонини ва жаҳон миқёсида коммуникацияларни ривожлантириш фояларини фаол илгари суроётган Янги Шимол вужудга келди. У замонавий технологияларни ривожлантиришда пешқадамлик қилмоқда, молия ресурсларининг тақсимланишини назорат қилмоқда,

---

<sup>1</sup> B. De Schutter and J. Pas, *About Globalisation*, Brussels, University Press, 2004.

моҳият эътибори билан, жаҳон иқтисодий тараққиётининг мазмуни ва йўналишини белгиламоқда.

Кенг кўлами саноат ишлаб чиқариши Шимолий Атлантика минтақасидан Осиё-Тинч океани минтақасига кўчиб ўтмоқда. Бу ерда, Катта Тинч океани ҳалқасининг бепоён кенгликларида жаҳоннинг иккинчи саноат маркази - Янги Шарқ шаклланмоқда.

Шу билан бир вақтда жаҳон иқтисодий тизимининг яна бир муҳим таркибий қисми - Чукур Жануб вужудга келмоқда. У ижтимоий бекарорлик ҳукм суроётган, ҳалқаро хавф ва дунё миқёсидаги муаммоларнинг асосий манбаи бўлган ҳудудларни қамраб олади. Айни вақтда, барқарор иқтисодий тараққиётининг бош манбаи - энергия ресурсларига айнан шу макроминтақа эга.

Дунё тузилишининг янги модели тобора мураккаблашиб, тармоқланиб ва, айни вақтда, ўзаро боғланиб бормоқда. Икки тизим ўртасидаги ихтилоф даврининг барқарорлиги ўрнини «совуқ уруш»дан кейинги тинчлик даврининг бекарорлиги эгаллади. Ҳалқаро ҳаётнинг ноҳукумат, баъзан индивидуал субъектлари катта сиёсий, иқтисодий ва молиявий қудратга эга бўлиши, айни вақтда давлатлар томонидан назорат қилиш дастаклари ва имкониятларининг камайиши пулларнинг ноқонуний муомаласи, қурол-яроғ билан кенг миқёсда савдо қилиш каби хавфлар пайдо бўлишига олиб келди. Коммуникация воситаларининг ривожланиши ва кўчиб юриш эркинлиги ҳалқаро терроризмга қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Хавфсизлик масалалари кун тартибидан «ифлос бомбалар» - терророрчилик ташкилотлари ясаган ва уларга қарашли бўлган атом куроли хавфи ўрин олди.

Бу ерда ҳам, глобализациянинг олдинги жиҳатларида бўлганидек, ҳокимият ва таъсир кучининг давлатлардан муайян шахслар ва ноҳукумат, кўп миллатли тузилмалар қўлига ўтиши бош тенденция бўлиб қолаётир. Ҳудуднинг ҳалқаро ишлардаги ташкилотчилик аҳамияти аста-секин йўқолиб бораётгани ҳам барча жиҳатлар учун умумий муаммодир. Барча соҳалар - одамларнинг кўчиб юриши, алоқа, иқтисодий фаолият ва ҳоказоларда технология ва коммуникацияларнинг тезлиги ҳудуд тушунчасини ихчамлаштириб бораётир. Ҳудудий принципга асосланган бошқарув шакли технологик тараққиёт суръатлари изидан қувиб етолмаяти. Бу сиёсий муносабатларнинг анъанавий равишда ҳудуд омили билан боғланган концепцияси ўзгаришига олиб келмоқда. Пол Виртилио таъбири билан айтганда, «ҳудуд энди географияда эмас, электронлардадир Геосиёсатдан хроносиёсатга ўтилмоқда: ҳудуднинг тақсимланиши вақтнинг тақсимланишига айланмоқда».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Virilio P. *Pure War*. New York, 1993.

Геосиёсий ва геоиқтисодий омиллар йифиндиси глобализациянинг қатъий, ашаддий мухолифларини вужудга келтирмоқда. Турли макроминтақалар ўртасидаги «асимметрик боғланиш»ни кўпгина тадқиқотчилар ҳозирги дунёнинг асосий хусусияти сифатида қайд этмоқдалар.

Янги Шимол, ёки саноати ривожланган дунё, глобализация жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, «менежери» бўлиб қолмоқда. Дунёнинг қолган ҳудудлари кўпинча ушбу жараён субъектлари сифатида намоён бўлаётir. Жаҳон аҳолисининг атиги 15% яшайдиган саноати ривожланган мамлакатлар дунё ресурслари, ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмолнинг 70% ни назорат қилмоқдалар. Фарбнинг 500 йирик корпорацияси дунё бўйича жами товар ва хизматларнинг тўртдан бирини ишлаб чиқармоқда. Шу корпорацияларнинг 300 таси жаҳон иқтисодиётида фойдаланилаётган капиталнинг 25% ни ва дунё миқёсида амалга оширилаётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 70% ни ўз қўлида жамлаган. Агар 1960 йилда аҳоли жон бошига олинган даромаднинг ўзаро нисбати Ер юзидаги энг таъминланган аҳолининг 20% ва энг қашшоқ аҳолининг 20% ўртасида 30:1 ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу коэффициент 74:1 га етди ва бу тафовут муттасил ошиб бормоқда.

Бу ҳодисалар ўткинчими, глобализация жараёнига имманент равишда ҳосми, глобализацияни барча мамлакатлар олдида янги имкониятлар очадиган янада демократик жараёнга айлантириш мумкинми, деган саволлар ҳозирги дунёнинг бош муаммоларидан бўлиб қолмоқда. БМТ Бош Котиби Кофи Аннан шу ҳақда сўз юритиб, «глобализация миллиардлаб кишиларни қашшоқликда қолдирмасдан, Ер юзининг барча аҳолиси учун ижобий кучга айланишига шарт-шароит яратиш бизнинг бош вазифамиздир. Ривожланган мамлакатлар глобализация натижасида катта ютуқларга эришдилар. Бинобарин, улар ушбу жараён барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратишдан манфаатдорлар», деб таъкидлади.

Ҳар қандай ҳолатда глобализация - объектив воқелик, табиий тарихий жараён. Уни на инкор қилиш, на тўхтатиш, на кечикириш мумкин. Унинг мухолифлари - антиглобалистлар Европанинг янги тарихи бўйича яхши маълум бўлган «луддитлар»ни - Англиядага XVII-XVIII асрларда рўй берган саноат инқилоби давридаги машиналарни бузувчиларни эслатади. Маълумки, улар барча ижтимоий кулфатлар машиналар билан боғлиқ, эски, яхши замонларни қайтариш учун уларни бузиш керак, деб хисоблаганлар. Лекин муаммо ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам техника воситаларида эмас, балки уларни

ким бошқараётганлигидадир. Қизиги шундаки, антиглобалистлар глобализацияга қарши «бүтүн дүнё миқёсида кураш» әйлон қилиб, глобализация үз доирасыга ҳатто мухолифларини ҳам жалб қилаётганини беихтиёр намойиш этмоқдалар.

\* \* \*

Глобализациянинг муҳим таркибий қисми - *регионализация* уни орқага қайтмайдиган жараён эканлигини намойиш этмоқда. Иқтиодиёт ва савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадини кўзлаган минтақавий халқаро тузилмалар шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бугунги кунда капиталлар ва савдонинг катта қисми бир неча йирик минтақавий интеграцион тузилмалар - ЕИ, НАФТА, МЕРКО-СҮР, АСЕАН ва бошқалар қўлида жамлангандир. Улар кўп тарафлами сиёсий муносабатларни ривожлантириш, ҳавфсизлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини баҳамжиҳат ҳал қилиш учун ҳам замин яратмоқдалар.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳам бу жараёндан четда қолмасдан, үз минтақавий ташкилотини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу ўринда бир савол туғилади: Марказий Осиё давлатлари жаҳонда рўй берадиган ривожланиш жараёнларини қабул қилишга қай даражада тайёрлар?

Марказий Осиё халқлари глобализация соҳасида тўплаган тажрибанинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида қадимги жаҳон динлари - зардуштийлик ва буддизм вужудга келган. Ҳинд цивилизациясининг ведалар маданияти ҳам Марказий Осиё халқлари тарихида ўчмас из қолдирган. Мовароуннахр (Амударё ва Сирдарё оралиғидаги давлат) тарихан турли цивилизациялар, маданий мегаминтақалар, жаҳон динлари ўзаро алоқа қилган марказ, ўтмишда Евросиёнинг асосий транспорт, савдо ва коммуникация тармоғи - Буюк ипак йўлининг маркази бўлган. У орқали нафақат узлуксиз товар айирбошлаш, балки шу билан бирга билимлар, ғоялар, маънавий кашфиётлар билан ўзаро бойитиш рўй берган.

Мовароуннахр испом цивилизациясининг тараққий этишида ҳам оламшумул рол ўйнаган. Бу цивилизациянинг ривожланиш тарихида глобализациянинг ҳозирги босқичига хос бўлган интеграция жараёнлари кузатилган. Нафсијамбрини айтганда, испом цивилизацияси ўз руҳига кўра доим глобал хусусиятга эга бўлган. Испом дини Атлантикадан Ҳинд океанига қадар чўзилган улкан ҳудудда қарор топганидан сўнг бу ерда умумий қонун-қоидалар билан тартибга

солинадиган ягона иқтисодий, савдо ва маданий-ахборот майдони вужудга келган. Марказий Осиёнинг ҳозирги давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида жойлашган давлат тузилмалари бу майдонда етакчи рол ўйнаганлар. Бу ўзининг улкан салтанати ҳудудида савдо соҳасида барча тўсиқларни бартараф этган Амир Темур ҳамда Темурийлар сулоласи даврида айниқса ёрқин намоён бўлган. Темурийлар даврида Мовароуннар бутун мусулмон дунёсининг умумеътироф этилган илмий, маданий ва маънавий марказига айланди. Мунтазам ҳалқаро мулоқот ва цивилизациялараро алоқа ҳалқ менталитетининг диний бағрикенглик, бошқа ҳалқлар ва маданиятларнинг дунёқарashi ва эришган ютуқларини ўзлаштиришга тайёрлик каби ўзига хос жиҳатлари шаклланишига кўмаклашди.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё ҳалқлари кенг ҳалқаро ҳамкорликда, глобализация жараёнларида иштирок этишга мойиллик ва алоҳида салоҳиятга эгадир. Лекин глобализация жараёнлари жадаллашган даврда улар жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда бир қанча ўзига хос қийинчилкларга дуч келдилар.

Марказий Осиёда янги мустақил давлатлар ташкил топиши ва жаҳон ҳўжалик алоқаларига уларнинг қўшилиши глобализация мисли кўрилмаган суръат касб этган пайтда рўй берди. Бу ҳолат жамият ва иқтисодиёт ҳоёт фаолияти институтлари нисбатан барқарор бўлган бошқа мамлакатлар учун ҳам жиддий муаммолар туғдирди. Боз устига, минтақа давлатлари иқтисодий муносабатларнинг мутлақо янги принципларига мослашишларига тўғри келди. Оддин йўлга қўйилган ҳўжалик алоқаларининг узилиши бу давлатларни бир-бири ва бошқа давлатлар билан ташки алоқаларни жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитларида бутунлай бошидан ўрнатишга мажбур қилди.

Марказий Осиё янги давлатларининг жаҳон иқтисодиётига қўшилишини улар мустақилликни кўлга киритган пайтдаги нокулай иқтисодий шарт-шароитлар ҳам анча қийинлаштириди. Марказий Осиёдаги собиқ совет республикалари умумиттифоқ ҳўжалик комплексига айниқса узвий боғланган ва жаҳон иқтисодиётига камроқ даражада очик эди. 90-йиллар бошида бошқа республикалардан етказиб бериладиган соғ моддий маҳсулот улуши Россияда 15% бўлгани ҳолда, Қозогистонда 39,9%, Тожикистанда - 41,8%, Ўзбекистонда - 43,2%, Қирғизистонда - 50,2%, Туркманистанда - 50,7% ни ташкил этарди. Бунда Марказий Осиё республикалари Иттифоқдан ташқарида амалга оширадиган товар айирбошлиш операциялари Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 45% бўлгани ҳолда, Туркманистанда 10,5%, Тожикистанда эса - 16% ни ташкил қиласарди.

Умумиттифоқ мөхнат тақсимотида Марказий Осиё республикалари хом ашёга ихтисослашганлиги ҳам жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уларнинг қўшилишига монелик қилган салбий омиллардан бири бўлди. Тайёр маҳсулотнинг аксарият қисми бошқа республикалардан етказиб берилган хом ашё ҳисобидан олинар, саноат, қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар яхши ривожланмаган эди.

Шу сабабли Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги муаммоси аввалбошдан таркибий ўзгаришлар, унинг са-марадорлиги, мослашувчанлиги ва жаҳон бозоридаги рақобат-бардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлиб қолди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, минтақа мамлакатлари ўз ривожланиш суръатлари ва дунё миқёсидаги иқтисодий жараёнларда иштирокининг асосий кўрсаткичларига кўра ривожланган мамлакатлардан ҳанузгача анча орқада қолиб келмоқдалар. Масалан, 2001 йилда экспортнинг ЯИМга нисбати Ўзбекистонда 17,3% ни ташкил этди. Холбуки, иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатлар учун бу кўрсаткич тахминан 30-32% ни ташкил этади. 2000 йилда ташки савдо айланмасининг ҳажми республикада аҳоли жон бошига 252 АҚШ долларини ташкил этди, бу АҚШ ва Япониядагидан 27-29 баравар камроқдир. Ўзбекистоннинг халқаро савдодаги улуши ҳам атиги 0,05% ни ташкил этади.

Шундай қилиб, Евросиёнинг марказида, З.Бжезинский таъбири билан айтганда, «бекарорлик ёйи»да дунё миқёсидаги оламшумул ўзгаришлар даврида вужудга келган минтақа мамлакатлари ўз мустақил тараққиёт йўлининг дастлабки босқичида катта синовлардан ўтишларига тўғри келди. Глобализация талабларига жавоб бериш учун улар бир пайтнинг ўзида уч муҳим ички вазифани ҳал қилишлари - ўз давлатчилигини барпо этишлари, мустабид ижтимоий тизим ўрнига дунёвий демократия қуришлари, бўйруқбозлилкка асосланган иқтисодиёт ўрнида бозор иқтисодиётини шакллантиришлари лозим эди. Моҳияттан инқилобий бўлган бу туб ўзгаришлар босқичидан Марказий Осиёнинг барча давлатлари ҳам шикастсиз ўта олмади. Лекин XXI бошига келиб уларнинг барчаси жаҳон миқёсидаги жараёнларда ўз ўрнини излаётган мустақил давлатлар сифатида қарор топди. Минтақавий интеграциянинг ва жаҳон иқтисодий жараёнларида янада фаолроқ иштирок этишнинг зарурлиги Марказий Осиё мамлакатларида умумий эътироф этилган. Лекин бунга бир қанча муҳим омиллар монелик қилиб турибди. Уларнинг асосийси - Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан берклиги, яъни анклавлигидир.

## **Минтақанинг анклавлиги ва транспорт коммуникацияларининг ривожланиш истиқболлари**

Денгиз портларига бевосита чиқиш имкониятининг йўқлиги Марказий Осиёнинг асосий ва кам учрайдиган геоиктисодий муаммосидир. Жаҳонда дengiz йўлларидан узоқда жойлашганлик нуқтаи назаридан бундай ноқулай ҳолатда бўлган бошқа минтақа йўқ. Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган Ўзбекистон учун бу муаммо айниқса долзарб аҳамият касб этади. Хуллас, нафақат Ўзбекистон, балки унинг қўшнилари ҳам очиқ денгизга чиқиш имкониятига эга эмас.<sup>1</sup> Ўзбекистон энг яқин дengiz портидан 3 минг километр узоқда жойлашган дунёдаги ягона мамлакатdir.

Иқтисодиёт дарслукларида қайд этилишича, анклавлик, мамлакат рељефининг тоғлилиги билан бир қаторда, мамлакат иқтисодий ривожланишига монелик қилувчи икки асосий географик тўсиқдан биридир. Тўғри, бу тенденцияларни географик детерминизм нуқтаи назаридан талқин қилиш ҳақиқий ҳолат ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Лекин портларнинг яқинлиги, энг арzon транспорт тури - дengiz транспортидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасида узвий алоқа мавжудлигини тан олмай бўлмайди. Асосий дengiz коммуникация тизимларидан географик жиҳатдан узоқда жойлашганлик тўлақонли савдо-иктисодий алоқаларга тўқсунлик қиласди. Марказий Осиё давлатларига ўхшаган мамлакатларда экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотларни транспортда ташиб харажатлари кўпинча маҳсулот қийматидан ҳам ошиб кетадики, бу экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, зарур, ҳаётий муҳим маҳсулот импортини эса серхаражат қилиб қўяди.

Транспорт имкониятларининг чекланганлиги ва мамлакат равнақи ўртасида алоқа мавжудлигини жаҳон статистикаси ҳам тасдиқлайди.

Жаҳонда географик жиҳатдан берк 35 давлат бор. Шулардан 28 таси «дарё - дengiz» кема қатнови тизими яхши ривожланган Европадан ташқарида жойлашган. Европадан ташқаридаги берк давлатлар орасида энг бойи Ботсванадир. Олмос ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги пешқадам давлатлардан бири бўлган бу давлат аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички даромад даражасига кўра дунёда 47-ўринда туради. Берк мамлакатлар ичida бу кўрсаткич

<sup>1</sup> Жаҳонда дengiz портларига чиқиш имконияти икки мамлакат худуди билан чегараланган яна бир мамлакат бор. Бу - Лихтенштейн. Лекин бу князлик Швейцария ва Австрия ўртасида, Европанинг асосий дengiz портларига олиб чиқадиган Рейн дарёси бўйида жойлашган ва Ўзбекистоннинг геоиктисодий шарт-шароитлари билан уни имкониятларини таққослаб бўлмайди, албатта.

бўйича кейинги мамлакат - Парагвай жуда катта нефть захирала-рига эга бўлиб, киши бошига келадиган ЯИМ бўйича жаҳонда 72-ўринни эгаллади.


Европадан ташқаридаги берк мамлакатлар аҳоли жон бошига оладиган даромад ўрта ҳисобда 1,673 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ҳолбуки, дengiz қирғофида жойлашган Европадан ташқаридаги давлатларда бу кўрсаткич 5,691 минг доллардир. Шуниси қизикки, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам аҳоли жон бошига олинадиган ўртача даромад миқдори 1,6 минг долларга teng.

Халқаро ташки савдо тўлов балансига доир маълумотлар импорт қилинадиган товарлар қийматида транспорт харажатлари улуши географик жиҳатдан берк мамлакатларда икки баравар юқори эканлигидан далолат беради. СИФ нархларида<sup>1</sup> у ривожланган мамлакатларда тахминан 4% ни, ривожланаётган мамлакатларда - 7,2% ни, дengизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда эса - ўрта ҳисобда 14,7% ни ташкил этади. Экспортга нисбатан ҳам шундай манзара кузатилади. Денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар транспорт харажатларини қоплашга экспорт бўйича ўз тушумларининг тахминан 17,7% ни, умуман ривожланаётган мамлакатлар эса - 8,7% ни сарфлайдилар. ЮНКТАД маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт харажатлари аксарият ҳолларда импорт қилинаётган маҳсулотлар қийматининг 60% га етади.

Шу шароитда Ўзбекистон Республикаси, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари қатори, халқаро коммуникациялар тизимини ривожлантириш, муқобил транспорт йўлаклари ташкил этишини ўз миллий манфаатларини таъминлаш стратегиясида биринчи ўринга қўймоқда.

Транспорт йўлаги - оддий темир йўл тармоғи эмас. У транспорт инфратузилмаси билан бир қаторда, ўзаро боғланган ва бир-бирини таъминловчи унсурлар, чунончи: шаҳар агломерациялари, интенсив қишлоқ хўжалиги, саноат ва сервис зоналари, телекоммуникациялар ва молия муассасалари, энергия ва сув таъминоти, меҳнат ресурслари мажмунини ўз ичига олган мураккаб тизимни ташкил этади. Бу, шунингдек, халқаро транспортда юқ ва йўловчи ташишни тартибга солувчи қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг унификация қилинган тизими ҳамdir. Ниҳоят, транспорт йўлагини шакллантириш транспорт тизими - темир йўл излари орасининг кенглиги, юлаш-юқ тушириш операцияларининг кўрсаткичлари ва

<sup>1</sup> СИФ (*Cost Insurance Fracht*) нархи - маҳсулот етказиб беришнинг тўлик нархи бўлиб, товар қиймати, уни суғурта қилиш ва манзилга етказиб бериш харажатларини ўз ичига олади.



ҳоказоларнинг ягона стандартларини жорий этишни назарда туради.

Лойиҳа келажакка йўналтирилган (*forward-looking industry*)<sup>1</sup>, яъни янги корхоналар, ишлаб чиқаришлар ва иш жойлари ташкил этишга мўлжалланган. Шу боис транспорт йўлаги концепциясига нафақат транспорт йўллари лойиҳаси, балки «тараққиёт йўли» дастури сифатида қаралади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон бозорларига чиқиш учун қўйидаги асосий транспорт маршрутларидан фойдаланмоқда:

1. *Владивостокка* (Тошкентдан қайта юклаш портигача бўлган масофа - 8,730 км);
2. *Шанхайга* Хитой ҳудуди орқали (6,195 км);
3. *Мурманскка* (5,652 км);
4. *Санкт-Петербургга* (4,047 км);
5. *Брестга* (4,257 км);
6. *Чопга* (5,280 км);
7. *Одессага* (4,236 км);
8. *Новороссийскка* (3,558 км);
9. *Батумига TRACECA трассаси бўйлаб* (2,950 км);
10. *Истамбулга Эрон орқали* (4,985 км);
11. *Бандар-Аббосга* (3, 885).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, TRACECA<sup>2</sup> стратегик маршрути энг қисқа йўлдир. У Узоқ Шарқ маршрутларидан икки-уч баравар, Болтиқ денгизига олиб чиқадиган маршрутлардан - 1,8-1,3 баравар ва очиқ денгизларга чиқишининг Истамбул ва Бандар-Аббос йўналишларидан тегишинча 1,6 ва 1,3 баравар қисқадир. Муқобил маршрутлар ташкил этиш бўйича асосий умидлар айнан шу йўналиш билан боғланган эди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёning бошқа мамлакатлари ушбу лойиҳани амалга оширишга Европа Иттифоқини жалб қилиш учун унинг тузилмалари билан фаол иш олиб бордилар. Шу соҳада кўп тарафлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини вужудга келтиришга қаратилган бир қанча қўшма ҳужжатлар қабул қилинди.

1996 йил майда Озарбайжон Республикаси Грузия, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Кавказ орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш тўғрисида Серахс шартнома-

<sup>1</sup> «Орқага йўналтирилган саноатлар» (*backward-looking-industry*) ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ривожланиши жамловчи маҳсулотлар етказиб берадиган таъминловчи ишлаб чиқаришларнинг тараққий этган тизимини тақозо этади.

<sup>2</sup> TRACECA (Transport Corridor: Europe-Caucasus-Asia) - Европа Иттифоқининг Европа мамлакатларини Марказий Осиё давлатлари билан Жанубий Кавказ орқали боғловчи транспорт йўлагини ривожлантиришга кўмаклашиш дастури.

си тузилди. Ушбу йўлак Тошкент-Ашгабат-Туркманбоши-Боку-Поти маршрути бўйлаб ўтади ва кейин паром кечуви ёрдамида Қора дengиз орқали Констанца (Руминия) ва Варна (Болгария) портлари гача боради. Шартнома имзоланган пайтдан эътиборан унга Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Болгария ва Руминия қўшилди. Ўзбекистон шу мамлакатларнинг барчаси билан (Туркманистондан ташқари) транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида икки тарафлама битимларни имзолади. Барча мамлакатлар (яна Туркманистондан ташқари) юклар транзитига ҳақ тўлаш учун ўзаро преференциялар тақдим этмоқдалар. Магистралнинг ўтказиш қобилияти кунига 40 жуфт поездни ташкил этадиган темир йўл қисми анча яхши жиҳозланган ва қисман электрлаштирилган.

Шунга қарамай, бу маршрут ҳали Марказий Осиё мамлакатлари учун транспортда юк ташишнинг асосий йўналишига айлангани йўқ.

Каспий денгизидаги узунлиги 298 километр бўлган паром қисми магистралнинг асосий муаммоси бўлиб қолаётир. Бу ерда хозир Озарбайжоннинг ҳар бирига 28 вагон сифадиган 5 пароми ишлаб турибди. Каспий денгизи сатҳининг кўтарилиши Боку ва Туркманбоши портларини реконструкция қилишни тақозо этмоқда. Ҳар хил транспорт турларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ушбу маршрутда харажатлар анча катта, хизмат кўрсатиш сифати эса доим ҳам лозим даражада эмас. Вагонлар ва юк машиналари узоқ вақт кутиб қолиши ҳолатлари учрайди. Кавказдаги танглик ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

1996 йилда Серахс - Машҳад - Тежен темир йўл магистралининг тантанали очилиши «тарихий Буюк ипак йўлининг тикланиши» деб эълон қилинди. Марказий Осиё ва Эрон темир йўл тизимларининг бирлаштирилиши минтақадан юк оқимлари жанубий йўналишга қайта йўналтирилишига олиб келади ва жаҳон бозорларига чиқишга сифат жиҳатидан янги шароитлар яратади, деб таҳмин қилинган эди. Лекин ҳали бундай бўлгани йўқ. Бу асосан темир йўл магистрали Туркманистон қисмининг ўтказиш қобилияти пастлиги билан боғлиқ. Боз устига, маршрут давомида жойлашган барча мамлакатлар ҳам транзит имтиёзларини бермаяптиki, бу ташиш қийматининг қимматлашишига олиб келмоқда. Техник омиллар, аввало вагон кажаваларини алмаштиришга тўғри келадиган чегарадаги темир йўл излари кенглигининг ҳар хиллиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу таомил тўрт соат ва ундан кўпроқ вақтга чўзилмоқдаки, бу юк оқимининг тўхтаб қолишига олиб келмоқда. Европа йўналишида, Туркияга юк ташишда яна бир тўсиқ - Ван кўли орқали 96 километрли паром кечуви дуч келади. Кўлнинг шимолий қирғоги бўйлаб

250 километрли айланма темир йўл қурилиши лойиҳаси мұхокама қилинмоқдаки, у амалга оширилганидан сўнг юк обороти анча ошади.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигининг дастлабки босқичида ғарбий стратегик йўналишда муқобил маршрутларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бердилар. Эндиликда нафақат Европа, балки Осиё мамлакатларига ҳам янги транспорт йўлларини кидирилмоқда. Хусусан, Андижон - Ўш - Иркиштам (ХХР), у ердан Хитойнинг марказий ва шарқий вилоятларига, шунингдек Корея, Покистон, Ҳиндистонга элтувчи транспорт маршрути дол зарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида 1996 йил августда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ўртасида уч тарафлама битим имзоланди. Ўзбекистон ушбу битим шартларини бажариб, Қирғизистон автомобиль йўлларини реконструкция қилишга 30 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфлади.

1997 йил апрелда уч мамлакат - Хитой, Ўзбекистон ва Қозоғистон Тошкентни Ўш орқали Қошғар билан боғлайдиган йўлни реконструкция қилиш тўғрисидаги битимни имзолади. Бу йўл Марказий Осиёни шарқда Хитой, жанубда Покистон ва Ҳиндистон билан боғлайдиган Қорақорум шоссесига туташади.

Бугунги кунда *Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлагини шакллантиришга* энг истиқболли лойиҳа деб қаралмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондан фойдаланилаётган денгиз портларигача юкларни элтиш 20 кунгача ва ундан кўпроқ вақтни олаётган бўлса, ушбу маршрутни ишга тушириш транспортда ташишнинг ўртacha вақтини 1-2 кунгача қисқартириши мумкин. Бу нафақат жаҳон хўжалик алоқаларига Марказий Осиёнинг қўшилиши, балки миңтақа глобал аҳамиятга молик молик икки транспорт йўналиши - Шарқ-Фарб ва Шимол-Жануб йўналишларининг мухим транзит участкасига айланиши учун ҳам улкан аҳамиятга эгадир.

Биринчи босқичда ҳалқаро ҳамжамият Афғонистон автомобиль йўллари тармоғини реконструкция қилиш ва кенгайтиришга эътиборни қаратди. АҚШ, Саудия Арабистони ва Япония ёрдамида «Катта афон ҳалқаси»нинг жанубий қисмини ташкил қилувчи Кобул-Ҷандарғор автомобиль йўлининг қурилиши якунланди. Осиё Тараққиёт банки ҳалқанинг шимолий қисмини ташкил этувчи 600 километрли Мозори Шариф - Ҳирот йўлни тиклашга маблағ ажратди. Ҳиндистон Диломором - Милак участкасининг қурилишини маблағ билан таъминлаш мажбуриятини олди. Ўзбекистон Шимолий Афғонистон ва Кобул ўртасида нормал транспорт алоқасини тиклаш имконини берувчи 11 кўприкни деярли текинга таъмиrlаб берди.



Трансафгон транспорт коридори

Ҳозир күн тартибида Афғонистонда биринчи темир йўлни қуриш масаласи турибди. Бу ҳозиргача бир километр ҳам темир йўлга эга бўлмаган Афғонистон тарихида янги босқич ясаши, айни вақтда, бутун макроминтақа учун улкан геоиктисодий имкониятлар яратиши мумкин. Ҳайратон - Мазори Шариф темир йўл тармоғи (68 км) қурилиши лойиҳасига бу соҳадаги дастлабки қадам деб қарабоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш Марказий Осиёнинг магистрал йўлларини Афғонистон шимолидаги мухим иқтисодий пункт билан туташтириш имконини беради. Бу Афғонистон темир йўллар тармоғи янада кенгайиши, шу жумладан Эрон ва Покистон портлари йўналишида тармоқланишишга пойдевор яратади.

Марказий Осиёнинг углеводородли хом ашёсини Жануби-Шарқий Осиёга етказиш учун қувур йўллари қуриш Афғонистон орқали ўтвчи транспорт йўлагини ривожлантиришнинг учинчи босқичи бўлиши мумкин.

Бу - Марказий Осиёдан дengiz portlariiga мұқобил транспорт маршрутлари ташкил этишининг истиқболли бош йўналишлари. Ҳўш, жаҳон алоқа йўлларининг мухим транспорт бўғинига

айланиш учун минтақа мамлакатлари қандай ишларни амалга оширишлари лозим?

Биринчидан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўз ички транспорт тизимини системали асосда ривожлантириши жуда мұхимдир. Бу минтақа орқали ўтадиган магистрал йўллар тўлақонли ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш имконини беради.

Ўзбекистон нафакат минтақада, балки унинг ташқарисида ҳам энг ривожланган транспорт тизимиридан бирига эга. Унинг темир йўллари узунлиги 7 минг километрдан ошиб кетади, автомобиль йўлларининг 80% дан кўпроғи қаттиқ тўшамга эга бўлиб, халқаро аҳамиятга молик шосселар қаторига киради. Шунга қарамай, ҳукумат ички коммуникациялар тармоғини янада кенгайтиришга катта маблағлар ажрамоқда. Бу бутун минтақа учун мұхим аҳамиятга эга. Масалан, Гузор - Қумқўргон йўли (223 км) қурилишининг яқунланиши Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлагининг шаклланишида катта рол ўйнайди.

Иккинчидан, транспорт соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш зарур. У транспорт йўлаги ташкил этиш дастурининг эҳтиёжларига ҳам, халқаро ҳуқуқ нормалари ва талабларига ҳам мослаштирилиши лозим. Ҳозирча, минтақада транспорт алоқалари соҳасидаги қонунлар ва қоидалар билан мувофиқлаштирилган умумий норматив-ҳуқуқий база йўқлиги туғайли, транспорт компаниялари бир-биридан фарқ қиласиган ички нормаларга мослашишга мажбур бўлмоқдалар. Бу йўлда ушланиб қолиш ва жарималар солинишига олиб келмоқда. Чегара назоратидан ўтишга баъзан бир неча кун вақт кетмоқда. Ҳар бир чегара пунктида божхона юқ ташувчилардан икки тилда тузилган ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини талаб қиласиди. Пломбалар бузилади, бож йигимлари ставкалари жуда катта ва улар огоҳлантиришсиз ўзгартирилиши мумкин. Минтақа мамлакатлари 1956 й. Халқаро йўлларда юкларни ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенцияга қўшилмаганилиги учун Европа суғурта компаниялари одатда Марказий Осиёга кетаётган юкларни суғурта қилишдан бош тортмоқдалар.

Марказий Осиё мамлакатлари 1998 йил марта минтақа иқтисодиётлари учун БМТ маҳсус дастури тўғрисидаги Тошкент Декларациясига имзо чекдилар. Бу ҳужжатда юқ ташиш соҳасида кўп тарафлама ҳамкорлик масалалари келишиб олинди. Ўзбекистон транспорт алоқаларини ривожлантириш соҳасида кўп ва икки тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаол сиёсат олиб бораётир. У бош стратегик йўналишлар бўйлаб жойлашган барча мамлакатлар билан транзит юқ ташиш тўғрисида шартнома ва битимлар тузди. Айни вақтда у тегишли халқаро конвенцияларга қўшилиш жараёнини ҳам ниҳоясига етказди.

Учинчидан, институциявий ёрдам ва идоралараро мувофиқлаштириш механизмларини ишга солиш транзит юкларни ташиш шароитларини яхшилашнинг мухим йўналишидир. Гап шундаки, транзит юкларни ташишни ташкил этиш ва уларни назорат қилиш тармоқлараро хусусиятга эга. Улар учун турли давлатларда турли идоралар - ички ишлар вазирликлари, божхона, ташкилар, ташкил савдо вазирликлари ва бошқа органлар жавоб беради. Турли мамлакатларда субординацион жавобгарлик бир-биридан фарқ қиласи ва бу баъзан ихтилоф ва низолар чиқишига олиб келади.

ЮНКТАД томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳоннинг кўпгина минтақаларида амал қилаётган, юкларнинг ҳаракатланиши ҳақида олдиндан хабар беришни назарда тутадиган транзит юкларни ташиш соҳасидаги ахборот тизимини жорий этиш муаммонинг ечимларидан биридир. Темир йўлдаги поездлар ҳақидаги ахборот минтақавий тизими юк ташишнинг самарадорлигини ошириш, юкларнинг қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар олиш имкониятини берган бўлур эди. ЮНКТАД ишлаб чиқсан божхона маълумотларига ишлов бериш минтақавий тизимидан жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати фойдаланмоқда. Унинг мақсади юкни кўздан кечириш таомилларини енгиллаштириш, чегарада тўхтаб қолиш вақтини қисқартириш, ҳужжатлар ҳажмини камайтириш ва бир хиллаштиришдан иборат.

Ниҳоят, минтақавий транспорт йўлагини шакллантиришга хусусий секторни янада фаолроқ жалб қилиш, нодавлат операторларига узок муддатли концессия бериш керак. Транспорт хизматлари соҳасини эркинлаштириш монополияга барҳам бериши, рақобат учун шарт-шароит яратиши лозим. Фақат шу асосда хизматлар қийматини камайтириш ва айни вақтда уларнинг сифатини ошириш, Марказий Осиё учун энг мухими - тармоққа инвестицияларни жалб қилиш мумкин.

## **Сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари**

Арид иқлими ва қишлоқ ҳўжалигининг 90% сунъий суфориш билан боғлиқ бўлган Марказий Осиё учун сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи ҳамиша ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган.

Марказий Осиёда ҳокимият, сиёсий ва иқтисодий марказлар доимо воҳаларда жойлашган. Хива, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент учун муайян ҳудудни ўз ҳукми остига олишнинг бош воситаси асосий сув манбалари ва йўллари, гидравлик ва суфориш тизимлари, қишлоқ ҳўжалиги учун сув тақсимлаш механизми устидан назо-

рат ўрнатиш бўлган. Минтақага бостириб кирган ташки кучлар ҳам шу сиёсатдан фойдаланганлар. Воҳалар иқтисодий ҳокимиятининг асосий дастаги - суғориш тизимининг вайрон қилиниши ташки кучлар томонидан ишлатилган асосий хавф ҳисобланган.

ХХ аср давомида амалда сув манбалари олдинги ҳажмда сақлангани ҳолда, дехқончилик зоналарининг жадал суръатларда кенгайиши, саноатнинг ўсиши ва аҳоли сонининг кўпайиши минтақада сувдан фойдаланиш муаммоси ниҳоятда катта аҳамият касб этишига олиб келди. 1960 йилда Ўзбекистонда барча мақсадлар - қишлоқ ҳўжалиги, саноат, энергетикада, шахсий ва ижтимоий фойдаланиш учун аҳоли жон бошига 5 минг кубометр сув тўғри келган эди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатда ўрта ҳисобда бир кишига тўғри келадиган сув ҳажми 1960 йилга нисбатан икки баравар камайди ва 2,2 минг кубометрни ташкил этади. Ўзбекистонлик мутахассисларнинг прогнозига қараганда, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 минг кубометрни ташкил қиласди. Туркманистон 1991 йилда 1,5 миллион гектар шудгор ерга эга эди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 1,9 миллион гектарга етди ва бу ҳажмни яна икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

2-жадвал

*Орол денгизи ҳавзасида (МДҲ ҳудудида) ер-сув ресурслари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>*

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	1960	1970	1980	1990	2000
Аҳоли	млн.	14.6	20.3	26.8	33.6	41.8
Аҳоли	млн.	14.6	20.3	26.8	33.6	41.8
Аҳоли жон бошига суғориладиган зона	Га	0.31	0.27	0.26	0.23	0.19
Умумий сув обороти	км3/йил	60.61	94.56	120.69	116.27	105.0
Шу жумладан суғориш	км3/йил	56.15	86.84	106.79	106.4	94.66
Гектарга нисбатан специфик оғиш	м3/га	12 450	16 860	15 430	14 000	11 850
Аҳоли жон бошига специфик оғиш	м3/аҳоли жон боши	4 270	4 730	4 500	3 460	2 530
Аҳоли жон бошига специфик оғиш	м3/аҳоли жон боши	4 270	4 730	4 500	3 460	2 530
Шу жумладан қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти	млрд. АҚШ \$	5.8	8.9	18.3	22.0	15.0

<sup>1</sup> *Lessons on Cooperation Building to Manage Water Conflicts in the Aral Sea Basin.* UNESCO, IHP, WWAP, p.6.

Тинч ҳаёт тикланиши ва қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши билан Афғонистон минтақа сув ресурсларининг бир қисмидан ўз шимолий ҳудудларини сугориша фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги масалани кўтаришини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Мутахассисларнинг прогнозига кўра, бунинг учун зарур сув ҳажми 6-7 млрд. кубометрни ташкил этиши мумкин.

Сўнгги ўйилликларда иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиё музликларида сув захиралари аста-секин камайиб бормоқда. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 1950 йилга нисбатан уларнинг ҳажми 10-30% камайган. Сув ресурсларининг шаклланишида музликлар улушининг камайиши фавқулодда ҳодисалар - қурғоқчилик ва тошқинлар кўпайишига олиб келиши мумкин.

Марказий Осиёда сув билан таъминлашнинг ёмонлашиши нимага олиб келиши мумкинлигини Орол денгизи экологик ҳалокати билан боғлиқ фожиали ҳолат намойиш этади. 2000-2002 йиллардаги қурғоқчилик пайтида ҳодисаларнинг драматик ривожланиши ҳам муаммонинг кескинлашуви қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ва сув ресурсларини бошқаришни тубдан яхшилаш зарурлигини кўрсатди.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги сув муаммоларининг моҳијати унинг тақчиллигида эмас. Масалан, Мисрда ҳозир барча мақсадларда фойдаланиш учун мавжуд сув ҳажми киши бошига 950 кубометрни ташкил этади. Бу Ўзбекистондагидан қарийб 2,5 баравар камдир. Истроилда вазият бундан ҳам оғир - 450 кубометр, Иорданияда эса аҳоли жон бошига 250 кубометр чучук сув тўғри келади.

Муаммо шундаки, минтақа сув ресурсларининг асосий ҳажми (у жамулжкам ҳолда йилига 120-125 млрд. кубометрни ташкил этади) иқтисодий жиҳатдан энг кам ривожланган икки мамлакат - Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида шаклланади. Асосий фойдаланувчилар эса минтақанинг қолган давлатлари ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда Марказий Осиё сув ресурслари йиллик умумий ҳажмининг атиги 10% шаклланади. Айни вақтда, шудгор ерлари 4,3 млн. гектарни ташкил этадиган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча сугориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғига эга бўлиб, минтақанинг қолган барча мамлакатлари биргалиқда истеъмол қиласидиган сув ресурслари (60-65 млрд. кубометр)ни истеъмол қиласиди.

Марказий Осиё сув ресурслари шаклланишининг асосий манбалари ва резервуарларини кўриб чиқамиз.

Қирғизистонда бу - Норин дарёси ҳавзасидаги Токтогул ва Норин сув омборлари. Уларнинг сувлари Сирдарёга қўйилади ва унинг ирмоқлари - Чирчик, Оҳангарон, Келес ва ҳ.к. билан бирга йиллик ўртача ҳажми 36-37 млрд. кубометр бўлган ягона сув

ресурсини ташкил қиласы. Марказий Осиёда сурункасига 3-4 йил давом этадиган кам сувли йилларда ушбу тизимнинг йиллик ўртача ҳажми одатдаги йилларнинг кўрсаткичларидан 10-15 млрд. кубометр кам бўлади. Кам сувлиликнинг салбий оқибатлари олдини олиш ва минтақанинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун ўз вақтида сув омборлари каскади - Токтогул (сув захиралари ҳажми 19,5 млрд. кубометр), Қайроқум (2,5 млрд.), Чордара (4,5 млрд.), Чорвок (2 млрд.) ва б. қурилган эди.

Тожикистонда бу - Амударёга қўйиладиган Вахш дарёси устида жойлашган Қайроқум, Нурек ва Рофун сув омборлари. Ўзбекистон учун бу сув тизими Сирдарёга қараганда кўпроқ муаммолар туғдириши мумкин. Сирдарё сувларидан факат Қирғизистон ва асосан электроэнергия ишлаб чиқариш учун фойдаланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу сув ресурслари Ўзбекистонга оқиб келади. Амударё сувлари эса Тожикистон, Туркманистондаги ва истиқболда Афғонистондаги интенсив қишлоқ ҳўжалик зоналаридан ўтади ва улардан суғориш мақсадларида фойдаланилади.

Кўриб турганимиздек, Марказий Осиё сув ресурсларининг асосий манбалари ва сув омборлари икки давлат - Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган. Бу мамлакатларда вақти-вақти билан сувдан фойдаланишининг бозор иқтисодиёти принципларига ўтишга чорловлар янграмоқда ва фойдаланувчи мамлакатлар «етказиб берилган» сувга ҳақ тўлашлари зарурлиги тўғрисидаги масала кўтарилимоқда. Айрим ҳолларда бундай даъволар хизматларидан оқимнинг қўйи қисмida жойлашган мамлакатлар фойдаланаётган сув ҳўжалиги обьектларини сақлаш ва эксплуатация қилиш харатларини қоплаш зарурияти билан далилланмоқда. Оқимнинг қўйи қисмida жойлашган мамлакатлар эса, ўз навбатида, кўп давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган, ёки трансчегеравий дарёлар, халқаро ҳуқук қоидаларига кўра, бу давлатлардан биронтасининг ҳам мулки ҳисобланмаслигини, бундай дарёларнинг сувлари оқим бўйлаб жойлашган барча мамлакатларга тенг даражада қарашли эканлигини ва уларнинг биронтаси ҳам «етказиб берилган» сувга ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмаслигини қайд этмоқдалар.

Амалий нуқтаи назардан сув ресурсларидан фойдаланишда сувдан «энергетик» ва «суғориш» режимларида фойдаланиш эҳтиёжлари ўртасидаги манбаатлар тўқнашуви айниқса кескин тус олмоқда.

Бош дарёларнинг юқори қисмida жойлашган мамлакатлар ўз ҳудудидан ўтадиган сувлардан электроэнергия ишлаб чиқариш учун, яъни энергетик режимда фойдаланилишидан манбаатдорлар. Масалан, қирғизистонлик экспертлар ССРИ пайтида Қирғизистон иттифоқ манбаларидан ҳар йили 2 млрд. кубометр газ ва 3 млрд. киловатт соат электроэнергия олиб турганини ва эндиликда улар-

нинг ўрнини қоплаш учун ўз гидроресурсларини ишга солишга мажбур бўлаётганини қайд этмоқдалар. Гидроэлектростанцияларни таъминлашнинг йиллик харажати 52 млн. долларни ташкил этмоқда.<sup>1</sup> Энергияга асосий эҳтиёж, яъни иситиш мавсуми қиши ойларига тўғри келади. Бу мамлакатлар қишида сувни гидроэлектростанциялар орқали интенсив ташлаш учун сув омборлари ресурсларини ёзда жамламоқдалар. Ваҳоланки, дарёларнинг қуви оқимларида жойлашган мамлакатлар қишлоқ хўжалик майдонларини суфориш учун сув айнан ёз ойларида етказиб берилишидан манфаатдордирлар.

Қишида, сувдан суфориш мақсадларида фойдаланиб бўлмайдиган мавсумда кўп микдорда сувларнинг ташланиси факат ушбу ноёб ва тақчил ресурснинг беҳуда исроф қилиниши эмас. Бу шунингдек табиатга ҳам жуда катта экологик зарар етказади ва дарёлар оқимининг қуви қисмида яшайдиган аҳолига жиддий муаммолар туғдиради. Сўнгги бир неча йиллар давомида Қирғизистон сув омборларидан қиши ойларида ташланган сувлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Арнасой паст текислиги ҳудудида яшайдиган аҳолисига жиддий муаммолар туғдирмокда. Гап шундаки, бу ерда жойлашган Чордара сув омбори Токтогулдан ташланадиган қўшимча 6 млрд. кубометр сувни қабул қилишга қодир эмас. Сирдарёнинг қуви оқими музлаши натижасида сув Арнасой паст текислигига қараб оқмоқда, қишлоқ хўжалик майдонлари ва аҳоли яшайдиган жойларни сув босмоқда.

Вегетация даврида, қишлоқ хўжалигини суфориш учун сув зарур бўлган пайтда эса, аксинча, Токтогулдан суфориш тизими учун зарур бўлган сув ҳажмининг ярмигина чиқарилмоқда. Шу шароитда ўз электроэнергиясини етарли микдорда ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон Қирғизистонни қўшимча электроэнергия ишлаб чиқариш ва бунинг учун сув омборларидан кўпроқ сув ташлашга рафбатлантириш учун электроэнергияни ундан қиммат нархларда сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Марказий Осиёнинг сув ресурслари билан боғлиқ яна бир жиддий муаммоси шундан иборатки, минтақадаги бир мамлакатнинг сув хўжалигини бошқариш муҳим обьектлари аксарият ҳолларда бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган. Масалан, Ўзбекистонга қарашли Аму-Бухоро ва Қарши каналлари, шунингдек Туямуйин сув омбори Туркманистон ҳудудида жойлашган. Қирғизистонда Ўзбекистоннинг 50 дан ортиқ сув хўжалик обьектлари, шу жумладан

<sup>1</sup> Сирдарёнинг қуви оқимида жойлашган мамлакатларнинг мутахассислари мазкур гидроэлектростанциялар маҳсулотидан ички эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилишини ва шу боис харажатларни қоплашни бошқа давлатлардан талаб қилиш асоссиз эканлигини қайд этмоқдалар.

Карнасой сув омбори (Ўзбекистон чегарасидан 23 километр нарида) жойлашган. Чорвоқ ва Андижон сув омборлари, шунингдек Тұымýйин сув омборининг бир қисмидан ташқари, Сирдарё ва Амударё оқимини тартибга солувчи барча иншоотлар Ўзбекистондан ташқарида жойлашган.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда сув ресурслари мұаммоси бир неча жиҳатларга эга. Кўпгина зиддиятлар ўтмишдан, совет хўжалик юритиш ва минтақавий бошқариш тизимидан мерос бўлиб ўтган. Мавжуд сув ҳажми ўзгармагани ҳолда, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва аҳолининг ўсиши ҳам ечишни талаб қилувчи мұаммолар туғдирмоқда.

Бизнинг назаримизда, минтақа сув ресурслари мұаммосининг оқилона ечимини топиш учун қўйидаги омиллардан келиб чиқиш лозим.

Марказий Осиёнинг барча мұхим дарёлари кўп давлатлар худудидан оқиб ўтади ва трансчегаравий характерга эга. Ҳатто тўлалигича Ўзбекистон худудидан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси ҳам Қозогистонда бошланадиган Уғам ва Қирғистондан оқиб келадиган Чотқол ирмоқларига эга. Ушбу дарёларнинг трансчегаравий ҳуқукий мақомини тан олиш улар биронта ҳам давлатга қарашли әмаслигини англатади. Халқаро ҳуқуқда шундай шарҳ 1992 й. Трансчегаравий дарёлар ва халқаро кўллардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Хельсинки конвенциясида берилган. 1996 йил Бишкекда Марказий Осиё мамлакатлари Хельсинки конвенциясига қўшилиш тўғрисида Декларация қабул қилдилар, лекин Қирғизистон Норин ва Қорадарёнинг трансчегаравий ҳусусиятини тан олишдан бош тортмоқда. Халқаро тамойилларга мос келадиган ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқукий негизини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш минтақа учун оламшумул аҳамиятга молик бўлган ушбу масалани ҳал қилишга имконият яратади деб ўйлаймиз.

Энергетик ресурслар - электроэнергия, газ ва нефть товардирлар, лекин трансчегаравий дарёларнинг сув ресурслари табиат инъомидир.

Бу соҳадаги кўп тарафлама ҳамкорликни ҳам институциявий-лаштириш зарур. Бу ерда гап сув ресурсларини бошқарувчи янги давлатлараро органлар тузиш ҳақида кетаётгани йўқ - бундай органлар бисёр. Уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини аста-секин, босқичма-босқич кўпайтириб бориш, уларни кенгашувчи органлардан фаол ишлайдиган, ваколатли тузилмаларга айлантириш зарур.

Сув хўжалиги, боз устига давлатлараро сув хўжалиги - жуда мураккаб ва кўп маблағ сарфлашни тақозо этадиган тизим. Шу боис бу ерда узок муддатли истиқболга қараб мўлжал олиш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш стратегиясини ишлаб

чикиш жуда мұхимдир. Шу мұносабат билан күрсатилған мавзуда, шу жумладан трансчегаравий сувларни бошқариша күп тарафла- ма ҳамкорлик назарияси ва амалиёти масалалари, шу соҳадаги халқаро ҳуқық муаммолари бүйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш мұхим ақамият касб этади.

Сүнгі вақтда БМТ ёки Жаҳон банки қосида Марказий Осиё сув ресурсларини бошқариш бүйича халқаро консорциум ташкил этиш масаласи фаол мұхокама қилинмоқда. Бу лойиҳага минтақа Умумий Бозори (МОУБ)ни шакллантириш дастурининг таркибий қисми сифатида қараш лозим деб үйлаймиз. Бундай ёндашув тарафларнинг узоқ муддатлы манфаатларини үйғұнлаштиришга күмаклашади.

### **Марказий Осиё Умумий Бозорини шакллантириш - минтақада иқтисодий ҳамкорликнинг бош йұналиши**

Бугунғи кунда глобализация дүнё мікёсіда ривожланишнинг бош йұналиши эканлиги аён бўлиб қолди. Үшбу тенденция оқимида бориш халқаро ҳамкорликни, аввало, энг муайян ва предметли алоқаларни назарда тутадиган минтақавий даражада чуқурлаштириш демақдир. Европа Иттифоқи, АСЕАН, НАФТА ва бошқа халқаро бирлашмалар тажрибаси чет эл инвестициялари үзлуксиз келиб туришини таъминлашга қодир бўлган, миллий чегаралар билан бўлинмаган ягона, йирик ва қамровли бозорни ташкил этиш самарали эканлигини күрсатмоқда.

Марказий Осиёда умумий бозорни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Минтақа мамлакатлари мустақил давлатлар сифатида қарор топди. Үлар жаҳон хўжалик алоқаларида ўз ўрнини эгаллади. Бу ерда минтақавий меҳнат тақсимотининг узоқ тарихи, ривожланган муштарак инфратузилма мавжуд, минтақа халқларининг тили, урфодатлари, маданияти ҳам бир. Марказий Осиё йирик минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун анча салмоқлы ресурс салохииятига эга. Боз устига, биронта ҳам мамлакат ўз табиий бойликларидан бир ўзи тўлиқ фойдаланишга қодир эмас. Минтақанинг геоиктисодий шароитлари бунинг учун қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Ҳудди шунингдек, минтақанинг бош муаммолари - транспорт, сув, энергетика ва экология масалаларини фақат барча мамлакатлар баҳамжихат ҳал қилишлари мумкин. Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётлари муайян соҳаларда бир-бирини тўлдиради, бошқача айтганда ўзаро комплементардир. Ўз вақтида үлар умумий комплекснинг бир қисми бўлган ва ҳозир ҳам

ривожланган кооперациян алоқаларга эга. Афғонистонда тинчликнинг мустаҳкамланиши ва иқтисодиётнинг тикланиши минтақадаги тинчлик ва барқарорликка бу ердан тарқалаётган хавфларни бартараф этибгина қолмасдан, балки минтақадаги интеграция жараёнлари жадаллашиши учун ҳам имконият яратди. Марказий Осиё Умумий Бозорининг шаклланиши минтақанинг бошқа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликка Афғонистоннинг ҳам қўшилишига олиб келиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон, кўп тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, умумминтақавий аҳамиятга молик йирик лойиҳаларни амалга ошириш, Марказий Осиёдаги савдо-иқтисодий, молиявий муносабатларни такомиллаштириш, улар жаҳон бозори таълабларига мувофиқ ривожланишини таъминлашнинг интеграцион механизми сифатида Марказий Осиё Умумий Бозори - МОУБни шакллантиришни таклиф қилди.

Бунинг учун аввало қулай инвестицион мұхит яратиш бўйича умумий ёндашувлар ва мувофиқлаштирилган стратегияни шакллантириш, минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларини ўйғунлаштириш, нормалар ва стандартларни бир хиллаштириш зарур.

Жаҳон амалиёти умумий бозорни вужудга келтириш бир қанча мантиқий боғланган дастурларни амалга ошириш, бунёд этиш босқичларидан ўтишни тақозо этишини кўрсатади. Шу каби, МОУБнинг шаклланиши ҳам қўйидаги уч босқичдан ўтишни назарда тутади:

**Биринчи босқич** - Эркин савдо зонасини ташкил этиш. Халқаро тажрибага мувофиқ Эркин савдо зонасини ташкил этиш жараённида 3-4 йил ичидаги иштирокчи мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ билан боғлиқ чеклашлар бекор қилиниши лозим. Бу улар ўртасида савдода импорт тарифлари<sup>1</sup>, квоталар<sup>2</sup>, экспорт субсидиялари<sup>3</sup> ҳамда

<sup>1</sup> Импорт тарифлари - чет элдан олиб кириладиган маҳсулотга солинадиган солиқ. Одатда, улар ўзига хос ташки иқтисодий сиёсатни оқс эттиради. Унинг мақсади ички ишлаб чиқарувчини кўллаб-кувватлашдан иборат бўлиши мумкин. Импортга тарифлар жорий этиш унинг маҳсулотини нисбатан арzonлаштириши мумкин. Бу аввало стратегик тармоқларга ва эндигина ривожланаётган янги саноатларга тааллуқлидир. Тарифлар демпинг - мамлакат бозорини эгаллаш учун арzon нархларда импорт қилишнинг олдини олиш учун кўлланилиши ҳам мумкин.

<sup>2</sup> Квоталар - муайян маҳсулот турини олиб киришга миқдорий чеклашлар. Квоталар савдо преференцияларини қайд этиш, шериклар орасидан маъқулларини танлаш учун ҳам кўлланиши мумкин.

<sup>3</sup> Экспорт субсидиялари - экспортта маҳсулот ишлаб чиқарувчининг товарлари ташки бозорга чиқишини кўллаб-кувватлаш мақсадида унга давлат томонидан субсидиялар берилиши. Субсидиялар ҳисобига экспортчи ўз маҳсулотини рақобат нархларига қараганды арzonроқ сотиши мумкин.

ташқи савдо оборотини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа дастаклари бўлмаслигини англатади.

**Иккинчи босқич** - Божхона иттифоқи тузиш. Эркин савдо зонаси шароитида айрим иштирокчи мамлакатлар зонага қўшилмаган давлатларга нисбатан ўз тариф сиёсатини сақлаб қолишлиари мумкин. Божхона иттифоқи шаклланадиган 4-5 йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари божхона тарифларинининг бир хиллаштирилган тизимини ва учинчи мамлакатлар билан савдони тарифсиз тартибга солиш тизимини мувофиқлаштириш зарур. Шу тариқа ягона божхона ҳудуди вужудга келади.

**Учинчи босқич** - Умумий бозорни вужудга келтириш. Кейинги 5-7 йил ичida иқтисодий иттифоқ вужудга келтирилиши, яъни ҳар бир мамлакат суверенитетини сақлаб қолган ҳолда, товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи эркин ҳаракатланиши учун шартшароитлар яратилиши лозим.

Минтақанинг геоиқтисодий шароитлари, муаммолари ва эҳтиёжларига кўра, Марказий Осиё Умумий Бозори фаолиятининг устувор йўналишлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлиши лозим.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан берклиги минтақа жаҳон иқтисодиётига тўлақонли қўшилишига тўқсинглик қилиб турган бош муаммодир. Шу боис МОУБ муваффақиятининг биринчи шарти у минтақани жаҳоннинг асосий иқтисодий марказлари билан боғловчи транспорт инфратузилласини ривожлантиришга амалда кўмаклашиш қобилиятига эга бўлишидир. Марказий Осиёга йирик инвестицияларнинг йўналтирилиши минтақа орқали ўтадиган ҳалқаро магистрал транспорт йўлларни барпо этиш, унинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ягона иқтисодий маконнинг шаклланиши минтақа мамлакатлари миллий қонунчиликларини тизимли равишда унификация қилишига асосланиши лозим. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё мамлакатлари парламентлараро ҳамкорлигининг институциявий чегараларини белгилаш жуда муҳимдир. Парламентлар иқтисодий ва ҳуқуқий институтлар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга органлар билан баҳамжиҳат ҳамкорликнинг норматив базасини уйғуллаштириш бўйича изчил иш олиб боришлари, қонунлардаги интеграция жараёнларига халақит бераётган ҳархилликлар ва зиддиятларни бартараф этишлари лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар хил тақиқлар ва чеклашларни бекор қилувчи эркин савдо зоналари ташкил этишга асосий эътибор бериш лозим. Миллий қонунчиликларни бир хиллаштириш учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо режими сиёсатини ўтказиш,

давлатлараро аҳамиятга молик лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек юклар монеликсиз ўтишини таъминлаш учун ҳам зарурдир. Минтақага инвестициялар келиши миллий қонунчиликлар интеллектуал мулк ҳуқуқини қай даражада ҳимоя қила олишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти аграр хусусиятга эга. Шу боис *агросаноат комплексининг минтақавий салоҳиятини ривожлантириш* Умумий Бозорни шакллантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Бир қанча позицияларга, масалан, пахта толаси ишлаб чиқаришга кўра минтақа мамлакатлари жаҳон бозорида рақобатчи ҳисобланади. Баҳамжихат иш олиб бориш рақобат нарх кўрсаткичларининг пасайиши ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зарар етишига олиб борадиган ҳолатларга барҳам бериш учун шарт-шароит яратиши мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги замон аграр ишлаб чиқариши кўп капитал сарфини талаб қиласиган мураккаб жараёндир. Кооперация, меҳнат тақсимоти ва мамлакатлар баҳамжихат иш олиб бориши жаҳон бозорида минтақа қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги ошишига олиб келади.

*Тармоқлараро ихтисослашув, илмий ва ишлаб чиқариш-технологик кооперациянинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.* Бугунги кунда жаҳоннинг бирорта ҳам мамлакати илфор илмий ишловларга асосланган тармоқлар ишлаб чиқаришини ёлғиз ўзлаштиришга қодир эмас. Ишлаб чиқариш ва технологик кооперация минтақавий интеграциянинг негизидир. Европа Иттифоқи айнан шу асосда авиация саноати соҳасида АҚШ билан рақобатлашиш даражасига кўтарила олди. Марказий Осиё мамлакатлари рақобатбардош маҳсулот яратиш ва уни жаҳон бозорига чиқариш учун шу соҳада яқин ҳамкорлик қилишлари муқаррардир. Умумий Бозорнинг вужудга келиши эса бунга кенг имконият яратади.

Яқин савдо-иқтисодий алоқалар ва ишлаб чиқариш кооперациясини капитал ҳаракатини эркинлаштириш ва валюталар эркин муомаласисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одатда минтақавий интеграцион бирлашмалар, масалан, Европа Иттифоқи яна бир, тўртингчи босқич - ягона валюта жорий этиш босқичидан ўтади. Бу босқич сиёсий иттифоқ тузиш учун зарурдир. Бугунги кунда Марказий Осиёда бу масала кун тартибига қўйилаётгани йўқ. Лекин интеграцион жараёнлар молия соҳасидаги яқин ҳамкорликка асосланиши лозимлиги шубҳасизdir. Бу муайян босқичда минтақавий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларга хизмат кўрсатиш учун ягона банк ташкил этишини талаб қилиши мумкин.

Трансчегаравий дарёларнинг сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш экология соҳасида ҳамкорлик қилиш, шу-

нингдек телекоммуникациялар тизимини ривожлантириш ва умумий ахборот майдонини шакллантириши минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиб қолаётир.

Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти (МОҲТ) минтақа Умумий Бозорининг шаклланнишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин ва лозимdir. У иқтисодий масалалар билангина чекланмайдиган кўп тарафлама ва кўп йўналишли ҳамкорлик ташкилоти шаклини касб этгунга қадар ўз ривожланишида бир неча босқичдан ўтди.

Умуман олганда, МДҲ ҳудудида шаклланган ҳалқаро ташкилотларнинг асосий муаммоси уларнинг эълон қилинган прагматизми, ёки, таъбир жоиз бўлса, «мафқурадан холилиги» бўлган. Бу, бир қарашда, кучли жиҳат ўтиб бўлмас тўсиқнинг вужудга келишига сабаб бўлган - ташкилотлар тўлақонли ҳамкорликни таъминловчи умумий тамойиллар, қадриятлар, ҳозирги дунёнинг асосий масалалари бўйича ягона ёндашувларга эга бўлмаганлар. Имзоланган ўнлаб ва юзлаб ҳужжатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкилотида бўлганидек, бажарилмаган ва амал қилмай қолаверган. Шу ҳолат МОҲТнинг ўтмишдоши - Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида ҳам қузатилади. Унинг доирасида жараёнлар жуда суст кечди. Ташкилот бунёдкорона ҳамкорликдан кўра кўпроқ ўзаро эътиrozлар ва даъволарни билдириш минбарига айланиб қолди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти кенг сиёсий мулоқотга ва бунинг негизида хавфсизлик, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт масалаларини биргаликда ҳам қилишга имконият яратадиган ташкилот тузишни таклиф қилди. Шундан кейингина МОҲТ доирасида Парламентлараро Кенгаш, Бизнес-форум, Хавфсизлик хизматлари раҳбарлари кенгаши каби органлар пайдо бўлди.

2004 йил МОҲТга Россия аъзо бўлганидан сўнг ташкилот мутлақо янги мақом касб этди. Катта иқтисодий қурдатга ва Марказий Осиёда тарихий шаклланган геосиёсий таъсирга эга бўлган бу мамлакатнинг МОҲТга аъзо бўлиши минтақада интеграцион жараёнларнинг ривожланишига катта туртки бериши кутилмоқда. Ушбу салоҳиятнинг рӯёбга чиқиши Россия Федерациясининг Марказий Осиёга нисбатан ташки сиёсий курси шаклланishi ва амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## **3-БОБ**

### **ТАШҚИ КУЧЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАНФААТЛАРИ**

- ◆ «Катта Ўйин» назарияси ва унинг ҳозирги кўринишлари.
- ◆ Регионал давлатлар ва уларнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари.
- ◆ Диний радикализм ва Марказий Осиё.
- ◆ Хитойнинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатлари.
- ◆ Россия ва Марказий Осиё.
- ◆ Ҳалқаро ривожланишнинг ғарбдаги замонавий назариялари.
- ◆ АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан стратегиясини шакллантирувчи омиллар.
- ◆ Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи.

#### **«Катта Ўйин» назарияси ва унинг ҳозирги кўринишлари**

Бу концепция шундай бир қоидага асосланади, унга муовифик Марказий Осиё Евросиёнинг бир нечта катта давлатларига географик жиҳатдан яқин жойлашганлиги учун стратегик аҳамият касб этади. Шу боис, «Катта Ўйин» назариясига биноан, Марказий Осиё ташқи кучлар учун талаш обьекти бўлиб, кўп марта бўлинган, қўшиб олинган, ҳалқаро сиёsat майдонидан ғойиб бўлган ва яна вужудга келган. «Катта Ўйин» атамасини илк бор Артур Конноли томонидан Британия ва Россия империясининг Марказий Осиёда гегемонлик учун стратегик рақобатига нисбатан қўллаган эди. Кейинчалик у Буюк Британиянинг Осиёга мустамлакачилик юришларини тасвиrlаган инглиз адиби ва сайёхи Редъядр Киплингнинг ёзувчилик маҳорати таъсирида кенг тарқалди.

«Катта Ўйин»нинг биринчи, класик даври қарийб 100 йил давом этди ва 1907 йилда Англия-Россия Конвенциясининг имзоланиши билан якунланди. Марказий Осиё ўша даврнинг икки энг қудратли империяси ўртасида жойлашган эди. Иккала давлат бу ерда қарши тарафнинг пайдо бўлишини ўз манфаатларига таҳдид деб қараб ва бунга йўл қўймасликка интилиб, минтақани интенсив равишда ўрганди ва разведка қилди. Бу стратегик Ўйинни ҳозирги давр таъбири билан «Кабуки геосиёсий рақси» деб номлаш мумкин:

рақобат аёвсиз тус олди, лекин томонлар бири биридан масофани сақлаб, ҳеч қачон бевосита қоролли тўқнашувга йўл қўймадилар. Англия Россиянинг аста-секин жанубга силжиб, Марказий Осиё хонликларини бирин-кетин босиб олиб, охир-оқибатда Ҳиндистон чегаралариға чиқишидан қўрқар эди. Бу ҳолда орқада бўйсундирилган ерларга ва Россия империясининг маркази билан қуруқлик бўйлаб алоқага эга рус қўшини инглиз экспедициян кўшинлари олдида устунликка эга бўларди. «Британия тожининг дурдонаси» бўлган Ҳиндистон хавф остида қоларди.

Шу шароитда Лондон зудлик билан бунинг олдини олиш чоралари кўрди: 1838 йилда Афғонистонни эгаллаш мақсадида биринчи инглиз-афғон уруши бошланди. Лекин 1842 йилда Британия қўшинлари Кобулни ташлаб, чекинишга мажбур бўлди. 1865 йил русларнинг Тошкент ва Самарқандни босиб олиши, Амударё қирғоқларига чиқиши ва Кобулдаги дипломатик фаоллиги британияликларни шармандали мағлубият ҳақида унтиб, 1878 йилда иккинчи афғон кампаниясини бошлашга мажбур қилди. Аммо бу сафар ҳам уларнинг 40 минг кишилик қўшини муваффакиятсизликка учради ва 1881 йилда чекинишга мажбур бўлди. Россия эса жанубга юришини давом эттиреди. Бу 1884 йил машҳур *Панҷех воқеаси* рўй бергунга қадар давом этди. Ўшанда рус қўшинлари Марвни босиб олгач, биринчи марта афғон қоролли кучлари билан тўқнашди. Икки буюк давлат ўртасида бевосита тўқнашувнинг олдини олиш учун зудлик билан Инглиз-Рус Чегара Комиссияси таъсис этилди. Бу Комиссия Амударё бўйлаб чегара чизигини қайд этди. Кейинчалик, 1907 йилда тарафлар Афғонистон Буюк Британия назорати остидаги худуд эканлиги, у мавжуд чегараларни тан олиши ва Россиянинг Марказий Осиёдаги ишларига аралашмаслиги ҳақидаги Конвенцияни имзоладилар.

«Катта Ўйин»нинг класик даври шу тариқа яқунланди.

Большевистик инқилоб чор Россиянинг барча шартномаларини, шу жумладан 1907 йилги Англия-Россия Конвенциясини ҳам бекор қилди. Бу минтақада геостратегик рақобатнинг янги босқичи бошланишига сабаб бўлди. Учинчи инглиз-афғон уруши 1919 йилда, Омонуллохон мамлакатни Буюк Британиядан тўлиқ мустақил деб эълон қилганидан сўнг бошланди. Натижада Равалпинди Битими тузилди ва унга кўра Афғонистон ташқи сиёсатда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Кўп ўтмай СССР ва Афғонистон ўртасида Дўстлик ҳақида шартнома имзоланди. У тарафларни унча қаноатлантирумаса-да, асосий натижага эришилди - Афғонистон Британия таъсиридан халос бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг геостратегик рақобатда Буюк Британия ўрнини Қўшма Штатлар эгаллади. Икки қутбли қарама-

қаршилик тарафлари жаҳоннинг энг муҳим минтақаларидан бир-бирини сиқиб чиқариш ва бу ерда ўз таъсирини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Табиийки, бу зиддият Яқин ва Ўрта Шарқнинг углеводородли ҳом ашёга бой ва стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудларини, шунингдек уларга қўшни минтақаларни ҳам четлаб ўтмади. 1979-1989 йилларда Афғонистон учун кураш «Катта Ўйин» иккинчи боқчичининг чўққиси бўлди. Бу курашга иккала блок ҳам жуда катта ресурсларни ташлади.

Совет Иттифоқининг мағлубияти ва орадан кўп ўтмай парчаланиб кетиши Марказий Осиёда мутлақо янги геосиёсий вазиятни юзага келтирди. Шу заҳоти янги «Катта Ўйин» сценарийлари ёзила бошлади. Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллигининг дастлабки боқчичида кўпгина сиёsatшунослар минтақада ўз таъсирини ўрнатиш учун геосиёсий рақобат асосан Туркия ва Эрон ўртасида бўлишини тахмин қилган эдилар. Жаҳонда Хитой мавқеи мустаҳкамланиши билан унга Марказий Осиёдаги мавқеи ва таъсири баланд куч сифатида қарала бошланди. Глобал марказлар минтақанинг муҳимлигини қайд этган ҳолда, амалда бу ерда рўй бербаётган жараёнларга унча аралашмадилар. 2001 йил 11 сентябрдан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Марказий Осиё халқаро терроризмга қарши курашнинг истеҳкомига айланди. Бу ерда НАТО ҳарбий-сиёсий кучлари ҳозирлиги прецеденти вужудга келди.

Афғонистондаги антитеррористик операциянинг дастлабки боқчичида кўпчилик Марказий Осиё ўз тарихида биринчи марта рақобат обьектига эмас, кўп тарафлама, балки узоқ муддатли ҳамкорлик майдонига айланмоқда, деган фикрни илгари сурди. «Катта Ўйин» тугагандек ва бир томоннинг ғалабаси иккинчи томон манфаатига зид келмайдиган ҳолат, яъни «*non-zero-sum-game*» даври бошлангандек бўлиб туюлди. Бироқ, терроризмга қарши уруш чўзилгани сари айрим мамлакатларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятлар намоён бўла бошлади. Улар Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун ўзаро кураш олиб бораётгани аён бўлиб қолди.

Олдинги даврлардан фарқли ўлароқ, минтақа учун геосиёсий курашнинг ҳозирги боқчичи бир қанча ўзига хос фундаментал хусусиятларга эга.

Бу курашга олдингидан анча кўпроқ давлатлар қўшилганки, шунинг ўзиёқ қарама-қаршиликнинг мураккаб, кўп йўналишши шаклшамойилини намоён этади. Бунда ўхшаш ёндашувли мамлакатлар гурухлари, масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқи бир томондан ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари иккинчи томондан кузатилмоқда. Бу Марказий Осиё теварагида блоклар қарама-қаршилиги вужудга келишига замин ҳозирлайдики, бу минтақа учун жуда хавфлидир. Минтақа ўз тарихида биринчи марта ҳар мўлжалли

мамлакатларнинг ҳарбий кучлари бир-биридан хавфли яқинликда жойлашган зонага айланди.

Марказий Осиёдаги янги «Катта Ўйин» иштирокчилари орасида ўта тажовузкор кучлар - диний радикализм, халқаро терроризм ва наркобизнес пайдо бўлди. Улар ҳавои фантом, виртуал хавф ва шунчаки ёвузлик тимсоли эмас. Бу кучлар аниқ кун тартиби, тармоқланган ташкилий тузилмага ва унча-мунча давлат беллаша олмайдиган қудратли молиявий қудратга эга. Улар Марказий Осиёдаги жараёнларда иштирок этаётган давлатлар орасида зиддият мумкин қадар кучайишидан манфаатдордирлар.

Геоиқтисодий манфаатлар Марказий Осиё теварагидаги рақобатнинг муҳим йўналишига айланди. Энергетика, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги минтақавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши ёки, аксинча, муваффакиятсизликка учраши йирик давлатлар тақдирига ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Ниҳоят, илгари Марказий Осиё халқлари давлатлар ўртасида геосиёсий беллашувнинг ўзига хос «соврини», пассив субъектлари ҳисобланган бўлса, бугунги кунда улар стратегик жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда.

## **Регионал давлатлар ва уларнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари**

### *Эрон Ислом Республикаси*

Эрон ноёб геостратегик жойлашувга эга. У муҳим минтақалар - Марказий Осиё, Жанубий Кавказ, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон субконтинентини боғловчи чорраҳада жойлашган. Эрон 15 мамлакат билан денгиз ёки қуруқлик бўйлаб умумий чегараларга эга бўлган жаҳондаги ягона давлатdir. Аҳоли сонига кўра Эрон жаҳонда 17-ўринда турди (70 миллион киши). Эрон жамияти кўп миллатли бўлиб, аҳолининг ярмидан кўпроғини майда миллатлар: озарбайжонлар, курдлар, араблар, туркманлар ва бошқалар ташкил этади. Диний нуқтаи назардан Эрон аҳолиси нисбатан турдош - аҳолининг 90% га яқинини шиа мазҳабига мансуб мусулмонлар ташкил этади. Ер юзидағи энг қадимги цивилизациялардан бирининг ватани бўлган Эрон бой ва ниҳоятда қизиқарли маданиятга эга. Бу мамлакат ислом дунёсининг муҳим марказларидан бири ҳамdir.

Ўтмишда, айниқса, ўрта асрларда Эрон қўшни минтақаларнинг ва ҳатто Европанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Бироқ, кейинчалик савдо маршрутларининг

ўзгариши ва перманент беқарорлик унинг роли аста-секин пасайишига олиб келди. Бунинг устига, Эронга Британия ва Россия империяси ўз таъсирини ўтказа бошлади. Модернизация жараёнларини амалга оширишга уринишлар, шу жумладан 1905-1911 йилларда рўй берган Осиёдаги биринчилардан бўлган Конституциявий Инқилоб ҳам вазиятни тубдан ўзгартира олмади. Мамлакат нефтга жуда бой ва, боз устига, жаҳоннинг мухим минтақасида стратегик мавқега эга бўлиб, ташқи кучларнинг Эронга ўз таъсирини ўтказишга қаратилган сиёсатининг субъекти бўлишда давом этди. 1953 йилда АҚШ ва Англия маҳсус хизматлари ўтказган операция натижасида бош вазир Масодик лавозимидан четлатилди ва ҳокимиятга шоҳ Ризо Паҳлавий келтирилди. Унинг ҳукмронлиги даври иқтисодиётни модернизация қилиш, турмуш тарзига фарб унсурларини олиб киришга уриниш, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари тамоман топталишининг мудҳиш қоришимаси бўлди. Табиийки, бу жамиятда норозиликнинг кучайишига олиб келди. 1979 йил Аятулла Ҳумайний раҳбарлигига амалга оширилган ислом инқилоби натижасида монархия тутатилди.

Янги давлатга аввалиданоқ «ички дуаллик», яъни бир вақтнинг ўзида ҳам конституциявий, ҳам ислом республикаси бўлиш хос эди. Ваҳоланки, классик исломизм давлат ва жамият қурилишининг шариатдан бошқа ҳеч қандай ҳуқуқий нормаларини тан олмайди. Давлат бошлиғи - *Маслаҳатчилар Кенгаши* томонидан сайланадиган Раҳбар. У умумхалқ сайловида тўрт йилга сайланадиган Президентдан кўпроқ ваколатга эга. 290 депутатдан иборат бир палатали парламент жамият хаётида мухим рол ўйнайди.

Эрон жамиятига маълумот даражасининг юқорилиги, ахборот технологиялари нисбатан ривожланганлиги хосдир. Аҳолининг 70% дан кўпрогини 30 ёшдан кичик фуқаролар ташкил этади. Бу хусусиятлар аҳолининг, айниқса, талабалар ва зиёлиларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолигини белгилайди.

Чет эллик сиёсатшунослар Эрон сиёсий истеблишментини тўрт гуруҳга ажратадилар. Биринчи гуруҳга нафақат иқтисодий, балки сиёсий тизимни ҳам жиддий ўзгартиришни талаб қилувчи радикал реформаторлар киради. Иккинчи гуруҳ иқтисодий ўсишни таъминлаш «цивилизациялар алоқасијга нисбатан кўпроқ очиқликни, халқаро алоқаларни кенгайтиришни ва мамлакатдаги ахволни ислоҳ қилишни тақозо этади, деб ҳисоблайдиган мўътадил реформаторлардан иборат. Учинчи гуруҳ - прагматиклар, Эрондаги сиёсий-мафкуравий тизим иқтисодий модернизацияга монелик қилмайди, деб ҳисоблайди. Ниҳоят, ички ва ташқи сиёсат масалаларига консерваторлар ёндашуви Аятулла Ҳумайнийнинг фундаментал принциплари ва foяларига асосланади. Шу сиёсатшуносларнинг фикри-

ча, сўнгги йилларда ижтимоий ҳаёт радикаллашиши ва издан чиқишидан ташвишланаётган мўтадил реформаторларнинг консерватив йўналиш тарафга оғиши рўй бермоқда. Минтақадаги геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришига консерватив кучлар бирлашишига туртки берувчи иккинчи омил сифатида қаралмоқда. Қисқа вақт ичиди Эроннинг икки тарафида - Афғонистон ва Ироқ чегараларида унинг асосий рақиби - АҚШнинг ҳарбий кучлари пайдо бўлди. Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёда АҚШнинг доимий ҳарбий базалари ташкил этилиши хавфи туғилди. АҚШ маъмурияти демократия ва фарб қадриятларини илгари суриш, яъни минтақага мафкуравий ҳўжум қилиш мақсадини кўзловчи «Катта Яқин Шарқ» дастурини амалга ошириш ниятида эканлигини эълон қилди. Буларнинг барчаси Техронни ташвишга солиб қўйди. Бундан ташқари, ҳалқаро ҳамжамият АҚШнинг тазиёки остида Эрондан ядро дастурини тўхташибни қатъий талаб қила бошлади. Бу ҳам Эрон жамиятида фарбга қарши муносабатнинг кучайишига олиб келди.

Эрон анча йирик иқтисодиётга эга - харид қобилияти нисбатига кўра ҳисобланган ЯИМнинг йиллик ҳажми тахминан 480 миллиард долларни ташкил этади (2003 йил). Эрон иқтисодиёти давлат мулки (аввало, стратегик тармоқларда) билан савдо ва хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликнинг уйғунлигидан иборат. Нефть ва газ саноатининг салмоғи айниқса катта - Эрон жаҳоннинг текширилган нефть захираларининг ўндан бирига эга, газ захиралари ҳажмига кўра эса Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Сўнгги йилларда углеводородли хом ашё нархларининг кескин кўтарилиши мамлакат валюта тушумлари кўпайишига олиб келди. Эроннинг олтин-валюта захираси 22 млрд. доллардан ошиб кетди (2003 йил). Айни вақтда, одатдагидек, иқтисодиётда давлат мулки улушкининг катталиги, мамлакатда ишсизлик ва инфляция даражаси анча юқори бўлишига олиб келмоқда ва бюджет тақчиллиги кузатиляпти. Ҳукумат нефтдан олинган даромадларни янги тармоқларни шакллантиришга йўналтириш йўли билан иқтисодиётни диверсификация қилишга уриммоқда. Бундан ташқари, Эроннинг иқтисодий стратегияси энергетика секторига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва хорижда янги бозорларни эгаллашни ўз ичига олади. «Озодеган» йирик нефть конини биргалиқда қазиш юзасидан Япония билан музокара олиб борилмоқда. Эрондан Покистон ва Ҳиндистонга қувур йўли ўтказиш фояси фаол муҳокама қилинмоқда.

Эрон ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий стратегиясида Марказий Осиё тарихан мухим ўрин эгаллайди. 90-йилларнинг бошида ғарбий тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиё билан яқин тарихий, маданий алоқаларга эга бўлган Эрон яқинлиги ва ўз иқтисодий салоҳияти туфайли минтақада гегемони ролини ўйнаш ва бу



Эрон ва унга чегарадош давлатлар

ерда ислом инқилоби фойларини тарқатишга ҳаракат қиласди, деган фикрлар илгари сурйлган эди. Бирок Эрон ташки сиёсати анча узоқни кўзлаб иш тутди. Диний омил асосан суннийлар яшайдиган ва дунёвий демократия қуришга интилиш кучли бўлган Марказий Осиё жамиятларини Эрон билан боғлашдан ҳам кўра кўпроқ ундан узоқлаштиришини яхши тушунган Техрон ўзининг минтақадаги ташки сиёсатида иқтисодий, маданий алоқаларни, гуманитар мулокотни биринчи ўринга кўйди, тарихий, ахлоқий масалалардаги муштаракликка ургу берди.

Эрон Марказий Осиё мамлакатлари билан транспорт ва савдо-иқтисодий алоқалар соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида қараб келди ва бу ерда Техрон стратегиясининг *прагматик* характеристи яқъол намоён бўлди. Марказий Осиёга ва Марказий Осиёдан юкларни транзит

қилиш учун Эрон ҳудудидан фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратиш бүйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди - ҳайдовчилар учун виза режими ва юкларни божхонда расмийлаштириш таомили соддалаштирилди, йўллар реконструкция қилинди. Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлаги дастурини амалга оширишга Эрон катта маблағларни йўналтироқда. Бугунги кунда юкларни транспортда ташишнинг Эрон йўналиши Марказий Осиё мамлакатлари томонидан энг фаол фойдаланилаётган йўналишлардан биридир. Бироқ Эрон ўзини фақат транзит мамлакати сифатида кўраётгани йўқ. У Марказий Осиёга кенг қамровли товар ва хизматлар бозори деб ҳам қарамоқда. Зотан, Эрон бизнеси ҳудудий яқинлик туфайли бу ерда рақиблар олдида муайян устунликка эга.

Ўз-ўзидан равшанки, Эрон, жаҳон энергетика бозорида баланд мавқега эга мамлакатлардан бири сифатида, бу бозорда Марказий Осиё сегменти вужудга келишига бефарқ қараб туролмайди. Бу аввало Каспий мұаммосига тегишилдири. Бу ерда фақат Каспий қирғокларида жойлашган мамлакатларнинг эмас, балки бошқа давлатларнинг ҳам манфаатлари тўқнашмоқда. Денгизни ўртадан миллий секторларга бўлишга Эрон рози бўлмаяпти. Бу ҳолда Каспийнинг тузилишига кўра Эронга акваториянинг энг кичкина қисми ўтади. Шу боис Техрон Каспий учун биргалиқда жавоб бериш, денгиз экотизимини сақлаган ҳолда, унинг захираларидан фойдаланиш тоғасини илгари сурмоқда.

Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни муттасил ривожлантириш Техрон учун АҚШ олиб бораётган Эронни яккалаб қўйиш, яъни уни ҳалқаро нуқтаи назардан изоляция қилиш сиёсатига қарши хатти-ҳаракат, мамлакатни ҳалқаро ҳамжамиятдан ажратиб қўйишга уринишларнинг олдини олиш воситаларидан бири сифатида ҳам қаради. Ҳалқаро ҳаётнинг Марказий Осиё йўналишига фаол қўшилиш Эроннинг йирик регионал давлат сифатидаги мақоми ўз тасдигини топишини ҳам англатиши инобатга олинмоғи лозим. Форсийзабон аҳоли ва шия мазҳабига мансуб мусулмонлар яшайдиган ҳудудларда Эрон таъсири азалдан кучли бўлиб, бунга Техрон геосиёсатининг құдратли дастаги деб қарапади. Эрон Афғонистон можаросини тартибга солиш ва бу мамлакат иқтисодиётини тиклашда ҳам фаол рол ўйнамоқда.

Ҳозирги шароитда трансчегаравий, ҳалқаро миқёсдаги хавф манбаларига, аввало гиёхвандлик моддалари билан гайриқонуний мумомала қилишга қарши кураш соҳасида Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик Эрон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаёттир. Эронда гиёхвандлик моддалари

истеъмол қилиш жиддий муаммога айланган ва ҳукумат унга жуда катта эътибор бермоқда.

Эрон - минтақадаги нуфузли давлат. Марказий Осиёning кўпгина муаммолари, чунончи: транспорт-коммуникация, янги хавфларга қарши кураш ва ҳоказоларни Эрон билан яқин ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда Эрон билан муносабатлар Марказий Осиё мамлакатлари ривожланиши учун мухим аҳамиятга эга бўлиб қолади.

## *Туркия*

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Марказий Осиё мустақил давлатлари вужудга келганидан кейинги даврда минтақанинг ривожланиш вариантларини таҳлил қилган сиёsatшунослар бу ерда ўз таъсирини ўтказиш учун геосиёсий рақобат аввало Эрон ва Туркия ўртасида бўлишини тахмин қилган эдилар. Ва бу рақобат нафақат Марказий Осиёда таъсири чуқур тарихий илдизларга эга бўлган икки йирик давлат орасидаги кураш, балки икки фоя, икки ривожланиш концепцияси, секуляризм ва исломизм орасидаги қарама-қаршилик деб тан олинган эди. Бунда Туркия асосан мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатда дунёвий демократия концепциясининг тарқатувчиси, шунингдек гарб мамлакатлари билан яқин шерикчилик алоқалари ўрната олган давлат сифатида кўрилган эди. Аммо унинг Марказий Осиёдаги таъсири фақат шу ҳолат билан белгиланмайди. У Туркия ҳозирги дунёда ўйнаётган мухим ролга асосланади.

Туркияning дунё миқёсидаги тараққиёт учун аҳамияти замирида унинг Осиё ва Европани, икки қитъа, икки цивилизация, икки дунёни боғловчи ва ажратувчи кўприк сифатидаги стратегик ўрни ётади. Рим, Византия ва Усмон империяларининг вориси бўлган Туркия жамияти томирида гарб, Византия ва ислом цивилизациялари шаклланишида улкан рол ўйнаган маданиятлар қони оқмоқда. Бошқача айтганда, у ўз илдизлари билан Марказий Осиё, Европа ва Яқин Шарқ билан боғланган. Асрлар давомида Туркия ислом дунёсида етакчи куч бўлиб келди, унинг энг мухим зиёратгоҳларини назорат қилди. Айни вақтда, Болқон ярим ороли, Шарқий Европа-нинг бир қисми, Қрим ва Кавказни истило қилиб, бу ерда узок вақт геосиёсий таъсирга эга бўлди. Бу таъсир ҳозир ҳам баъзи ҳолатларда сезилиб турибди.

Ўрта асрларда бошқа давлатларни ҳайратда қолдириб «Ёрқин Порта» (Блистательная Порта) деб ном олган Усмон империяси кейинчалик «Европанинг касал одами»га айланиб қолди. Турклар ўтмишдаги буюклик қўлдан бой бирилганидан катта ташвишга тушдилар ва мамлакатни модернизация қилишга бир неча бор урин-

дилар. Бу үринишларнинг энг машҳури «ёш турклар» ҳаракати деб ном қозонган. Лекин уларнинг биронтаси ҳам муваффақиятли бўлмади. Туркия Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учради, ҳатто қисқа вақтга ўз мустақиллигини ҳам йўқотди. Лекин турклар бу тенденцияга барҳам бериш учун кучларни сафарбар этишга муваффак бўлдилар. Мустақиллик учун курашда туркларга янги Туркияning бўлажак асосчиси, кейинчалик Отатурк номини олган Мустафо Камол Пошо раҳбарлик қилди. 1916 йилги Дарданелла учун жанг қаҳрамони, 35 ёшида генерал унвонини олган Мустафо Камол ҳалқни мамлакат яхлитлигини тиклаш учун курашга отлантириди. Унинг ташаббуси билан 1923 йилда Туркия республика деб эълон қилинди. Мустафо Камол Отатурк кейинги 15 йил давомида, то ўлимига қадар мамлакат Президенти бўлди. У аждодларга дунёвий демократия институтлари ва анъаналарига эга мамлакатни қолдирди. Унинг таълимоти Туркияда отатуркчилик, Фарбда эса камолизм деб баҳоланган. Бу таълимот асосан динни давлат ва маорифдан ажратиш, хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар бериш, григорианча йил ҳисоби ва лотин алифбоси жорий этиш, халифалик ва шариат ҳуқуқини тугатишни ўз ичига олади. Туркия ташки сиёсатига фарб мамлакатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик хосдир. У 1952 йилдан бери НАТОнинг фаол ва обрўли аъзоларидан бири ҳисобланади. Турк генераллари мамлакатда камолизм сиёса-



Туркия ва унга чегарадош давлатлар

ти сақланишининг кафолатчилариdir. Бу 90-йилларнинг ўрталарида Анқарада ҳокимиятга Эроган бошчилигидаги испомчилар келганида айниқса ёрқин намоён бўлди.

Туркияда демократия қарор топиши осон бўлгани йўқ. Мамлакат бир неча ҳарбий тўнтаришни бошдан кечирди. Ниҳоят, 80-йилларда президент Турфут Ўзал раҳбарлигига иқтисодий эркинлаштириш дастури мувваффакиятли амалга оширилди ва бу Туркия жамиятининг ривожланишига янги туртки берди. 2004 йил декабрда Европа Иттифоқи Туркияни Европа ҳамжамиятига қабул қилиш бўйича музокара жараёнини бошлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Туркия муҳим геоиқтисодий аҳамиятга эга. У икки стратегик бўғоз - Босфор ва Дарданеллани назорат қилади, уч денгизда портларга эга. Бу экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноатнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратади. Туркия иқтисодиётининг энг жўшқин ривожланаётган сектори тўқимачилик саноати бўлиб, у тўлик хусусийлаштирилган. Туркиядан Фарбий Европа мамлакатлари, асосан Германияга меҳнат ресурслари миграциясининг кучлилиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. 60-йиллардан бошлаб миллионлаб турклар хорижда меҳнат қилмоқда. Улар мамлакат хорижий валюта тушумининг бош манбаларидан бири ҳисобланади.

Туркия Марказий Осиёга нисбатан 90-йилларнинг бошиданоқ фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда. Анқара минтақа мамлакатларининг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва уларнинг пойтахтларида ўз элчихоналарини очди. СССР парчаланишидан олдиноқ у Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари билан алоқалар ўрнатган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришган заҳоти Анқара 1991 йил декабрда Президент И.Каримовнинг Туркияга расмий ташрифини ташкил қилди. Минтақанинг барча мамлакатлари ўз мустақиллигининг дастлабки ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни шошилинч етказиб беришга Туркия Эксимбанкидан имтиёзли кредитлар олди. Халқаро ташкилотларда ишлаётган турк дипломатлари Марказий Осиёлик ҳамкасбларига ўз фаолиятини йўлга кўйишда яқиндан ёрдам бердилар. Туркийзабон дунё билан алоқаларни жадал ривожлантириш Туркияning нафақат ташқи, балки ички сиёсатининг ҳам муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган, чунки Туркия жамиятида пантуркизм фоялари ва кайфиятлари азалдан кучлидир. Анқара Турксой маданий ҳамкорлик дастури ташаббуси билан чиқди ва туркийзабон давлатлар саммитини мунтазам равишда ўтказиш фоясини илгари сурди.

Табиийки, эмоциялар билан бир қаторда, Туркияning Марказий Осиёга нисбатан сиёсати мамлакатнинг халқаро ишлардаги стратегик мақсадларига эришишга ҳам қаратилган эди. Геосиёсий

нуқтаи назардан, Марказий Осиё билан фаол ҳамкорлик Туркия-нинг цивилизациялар ўртасидаги кўприк, Фарбнинг мусулмон дунё-сидаги авангарди сифатидаги ролини ошириши лозим эди. Марказий Осиё мамлакатларига эса Туркия ўзини уларнинг манфаатларини Европада илгари суриш ва ҳимоя қилишга қодир куч сифатида тақдим этди. Бу билан Туркия ўзининг нуфузли регионал давлат эканлигини намоён қилди. Бу уни Европа Иттифоқига қабул қилиш учун кучли далил ва унинг НАТОдаги мавқеи кучайиши омили бўлиши керак эди. Туркияning Европа Иттифоқига қабул қилиниши унинг Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги обрўси ва таъсирини оширишга олиб келиши шубҳасиз.

Ушбу стратегик мақсадлар билан бир қаторда, соғ прагматик вазифалар, чунончи: Туркия бизнесига йўл очиш ва унга янги бозорларни ўзлаштиришда ёрдам бериш вазифаси ҳам қўйилди. Минтақа маҳсулотни сотиш учун бозор сифатида ҳам, Туркия тўқимачилик саноати учун ноёб хом ашё - паҳтанинг ишончли манбаи сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, Марказий Осиё йўналиши Каспий денгизи ҳавзасининг энергетик салоҳиятидан фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам Туркия учун муҳим аҳамият касб этарди. Марказий Осиёдан углеводородли хом ашё олиб келиш Туркияга нафакат ўзининг ўсиб бораётган саноатини энергия манбалари билан таъминлаш, балки нефть ва газнинг бошқа манбалари - Форс кўрфази мамлакатлари ва Россияга қарамлидан озод бўлиш имконини ҳам берар эди. Энг муҳими, Туркия қувур йўллари маршрутларини ўз ҳудудида туташтириб, жаҳоннинг асосий иқтисодий марказларига муҳим стратегик ресурс етказиб берувчи транзит давлати сифатидаги ролини янада кучайтириши мумкин эди.

Қувур йўллари ўтказишига кўмаклашиш ва минтақа билан бевосита алоқа ўрнатиш Туркияга унинг Марказий Осиё сиёсатидаги «заиф бўғин» - географик жиҳатдан ажralганлик ва узокликни муайян даражада бартараф этиш имконини беради.

Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши Марказий Осиёда бевосита ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ҳозирлик учун қулай имконият яратди. Тинчликни сақлаш бўйича колектив кучлар - ISAF ташкил этилганидан сўнг Туркия уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича олти ойлик мандатни икки марта ўз зиммасига олган ягона мамлакат бўлди. Туркия компаниялари Афғонистон иқтисодиётини тиклаш лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Туркия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида «тарихий алоқаларни тиклаш» дастлабки босқичи энтузиазми ва романтизми аста-секин иккала тарафнинг пухта ўйланган, оқилона ёндашувига ўрин бўшатди. Бугунги кунда улар ўз имкониятлари ва ўзаро манфаатларини яхши тушунадилар.

## **Ҳиндистон**

Марказий Осиёда ўз таъсирини ўрнатиш учун минтақавий мамлакатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат вариантиларни кўриб чиқишида сиёсатшунослар «Эрон - Туркия» вариантини биринчи ўринга қўйдилар. «Ҳиндистон - Покистон» варианти эса кам муҳокама қилинди. Бу мамлакатлар субконтинентнинг бош муаммоси - Кашмир билан банд ва ундан узоқ вақт кутула олмайдилар, деб тахмин қилинди. Лекин муаммолар ечими ва иккала мамлакатнинг ҳам келажақдан умидлари Марказий Осиёнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлиги аён бўлиб борди. Бунинг англаб етилишига қараб, мамлакатларнинг минтақадаги стратегик манфаатлари ҳам равшанлаша бошлади. Бошда Марказий Осиё йўналишида ташаббус Покистон қўлида бўлади, деб тахмин қилинган эди. Лекин воқеаларнинг ривожланиши буни тасдиқламади. Бир миллиард аҳоли яшайдиган давлат, «ҳозирги дунёнинг энг йирик демократияси» - Ҳиндистоннинг қудратли цивилизацион ва геосиёсий салоҳияти намоён бўла бошлади.

Ҳиндистон Республикаси аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринда туради. Демографларнинг прогнозига кўра, у тез орада Хитойдан ўзиб, биринчи ўринга чиқиши мумкин. Сўнгги ўйилликларда Ҳиндистоннинг нафақат демографик салмоғи, балки унинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти ҳам ошди. Аҳоли жон бошига олинадиган даромадларга кўра Ҳиндистон ҳамон жаҳон мамлакатларининг иккинчи юзлигига, мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисми қашшоқ бўлса-да, харид қобилияти нисбати асосида ҳисобланган ЯИМ ҳажмига кўра у ҳозир жаҳонда 4-ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатнинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди. Иқтисодиёти тубдан ислоҳ қилингани ва эркинлаштирилганидан сўнг унга жўшқин ривожланаётган мамлакатлардан бири, ахборот технологиялари соҳасида етакчи давлат сифатида қаралмоқда. Ҳиндистоннинг ядро қуролига ва жаҳондаги энг йирик қуроли кучлардан бирига эга регионал давлат сифатидаги роли умумий эътироф этилган.


Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатлари бир қанча муҳим фундаментал омиллар билан белгиланади.

Ҳиндистон жаҳонда етакчи ва нуфузли сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий кучга айланиб бораётир. У БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлишга қаттиқ ва фаол ҳаракат қилмоқда. Табиийки, Ҳиндистон жаҳоннинг муҳим минтақаси - Марказий Осиёдаги жараёнларда иштирок этиши, шунингдек минтақа давлатлари уни қўллаб-қувватлаши унинг БМТдаги мавқенини ошириш учун муҳимдир. Бундан ташқари, Ҳиндистон ўзининг азалий геосиёсий рақиблари - Покистон, Хитой ва Эрон Марказий Осиёда ўз

устунлигини ўрнатишини хоҳламайди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳиндистон мазкур минтақанинг муҳимлигини тан олиши ва бу ерда ўз манфаатларини изчил амалга оширишини тақазо қиласди.

Қарийб 150 миллион мусулмон аҳоли яшайдиган Ҳиндистон исломга эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан жаҳонда Индонезиядан кейин иккинчи ўринда туради. Шу боис у Марказий Осиёда сиёсий, радикал ислом кучайишидан манфаатдор эмас. Боз устига, ислом дини Ҳиндистон субконтинентига Марказий Осиёдан келган. Шу нуқтаи назардан Ҳиндистон ва Марказий Осиё тарихий ришталар билан ўзаро боғланган. Бинобарин, минтақада исломнинг сиёсийлашуви Ҳиндистон мусулмонлари радикаллашувига олиб келади, деган ташвишлар асоссиз эмас.

Жадал ривожланаётган ҳинд иқтисодиёти қўшимча энергия манбаларига муҳтожлигини Дехли яхши тушунади. Шусиз ҳозирги



Ҳиндистон ва унга чегарадош давлатлар

ривожланиш суръатларини сақлаб бўлмайди. Марказий Осиёнинг энергия ресурсларига углеводородли хом ашёнинг энг реал манбай деб қаралмоқда. Ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш Ҳиндистон ташки сиёсатининг муҳим стратегик мақсадидир. Марказий Осиё бозори ҳинд бизнеси томонидан ҳам фаол ўзлаштирилмоқда. Ҳиндистонлик бизнесменлар бу ерда ахборот технологиялари, фармацевтика, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда ўз товар ва хизматларини таклиф қилмоқдалар. Бевосита чегараларнинг йўқлиги, географик жиҳатдан узоқда жойлашганлик алоқаларнинг кенгайиши ва минтақа ривожланишида Ҳиндистон янада фаолроқ иштирок этишига монелик қилиб турибди. Ўтмишда Ҳиндикуш тизма тоғлари, сўнги ўйнилликларда - Афғонистондаги уруш ва Кашмирдаги кескин вазият бунга тўсқинлик қилган эди. Эндилиқда, узок йиллар давомида биринчи марта Марказий Осиё ва субконтинент ўртасида барқарор транспорт алоқаси ўрнатиш имконияти туғилди. Бу иккала тарафнинг қаршисида кенг истиқболлар очади.

Буни тушуниб етган Ҳиндистон Афғонистон иқтисодиёти ва транспорт инфратузилмасини тикашга катта маблағларни йўналтирмоқда. У Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлагининг муҳим қисми бўлган Дијором - Милак йўли қурилишини маблағ билан таъминламоқда. Бу магистралнинг пировард манзили жаҳон денгиз йўлларининг муҳим тугуни - Ҳиндистоннинг Мўмбай (собиқ Бўмбай) портидир.

Йўллар тизимининг қурилиши Марказий Осиёдан Жануби-Шарқий Осиёга қувур йўллари ўтказишнинг муҳим технологик шартидир. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши глобал геоиқтисодий ва геосиёсий аҳамиятга эга. Қувур йўллари ўтказиш фоясини амалга оширишга монелик қилаётган моддий ва техникавий муаммолар билан бир қаторда, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар масаласи ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Бир-бирига ишончсизлик билан қараш, бир-бирига боғлиқ бўлиб қолишдан қўрқиш бу лойиҳадаги ҳамкорликнинг афзалликларидан кучлилик қилаёттир. Ваҳоланки, Ҳиндистон ва Покистоннинг бир-бирига ижобий боғлиқлиги улар ўртасидаги можарони ҳал қилишининг энг таъсирчан омили бўлиши мумкин. Марказий Осиёдан Покистон орқали Ҳиндистонга энергия олиб келадиган қувур йўлларини ўтказиш иккала мамлакат ҳам бир-бирининг барқарор ривожланишидан манбаатдор бўлишини белгилаб беради. Шутариқа Марказий Осиё глобал аҳамиятга молик минтақа - Ҳиндистон субконтинентининг геосиёсий ривожланишида бурилиш ясаси мумкин.

## **Покистон**

Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Ҳитой билан чегарадош, Уммон кўрфазида портларга эга бўлган Покистон Жанубий Осиёда стратегик ўрин эгаллади. У аҳоли сони жиҳатидан (160 миллион) жаҳонда олтинчи ўринда туради. Покистон Ислом Конференцияси Ташкилотининг Индонезиядан кейинги иккинчи йирик аъзосидир. Демографларнинг прогнозига кўра, аҳоли ўсишининг ҳозирги суръати сақланиб қолса, 2050 йилга бориб Покистон аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринга чиқиши мумкин.

Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиё билан Покистонни тарихий ришталар боғлади. 1947 йил августда Ҳиндистон субконтиненти Британия мустамлакасидан озод бўлгач, бу ерда икки давлат вужудга келди. Субконтинентнинг асосан мусулмонлар яшайдиган қисмини Покистон деб номлашга қарор қилинди. Бу акронимни 1933 йилда Кембриж талабаси Раҳмат Али ўйлаб топган эди. Үнда «П» ҳарфи «Панҷоб», «А» - «Афғон», «К» - «Кашмир», «С» - «Сингх» ва «тон» - «Белужистон»нинг бир қисмини англатади. Бундан ташқари, «Пок» сўзи, ўзбек тилида бўлганидек, форсийда ҳам «тоза», «истон» эса - юрт деганидир.

Ёш давлат қисқа вақт ичидаги жуда кўп синовлардан ўтди. Демократик тараққиёт даври ҳарбий бошқарув билан бўлинниб турди. Кашмир муаммоси вақти-вақти билан танглика айланниб, қўшни давлат - Ҳиндистон билан ҳарбий тўқнашувларга сабаб бўлди. Афғонистондаги уруш ва бекарорлик бу мамлакат билан қондошлик ришталари билан боғланган Покистонга бевосита таъсир кўрсатди. Афғонистондаги энг йирик этник гурӯҳ - пуштуларнинг ярми Покистон ҳудудида яшайди ва икки давлатни ажратиб турган баҳсли Дуранд чизиги бўйлаб муттасил кўчиб юради. «Совук уруш» даврида Покистон АҚШнинг минтақадаги энг яқин ҳамкори эди. Афғонистонда совет босқинчиларига қарши уруш бошлангач, Покистон фронт яқинидаги давлатга ва афғон муҳоҳидларини қурол-аслаҳа билан таъминлаш базасига айланди. Ўша даврда миллионлаб афғон қочоқлари Покистоннинг чегара олди ҳудудларида паноҳ топдиларки, бу ҳозиргача мамлакат учун оғир оқибатларга сабаб бўлмоқда.

1998 йил Покистон ядро қуролини муваффақиятли синовдан ўтказганини эълон қилди. Шу тариқа у ядро қуролига эга биринчи мусулмон давлатига айланди. Бунга жавобан Покистонга санкциялар белгиланди. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бир вақтда мамлакатда сиёсий танглик юзага келди. Бунинг натижасида Покистон бош вазири Шариф лавозимидан четлатилди ва ҳокимиятни генерал



Пакистон ва унга чегарадош давлатлар

Парвез Мушарраф эгаллади. 2002 йил октябрда бўлиб ўтган умумхалқ парламент сайловида Мушарраф ва унинг тарафдорлари фала ба қозондилар. Лекин шу вақтга келиб Афғонистондаги воқеалар ҳамда 90-йилларда Исломобод ва Пакистон армияси томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган толиблар тузумига қарши антитерористик кампания муносабати билан мамлакатда вазият кескинлашди. Мушарраф мамлакат позициясини тубдан ўзгартиришга қарор қилди ва «Толибон» ҳаракатига қарши урушда АҚШни қўллаб-қувватлади. Бу мамлакатдаги ислом ақидапарастларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Мушаррафга қарши сурункасига бир неча марта сунқасд уюштирилди. Айни вақтда, Пакистон раҳбариятининг бу ҳаракати ўз самарасини берди. Мамлакатнинг жуда кўп миқдордаги ташқи қарзи реструктуризация қилинди, бир қисмининг эса баҳридан ўтилди. Пакистон катта моддий ёрдам олди. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз геосиёсий рақиблари - қўшни мамлакатлардан иқтисодий тараққиётда орқада қолмаслик Пакистон ҳукуматининг бош вазифасидир.

Покистоннинг Марказий Осиёга нисбатан ташки сиёсий стратегияси юқорида зикр этилган муаммолар мажмуми билан белгиланади.

Исломобод Марказий Осиё давлатларининг мустақиллигини пайсалга солмасдан, ўша заҳоти тан олди. Табиийки, у мазкур давлатлар симосида ўз геосиёсий иттифоқиларини топишга умид қиласр эди. Асосий рақиби - Хиндистоннинг яқин ҳамкори бўлган Россия 90-йиллар бошида Марказий Осиёдан «стратегик чиқиб кетиш» имконияти Покистонни бунга қаттиқ руҳлантириди. Исломобод ҳали СССР парчаланмай туриб Марказий Осиё мамлакатлари суверенитетини қўллаб-қувватлаш ва БМГа аъзо бўлишда уларга ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигини билвосита билдирган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Покистон раҳбариятининг минтақадаги сиёсий алоқалари анча фаол бўлди, иқтисодий ҳамкорликка катта умид билан қаралди. Бироқ кейин орадаги муносабатларда узоқ танаффус рўй берди.

Аввало, мамлакатларни бевосита боғловчи транспорт тармоқлари йўклиги, уларнинг ўртасида жойлашган Афғонистондаги уруш савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга имкон бермаслиги аён бўлиб қолди. Қолаверса, Покистон Марказий Осиёнинг дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган Марказий Осиё мамлакатлари, аввало Ўзбекистонга ёв кўзи билан қарайдиган «Толибон» ҳаракатини қўллаб-қувватлагани, айрим маълумотларга кўра эса, унинг ташкил топишида бевосита иштирок этгани минтақа давлатларини Покистондан узоқлаштириди. Ниҳоят, Марказий Осиё мамлакатларидан қочган экстремистик ҳаракатлар ва террорчилик гурухларининг аъзолари Покистонда паноҳ топгани ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

2001 йил 11 сентябрь воқеасидан сўнг юқорида зикр этилган масалаларга Исломобод муносабатининг тубдан ўзгариши Марказий Осиёда Покистон мавқеининг тикланишига имконият тудирди. Президент Мушарраф 2005 йил марта ўзининг Тошкентга ташрифи чоғида мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда «янги давр» бошланганини қайд этди. У тинчлик ва барқарорликка қарши хавфларга биргаликда кураш олиб боришга, минтақа мамлакатлари дуч келаётган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга тайёрлигини тасдиқлади.

Покистон минтақадаги нуфузли куч эканлиги шубҳасиз. У Афғонистон можаросини тартибга солиш жараёнларида муҳим рол ўйнади. Шу боис минтақа муаммоларини ҳал қилишга Покистоннинг фаол аралашиши жуда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Боз устига, Покистоннинг келажаги ва иқтисодий амбицияларининг рўёбга чиқиши Марказий Осиёдаги вазиятга бевосита боғлиқлиги аён бўлиб бормоқда.

Бу ерда аввало Покистон иқтисодиёти эҳтиёжлари учун минтақа энергия ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари назарда тутилмоқда. Бугунги кунда Покистоннинг ўрта синфи 30 млн. кишидан ошиб кетди. Уларнинг иқтисодий фаоллиги анча юқори бўлиб, энергия билан таъминлашни тақозо этади. Покистон Марказий Осиёдан келадиган қувур йўллари бу ердан ўтиб Хиндистонга бориши ва бу мазкур мамлакат билан тил топиш имкониятини туғдиришига умид қилмоқда. Покистон бизнеси минтақа бозорини ўзлаштирум ошиб кетди. Покистон инфраструктуранинг 90% саларини СССР ва Афғонистон ўртасидаги уруш ийларидаги афон муҳоҳидларига ёрдам кўрсатиш бўйича фаол ҳаракатлар барҳам топганидан сўнг Покистон портларидан тўлақонли фойдаланилмай қўйилди. Уларнинг ривожланган порт инфратузилмаси юкланмай қолаётир. Исломобод Марказий Осиё мамлакатлари ўз транспорт стратегиясини Караби ва Гвадар портларига қаратишидан манфатдор эканлигини яширмаяпти. Агар Марказий Осиёдан асосий маршрутлар шу портлар билан туташса, Покистоннинг обрўли регионал давлат сифатидаги аҳамияти янада ошади.

### *Араб-мусулмон дунёси*

Араб мамлакатлари ҳамжамиятияга Осиё ва Африкада жойлашган 22 давлат: Жазоир, Баҳрайн, Жибути, Яман, Миср, Ирок, Иордания, Қатар, Комор Ороллари, Қувайт, Ливан, Ливия, Марокаш, Мавритания, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Фаластин, Саудия Арабистони, Суряя, Судан, Сомали, Тунис, Фарбий Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси (барча мамлакатлар томонидан тан олинмаган) киради. Уларнинг деярли барчасида жамият онги исплом динининг катта таъсири остида шакланган. Жазоир ва Марокашдан ташқари, бу мамлакатлар Фарбда демократиялар сифатида баҳоланмайди. Араб мамлакатларининг аксарияти катта нефть захираларига эга. Араб дунёси жаҳон энергетика ресурсларининг 75% ни назорат қиласи. Нефтнинг асосий экспортчиларини бирлаштирувчи ОПЕК<sup>1</sup> ташкилотининг ўзагини айнан араб-мусулмон дунёси мамлакатлари ташкил этиши бежиз эмас.

<sup>1</sup> ОПЕК (Organization of the Petroleum Exporting Countries) - 1960 йил сентябрда Бағдод Конференциясида нефтга экспорт квоталари ва нархларни мувофиқлаштириш орқали жаҳон нефть бозоридаги вазиятига тартибга солиш мақсадида тузилган. Ҳозир бу ташкилотга Жазоир, Индонезия, Эрон, Ирок, Қувайт, Ливия, Нигерия, Қатар, Саудия Арабистони, БАА ва Венесуэла аъзо. Улар жаҳон нефть захираларининг 2\3 қисмига эга. Жаҳонда фойдаланилаётган нефтнинг ярмини шу мамлакатлар сотади. 2004 йилда нефть нархлари кескин ошиши натижасида ОПЕКка аъзо мамлакатнинг умумий даромади 338 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 1972 йил бу кўрсаткич 23 миллиард А?Ш долларини ташкил қиласи.

Унинг 11 аъзосидан 10 таси мусулмон давлатлари дидир, шу боис унга деярли ислом ташкилоти деб қаралади.

Лекин барча ўхшашликлар шу билан тугайди. Тарихий илдизлари, географик ўрни ва мухити, аҳоли этник жиҳатдан шаклланинг ўзига хос хусусиятлари ҳар хил бўлган араб мамлакатлари менталитети, диалекти, жисмоний тузилиши, турмуш тарзи ва маданиятига кўра бир-биридан анча фарқ қиласди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кучайган ва бутун араб дунёсини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган *панарабизм* ҳаракати муваффақият қозонмагани бежиз эмас. Ягона давлат тузишга фақат Сурдия, Ирек, Миср ва Шимолий Яман ҳаракат қилиб кўрди. Лекин, бу мамлакатлар раҳбарларининг сиёсий хоҳиш-иродаси қанчалик кучли бўлмасин, ягона давлат тез орада парчаланиб кетди. Шунга қарамай, араб дунёси мамлакатларига яқин давлатлараро алоқалар, Араб Давлатлари Лигаси каби кўп тарафлама ҳамкорлик институтларининг мавжудлиги, халқаро ташкилотларда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш хосдир.

Араб дунёси мамлакатлари яқдиллигининг дунё миқёсидаги сиёсий ва иқтисодий аҳамияти шунда намоён бўладики, у жаҳон нефть бозоридаги вазиятга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишга қодирдир. Биринчи марта бу 1973-1974 йилларда, «энергетик танглиқ» даврида намойиш этилди. Октябрь уруши (1973 йил) чогида Фарб мамлакатлари Исроилни қўллаб-кувватлаганига жавобан ОПЕК мамлакатлари жаҳон бозорига нефть етказиб беришни тўхтатиб қўйдилар. Ўша заҳоти нефть нархлари тўрт баравар ошди. Яқин Шарқ нефтига қарам бўлган ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти танг аҳволда қолди. Автомобиллар учун ёнилги тақчиллиги юзага келди. Фарб мамлакатларидаги вазият саросимага яқин бўлиб қолган эди.

Жаҳон миқёсида нефть ишлаб чиқаришда араб мамлакатларининг ролига баҳо бериш учун уни кундалик ишлаб чиқариш ҳажми ни нефть ишлаб чиқарадиган бошқа етакчи мамлакатларга солишибтириб кўрсатувчи қўйидаги жадвалга назар ташлаш кифоядир.

3-жадвал

**Жаҳоннинг нефть  
ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатларим 2003\***  
(Араб мамлакатлари ажратиб кўрсатилган)

Мамлакат	Нефть ишлаб чиқариш жами** (кунига млн. баррел)
Саудия Арабистони	9.95
Америка Қўшма Штатлари	8.84

Россия	8.44
Эрон	3.87
Мексика	3.79
Хитой	3.54
Норвегия	3.27
Канада	3.11
Бирлашган Араб Амирликлари	2.66
Венесуэла	2.58
Буюк Британия	2.39
Қувайт	2.32
Нигерия	2.25

\*Жадвалга жами нефть ишлаб чиқариш ҳажми 2002 й. кунига 2 млн. баррелдан ортиқ бўлган мамлакатлар киритилган

\*\*Жами нефть ишлаб чиқариш хом нефтым табиий газ конденсатим нефть конденсатим нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва бошқа суюқ энергия манбаларини ўз ичига олади

Жаҳонда текширилган нефть захиралари 1250 млрд. баррелни ташкил этади. Шундан 263 млрд. Саудия Арабистонига, 132,5 млрд. мусулмон дунёсининг бошқа муҳим мамлакати - Эронга қарашли. Нефтнинг йирик захираларига Ирок (125 млрд. баррел), Қувайт ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳам эга (ҳар бири 100 млрд. баррелдан).<sup>1</sup>

Саудия Арабистони жаҳон нефть захираларининг тўртдан бир қисмига эга. ОПЕК сиёсатини асосан шу мамлакат белгилайди. Лекин ташкилот аъзолари баъзан келишилган квоталар ва нарх коридори доирасидан четта чиқишидан ўзларини тийиб туролмайдилар. Эр-Риёд, ОПЕКнинг етакчи аъзоси сифатида, картель битимининг бузилиши ҳолатларига бағрикенглик билан муносабатда бўлади ва зарур ҳолда ташкилот сотувлар умумий ҳажмини ошириб юбормаслиги учун ўз квотасини камайтиради. Шунинг ҳисобига нефть ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар нафақат нефть нархини юқори дараҷада сақлаб туришга, балки уни ривожланган давлатларда саноатнинг технологик принципларини ўзгартириш ва нефтни энергия манбанинг бошқа турига алмаштиришга кучли рафбат туғилмайдиган тарзда тартибга солишга муваффак бўлмоқдалар.

<sup>1</sup> Economist, 2005. Vol. 375. Number 8432, p.114.

Араб дунёси ҳозирги даврнинг бақуват ва мұхим феномени - қарийб 60 давлатни ёки Ер юзидаги жами мамлакатларнинг учдан бир қисмими бирлаштирган ислом дунёсининг ҳам үзагини ташкил этади. Ислом Конференцияси Ташкилоти аъзолар сони жиҳатидан БМТдан кейин иккинчи үриндә турадиган йирик тузилма ҳисобланади. Жаҳон хўжалик алоқаларида ва ҳалқаро ҳаёт масалаларида мусулмон дунёси мамлакатларининг роли тобора ошиб бормокда. Бу гуруҳга мансуб мамлакатлар жаҳон энергетика бозорига таъсир кўрсатиш билан бир вақтда, глобал аҳамиятга эга бўлган молия ресурсларини назорат қилмоқда. Араб-мусулмон дунёси ривожланғаётган ва қашшоқ мамлакатларининг мұхим доноридир. Уларнинг Farb мамлакатлари банкларида депозитлари жуда катта ҳажмни ташкил қилиб, бу ердаги молия бозорларидаги вазиятга ва шу орқали бу давлатларнинг сиёсатига таъсир кўрсатиш имконини беради. Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт банки, Ислом Тараққиёт банки ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотларида Ислом дунёси вакиллари кучли мавқега эга.

Шу боисдан маънавий ва маданий илдизлари бир бўлган араб-мусулмон мамлакатлари билан дўстона муносабатларни ривожлантириш Марказий Осиё мамлакатлари учун мұхим аҳамиятта эга.

Ислом Конференцияси Ташкилотига қўшилиш ва унда фаол иш олиб бориш, ислом дунёсидаги мавқеининг кучайиши Марказий Осиё мамлакатларининг ривожланган демократик давлатлар билан муносабатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасизdir. Зотан, ривожланган демократик давлатлар ислом дунёсида дунёвий демократия йўлидан бораётган давлатлар мавқеининг кучайишидан манфаатдордиrlар.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақил тараққиётининг дастлабки йилларида араб-мусулмон дунёсини ташвишга солаётган асосий муаммолардан турли сабабларга кўра үзларини четта олдилар. Бу тарафлар ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг ҳусусияти ва мазмунига муайян даражада таъсир кўрсатди. Бу муносабатлар анча илиқ бўлса-да, лекин яқин ҳамкорлик даражасига кўтарилмади. Араб мамлакатларининг Марказий Осиёга қизиқиши асосан кичик иқтисодий ва маданий лойиҳалар билангина чекланиб қолди. Марказий Осиё мамлакатлари Яқин Шарқдаги вазият, араб-мусулмон дунёсининг ривожланиши масалаларига ўз муносабатини янада аниқроқ билдириши, ўз навбатида, ушбу мавзуларга бағишланган ҳалқаро анжуманларда Марказий Осиё мамлакатларининг овози эшитилмаслигига ўрганиб қолган ривожланган давлатлар билан минтақа мамлакатлари алоқаларининг кун тартибини ҳам кенгайтиради.

Сўнгги йилларда араб-мусулмон дунёсида мухим фундаментал силжишлар рўй бераётганини эътиборга олиш лозим. Ироқдаги уруш, АҚШ ҳамда НАТОга аъзо мамлакатлар ҳарбий-сиёсий кучлари Афғонистон ва Яқин Шарқда ҳозир бўлиши, Вашингтон эълон қилган «Катта Яқин Шарқ» ислоҳотлар дастури ушбу гурӯҳ мамлакатларининг ички сиёсатида жиддий ўзгаришлар рўй беришига олиб келмоқда. Араб-мусулмон дунёси давлатларининг раҳбарлари ўз сиёсий тизимларининг аста-секин эволюцион ўзгартиришга ҳаракат қилишга тайёрликларини намоён қилмоқдалар. Улар халқаро терроризмга ва экстремизмояларини тарқатувчиларга қарши курашни кучайтиридилар. Айни вақтда, Farb ҳарбий ҳозирлигининг кучайиши ва ёт цивилизация унсурларининг кириб келиши араб мамлакатлари оддий аҳолиси томонидан ҳар хил қабул қилмоқда.

Шундай қилиб, араб-мусулмон дунёси билан муносабатларнинг ривожланиши Марказий Осиё мамлакатлари ташки сиёсатининг мухим йўналишларидан биридир. Бу алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга ва уларга ҳозирги дунёнинг долзарб масалалари бўйича манфаатлар бирлигидан иборат фундаментал асос мавжудлиги хосдир.

## **Диний радикализм ва Марказий Осиё**

### *Исломдаги ҳозирги тенденциялар*

ХХ асрда ислом диний қараашлар, муносабатлар ва институтлар тизимида радикал ўзгаришлар кузатила бошланди. Улар ислом дини тарқалган барча минтақаларда дин омилиниңг сиёсийлашувида намоён бўлди. 80-90-йилларда бу жараён нафақат ислом давлатларини, балки мусулмон аҳоли яшайдиган бошқа давлатлар, шу жумладан Европа мамлакатларини ҳам қамраб олди. Жаҳонда фаолият олиб бориш усуллари ва «кун тартиби» ҳар хил бўлган исломистик гурӯхларнинг мураккаб тузилмаси вужудга келди. Сўнгги ўнийиллик ислом дунёсида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ушбу гурӯхлар фаоллиги мисли кўрилмаган даражада кучайиши билан тавсифланади. Уларнинг 2001 йил 11 сентябрь воқеасидан кейин эълон қилинган баёнотлари ўз ҳаракатларига улар диний уруш, ислом дини учун «кофиirlар» ва «уларнинг малайлари»га қарши кураш сифатида қараашларига шубҳа қолдирмайди. Туркияning камолчилар раҳбарияти 1922 йилда охирги халифаликни тугатганидан кейин ўтган даврни Усома бин Ладен «ислом камситилган ва хўрланган 80 йил» деб эълон қилди. Ўз аудио-мурожаатларидан бирида у мусулмонларнинг барча мусибатларига чет эл империалистлари ва

«жайдари» испоҳотчилар сабабчи деб таъкидлади. Шу боис ислом ақидапарастлари халифаликни тиклашни ислом динининг олдинги обрўси ва қурдатини қайтариш учун зарур қадам сифатида баҳоламоқдалар.

Бу гурухлар Қуръон ва Сунна матнларидан иқтибос келтириб, ҳозирги мусулмон жамиятлари ва ҳукуматларини «чин эътиқод»дан қайтишда айбламоқдалар ва илк ислом давридаги ҳаёт қонун-қоидаларини «тиклаш» учун кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг асосий мақсади - мусулмон мамлакатларини «қайта исломийлаштириш». Бу мақсадга эришиш учун улар икки асосий воситадан фойдаланмоқдалар. Биринчиси - мусулмон мамлакатларида оммага мағкуравий «ишлов бериш», радикал ислом ғояларини фаол тарғиб қилиш. Иккинчиси - дунё миқёсида терроризм усуллари билан кураш олиб бориш. Лондон Стратегик тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, сўнгги йиллар давомида «Ал Қоида» тармоғи қўпорувчилик фаолияти усулларини яхши ўзлаштирган 18 минг террорчини тайёрлаган ва дунё бўйлаб тарқатган.

Хўш, ҳозирги замон исломий жамиятларнинг муаммолари нимада?

Маълумки, мусулмон жамиятлари ҳаёти ва тараққиётининг барча даражалари ва йўналишларига исломнинг таъсири жуда кучли. Жаҳоннинг бошқа биронта ҳам дини ўзига эътиқод қиласиган жамиятларга бундай кучли таъсир кўрсатмайди. Бу исломнинг бир қанча ўзига хос ҳусусиятлари ва дин сифатида қарор топиш тарихи билан белгиланади.

Биринчидан, ислом диний мағкура, *шариат*, ҳуқук ва ахлоқ нормалари тўплами сифатида, жуда кўп мусулмонлар учун «универсал» диний таълимот ва улар ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солувчи дастуриламал ҳисобланади. Француз исломшунос олими А. дель Валь таъкидлаб ўтганидек, «Мұхаммаднинг динига шахсий ҳаёт ва оиласдан нарига ўтмайдиган оддий диндорлик деб қураш узоқни кўра билмаслик ва ашаддий ғарбпарастликдан бошқа нарса эмас».<sup>1</sup> Ҳолбуки, ислом дунёсида ижтимоий нормалар ва қадриятлар доим фақат шариатга асосланган, деган қарашлар тўғри эмас. Шариат чиндан ҳам мусулмон жамиятлари учун асосий норматив манба бўлиб хизмат қилган. Лекин давлат ва жамиятни ташкил этишда бошқа - исломдан олдинги ва исломга оид бўлмаган маҳаллий анъанаалар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ахлоқ нормалари, одил жамият ва давлатни оқилона идора қилиш ғоялари ислом динини қабул қилган халқлар, шу жумладан Марказий Осиё

<sup>1</sup> Del Valle A. *Islamisme et Etats-Unis: Une alliance contre l'Europe*. - Lausanne: L'Age d'Homme, 1999.

халқларининг исломдан олдинги ва исломга оид бўлмаган қарашларининг кучли таъсири остида шаклланган.

Дин ва сиёсат ўртасидаги алоқа исломдаги асосий муаммолардан биридир. «Ислом - сиёсий дин», деб ҳисоблайди Р.Хартман. Шу жиҳати билан у христиан динидан тубдан фарқ қиласди. Христианликда Исо пайғамбарнинг «Кесарю - кесарево, бугу - богоово» ақидасига амал қилинади ва унинг мазмуни «дин ўз йўли билан, ҳокимият ишлари ўз йўли билан» деб тушунилади. Исломда сиёсий ҳокимият амри муқаддас ҳисобланади, чунки ҳокимиятга бўйсуниш Аллоҳга бўйсуниш билан барабардир. Ислом тарихи пайғамбар нафақат дин тарғиботчиси, балки умма ҳаётининг ташкилотчиси ҳам бўлганигини кўрсатади. Қуръон ва Суннада соғ диний қоидалар ҳам, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий қурилиши тамоиллари ҳам мужассамлашган. Шу муносабат билан айрим нуфузли ислом мағкурачилари диний ва дунёвий бошқарувнинг узвийлигини қайд этадилар.

Пайғамбарнинг теократик бошқарув амалиёти ҳозиргacha ислом ақидапарастлари учун идеал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Улар сиёсатни ислом тамоилларига асосланган жамият қуришнинг тамал тоши деб билмоқдалар. Баъзан ҳатто араб мамлакатларидаги кенг фикрлайдиган мусулмонлар ва дунёвий руҳдаги зиёлиларнинг вакиллари ҳам исломда дин ва сиёсат ўртасида қатъий чегара ҳеч қачон бўлмаган, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бу «муаммо» бошқача маданий-тарихий тажрибага эга бўлган фарб жамиятларигагина хосдир.

Иккинчидан, кўп миллатли дин ҳисобланган ислом универсалдир. У фақат уммага мансубликни тан олади. Фарб жамиятида турли динларга эътиқод қиладиган миллат кишилар жамиятини ташкил қилишнинг асосий элементи бўлса, мусулмонлар учун бундай асосий институт сифатида турли миллатларни ўз ичига олган дин ҳисобланади. Ислом ақидапарастларининг талқинига кўра, ислом нафақат дин, балки ватан, фуқаролик ҳамдир. У географик чегара, ирқий ва ҳуқуқий тафовутларни билмайди. Уммага мансублик мусулмон учун муайян давлат фуқаролигидан муҳимроқ бўлиши лозим. Нуфузли Пью тадқиқот маркази 2005 йилда ўтказган таҳлил маълумотларига кўра, сўровдан ўтказилган Покистон фуқароларининг деярли 80% ўзларини аввало мусулмон деб ва атиги 7% - покистонлик деб ҳисоблашларини қайд этганлар. Марокашда бу нисбат 70% га 7% ни, Иорданияда - 63% га 23% ни ташкил этади.

220 млн. араблар 900 млн. кишидан иборат жаҳон мусулмонларининг атиги 24,4% ни ташкил қиласди. Энг катта мусулмон мамлакати ноараб Индонезия (187 млн.)дир. 270 млн. кишидан иборат бўлган форслар ва туркӣзабонлар ҳам ислом дунёсининг

йирик сегменти ҳисобланади. Шу боис исломга миллатчилик ёт. *Панисломизмнинг* мусулмонлар алоҳида миллат ва давлатларга парчаланишига ашаддий равиша қарши бўлишининг илдизлари ана шу ерда. Энг машҳур панисломистик ташкилот - 1928 йилда ташкил этилган Миср «Мусулмон биродарлари»нинг мақсади ягона ислом давлати тузишдан иборат. Исломизмнинг атоқли мағкурачиларидан бири Сайд Қутайба ўз асарларида суверенитет факат Оллоҳнинг измида деб қайд этади ва «худосиз» ҳокимиятни зўравонлик йўли билан ағдариш тоғасини асослайди.

Учинчидан, исломда ягона илохиёт-хуқуқий мактаби ва қарорлари барча мусулмонлар томонидан эътироф этилиши мумкин бўлган диний институт мавжуд эмас. Муайян мамлакат ёки минтақа, шу жумладан Марказий Осиёда яшайдиган мусулмонларнинг аксариятига ўзини қарши қўядиган ҳар хил ислом мазҳаблари ва оқимлари пайдо бўлаётгани янгилик эмас. Ўтмишда улар кўпинча доктриник ва схоластик мунозаралар билан чекланар, аста-секин исломнинг етакчи йўналишига (Марказий Осиёда - ханафийлик) қўшилиб кетар эди. Давлат факат жоиз қарашлар ва фаолият чегараларини белгилар, унинг дин ишларини тартибга солишдаги роли чекланган эди. Эндиликда ислом ақидапарастларининг мунозаралари ва фаоллиги тобора сиёсий тус олиб бормоқда, улар минтақа ва дунё миқёсида ҳаракат қилмоқда, уларнинг умумий доирасида экстремистик тенденциялар кучайиб бораётir.

Ислом дунёсига мансуб кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, диннинг сиёсийлашви ва кураш олиб боришнинг экстремистик ва террористик усуllibарига осонгина ўтиши, одатда, мамлакат ёки чет элдаги муайян кучлар диний гурӯҳларнинг гоявий мухолифлиги ёки жамият энг диндор қатламларининг пассионарлигидан ўз сиёсий мақсадларида фойдаланишига ҳаракат қилган ҳолларда рўй беради. Бунда исломнинг ўзидағи қарама-қаршиликлардан ҳам, мусулмон жамияти ҳаётининг ташқи шароитлари, чунончи: мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолат, этноконфессионал вазият, модернизация муаммолари, ислом дунёси давлатлари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг гарб мамлакатлари билан алоқалари, глобализация омилидан ҳам фаол фойдаланилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ислом дунёсида экстремизм тарқалишининг сабаблари ҳар хил ва уларни анъанавий мусулмон жамиятлари глобализация ва оламшумул геосиёсий ўзгаришлар шароитида дуч келган муаммоларнинг мураккаб түгунида қидириш лозим.

Мусулмон жамиятлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ўтган замонларнинг асосий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиб келган эди. Кўп асрлар мобайнинда ислом дунёси инсониятнинг энг тараққий этган цивилизацияси бўлиб, гарб христиан

цивилизациясидан устун турган. У нисбатан очик, бағрикенг ва билимлироқ эди. Ўрта асрларда Европа яхудийлари жаҳолатпрастлик ва таъкиблардан қочиб, мусулмон мамлакатларида паноҳ топдилар. Мусулмон дунёсининг ҳозирги тадқиқотчиларидан бири Б.Льюис ўрта асрлар халифалиги даврида ҳам, кейинчалик форс ва турк сулолалари даврида ҳам ислом империяси жаҳоннинг энг бой, құдратли, бунёдкор ва маърифатли минтақаси бўлганини қайд этади.

Лекин кейинчалик, айниқса, XV асрдан сўнг вазият тубдан ўзгара бошлади. Мусулмон дунёси мағлубият кетидан мағлубиятга учради ва XX аср бошига келиб Европанинг тўрт давлати - Британия, Франция, Россия ва Голландияга қарам бўлиб қолди. Мусулмон жамиятлари замондан орқада қолганлиги, улар саноатлашиш ва модернизация талабларига мослаша олмаганлиги ўтган асрда айниқса ёрқин намоён бўлди. Даставвал, мусулмон жамиятлари замондан орқада қолиб бораётган шароитларда, исломизм кўпинча модернистик ҳаракат сифатида намоён бўлар эди. XIX аср охирида салафийлик оқими вакиллари Ж. ал-Афоний ва М.Абдо исломни исплоҳ этиш, уни материализм ва лаицизм ғояларига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин кейинчалик исломизм «наҳдни», яъни Европа маърифатчилари таъсирида бўлган исломдаги исплоҳчилик ҳаракатини рад этувчи ақидапастликка айланди.

Ислом дунёси Farb технологик ва иқтисодий тараққиётидан орқада қолганлигини ақидапастлар исплоҳ этишдаги муваффақиятсизликлар билан эмас, балки ўз ҳукуматлари исломнинг анъанавий ақидаларидан чекингани ва дунёвий тараққиёт йўллари (араб национализми, социализм, камолизм)ни тонлагани билан боғладилар. Ижтимоий-иқтисодий қолоқлиқдан қутулиш ва ислом дунёсининг улуғвор мавқенини тиклашнинг бирдан-бир йўлини улар исломнинг анъанавий қадриятларига қайтишда кўра бошладилар. Бу ақидапастликнинг кучайишига олиб келди ва шу мамлакатларни «анъаналарга кўл» қилиб қўйди. Бунда таркибий, ижтимоий-иқтисодий омиллар жамиятда экстремизм вужудга келишига бевосита сабабчи бўлаётгани йўқ. Лекин улар жамиятда тонгликни кучайишига замин ҳозирламоқда, аҳолини одилона «ислом тартиби» ўрнатиш асосида жамиятни қайта қуриш йўли билан барча муаммоларни тезда ҳал қилишни ваъда берувчи сиёсий шиорлар ва ғояларга ўта таъсирчан қилиб қўймоқда.

Айни вақтда, глобализация инерт, тез ўзаришларга одатланмаган, анъанавий жамиятларга радикаллаштирувчи таъсир кўрсатмоқда. Айрим фарб олимлари шунга асосланиб «ислом цивилизацияси глобаллашаётган дунёнинг умумий принципларини қабул қилишга қодир эмас», деган фикрни илгари сурмоқдалар. Бу жамиятларнинг

иқтисодиёт, сиёсат ва маданият соҳаларидағи глобал жараёнлар билан тұқнашиши натижасыда юзага келганд мұаммаларни мусулмон мамлакатларидаги айрим күчлар ислом ва ноислом дунёсінинг тұқнашуви сифатида талқын қылмоқдалар. Ҳатто глобализацияның иқтисодий жиҳатларини қабул қилаётган мусулмон мамлакатларыда ҳам маданий глобализация исломистик күчларнинг қаттық қаршилигига дүч келмоқда.

Бұнда ислом дунёси асосий минтақаларидаги тангликлар ва халқаро можаролар кетаётган зоналарнинг мавжудлиги ҳам, шубхасиз, үз таъсирини күрсатмоқда. Шу шароитда айрим мамлакатларнинг самарали ишлай олмаётган ҳұкуматлари ёки бошқа сиёсий күчлар ислом омилидан үз мақсадларига эришиш ёки мавжуд ихтилофларнинг бекарорлаштирувчи таъсирини бошқа минтақаларга йұналтириш учун фойдаланишга ҳаракат қылмоқдалар. Ислом дунёсінинг анъанавий күч марказлари үртасыда мусулмон ахоли яшайдыган мамлакатларда үз таъсирини үрнатыш учун рақобатнинг кучайиши ислом дунёсидеги кескинлик манбаи бўлиб қолаётир. Яқин Шарқдаги вазият ва Истроилнинг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланиши антиамериканизм тұлқинини кучайтирди ва можаро динлароро тус олди. Араб-мусулмон дунёсінинг үз мамлакатларыда обрўга эга бўлмаган айрим ҳұкуматлари билан АҚШнинг ҳамкорлиги ҳам ислом дунёсига ҳужум воситаси сифатида шарҳланди.

Араб-Истроил можароси, айниқса, араблар құшини якson қилинган 1967 йил урушидан кейинги даврда экстремизм, антисемитизм ва антиамериканизмнинг доимий манбаи бўлиб келмоқда. Бу можарода озодлик учун кураш ғояларининг қуролли жиҳод ва шаҳидлик концепцияси билан сұнъий тарзда чатишуви рўй берди. Эндиликда улар янги заминга күчиримоқда ва бошқа мамлакатларда кескинлик үченини ёкиш учун қўлланилмоқда. Ҳусусан, бу ғоялар ислом ақидапарастлари томонидан Марказий Осиёда ҳам фаол тарғиб қилинганлиги диний экстремизм күренишлари ва «террористик-шахидлик» феномени бу ерга четдан олиб кирилганлигини исботлади.

Кўпгина тадқиқчилар, аввало француз олимлари, исломизм ўтган ўйниллукларда АҚШ кўмагида вужудга келган, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Қўшма Штатлар бундан уч мақсадни кўзлаган<sup>1</sup>:

- ◆ Форс кўрфазидаги энергия манбаларига йўл очиш;
- ◆ араб национализмини заифлаштириш;
- ◆ Афғонистонда СССР күчларини мағлубиятга учратиш.

<sup>1</sup> Labeviere R. *Les dollars de la terreur: Les Etats-Unis et les islamistes.* - Р.: Bernard Grasset, 1999.

Биринчи мақсад Ф.Д.Рузвельт билан Саудия Арабистони ма-лики Абд ул-Азиз ўртасида 1945 йил февралда «Күнзи» кемасида тузилган битим билан узвий боғлиқ. Ушбу битимга кўра АҚШ нефть эвазига Саудия хавфсизлигини кафолатлаш мажбуриятини олди. Француз олимлари Ж.-Ш.Бризар ва Г.Даскье фикрича, ислом ақидапарастлигининг шакланишида капиталистик тизимга кўшилган Саудия Арабистонининг ролини тушуниб етиш учун уч омилни эътиборга олиш лозим. Булар: диний прозелитизм, қироллик амбицияларини рўёбга чиқариш воситаси сифатидаги банк тизими ва Farbni қўрқитиши қороли сифатидаги нефть.<sup>1</sup>

Европа мамлакатларида яшайдиган мусулмонлардан бўлган ақидапарастлар ҳозирги замон исломизмининг зарбдор кути сифатида гавдаланмоқдалар. Ислом - Европадаги энг тез ўсаётган дин. Сўнгги 20 йил ичидаги ерда мусулмонлар сони икки баравар кўпайди ва бугунги кунда 20 млн. киши ёки Европа аҳолисининг 5% ни ташкил этади. Кўшма Штатларда яшайдиган мусулмонлардан фарқли ўлароқ, Европа мусулмонлари, одатда, ўзлари яшаётган жамият принципларини қабул қиласяптилар. Улар орасида ишсизлик даражаси жуда баланд, уларнинг маълумот даражаси эса, аксинча, паст. Европада кўпдан бери яшаётган оилаларнинг аксарияти бир неча авлод алмашганига қарамай маҳаллий тилни билмайди, фақат ўз миллатига мансуб мұхожирлар билан муомала қилади. Европада яшаётган мусулмонлар ҳамжамияти ўзини қуршаган ёт дунё, тушунарсиз жамиятга инстинктив муносабатда бўлмоқда - яккаланниб олиб, диндан ва анъянавий қадриятлардан маънавий мадад изламоқда. Масалан, радикал исломга Германияда яшаётган турклар ўз ватанида яшайдиган туркларга қараганда кучлироқ мойиллиги қайд этилган. Ўзлари яшаётган жамиятнинг совук муносабатини хис этган ва айни вақтда аждодлар замини билан алоқаний ўқотган ўшлар радикал, экстремистик оқимларга қўшилишга психологияк жиҳатдан тайёр бўлиб қолмоқдалар. «Farbdagi ислом тероризми мусулмон ҳамжамиятининг қуролли авангарди эмас. Бу - анъянавий жамият ва маданиятдан узилиб қолган, Farbdan умидлари чилпарчин бўлган, тушкунликка тушган авлод», деб ёзди таникли француз олими Оливер Рой.<sup>2</sup>

Шу ўринда «Ал Қоида» бошлаган, ўзига суиқасдек туюлаётган террорчилик урушининг моҳияти нимада, деган савол туғилади. Бу урушда аскарлар ва ракета зарбалари эмас, балки мусулмон дунёсидаги мағкуравий ва сиёсий курашларга АҚШни аралашиш учун жалб қилиш мухимроқ бўлиб турибди. Бу курашда «Ал Қоида»

<sup>1</sup> Brisard J.-Ch., Dasquie G. *Ben Laden: La verite interdite.* - P.: Denoel Impacts, 2001.

<sup>2</sup> International Herald Tribune, 2005, July 23-25.

бир неча ғалабаларни қўлга киритди.<sup>1</sup> Терроризм зарбасини ўзида хис этган мамлакатлар сони 2005 йил ўрталарига келиб 26 тага етди. Уларнинг аксарияти ислом дунёсига мансуб бўлмаган мамлакатлардир. Таниқли шархловчи Томас Фридман шу шароитда Farb бунга жавобан мусулмонларни ўз ҳудудидан шафқатсизлик билан сиқиб чиқарса керак, деб тахмин қиласди. Бунга далил сифатида у америкалик конгрессмен Т.Танкредонинг: «Агар исломистлар «ифлос» ядро бомбасидан фойдалангудек бўлсалар, Маккани ер юзидан супуриб ташлаймиз», деган сўзларини мисол келтиради.<sup>2</sup>

Ваҳоланки, бу қанчалик бу ғайритабий кўринмасин, «Ал Қоида» айнан шундай жавобни кутмоқда. Бу ҳолда ихтилоф цивилизациялараро, глобал хусусият касб этади. Унга барча минтақалар қўшилади ва доим турли маданиятлар туташган жой бўлиб келган Марказий Осиё чинакам фронт чизигига айланади.

Умуман олганда, Farbda яқиндагина энг консерватив ва бошқарса бўладиган дин сифатида идрок этилган ислом янги давр таъсирида ўзгариб бормоқда. У бугунги кунда farb давлатларининг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига, дунё миқёсидаги хавфсизлик тизимиға таъсир кўрсатаётган жиддий омилга айланмоқда. Бу ҳалқаро ҳамжамият олдига «ислом муаммоси»ни қайта тушуниб етиш ва уни ҳал қилишга нисбатан янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда.

Айни вақтда, ислом дунёси жаҳон миқёсидаги ўзгаришларга мослашиш зарурлигини ҳам тушуниб етмоқда. Зотан, мусулмон жамиятлари тараққиётининг бошқа муқобил йўли мавжуд эмас: ақидапарастлик ва экстремизм йўли боши берк йўл бўлиб, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик дини бўлган исломга путур етказади.

### *Радикал экстремизм ва Марказий Осиё*

Ислом дунёсида кечаетган мураккаб жараёнлар билан боғлиқ муаммолар мусулмон цивилизациясининг тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайдиган минтақа - Марказий Осиёни ҳам, албатта, четлаб ўтмади. Айни вақтда, Марказий Осиёда бу соҳадаги вазият ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар дин соҳасидаги ҳолатга ва унинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бир томондан, минтақа мамлакатлари яқин вақтгача инсоният тарихидаги энг мустабид, жуда тажовузкор давлат атеизми ҳукм сурган жамиятнинг бир қисми бўлиб келди. Ўша пайтдаёқ 20

<sup>1</sup> Scott Doran M. *Somebody else's civil war*. Foreign Affairs, N.Y., 2002. Vol. 1, №1, p. 22-42.

<sup>2</sup> International Herald Tribune, 2005, July 9-10.

млн.дан кўпроқ аҳолига эга бўлган Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 30 га яқин масжид фаолият кўрсатишига руҳсат берилган эди. Совет тузуми ҳукм сурган етмиш йил мобайнида Ўзбекистоннинг атиги 86 фуқаросига мусулмоннинг беш асосий бурчидан бири - Маккага ҳаж қилишга руҳсат берилди. Таълим, кадрларни танлаш, тарғибот тизими кишилар онгидан исломга мансублик туйғусини сиқиб чиқаришга қаратилган эди. Ислом таълимоти, унинг қоидалари тизими, фалсафаси ва маданиятини чуқур билган маърифатли дин пешволари қатлами деярли тутатилди. Бу маънавий раҳнамоликка даъвогар, лекин илоҳиёт соҳасида чуқур билимга эга бўлмаган чаламуллаларга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида қайд этилганидек, Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собық совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сирилар, баъзан жаҳолатпаст удумлар ривож топди. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар.<sup>1</sup>

Натижада Марказий Осиё жамиятларида исломнинг соддлаштирилган, баъзан нотўғри шарҳлари, шу жумладан радикал оқимларнинг ғоялари тарқалишига замин яратилди. Ваҳоланки, Марказий Осиё ва аввало унинг цивилизацион ўзаги - ҳозирги Ўзбекистон, асрлар давомида маърифатли, бағрикенг ислом маркази бўлиб келган эди. Ҳусусан, мусулмон фалсафа ва ҳуқуқининг энг мухим қоидалари шу ерда, ислом университетларида ривожланган. Реформистик ҳусусиятга эга мухим оқим - суфийлик ҳам шу ерда ривож топган.

Бошқа томондан, мустақилликка эришгач, Марказий Осиё жамиятлари атеизм кишсанларидан халос бўлдилар ва айрим тадқиқотчилар таъбири билан айтганда «мусулмон ренессанси» даврига қадам қўйдилар. Ўзбекистонда 90-йилларнинг ўрталарига келиб масжидлар сони 1500 тага етди. Мустақилликнинг дастлабки етти йили ичида 42000 киши ҳажга сафар қилиб қайтди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар йили беш мингтагача мусулмон ҳаж кунлари Макка ва Мадинага сафар қилиш имкониятига эга. Ислом коммунистик тизим парчаланганидан сўнг ҳосил бўлган бўшлиқ ўрнини тўлдириб, етакчи мағкурага айланниб борди. Лекин тез орада бу

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент, Ўзбекистон, 1997. - 40-6.

жараён икки жиддий муаммога дуч келаётгани аён бўлиб қолди. Биринчидан, испом тузилмалари ва институтлари ривожланмаганлиги, яхши тайёранган, билимли дин пешволарининг йўқлиги сезила бошлади. Иккинчидан, «исломийлашиш» жараёнини сиртдан ва ичдан жадаллаштиришга бўлган уринишлар Марказий Осиё жамиятларининг дунёвий демократия ва миллий давлат қуришга қаттиқ интилиши билан тўқнаш келди.

Марказий Осиёда онг ва маънавият соҳасида рўй берган жараёнларни кўриб чиқиша чуқур, ўз моҳиятига кўра инқиlobий бўлган ижтимоий ўзгаришларни ҳам эътиборга олиш лозим. Минтақада анъанавий жамиятнинг вайрон бўлиши XIX аср охири ва XX аср бошида бошланди. Минтақанинг чор Россияси томонидан истило қилиниши, саноат ривожланишининг бошланиши, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзгариши Марказий Осиё анъанавий жамиятида ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди. Шуни таъкидлаш лозимки, чор тузуми Туркистанда ислоҳотларни анча эҳтиёткорлик билан ўтказди, бу ерда мусулмон ҳуқуқи ва жамият қурилишининг асосий институтларини сақлаб қолди. Совет тузуми эса жуда кескин ва шафқатсиз иш тутди. Унинг сиёсати, моҳият эътибори билан, Марказий Осиё жамиятини «ғарбийлаштириш»нинг бир шакли бўлиб, Ғарбда вужудга келган марксизм мағкурасини миллий заминга сингдиришдан иборат эди. Бу ҳаракатлар муваффақияти чекланган хусусиятга эга бўлиб қолди. Чет эллик тадқиқотчилар Марказий Осиё жамиятларидаги бу «дуализм»ни 70-80-йиллардаёқ қайд этдилар.<sup>1</sup> Уларнинг фикрича, бу ерда бир пайтнинг ўзида икки жамият - совет ва анъанавий жамиятлар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўз қонунларига кўра яшар эди. Минтақада исломизм ғояларининг илк унсурлари ўтган аср 70-йилларининг охирида Тоҷикистанда қайд этилгани бежиз эмас. Жаҳондаги глобализация жараёнларига Марказий Осиёнинг қўшилиши натижасида анъанавий жамиятни тезлик билан амалга оширилаётган модернизация жараёнига бўлган ижтимоий реакция муаммосини янада кескинлаштириди. Ўтиш даври, иқтисодий тизим ва ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ табиий ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар минтақадаги ижтимоий кескинликни янада кучайтирди. Халқаро экстремистик ташкилотларнинг марказлари минтақанинг испом дунёсидаги ўрни ва тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб, Марказий Осиёга ўз ғояларини олиб кириш ва бу ерда тегишли ташкилотлар тузишга зўр бердилар.

<sup>1</sup> Қаранг: N. Lubin, *Labour and nationality in Soviet Central Asia: Uneasy compromise*. London, 1984.

Ушбу омиллар мажмуи, ислом дунёсининг умумий муаммолари га қўшилиб, Марказий Осиёда радикал ислом оқимлари вужудга келишини белгилаб берди. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Марказий Осиё шароитида уч халқаро хавф - диний экстремизм, халқаро терроризм ва наркобизнеснинг чатишуви рўй берди. Натижада исломизм бу ерда ўта тажовузкор шакллар касб этди. Экстремистлар дунёвий ҳукуматларга қарши жиҳод эълон қилдилар. Афғонистонда антитеррористик кампаниянинг муваффақияти, бу ерда толиблар тузуми ва «Ал Қоида» тармоғининг тугатилиши, афсуски, Марказий Осиёда радикал ислом билан қарама-қаршилик барҳам топишига олиб келмади.

Диний экстремизмнинг вужудга келиши ва кучайишини фақат бир сабаб, масалан, қашшоқлик ёки демократия институтлари ва фуқаролик жамиятининг ривожланмаганлиги билан боғлаш тўғри эмас. Сўнгги йиллар тажрибаси исломизм бой мамлакатларда ҳам, камбағал мамлакатларда ҳам, демократия ривожланган жамиятларда ҳам, исломий давлатларда ҳам фаоллашиши мумкинлигини кўрсатди. Ташки сиёсий ёндашувлари ва ички иқтисодий тараққиёт хусусиятлари ҳам аҳамиятсизdir. Амалда радикал ислом фаровон Европанинг ҳам, ислом бешиги бўлган араб мамлакатларининг ҳам, камолчилар Туркиясининг ҳам, исломистик ташкилотлар муайян даражада эркин фаолият олиб бораётган Покистоннинг ҳам муаммосидир. Бу нисбатан бой Россиянинг ҳам, мутлақо қашшоқ Афғонистоннинг ҳам муаммосидир. Ислом дунёсининг бошқа минтақаларида бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам радикал оқимларга қарши кураш, айримлар таъкидлаётганидек, давлат ва дин ўртасидаги тўқнашув натижаси эмас. Аҳолисининг 90% ўзини мусулмон деб биладиган Ўзбекистон шароитида буни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Бу, аввало, дин доирасидаги, анъанавий ислом тарафдорлари ва четдан олиб кирилган экстремистик ғояларнинг тарғиботчилари ўртасидаги тўқнашувдир.

Марказий Осиёда диний ақидапарастликнинг хавфлилиги яна шунда кўринадики, унинг тарқалиши мамлакатларда оҳолининг турли гурухлари ўртасидаги ишончга путур етказиши мумкин. Бу ерда фақат миллатлараро ва динлараро кескинлик салоҳияти тўғрисида сўз юритилаётгани йўқ. Бундан ҳам кучлироқ хавф - «чин мусулмонлар» ва «мунофиклар», яъни исломнинг экстремал талқинига қўшилмаганлар ўртасида янги ихтилоф йўналиши вужудга келиши мумкин. Минтақада ислом ақидапарастлари мавқеининг кучайиши Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро алоқаларига путур етказиши мумкин. Бу жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг муносабатига салбий таъсир кўрсатади ва минтақага чет эл инвестицияларини жалб қилиш имкониятлари камаяди.

Радикал ислом фояларининг тарқалишига қарши фаол кураш олиб бориш бугунги кунда бутун дунё миқёсидаги вазифадир. Бу хавфнинг илдизлари хилма-хил бўлганидек, унга қарши кураш чоратадбирлари доираси ҳам кенг ва кўп йўналиши бўлиши лозим. Фикримизча, Марказий Осиё шароитида уч йўналиш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи йўналиш - бу барқарор иқтисодий ўсиш. Ҳар қандай (диний, большевистик, фашистик ва ҳ.к.) фундаментализм жамиятдаги иқтисодий бекарорлик, баъзан - алғов-далғовлик, хаос негизида вужудга келади. Иқтисодий дезинтеграция, парокандалик шароитида одамларда, ҳатто мустабид тузум ўрнатилиши ҳисобига бўлса ҳам, тартиб ўрнатиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қодир «кучли қўл»га эҳтиёж туғилади. Фундаментализм доим тез натижага эришишни ваъда қилиб, кишиларнинг ана шу туйғуларига таянади. Диний фундаментализм ҳам, фоявий-сиёсий фундаментализм каби, борлиқнинг мураккаб саволларига «аниқ ва лўнда» жавоблар беради ва шу тариқа содда ва ўзи йўқотиб қўйган аҳоли қатламини ўзига оғдиради. Исломизм жамият бошига тушаётган барча мусибатлар таълимот асосларидан чекиниш оқибатидир, деган фояни илгари суради ва муаммоларнинг ечимини эски қадрияларни тиклашда кўради. Иқтисодий омиллар фундаментализм фаол фойдаланувчи биринчи омилдир. Ишсизлик, коррупция, турмуш даражасининг пасайиши, хуллас, кишиларни ташвишга солаётган барча муаммолар тегишли тарзда шарҳланади ва шунинг асосида улар ҳокимиятни ўзгартириш зарур деган фикрга келтирилади. Шу боисдан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, кучли ижтимоий сиёsat, яъни муҳтож қатламларга давлат томонидан ёрдамни ташкил қилиш ислом ақида-парастлигига қарши курашнинг асосий омилидир.

Иккинчи йўналиш - жамият ҳаётини демократиялаштириш. Ҳукуматдан норозилар ҳар қандай жамиятда бўлади. Демократия институтлари ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши норозиликни сублимация қилиш ва уни ошкора ифодалашнинг қонуний ва жамият томонидан назорат қилинадиган каналларини вужудга келтириш имкониятини түгдирали. Акс ҳолда аста-секин норозипик йигилиб бориши ва ихтилофа айланиши мумкин. Бундан ташқари, қонуний сиёсий тузилмаларнинг ривожланмаганлиги аҳолининг маргинал қисми яширин экстремистик оқимларга уюшишига туртки бериши мумкин. Аҳоли асосий қисмининг исломга эътиқоди азалдан кучли эканлигини эътиборга олиб, у аҳолининг сиёсий фаоллигини монополиялаштириши, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларига муносабат

бат билдириш учун минбарга айланишига йўл қўйиб бўлмайди. Фуқаролик жамиятининг тарихан шаклланган институти - маҳалла фаолияти Марказий Осиё, аввало Ўзбекистон шароитида улкан аҳамиятга эгадир.

Ниҳоят, учинчи йўналиш - таълим. Тўғри, яхши йўлга қўйилган дунёвий таълим тизими диний ақидапарастликдан сақланишни кафолатлай олмайди. Бироқ, илгор дунёвий билимларга эга бўлган саводли одам, одатда, экстремизмнинг соддалашган ақидалари ва жаҳолатпарастлик иллатларини яхши фарқлай ва англай олади. У техник тараққиётни ва илгор ғояларни идрок этишга ҳам кўпроқ тайёр бўлади. Марказий Осиё мамлакатлари ўзига хос демографик тузилишга эга ва унда ёшлар улуши жуда катта<sup>1</sup> эканлигини ҳисобга олсак, таълим соҳасидаги дастурлар устувор аҳамият касб этади. Масалан, Ўзбекистон ЯИМнинг 9% ни (бу Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткич) ҳар йили таълим соҳасига йўналтиради.<sup>2</sup> Умумий таълимни инвестициялаштириш, янги давлат дастури доирасида бу соҳага ҳаражатларни янада ошириш ва ЯИМнинг 11% даражасига етказиш мўлжалланмоқда.

## **Хитойнинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатлари**

### *Хитой ва Марказий Осиё муносабатлари тарихи*

Евросиёнинг икки қўшни минтақаси ўртасидаги муносабатлар тарихи қизиқарли фактлар, саналар ва ажойиб шахсларга тўла. XV аср бошида номи тарих саҳифаларида хитойча кўринишда қолган Марказий Осиёлик мусулмон - адмирал Чжен Хэ, Минъ сулоласига оид Хитой императори Чжу Дини мисли кўрилмаган денгиз сафарларига маблағ ажратишга кўндириди. Адмирал Чжен Хэ ихтиёрига 300 кема ва 20 мингга яқин кишидан иборат улкан флот берилди. 1405-1433 йилларда у етти марта сафарга чиқди, Жануби-Шарқий Осиёни айланиб ўтиб, аввал Ҳиндистон, сўнгра - Африка соҳилларига (хозирги Эфиопия худудида) етди. Адмирал Чжен Хэ Африка қирғоқларини тадқиқ қилиб, европаликлардан юз йил олдин Яхши Умид бурунигача сузиб борди. Марказий Осиёнинг яна бир вакили,

<sup>1</sup> Жаҳон Банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳолининг 70% 30 ёшга, 41% - 19 ёшга тўлмаган фуқаролардир.

<sup>2</sup> Республика Узбекистан. Обзор государственных расходов. Документ Всемирного Банка, 2005. С.34.

бухоролик мусулмон ўрта асрларда Хитойнинг ягона молия тизими таркиб топишига улкан ҳисса қўшгани маълум.

Алоқаларнинг узоқ тарихини умумлаштириб, Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш диалектикасини белгилаб келган икки мұхим омилни қайд этиш мүмкін.

*Савдо-сотик*, унинг кўлами ва хусусияти юқорида зикр этилган муносабатларнинг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатган биринчи ва асосий омилдир. Буюк ипак йўлининг Хитойни Европа билан боғлаган қуруқликдаги барча маршрутлари Марказий Осиё орқали ўтган. Бу Европа ва Узоқ Шарқ ўртасидаги табиий, энг қулави ва яқин йўл айнан шу йўлнинг маршрути эканлигини исботлайди.

Лекин кейинчалик сиёсий ва иқтисодий шароитларнинг ўзгариши савдо-сотиқнинг камайишига олиб келди. XV асрдан бошлаб Европа билан Осиё орқали қуруқлик бўйлаб алоқаларнинг барҳам топиши Марказий Осиё ва Хитой муносабатларига таъсир кўрсатган мұхим ҳолат бўлди. Иқлим ўзгариши ва минтақадаги урушлар билан боғлиқ бўлган бу ҳолат 200 йил давом этди. Айни вақтда, Россия XVI асрдан Осиё йўналишида фаол ҳаракат қила бошлади. XVII аср ўрталарида у Тинч океанига чиқди ва Хитойнинг энг фаол ва йирик қўшнисига айланди. 1689 йил Россия ва Хитой ўртасида *Нерчинск шартномаси* тузилди. Бу шартномада чегаралар ҳамда савдо-сотиқ шартлари белгиланди. Карvon савдоси яна йўлга қўйилди, лекин унда Россия салмоқлироқ рол ўйнай бошлади.

Этник жараёнлар Хитой ва Марказий Осиё муносабатлари тарихида мұхим рол ўйнаган иккинчи омилдир. Бу жараёнлар Халқларнинг буюк кўчиши моҳиятини ташкил этган. Хитой бир неча марта қабилалар Шарқдан Марказий Осиёга ва у ердан Фарбга кўчишининг манбаи ёки сабабчиси бўлган. Баъзан бу Хитой ва Марказий Осиё давлатларининг янги, урушқоқ давлат тузилмаларига қарши манфаатларининг мос келишига сабаб бўлган. Моҳият эътибори билан, бу Хитой, Шарқий Туркистон ва Мовароуннаҳр ўтрок цивилизациялари кўчманчи қабилаларнинг иттифоқларига қарши бевосита ёки билвосита келишилган кураш олиб боришларига олиб келган. Масалан, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари V асрда Турк ҳоқонлиги кўчманчиларига, VII-VIII асрларда - арабларга, XIII асрда - Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар қўшинига қарши ҳарбий иттифоқлар тузганлар. 1368-1373 йилларда Соҳибқирон Темур мўғуллар ўрдасига қарши бирга курашиш мақсадида Минъ суполаси билан иттифоқ тузди ва XIV аср охирида бу кураш муваффақият билан якунланди.

Лекин кейинчалик Марказий Осиё давлатлари ва Хитой астасекин заифлаша бошлади. Марказий Осиёда бу узлуксиз ўзаро урушлар, шунингдек қитъалараро савдо йўллари магистрал йўна-

лишларининг ўзгариши натижаси бўлди. Хитойда империяни сақлаб қолиш, чет вилоятларини бўйсундиришга уринишлар давлатнинг силласини қуритди. Халқаро майдонда Хитой обрўсининг пасайиши бошқа буюк давлатларга Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлаш имконини туғдирди.

XIX асрда Марказий Осиё минтақасида аввало Россия ва Буюк Британия ўртасида Катта ўйин бошланди. Қўшни Хитой унда иштирок этмади. 1885 йилда Хитой Қошфарда Англия қўллаб-қувватлаган Ёқуббек қўзголонини бостиришга муваффақ бўлди. Бу вақтга келиб Россия Марказий Осиёни тўлиқ босиб олган эди. Натижада то 1990-йиллар бошига қадар минтақанинг Хитой билан муносабатлари тўлиқ Хитой-Россия, сўнгра - Хитой-ССРИ муносабатларининг мазмуни билан белгиланиб келди.

### ***Хитой бугунги кунда***

XXР раҳбарияти 1964 йилдаёк XX аср охиригача мамлакатни модернизация қилиш вазифасини қўйган эди. Лекин бу вазифани бажаришга мамлакат фақат 1979 йилдан бошлаб, аҳолиси қашшоқ, иқтисодиёти қолоқ, нотекис ривожланган улкан мамлакатда модернизациянинг бошқача стратегияси зарурлиги англаб етилганидан сўнг киришди. Ўша даврда Хитой синфий курашни устун қўйиш сиёсатидан воз кечди ва иқтисодий қурилиш, ислоҳотлар ва ташки дунёга очиқлик йўлига кирди.

Модернизациянинг «уч босқичи» стратегияси ишлаб чиқилди. Биринчи босқичда ЯИМни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш режалаштирилди. Иккинчи босқичда 2000 йилгача ЯИМни яна икки баравар ошириш ва турмуш даражасини «кичик фаровонлик»<sup>1</sup> даражасига етказиш мўлжалланди. Нихоят, учинчи босқичда XXI аср ўрталаригача модернизацияни якунлаш ва «кичик фаровонлик жамияти»дан (2020 йил) модернизация қилинган жамиятга ўтиш назарда тутилди.

Агарар ислоҳот оила пудрати тизимини оммавий жорий этишдан бошланди. Оила пудрати дастлаб Анхой провинциясидаги Сяоганцуң қишлоғида 18 дехқон томонидан яширинча қўлланган эди. 1984 йилга келиб қишлоқда 50-йиллар ўрталаридан бошлаб ҳукм сурган ишлаб чиқариш бригадалари ва коммуналарида съзолар деярли қолмади. Шундан сўнг ҳукумат бу стихияли жараённи тартибга солиш мақсадида қишлоқ ҳўжалигини юритишнинг асосий

<sup>1</sup> «Кичик фаровонлик» - соф хитойча тушунча бўлиб, бой бўлмаса ҳам, ҳар қалай, ўзига тўқ яшаш имконини берадиган тўқчилик даражасини англатади.

модели сифатида оила пудратига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Янги қоидага кўра жамоа ери дехқон хўжаликларига 15 йилга ижарага берила бошланди (кейинчалик бу муддат 30 йилга-ча узайтирилди). Дехқон хўжаликлари озиқ-овқат солиғи тўлаш, шунингдек ҳосилининг бир қисмини қайд этилган нархларда давлатга сотиш мажбуриятини олдилар. Хўжаликларга ерга ишлов бериш ва экиш, жойлаштириладиган маблағлар турини танлаш масалаларини ҳал қилишда эркинлик берилди. Натижада дехқонлар ўз маҳсулотининг бир қисмини бозор нархларида сотиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уларнинг даромадлари оша бошлади. Бу ноаграр секторнинг ривожланишига ҳам турткি берди. Хитой фаллани четдан сотиб оладиган мамлакатдан уни экспорт қилувчи мамлакатга айланди.

*Саноатда испоҳотлар* асосан 1984 йилдан бошланди. Улар ҳам бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш мақсадида амалга оширилди. Бунгача давлат сектори корхоналарини ҳам марказий ҳукумат, ҳам маҳаллий маъмуриятлар назорат қилар эди. Испоҳотлар жараённида корхоналар эркинлигини ошириш ва даромаднинг бир қисмини уларнинг ўзига бериш вазифаси қўйилди. Корхоналарга ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бозор конъюнктурасига қараб иш кўриш соҳасида ҳам катта ҳуқуқлар берилди. Уларга режада белгиланганидан ортиқ маҳсулотни эркин бозорда бозор нархларида сотишга рухсат берилди. Айни вақтда маҳаллий ҳукуматлар устидан назорат ҳам камайтирилди. Улар режали назоратдан ҳолос бўлгач, ўз корхоналарини қўллаб-қувватлай бошладилар. XXР саноатида давлат корхоналари улуши 1978 йилда 76% дан 1994 йилда 34% гача камайди, ҳусусий корхоналар улуши эса 0,4% дан 25% га кўпайди.<sup>1</sup> Испоҳотларнинг хитойча модели замираида асосий ўзгаришларни Шарқий Европа мамлакатларида бўлганидек макродаражада (молия ва пул тизими, ташки савдо ва ҳ.к.) эмас, балки микродаражада (нархлар ва корхоналарни испоҳ қилиш, нодавлат секторини ривожлантириш ва ҳ.к.) амалга ошириш ётади.

«Ташки дунёга очиқлик» сиёсатини олиб бориш испоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди. Ташки дунёдан деярли тўлиқ ажralиб қолган Хитой иқтисодиёти ташки алоқаларни йўлга қўя бошлади. Ташки савдони испоҳ қилиш учун аввало маъмурий яккаҳокимлик ва давлат савдо маҳкамаларининг монополиясига барҳам берилди. Ташки савдо фаолиятини олиб боришни хоҳлаган корхоналар учун чеклашлар, шунингдек импорт тарифлари камайтирилди. Кўпгина

<sup>1</sup> Бу ерда ва ушбу бобнинг кейинги ўринларида XXР иқтисодиётига оид статистик маълумотлар кўйидаги китобдан олинган: Ван Мэнкуй и др. Экономика Китая. Межконтинентальное издательство, Пекин, 2005.

маҳсулотлар бўйича лицензион назорат тизими бекор қилинди, импорт-экспорт нархлари эса жаҳон нархларига яқинлаштирилди.

Бу қадамларнинг аҳамиятини тўлақонли баҳолаш учун Хитой охирги олти аср давомида, Минъ сулоласи ҳукм сурган давр (XIV-XVII асрлар)дан бошлаб, айниқса, Цинъ сулоласи даври (XVII-XX асрлар)да ташки дунёдан ажralиш сиёсатини олиб борганини эслаш лозим. Ўшанда ташки дунё билан ҳар қандай алоқалар тақиқлаб қўйилган эди. Бу Хитойнинг таназзулга юз тутишига олиб келди, қашшоқлик ва қолоқликни янада кучайтириди. XXR раҳбарияти Осиёнинг «тўрт кичик аждари» (Сянган, Сингапур, Тайвань, Корея) иқтисодиёти тараққий этишига олиб келган омилларни ўрганиб чиқиб, ташки дунёга очиқлик йўлига кирди. Хитой кўп меҳнат сарфини талаб қиладиган тармоқлардаги ўз устунлигидан фойдаланиб, буюртмачининг материалларидан маҳсулот ишлаб чиқариш, етказиб бериладиган деталлар асосида йиғиш ва монтаж қилиш, буюртмачининг намуналарига кўра товарлар ишлаб чиқариш хисобига экспортни йўлга қўйди. 2001 йилда XXR Жаҳон савдо ташкилотига қабул қилинди. 1980 йилда дастлабки тўрт *Махсус иқтисодий район* (*МИР*) - «четга маҳсулот ишлаб чиқарадиган, бозор иқтисодиёти қоидаларига кўра тартибга солинадиган ҳудудий иқтисодий тузилмалар»нинг ташкил этилиши муҳим ҳодиса бўлди. Уларда МИР корхоналари хусусий фойдаланиши учун мўлжалланган юклар импорт божидан ва ягона саноат-савдо солиғидан озод қилинди. Бундан ташқари, чет эллик бизнесменлар олиб кирадиган барча товарларга импорт божи ва ягона солиқ ундиришда 50% ли имтиёз белгиланди. Чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва экспорт ҳажмларини кўпайтиришга қаратилган бошқа имтиёзлар ҳам на зарда тутилди. 1988 йилга келиб XXRнинг бутун қироқ минтақаси очиқ шаҳарлар ва районлар зonasига айланди. 2004 йилга келиб XXRда чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар сони қарийб ярим миллионга етди. Амалда инвестициялаштирилган капитал миқдори 500 млрд. доллардан ошиб кетди. Жаҳоннинг 500 йирик компаниясидан 400 дан ортиғи Хитойда инвестициялаштирилган лойиҳаларга эга.

Бугунги кунда Хитой узок давр мобайнида иқтисодий тараққиётнинг юқори кўрсаткичларига эришиб келаётган жаҳон мамлакатларидан бири. Сўнгги 25 йилда Хитойда ялпи маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8% дан пасайгани йўқ. 1978 йилдан бери аҳоли жон бошига ЯИМ 100\$ дан 1000\$ га ўсади.

Ден Сю Пен бошлаган ислоҳотларнинг дастлабки даврида асосий эътибор қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган бўлса, бугунги кунда юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар мамлакатдаги энг жўшқин ривожланаётган тармоқлардир. Хил-

той электроника ва информатика ишлаб чиқариш бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқди. Мамлакатнинг йиллик ЯИМи 1,5 триллион долларни, валюта захиралари - 500 млрд. долларни ташкил этади. Осиё Тараққиёт банки маълумотларига кўра, Хитой жаҳон иқтисодиёти ўсишининг 13% ни таъминламоқда (2002 йил). Ташқи савдо обороти ҳажми муттасил ўсиб бораётир. 2005 йилда у биринчи марта 1 трилион доллардан ошади. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллади. Хитой бозорига АҚШ экспортининг 22%, Германия экспортининг 28%, Япония экспортининг 32% тўғри келади.

2002 йилда Хитой жалб қилинган чет эл инвестициялари ҳажми бўйича биринчи марта АҚШдан ўзиб кетди (53 млрд. доллар). Хитойнинг бутун жаҳон бўйлаб молиявий экспансияси сифат жиҳатидан янги ҳодиса бўлди. Хитой компаниялари 2004 йилнинг ўзида фақатгина АҚШ бизнесига 2,3 млрд. доллар жойлаштирудилар.

Хитой - илфор технологияларни фаол ўзлаштираётган мамлакат. Буюк Британиянинг ўзида 38 минг хитойлик талаба таҳсил олмоқда. АҚШда хитойлик талабалар сони бундан ҳам кўп. Мамлакат стационар ва уяли телефонларнинг умумий сонига кўра жаҳонда биринчи ўринни эгаллади (240 млн. абонент). Интернетдан фойдаланувчилар сонига кўра хитойликлар учинчи ўринда.

90-йилларда ҳукумат ҳалқаро иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш дастурини қабул қилди ва «тўрт йўналиш бўйича ривожланиш» стратегиясини илгари сурди. Шулардан бири Марказий Осиёга ёндош ҳудудлар - Синьцзян ва Ички Мўғулистанни ривожлантириш.

### *Хитой ва Марказий Осиёнинг ҳозирги муносабатлари мазмунини белгиловчи омиллар*

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги муносабатлар кўп жиҳатли доимий тарихий, геосиёсий ҳодиса бўлиб, тўрт муҳим омил билан белгиланади.

Биринчиси - географик омил. Марказий Осиё ва Хитой шунчаки чегарадош эмас. Хитойнинг фарбий қисми Марказий Осиёнинг географик минтақа сифатида кенг тарқалган талқининг киради. Бу қисм, ёки Синьцзян-Уйғур автоном райони - ҳатто фанда Шарқий Туркистон деб ҳам аталади. Ваҳоланки, Фарбий Туркистон - Марказий Осиёнинг туркий тилида сўзлашадиган қисмидир.

Иккинчли омил - Хитойнинг миқёси, унинг минтақа ва дунё миқёсидаги обрўси. Хитой - БМТ асосчиларидан бири, Ташкилот Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси. Хитой бошқа ҳалқаро ташкилотларда ҳам фаол иштирок этади, улар орқали жаҳондаги

вазиятга таъсир кўрсатади. Хитой ЕХХТ билан бевосита алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. 1955 йилги Бандунг конференциясидан сўнг Хитой халқаро муносабатлар амалиётида тинч-тотув яшаш принциплари қарор топишининг ташаббускорларидан бирига айланди. У оммавий қирғин қуролига, кўп сонли, яхши жиҳозланган ва ўргатилган қуролли кучларга, кенг миқёсда жанговар ҳаракатлар олиб бориш тажрибасига, қуролли кучларни қўллаб-куватлаш инфратузилмасига эга бўлган қудратли ҳарбий давлат мақомини олган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда Марказий Осиё мамлакатларига Хитой томондан хавф мавжуд эмас. Боз устига, Марказий Осиё ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги охириги музокаралар жараёнида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган мухим битимлар имзоланди. Шу жумладан ҳозирда мавжуд чегараларнинг дахлсизлиги ва ҳудудлар бўйича ҳеч қандай дайво йўқлиги тан олинди.

*Учинчи омил - Хитойнинг иқтисодий тараққиёти.* Мълумки, Хитой жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган энг йирик давлатларидан бирига айланиб бормоқда. Хитой - улкан ва тобора катталашиб бораётган бозор. У четдан келаётган жуда кўп товарларни истеъмол қилишга қодир. Айни вақтда, у бошқа мамлакатларга кўп турдаги арzon истеъмол маҳсулотлари етказиб беради. Марказий Осиё ва Хитойнинг географик жиҳатдан яқинлиги улар ўртасида савдо алоқаларининг истиқболлари порлок эканлигидан далолат беради.

Умуман олганда, Хитой Марказий Осиё билан иқтисодий ҳамкорликдан жуда манфаатдор. Унинг манфаатлари савдо алоқаларини ривожлантириш билангина чекланмайди. Улар стратегик, иқтисодий омиллар - табиий ва энергетик ресурслар, саноат ва меҳнат салоҳияти, ушбу минтақа орқали Фарб билан боғланиш истиқболлари билан боғлиқ.

*Тўртинчи омил - Хитойнинг давлат-сиёсий хусусиятлари.* Бу мамлакат - Осиёдаги энг қадимги ва яшовчан давлат тузилмаларидан бири. Хитой давлат-сиёсий тизими такомиллашганига қарамай, анъанавий марказлашган давлатчиликнинг асосий принципларини сақлаб қолган. Шу ҳолат ҳамда мамлакат сўнгги йилларда қўлга киритган ва киритаётган улкан ютуқлар қитъанинг бошқа мамлакатларида катта қизикиш уйғотмоқда.

Шуни назарда тутиш керакки, Хитой йигирманчи асрнинг дастлабки йилларида ёк давлатчиликнинг дунёвий шаклини танлаган ва Сунъ Ятсен амалга оширган испоҳотлардан сўнг республика бошқарув шаклига ўтган Осиёдаги биринчи давлатлардан биридир.

*Бешинчи омил - Хитойнинг демографик хусусияти.* Туғилишни чеклаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай,

Хитой аҳолиси ўсишининг мутлақ кўрсаткичи ўртача катталикдаги давлат аҳолиси сони билан барабар. Мамлакат иқтисодиёт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритаётганига қарамай, аҳолининг катта қисми муҳтоҗлиқда кун кечирмоқда. Натижада жуда кўп хитойликлар ҳар йили яхши ҳаёт излаб чет элга чиқиб кетмоқдалар. Ривожланган мамлакатларда эмиграциянинг чекланиши янги минтақавий сиёсий муаммолар билан бирга Марказий Осиё давлатлари ва Россияни Хитой фуқароларининг бир қисми табиий равишда келиб ўrnашадиган зонага айлантиради. Шу тариқа маҳсулот экспортига Хитойнинг ижтимоий-демографик муаммолари ни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш қўшилади.

*Олтинчи омил - Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг қадимийлиги.* Дин ва тилда фарқлар катталиги туфайли маданий алоқалар бевосита бўлмаган, чунки Марказий Осиё доим ислом тафаккурининг бир қисми бўлиб келган, Хитой эса ўз Узоқ Шарқ ёки Хитой тафаккур тарзига эга бўлган. Шунга қарамай, фан ва маданият соҳасида фаол алоқа қилиш каналлари мавжуд бўлган.

Марказий Осиёнинг мустақил давлатларига нисбатан Хитой ташқи сиёсати нисбатан аста-секин, лекин изчил ривожланиб борди. Хитой ўзининг «таъсирчан» қисми - Синьцзян-Үйғур автоном райони билан чегарадош минтақада бирон-бир учинчи тараф ўз таъсирини ўрнатишидан манфаатдор эмас. Боз устига, тарихий ва маданий жиҳатдан Синьцзян Марказий Осиё билан узвий боғлиқ, географик жиҳатдан эса унинг таркибий қисмидир. Минтақада бошқа давлатлар ўз таъсирини ўрнатишидан манфаатдор бўлмасада, Пекин бу масала юзасидан очиқ ва қаттиқ ихтилофга киришиш ниятида ҳам эмас. Унинг стратегияси минтақа билан ҳамкорликни изчил, босқичма-босқич ривожлантиришдан иборат. Шу боис Хитой Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишидан манфаатдордир, чунки бекарорлик, бир томондан, тартибсизлик унинг фарбий ҳудудларига ўтишига, иккинчи томондан эса, минтақага учинчи тараф «ортиқча жалб қилиниши»га сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олади.

Пекин Марказий Осиё мамлакатларида секуляризмнинг мустаҳкамланишидан ва улар билан Хитойда «уч ёвуз куч» деб атала-диган халқаро терроризм, этник сепаратизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Хитой бу масалада Ўзбекистоннинг позициясини юксак баҳолайди ва унга «ишончли ҳамкор» сифатида қарайди.

Хитойнинг савдо ва молия экспансияси стратегияси Марказий Осиёнинг истиқболли ва ўсиб бораётган бозорини четлаб ўтолмайди. 2004 йилда ХХР Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзоларига,

яъни амалда минтаقا мамлакатлариға имтиёзли савдо кредити сифатида 900 млн. доллар ажратганини эълон қилди. Хитой минтақа-нинг энергетик ресурсларидан фойдаланишдан манфаатдордир. У Қозогистондан Синьцзян-Уйғур автоном районига нефть қувур йўли ўтказишга катта маблағлар ажратди. Шу боис Марказий Осиё билан транспорт-коммуникация алоқаларини кенгайтириш Хитой учун устувор аҳамият касб этади. Бундан ташқари, янги маршрутлар Европа ҳамда Ўрта ва Яқин Шарққа олиб борадиган транспорт йўлларининг муқобил варианatlарини вужудга келтиришга хизмат қиласи.

## **Россия ва Марказий Осиё**

Марказий Осиёning ташқи дунё билан алоқалари тўрт асосий геостратегик йўналиши орасида Россия йўналиши сўнгги асрлар давомида етакчи бўлиб келди. XIX асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ва деярли бутун XX аср давомида у моҳият эътибори билан ягона йўналиш бўлиб қолди. Россияning минтақадаги ҳозирги роли кўп жиҳатдан ҳам ана шу ҳолат билан белгиланади.

Россия ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларнинг мазмуни ва хусусиятини бир қанча омиллар белгилайди.

Биринчи омил - **савдо-иқтисодий алоқалар**. Бу алоқалар фақат сўнгги асрнинг иқтисодий тарихи ва бир пайтлар ягона ҳалқ ҳўжалиги комплексига мансуб бўлганлик билангина белгиланмайди. Бу муносабатлар анча чуқур илдизларга эга. Россия империяси Марказий Осиёни босиб олгунга қадар Бухоро Амирлигининг Россия билан савдо-сотиқ ҳажми унинг барча жанубий қўшнилари билан умумий савдо-сотиқ ҳажмидан икки баравар катта эди. Ҳамма гап, албатта, ишлаб чиқаришнинг тузишлиши ва иқтисодиётларнинг бир-бирини тўлдиришидадир. Россия - Марказий Осиёning асосий товарлари: ҳом ашё, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, фойдали қазилмалар учун табиий бозордир. Марказий Осиёning қолган барча қўшнилари шу гурухга мансуб товарларни ўзлари ишлаб чиқара-дилар ва шу боис улар харидор эмас, балки кўпроқ минтақанинг савдо рақиби бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, минтақанинг бошқа бирон-бир яқин иқтисодий ҳамкори Россия даражасида катта ва қамровли бозорга эга эмас. Марказий Осиё учун Россия бошқа қўшни мамлакатларда бўлмаган стратегик товарлар - металл, ёғоч, қурилиш материалларининг асосий манбаидир. Россия учун Марказий Осиё унинг саноат маҳсулотлари - тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги учун табиий бозордир. Ҳуллас, иккала тарафни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига торадиган омиллар жуда кучлидир.

Сўнгги йилларда савдо-иктисодий алоқалар таркибида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Марказий Осиё жаҳон энергия ресурслари бозорининг таркибий қисмига айланиб бораётир. Шу соҳадаги етакчи давлатлардан бири бўлган Россия буни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас, албатта. 90-йилларнинг бошида, Марказий Осиёга нисбатан Россия тайинсиз сиёsat олиб борган даврда у минтақа энергия ресурсларини, аввало, Қозоғистоннинг нефта бой конларини ўзлаштиришда ташаббусни қўлдан чиқарди. Сўнгги йилларда, Россия energetik компаниялари ўз қудратини тиклаши билан бир вактда, у, аввало, газ қазиб олиш соҳасида асосий ҳамкор сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун катта маблагларни инвестициялаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Марказий Осиёдан Россияга ишчи кучи миграциясининг кучайиши ҳам қайд этилмоқда. Бу иккала тараф учун ҳам муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамият касб этилмоқда.

Иккинчи муҳим омил - транспорт коммуникациялари. Минтақа учун шимолий стратегик транспорт йўналиши денгиз портларига олиб чиқадиган темир йўлларга эга ягона йўналиш ҳисобланади. Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, Афғонистон орқали ўтадиган транспорт йўлагининг ривожланиши Россияни Жануби-Шарқий Осиё, Хинд океани ва Форс кўрғазининг портлари билан боғловчи янги йўллар вужудга келишини англатади.

Учинчидан, Россия ва Марказий Осиёни хавфсизлик ва ҳалқаро хавф-хатарларга қарши кураш соҳасидаги умумий манфаатлар боғлайди. 20 миллион мусулмон яшайдиган Россия радикал исломга қарши бевосита кураш олиб бормоқда. Марказий Осиё, аввало Афғонистондаги террорчилик гурухлари Чеченистондаги тузилмалар билан алоқа қилаётгани маълум. Бугунги кунда наркобизнес катта муаммо бўлиб қолаётир. Россияда бу муаммони Марказий Осиёдаги ҳаракатларсиз ҳал қилиб бўлмайди.

Тўртинчи муҳим омил - умумий ахборот майдонининг мавжудлиги. Бу майдонда Россиянинг оммавий ахборот воситалари муҳим рол ўйнамоқда.

Ниҳоят, геостратегик нуқтаи назардан Россия *Марказий Осиёда бошқа давлатнинг ҳарбий-сиёсий ҳозирлиги кенгайишидан манфаатдор* эмас. Марказий Осиёда ўз таъсирини йўқотиш Россия учун катта стратегик чекиниш ва жаҳоннинг обрўли давлати сифатидаги мавқеини бутунлай бой бериш билан баробардир. Шунга қарамай, 90-йиларда Россиянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатида муайян эволюцияни бошдан кечирди. Дастребаки даврда у анча тайинсиз тус олиб, Кремль эътиборидан четга чиқиб қолди. Боз устига, Москванинг мувофиқлаштирилган ягона сиёсати йўқлиги қайд этилди. Россиянинг Марказий Осиёдаги таъсири кескин камайди.

Ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари кейинчалик Ўзбекистон Президенти И.Каримов «мустақилликдан эйфория» деб тавсифлаган түйғуларни бошдан кечирди. Бу ерда «регионализм» деб номлаш мүмкін бўлган кайфиятлар, Марказий Осиё ва ҳар бир муайян мамлакатнинг жаҳондаги ўрни ва аҳамиятини ҳақида бўрктирилган тасавурда бўлиш ҳукм суро бошлади. Минтақавий ривожланиш дастурларига Фарб мамлакатлари зудлик билан қўшилиши ва унда фаол иштирок этишига умид қилинди. Вақти-вақти билан Москвада янграб турган «янги империячиликка» ҳамоҳанг овозлар ҳам бунга муайян таъсир кўрсатди.

2000-йилларнинг бошида Россия ташқи сиёсатида янги оҳанглар пайдо бўла бошлади. Москва дунёвий демократия йўлидан бораётган барқарор, дўст мамлакатлар қуршовида бўлишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Марказий Осиёдаги ҳар қандай муаммоларни ечишга аралашиши муқаррар эканлигини Россия яхши тушунади. Шу боис у Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши ва бу ерда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавфларни бартараф этишига қодир кучли давлатлар вужудга келишидан манфаатдордир. 2003-2004 йилларда Россия минтақадаги иқтисодий ва, маълум даражада, ҳарбий-сиёсий таъсирини мустаҳкамлади. Тоҷикистон ва Қирғизистонда Россиянинг ҳарбий базалари пайдо бўлди, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома Ташкилоти қайта тузилди. Қозогистон ва Туркменистон билан бир қанча муҳим иқтисодий битимлар тузилди, 2004 йил июнда Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳарбий-сиёсий жиҳатларни ҳам ўз ичига олган стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Марказий Осиёда иш олиб бораётган ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида Россия Федерациясининг иштироки ҳам фаоллашди. 2004 йил октябрда у Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Шу йил Минтақавий антитеррористик тузилманинг Пекинда Котибияти, Тошкентда - Ижроқўмини ташкил этиш билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг институциявий шаклланиши якунланди. Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган бу ташкилотда ХХР билан бир қаторда Россия ҳам муҳим рол ўйнаши лозим.

Айни вақтда, мутахассислар, шу жумладан россиялик олимлар Марказий Осиёда Россиянинг фаоллашуви пухта ўйланган узоқ муддатли стратегия натижасими ёки минтақада янги омил - АҚШ ва НАТО ҳарбий-сиёсий кучлари пайдо бўлиши ва фарб мамлакатларининг бу ерда фаоллашишига импульсив муносабатми, деган савонни ўртага ташламоқдалар.

## **Халқаро тараққиётнинг ғарбдаги ҳозирги назариялари**

Марказий Осиё ўзининг узоқ тарихида ҳозирги талқиндаги Ғарб цивилизацияси билан кам алоқа қилган. Бу минтақадаги геосиёсий жараёнларга Ғарб мамлакатларининг бевосита аралашиши, умуман олганда, янги ҳодисадир. У ҳали тўла тушуниб етилгани йўқ. Марказий Осиё мамлакатлари бу ерда ўз ҳарбий-сиёсий, иқтисодий манфаатларини охирги йиллардагина белгилаган Ғарб мамлакатлари стратегиясининг пассив объектлари бўлиб қолмаслик учун ўз ёндашувларини ишлаб чиқишилари лозим. Бу АҚШ ва Европа Иттифоқи сиёсий элитасининг ҳозирги дунёга муносабатини шакллантирувчи муҳим назарий ёндашувларини, дунёning ва шу жумладан минтақанинг ривожланишига бағишлиланган илмий тадқиқотларни билишни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда Ғарбдаги амалий дипломатияга ўз асарлари билан энг катта таъсир кўрсатаётган олимлар сафига биринчи навбатда қўйидагилар киради.

### *Арнольд Тойнби*

Фоялари Жеймс Кейнс назариясини рад этишга асосланган машҳур иқтисодчи, 1976 йилги Нобель мукофоти лауреати Милтон Фридман ҳозирги вақтда барча иқтисодчилар муайян даражада «кейнсчилар»дир, деб таъкидлаган эди. Бу фикри билан у ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг шаклланнишига Кейнснинг интеллектуал таъсири катта бўлганини қайд этган эди. Ғарб тарих фани ва ижтимоий тараққиёт назарияси тўғрисида сўз юритганда, бу соҳадаги барча олимлар муайян даражада «тойнбичилар»дир деб айтиш мумкин.

Арнольд Тойнби 1911 йил Оксфорд университетини тарих ихтисослиги бўйича тамомлади. 1934-1961 йилларда у 12 жилдли ҳашаматли «Тарихни англаш» асарини эълон қилди. Бу монументал асарда Тойнби жуда кўп фактологик материал асосида 26 жамият ва 21 цивилизациянинг вужудга келиши, равнақ топиши ва емирилиши жараёнларини тадқиқ қилди.

Бошқа замондош олимлардан фарқли ўларок, Тойнби ўзини миллий тарих ва миллий давлат доираси билан чекламади. «...Миллий тарих, - деб қайд этади у, - ...агар уни алоҳида кўздан кечирадиган бўлсан, тарихий тадқиқотнинг ақл англаб етадиган

майдони эмас, бундай бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди... бу ҳар қандай миллий давлатга нисбатан тўғридир. Шу боис, тарихий тадқиқотнинг ақл англаб етиши мумкин бўлган майдонини излашда давом этиб, биз миллатга қараганда йирикроқ бирликни танлашимиз лозим». Тарихни ҳаракатга келтирувчи кучлар миллий эмас, улар умумийроқ сабаблардан келиб чиқади, дейди Тойнби. Боз устига, улар миллий кўринишида тўғри тушунилиши мумкин эмас. Мамлакат тарихи, токи у кенгроқ ҳамжамиятга кирган бошқа миллий давлатлар тарихи билан қиёсий ўрганилмас экан, англашилмай қолаверади. Бу кенгроқ ҳамжамият цивилизация бўлиб, унинг замарида аввало динга эътиқод ётади. Тойнбининг фикрича, ҳозирги замонда *Farb цивилизацияси* билан бир қаторда, шу турга мансуб бўлган яна камида тўрт жамияти фарқлаш мумкин:

- 1) жануби-шарқий Европа ва Россияда жойлашган *православ-христиан*, ёки Византия жамияти;
- 2) диагонал бўйлаб Шимолий Африка ва Ўрта Шарқ орқали Атлантика океанидан Буюк Хитой деворигача ўтувчи арид иқлимли (чўл ва ярим чўл) зонада жойлашган *ислом* жамияти;
- 3) арид иқлимли зонадан жануби-шарқда, тропик субконтинентал Ҳиндистонда жойлашган *хиндуистик* жамият (лекин ҳинд жамияти эмас, чунки у Индонезия архипелагини ҳам қамраб олади, Ҳиндистонда эса мусулмон жамияти ҳам мавжуд);
- 4) арид иқлимли зона ва Тинч океани ўртасидаги субтропик ва мўътадил иқлимли ҳудудларда жойлашган Узоқ Шарқ жамияти.

Шундай қилиб, Тойнби назариясининг асосий мазмуни шундан иборатки, ҳар қандай давлатнинг ривожланиш тарихини фақат кенг контекстда тушуниб етиш мумкин. У нафақат мамлакатни ва унга ёндош минтақани, балки бу миллат мансуб бўлган цивилизацияни ҳам қамраб олиши лозим. Давлат тарихини цивилизацияларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилиш орқали тушуниб етиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда бу ёнма-ён яшаётган, келиб чиқиши бўйича қариндош цивилизацияларни (Тойнби уларни «опасингил» цивилизациялар деб атайди) ва өмирилиб бўлган («она» цивилизация) жамиятлар тарихи билан боғланган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилнинг вақт мезони ҳам жуда жўн бўлиши мумкин эмас. Тойнбини ўқиб шундай хуласага келамизки, бугунги ҳодисалар, силжишлар, жамият ривожидаги кескин бурилишлар нафақат уларнинг бевосита арафасида рўй берган омиллар билан, балки узоқ тарихда бошланган ва аста-секин «пишиб» келган жараёнлар билан белгиланган.

Инсоният тарихи, дейди Тойнби, бу цивилизациялар генезисидир. Яьни у цивилизацияларнинг ривожланиши ва емирилиши тарихидан иборатдир. Бизгача турғун ҳолатда етиб келган барча примитив жамиятлар қачондир харакатда бўлган; цивилизацияларга айланган барча жамиятлар ҳам эртами, кечми муайян усулда турғун ҳолатга келади. Цивилизацияларнинг генезиси, яьни ривожланиши замирида бир эмас, бир неча омил ётади; бу ягона борлик эмас, балки нисбатдир. Ривожланишга асосан *муаммога* (*challenge*) жавоб топиш жараёни туртки беради. «Муаммо, - деб қайд этади Тойнби, - ўсишга ундейди». Унинг фикрича, муаммоларнинг беш тури бор: оғир иқлим муаммоси, янги ерлар муаммоси, зарбалар муаммоси, тазийк муаммоси ва камситиш муаммоси.

Ушбу муаммоларга жавоб топар экан, жамият ўз олдида турган вазифани ҳал қиласди ва шу тариқа нисбатан юқори ва мукаммал босқичга кўтарилади. Муаммонинг йўқлиги юксалиш ва тараққиётга рағбатнинг йўқлигини англатади. «...Муаммо қанча мураккаб бўлса, жавоб шунча ўзига хос ва бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлади», деб таъкидлайди Тойнби. Маънавий юксалиш жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Жамият муайян эксперимент ўтказишга аҳд қиласдан ҳолдагина юксалиш рўй беради, чунки фаол жавоб маҳаллий турмуш тарзидан воз кечишини назарда тутади. Эксперимент - бошқа, умумий ва боқий турмуш тарзини вужудга келтиришга уринишдир. Инсоният тарихи кўпгина буюк ислоҳотларга дастлаб шубҳа билан қаралганини кўрсатади. «Улар фақат бунинг учун зарур маънавий мухит яратишга муваффақ бўлган жамиятдагина амалга ошиши мумкин эди», деб қайд этади Тойнби.

Ҳар қандай цивилизация охир-оқибатда синиш, таназзул босқичига келади. Бунга жамиятдаги ички портлаш сабаб бўлади. Иқтисодиёт, сиёсат ва маданият жамиятнинг мухим таркибий қисмлари ҳисобланади. Юксалиш босқичидаги цивилизацияда улар муштарак бўлади. Таназзулга юз тутган цивилизацияда эса таркибий қисмларнинг ноўйғунлиги кузатилади. Бир маданият бошқа маданиятга кириб келганида, унинг таркибий қисмлари таъсир кучи унинг ижтимоий қимматига тескари бўлади. Масалан, маданият ўзига ёт иқтисодиётни нисбатан яхшироқ қабул қиласди, кейинги ўринда сиёсат ва охирги ўринда маданият туради.

Ҳозирги даврда глобализация доирасида кечаётган жараёнлар Тойнбининг бу холосаси тўғрилигини тасдиқлайди. Глобализациянинг иқтисодий, ахборот ва ҳатто геосиёсий жиҳатлари жаҳоннинг

турли минтақаларидан қабул қилинмоқда. Лекин ёт маданиятнинг кириши норозилик ва қаршилик уйғотмоқда. Тойнбининг: «Маданиятнинг ўз заминида заарасиз ва ҳатто фойдалы бўлган үнсурлари бегона ижтимоий мұхитда хавфли ва вайронкор бўлиб чиқиши мумкин», деган сўзларининг тўғрилигини тасдиқловчи мисолларни ҳозирги ҳалқаро ҳаётдан кўплаб келтириш мумкин.

Тойнбининг ҳозирги ғарб сиёсатчилари учун амалий аҳамиятга молик мұхим ҳуносаси шундаки, цивилизациянинг таркибий қисмлари узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг бири бошқасисиз ривожланиши мумкин эмас. Яхши ривожланмаган мамлакатларни фақат индустрIALIZАЦИЯ, яъни иқтисодий юксалиш мақсадида ғарб технологияларини ўзлаштириш орқали модернизация қилиш мумкин эмас. ИндустрIALIZАЦИЯНИ муваффақиятли амалга ошириш учун олдин умумий вазиятни муайян тарзда ўзгартериш зарур. Ғарб андозасидаги саноат тизимини барпо этишга уринаётган «учинчи дунё» мамлакатлари жамият ҳаётининг барча соҳаларини ва ҳатто шахсий ҳаётни ғарбийлаштириш зарурати билан тўқнаш келмоқдалар. Соғлиқни сақлаш, таълим, шаҳар бошқаруви соҳаларига ғарб андозаларини жорий этиш зарурияти яққол намоён бўлмоқда. Сиёсий бошқарув ва ижтимоий ҳаёт тузилмалари ғарб мезонлари билан баҳолана бошламоқда.

Цивилизациялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида сўз юритар экан, Тойнби шундай ҳуносага келади: «Икки ёки ундан ортиқ цивилизация ўзаро алоқа қилар экан, уларнинг потенциал кучи кўпинча ҳар хил бўлади. Инсонга ўз устунлигидан фойдаланиш хосдир. Шу боис ўз кўшниларидан кучлилигини тушунган цивилизация албатта ундан фойдаланишга ҳаракат қиласди».

80-90-йиллар чегарасида жаҳон тарихида содир бўлган бурилиш рўй берсаётган воқеаларни фалсафий тушуниб етишга даъват этди. Файласуфларга ҳозирги дунё манзарасининг беш хил талқини таклиф қилинди. Ҳуносалар, далиллар, фикрнинг мантиқий алоқаси ҳар хил бўлса-да, барча назарий изланишлар, моҳият эътибори билан, Тойнби ғоялари, унинг «цивилизациялар назарияси»га асосланади.

### *Френсис Фукуяма*

Жон Хопкинс университетининг Илфор тадқиқотлар мактаби (SAIS) профессори Френсис Фукуяма 1989 йил «Тарих тугадими?»

мақоласида, сүнгра «Тарих интиҳоси ва охирги одам» китобида<sup>1</sup> СССРнинг парчаланиши ва демократия тантанаси тарихнинг тугашига олиб келишини қайд этди.<sup>2</sup> Унинг фикрича, жаҳон ўзининг охирги, энг мұкабмал ҳолатига яқинлашди. Унинг бу ҳолатга кириши қадриятлар ва принциплари муштарап бўлган демократик давлатлар дунёда барқарор ва тинч тартиб ўрнатишга муваффак бўлишларини англатади.

Фукуяма фикрларининг қисқача тавсифи қўйидагича.

Чекинишлар ва айрим бурилишларга қарамай, тарих изчил олдинга ҳаракатланади. Бунда ҳар бир янги давр ўзидан олдинги даврнинг ютуқларига асосланган ҳолда яхшироқ турмуш даражасига эришади. Фан ва технологик кашфиётлар иқтисодий юксалиш ва жамият тараққиётининг бош манбаидир. Буғ машинаси, пенициллин, компьютер чипи, Интернет - бу янгиликлар инсониятнинг моддий фаровонлиги анча яхшиланишига олиб келди.

Лекин инсон факат моддий фаровонлик ва жисмоний комфортга интилмайди. У психологик комфортни ҳам излайди. Психологик комфорт аввало ўз қадр-қимматини ёки ўзликни (Аристотель таъбири билан айтганда, *thymosni*) англаш билан боғлиқ. Илмий тараққиёт натижасида бойлик ва комфорт кўпайишига қараб инсон ўз қадр-қиммати учун курашни давом эттиради. Фукуяманинг фикрича, бу кураш тарихдаги қонли изларнинг бош сабабчисидир. Давлатлар обрў ва мавқе учун курашиб, бир-бирларига уруш очганлар. Давлат доирасида қуллар ва крепостнойлар ўз қадр-қиммати учун жабр-зулмга қарши кураш олиб борганлар.

Фукуяманинг таъкидлашича, либерал демократия сиёсий мұкаммал ҳолатдирм чунки у ўз моҳиятига кўра шахснинг асрий интилишларига мос келади. Эркин овоз бериш ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, эркинликлар тизими либерал демократияни инсоният мағкуравий эволюциясининг сүнгги мэррасига ва бошқарувнинг энг олий шаклига айлантиради. У инсонга ўз қадр-қиммати учун курашга зарурат қолдирмайдим чунки инсонни олий қадрият сифатида тан олиш либерал-демократик тартибининг ўзагини ташкил этади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Fukuyama F. The End of History? *National Interest* no. 16 (Summer 1989) and F. Fukuyama, The End of History and the Last Man, New York, Free Press, 1992.

<sup>2</sup> Бу ерда инсон «мутлақ ҳақиқатга» эришиши ва уйғунлик замони келишини англатадиган гегелча талқиндаги «тарих интиҳоси» тўғрисида сўз юритилмоқда.

<sup>3</sup> Ўз вақтида Ф. Гегель АҚШ ва Франциядаги инқолобларни тарихнинг интиҳоси деб баҳолаган эди. Ф. Фукуяма эса уларни «тарих интиҳосининг бошланиши» хисоблади, СССРнинг парчаланиши ва демократия тантанаси эса тарихнинг ҳақиқий интиҳосини англатади, чунки либерал демократиянинг асосий душманлари - фашизм, социализм ва коммунизм узил-кесил мавҳ этилган.

Иммануил Кант республика бошқарув шакли халқлар ўртасида барқарор тинчлик ўрнатиш имкониятини туғдиради, чунки вакиллик ҳокимияти ва урушга қарши агрессив сиёсатни тийиб турувчи омилга айланади, деб тахмин қилган эди. Айни вақтда, демократик жамиятлар, бир оила аъзолари сифатида, ўзаро қондошлик түйгуларини ҳис этадилар ва тинч-тотув яшаш уларнинг табиий ҳолатига айланади. Бу ҳам шунгача узлуксиз уруш ва мажаролардан иборат бўлиб келган тарихнинг интиҳосини англатади. Кант фикрининг мантиғини давом эттириб, Фукуяма: «Либерал демократиялардан ташкил топган дунё урушга камроқ рафбат сезиши керак, чунки барча миллатлар бир-бирининг қонунийлигини эътироф этадилар», деб таъкидлайди.

Шунга асосланган ҳолда Фукуяма жаҳон мамлакатларини икки гурӯхга ажратади.

Биринчи гурӯхга тараққиёт йўлини якунлаган ва бир-бири билан стратегик рақобатга барҳам берган либерал демократиялар киради. Уларнинг манфаатлари фақат иқтисодий йўналишда кесишиади, бу муносабатларда *realpolitik*<sup>1</sup> категориялари амал қилмайди, чунки демократиялар ҳамжамиятида анъанавий геосиёсий рақобат батамом йўқолади.

Иккинчи гурӯхни нодемократик мамлакатлар ташкил этади. Улар ўтмиш сарқитлари бўлиб, бир-бирига ва демократияларга нисбатан ножоиз иш кўрадилар. Улар фақат ўз обрўсини оширишга ҳаракат қиласидилар.

Шундай қилиб, замонавий жаҳондаги бўлиниш чизиги (*fault line*) пост-тариҳий мамлакатлар (демократиялар) ва тариҳий (нодемократик) мамлакатлар орасида ўтади.

Дунё демократик ва нодемократик давлатларга бўлинайётган ҳозирги даврда АҚШнинг вазифаси демократияни бутун дунёда илгари суришдан иборат, деб хисоблайди Фукуяма. Жаҳон бозорининг кенгайиши, сиёсий эркинликларни қарор топтириш учун иқтисодий либерализациядан фойдаланиш жаҳондаги бўлинишга барҳам бериш ва тарихнинг якунланишига олиб келиш омили бўлади.

### Жон Мирсхаймер

Чикаго университети профессори Мирсхаймер 1990 йилда «Нима учун яқин келажакда Совуқ урушни қўмсаб қоламиз» ва «Келажакка

<sup>1</sup> *Realpolitik* (нем.) - ташкил сиёсат принципи бўлиб, муайян прагматик натижага эришиш учун ғоявий, маънавий ва ахлоқий қадриятларга ҳам беписандликни назарда тутади.

қайтиш: Совуқ урушдан кейин Европадаги бекарорлик<sup>1</sup> номли мақолаларида келажакнинг жуда аянчли манзарасини чизиб берди. Ўн йиллеклар давомида барқарорлик омили бўлиб келган икки қутбли дунё ва «Фарб-Шарқ» қарама-қаршилиги барҳам топганидан афсусланиб, у Европадан АҚШнинг ҳам, СССРнинг ҳам чиқиб кетиши қитъа мамлакатлари ўртасида эски адоватнинг қайта тикланишига олиб келади, деб таъкидлади. Унинг фикрича, Шарқий Осиёни ҳам шу қисмат кутмоқда.

«Ҳарбий кучнинг тақсимланиши ва моҳияти замираida үруш ва тинчлик ётади», деб ёзади Мирсхаймер. Совуқ урушнинг тугаши натижасида кучларнинг тақсимланиши охир-оқибатда кўп қутбли дунёнинг тикланишига олиб келади, деб ўз фикрини давом эттиради у. Йирик рақибнинг йўқлиги туфайли АҚШ Европа ва Шарқий Осиёдаги ҳарбий кучларини камайтиради ва кейинчалик уларни бутунлай олиб чиқиб кетади. Бу иккала минтақада ҳам рақобат туғилишига олиб келади. Германия яна ўзининг гегемон, устун давлат сифатидаги мавқеини тиклайди ва чекинаётган Россиянинг орқасида қолаётган бўшлиқни тўлдиришга уринишлари билан ўз қўшниларини таҳликага солиб қўяди. Марказий Европада чегаралар юзасидан ва майда миллатлар ўртасида низолар чиқади, уларни ҳал қилиш учун давлатлар четдан мадад излайди, маҳаллий можароларга йирик давлатларни жалб қилади. Мудроқ уйқудаги миллатчилик фоялар уйғонади ва бу, Мирсхаймернинг фикрича, Европа ўтмишда агрессияга чорлаган ҳолатга қайтишига олиб келади.

Шу тенденциялар Шарқий Осиёда ҳам кузатилади, деб ҳисоблайди Мирсхаймер.

У Совуқ урушнинг тугаганини афсус билан қайд этади. Унинг фикрича, Шарқ ва Farb қарама-қаршилиигига асосланган икки қутбли дунё уч сабабга кўра ҳозир шаклланаётган кўп қутбли дунёга қараганда барқарорроқ эди. Биринчидан, у фақат бир бўлниш чизигига эга эди. Иккинчидан, икки қутблиликда қарама-қарши тарафлар кучларининг деярли тенглиги кузатиларди. Ҳолбуки, кўп қутблилик тарафлар кучларининг номутаносиблигини англатади. Нихоят, икки қутбли тизим кўп қутбли тизимдек мураккаб эмас ва унинг натижаларини олдиндан таҳмин қилиш мумкин.

1945 йилга қадар барча урушлар айнан кўп қутблилик ва етакчи давлатлар ўртасидаги кучларнинг номутаносиблиги натижаси

---

<sup>1</sup> Mearsheimer J. Back to the Future: Instability in Europe After the Cold War, *International Security* vol.15, no. 1 (Summer 1990), and J.Mearsheimer Why We Will Miss the Cold War, *Atlantic Monthly* vol. 266, no. 2 (August 1990).

бўлган, деб ёзади Мирсхаймер. Бинобарин, яқинда биз Совуқ уруш даврини қўмсаб қоламиз, чунки дунёнинг ҳозирги харитаси Иккинч жаҳон урушидан олдинги даврни эслатади, деб хulosса қиласди у.

Мирсхаймер Фукуямани ва либерал демократиялар ўртасида қуролли мажаролар чиқиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган бошқа олимларни «асоссиз оптимизм»да айблайди. Бунга тарихда етарли далиллар ва асослар мавжуд эмас, деб таъкидлайди у. Фукуяма таянаётган жамоатчилик фикри демократия шароитида ҳам урушга замин ҳозирлайдиган миллатчилик ёки диний ақидапа-растлик руҳи билан сугорилган бўлиши мумкин, деб қайд этади Мирсхаймер.

Бундан ташқари, совет хавфи ва АҚШнинг зийрак кўзи йўқолгач, европаликлар яна олдингидек бир-бирига шубҳа билан қарашга ўтадилар. Европа Иттифоқи бу муаммони ҳал қила олмайди, чунки Европага нисбатан АҚШнинг қизиқиши йўқолгач, буюк давлатлар мақомини Германия, Франция, Буюк Британия ва Италия олади.

Шу сабабли, кўп қутблиликка йўл қўймаслик учун АҚШ, Мирсхаймернинг фикрича, «совуқ уруш» даври қарама-қаршилигини пастроқ даражада бўлса ҳам сақлаши лозим. Бу тавсиясига ҳеч ким қулоқ солмаслигини тушунган олим кўп қутблилик шароитида тинчликни барқарор этиш ва уруш хавфининг олдини олиш воситаси сифатида «ядро қуроли назорат қилинган» тарқалишига йўл қўйишни таклиф этади.

### *Самуэль Хантингтон*

Ҳозирги назариялар орасида энг машҳури Гарвард универсиети профессори Самуэль Хантингтоннинг «Цивилизациялар тўқнашуви ва жаҳондаги тартибининг ўзгариши» (1993) китобида баён этилган концепция бўлса керак. Унинг моҳияти яхши маълум - жаҳон миқёсида бўлиниш чизиги асосий цивилизациялар ўртасидан ўтади. Хантингтон фикрига кўра, турли маданиятлар бири-биридан жаҳондаги ва давлатларнинг ичидаги тартибга турли муносабатда бўладилар ва шу асосда уларни ўртасида рақобат ва тўқнашувлар келиб чиқиши муқаррар. Мавжуд тўрт блок - иудей-христиан, шаркий-ортодоксал, ислом ва конфуцийчиллик жаҳонда етакчилик қилиш учун ўзаро кураш олиб боради. Бошқа маданиятлар билан беллашувга тайёр бўлиш учун Америка Европа билан бирга «камарни маҳкам боғлашлари» лозим.

Хантингтон ҳам, Мирсхаймер каби, келажакка пессимизм билан қарайди. Лекин, Мирсхаймердан фарқли ўлароқ, у миллий давлатлар ўртасида анъанавий ихтилофлар тикланиши мұқаррар эканлигини таъкидламайды. У ҳам, Фукуяма каби, либерал демократиянинг ашаддий мухлиси. Лекин Хантингтон «бутун дунё аmericaча демократияга мафтун бўлмайди» деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ногарб маданиятлари ўз йўлини танлайди ва АҚШнинг дунёни ўз қолипига солишга интилишини рад этади. Либерал демократияга нисбатан оммавий ёндашувга қўшилиш ўрнига улар Farbga қарши бирлашади. *Маданиятлар тафовутини белгиловчи чизик геосиёсий бўлиниш чизигига айланади*, деб ёзади Хантингтон. Келажакда бизни тарих интиҳоси эмас, балки цивилизациялар тўқнашуви кутмоқда, деб хулоса чиқаради у.

Хантингтон фикрига кўра, цивилизация одамлар маданий бирлашишининг энг олий шаклидир. Цивилизация ҳам, маданият каби, одамларнинг турмуш тарзини белгилайди. Бир цивилизацияга мансуб кишиларнинг қадриятлари, нормалари, фикрлаш тарзи ҳам бир бўлади. Вақт ўтиши билан ўзгариб борувчи цивилизациялар жуда барқарор бўлади ва одамлар бирлашиши шаклларининг энг яшовчани ҳисобланади.

Ҳозирги даврда инсоният саккиз асосий маданий гурӯҳ: фарб, конфуцийчилик, япон, ислом, хиндуизм, славян-ортодоксал, Лотин Америкаси ва Африка маданий гурухларига бўлинади. «Келажакда энг катта тўқнашувлар цивилизацияларни бир-биридан ажратувчи маданий тафовутлар йўналишида рўй беради», деб огоҳлантиради Хантингтон.

Ҳозирги дунёда цивилизацияларнинг ошиб бораётган геосиёсий аҳамияти икки омил билан белгиланади.

*Биринчиси.* Совук уруш давридаги мағкуравий тафовутлар йўқолди. Илгари икки қарама-қарши блокнинг мағкуравий пардаси ортида яшириниб ётган асосий маданий тафовутлар биринчи ўринга чиқа бошлади. Хантингтон таъбири билан айтганда, «мағкуранинг Темир пардаси ўрнини маданиятларнинг Духоба пардаси эгаллади». Энди миллатга мағкурачилар эмас, балки маданиятда чуқур илдиз отган қадриятлар ва дунёкараш йўл кўрсатмоқда. Маданий илдизлар бир-биридан мутлақо фарқ қиласди. Farbning олий қадриятлари - эркинлик, индивидуализм, инсон ҳуқуqlари жаҳоннинг бошқа цивилизацияларида тан олинмайди. Сабаби - инсонлар бир хил эмас ва бир биридан фарқ қиласдилар.

*Иккинчи омил.* Глобал тенденциялар цивилизацияларни бирлаштиромайди, балки уларни бир-бирига қарши қилиб қўяди. Иктиносидий

модернизация, Интернет, глобализация дунёнинг турли қитъаларида турмуш даражаси ошишига олиб келиши мумкин, лекин ўзгаришлар суръати мўлжалнинг йўқолишига сабаб бўлади. Дунёнинг кичрайиши, жараёнларнинг тезлашиши бунга ўрганмаган одамларда ваҳима уйғотади. Таянч қидириб улар анъаналарга мурожаат этади ва бу диннинг тикланиши, илдизларга қайтишга олиб келади. Исломда ақидапарастлик, Жануби-Шарқий Осиёда «осиёча йўл», Россияда «евросиёчилик» - буларнинг барчаси сиёсат ва маданият ўртасида алоқани тиклашга уриниш натижаларидир. Глобализация бу тенденцияни янада кучайтиради ва цивилизациялар тўқнашуви сиёсатда ҳам етакчилик қила бошлайди, деб ёзади Хантингтон.

Муаммо факат турли цивилизациялар бир-бири билан тўқнашишида эмас, балки қолган барча цивилизациялар Farb цивилизацияси билан ихтилофга киришишидадир, деган фикр Хантингтон концепциясининг ўзагини ташкил этади. Farb цивилизацияси нафакат энг қудратли, балки ўз маданияти ва қадриятларини бошқаларга ўтказишига ҳаракат қилаётган цивилизациядир. «Гарбнинг демократия ва либерализм қадриятларини универсал қадриятлар сифатида илгари суриши, ўз ҳарбий устунлигини кучайтириши ва иқтисодий манфаатларини кўзлаши қолган цивилизацияларни бунга қаршилик кўрсатишига даъват этмоқда», деб таъкидлайди Хантингтон. Унинг фикрича, конфуцийчилик ва ислом жамиятларининг бирлашиш эҳтимоли айниқса хавфлидир. Юксалаётган Хитой ислом дунёсининг гарбга қарши тузумлари билан бирлашиб, қудратли иттифоқ тузиши мумкин, деб ҳисоблайди Хантингтон.

Шунинг учун АҚШ Farbни ҳар қандай хавфдан ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиши ва айни вақтда асосий цивилизациялар тўқнашишининг олдини олишига ҳаракат қилиши лозим. Хантингтоннинг фикрича, АҚШ Хитой ва ислом мамлакатларининг ҳарбий қудратини чеклаши, шунингдек бу икки цивилизация ўртасидаги сиёсий ва маданий тафовутлардан фойдаланишига ҳаракат қилиши зарур. Айни вақтда, Америка бошқа маданиятларни билиш ва тушуниш йўлида кўпроқ ҳаракат қилиши керак. Цивилизациялар яшовчан ва ўжардир, улар ўртасидаги тафовут ҳеч қачон йўқолмайди. АҚШ учун энг маъқул ва айни вақтда энг мушкул йўл - ўзаро бағрикенглик ва тинч-тотув яшаш.

### *Пол Кеннеди ва Роберт Каплан*

Фанда улар бошқа-бошқа йўлдан бордилар. Кеннеди - жуда обрўли Йель университетининг машхур олимни, Буюк Британиянинг

дипломатия ва ҳарбий тарихи соҳасидаги етакчи тадқиқотчи. Унинг «Буюк давлатлар юксалиши ва таназзули» китоби чинакам бестселлер бўлган. Журналист Каплан жаҳоннинг энг қашшоқ ҳудудлари бўйлаб сафар қилиб, камбағаллар, эпидемиялар, ҳаётдан умидини узган кишилар ҳақида ёзган.

Лекин улар бошқа-бошқа йўлдан борган бўлсалар-да, бир хил хulosага келдилар: бугунги жаҳоннинг бўлиниш чизиги ижтимоий-иктиносий белгига биноан аниқланади. Улар 1994 йилда эълон қилинган ўз мақолаларида<sup>1</sup> равнақ топган бой индустрисал мамлакатлар бир блокни, ривожланаётган камбағал мамлакатлар - иккинчи блокни ташкил этишини таъкидладилар. Қарама-қаршилик чизиги энди шу икки блок ўртасидан ўтади. Равнақ топган Шимол ҳар қанча уринмасин, Жануб муаммоларидан четда тура олмайди. Қочоқлар, экологик қулфатлар, эпидемиялар, жиноятчилик ва коррупция, давлатларнинг парчаланиши - буларнинг барчаси ҳатто энг илгор мамлакатларга ҳам мукаррар тарзда хавф солади. Агар бой мамлакатлар бу хавфни бартараф этмасалар, ўзлари ҳам бекарорлик ва хаос гирдобида қоладилар.

Биз икки лагерь - Шимол ва Жануб дунёси сари кетмоқдамиз, деб ёзади Кеннеди. Бир тарафда - ўзига тўқ, бой, демографик жиҳатдан ўсмаётган жамиятлар. Улар сон жиҳатидан кўп эмас. Иккинчи тарафда - кўп сонли камбағал, ресурслари тақчил, аҳолиси ҳар йигирма беш йилда ёки ундан ҳам тезроқ икки баравар кўпайиб бораётган миллатлар. Жаҳон тараққиётининг бошқа барча жиҳатлари шу икки тарафнинг ўзаро муносабатлари билан белгиланади, деб таъкидлайди Кеннеди ва шундай хulosага келади: «Ер куррасининг бир қисмida демографик портлаш ва иккинчи қисмida технологик юксалиш жаҳонда барқарор тартиб ўрнатишнинг яхши воситаси эмас».

Иккала муаллиф ҳам бой Шимол қашшоқ Жанубни ўз ҳолига ташлаб қўйиши мумкин эмас, деб таъкидлайди. Очлик, эпидемиялар, жиноятчилик Жануб жаҳоннинг геосиёсий харитасидан йўқолишига олиб келмайди. Аксинча, бутун тараққий этган дунёга асосий стратегик хавф Жануб мамлакатларидан тарқалади.

Бу аввало оммавий миграция билан белгиланади. Жануб аҳолиси жадал суръатларда кўпайиб боради, маҳаллий ресурслар камаяди, экология ёмонлашади. Турмуш даражаси ёмонлашишига қараб

---

<sup>1</sup> P. Kennedy. Must It Be the Rest Against the West. - *Atlantic Monthly* 1994; R. Kaplan. The Coming Anarchy. - *Atlantic Monthly* 1994.

қашшоқ мамлакатлар ахолиси ўз юртини тарк этади ва фаровон шимолга қараб йўл олади. Ривожланган мамлакатлар олдида фақат икки йўл қолади: ё талон-торож бўлишга йўл қўйиб бериш, ё мигрантларни тўхтатиш учун куч ишлатиш. Кеннеди таъбири билан айтганда, «агар оммавий миграция ҳаммамизни маҳв этмаса, бойлар уруш қилиши, камбағаллар ўлиши керак бўлади».

Иккинчидан, ўзак мамлакатлар<sup>1</sup> (pivotal states) қарама-қаршилиги бекарорлик тўлқинини кучайтиради. Мексика, Бразилия, Жазоир, Миср, Жанубий Африка, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва Индонезия ўзак мамлакатлар ёки регионал давлатлар ҳисобланади. АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар бу мамлакатларда ёки улар ўртасида ихтилоф чиқишини пойлаб, қўл қовуштириб ўтиромайди - бу жуда оғир стратегик оқибатларга олиб келиши мумкин. Шимол ва Жануб ўртасидаги бўлажак геосиёсий бўлиниш чизиги шу ердан ўтади.

Бу омилларга Каплан жиноятчилик ҳамда табиий манбалар, аввало сув тақчилигини ҳам қўшади. ХХI асрда улар «миллий хавфсизлик омиллари»га айланади. Бунга диний ва этник экстремизм ҳам қўшилади.

Кеннедининг фикрича, агар АҚШ иттифоқчилари билан бирга шошилинч чоралар кўрса, улар Жанубнинг ялпи бекарорлашуви олдини олишлари мумкин. Фаровон Шимол халқлари «ҳозирги дунёнинг улкан муаммолари ўзаро боғланган хусусиятга эга эканилигига ўз раҳбарларини ишонтиришлари лозим». Жанубга аввало янги энергия манбалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини топишда, аҳолининг ўсишини тартибга солиш ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашда ёрдам бериш зарур.

Каплан иқтисодий ёрдам фойда бериши мумкинлигига ишончсизлик билан қарайди. «Ривожланишга қўмаклашиш баъзан тарихда салбий бурилиш ясаси мумкин», деб таъкидлайди у. Капланнинг фикрича, *ихтилофлар олдини олиш механизмига* кўпроқ эътибор бериш лозим. Агар превентив чоралар натижа бермаса, мамлакатнинг стратегик мухим манфаатлари довга тикилган ҳолларда ихтилофга АҚШнинг бевосита ҳарбий аралашуви тўғрисида сўз юритиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзак давлат - бу, қоида тариқасида, марказий ўрин эгаллаган, ички ихтилофлар кучайган тақдирда нафақат минтақа тақдирини белгиловчи, балки халқаро миқёсдаги барқарорликка ҳам таъсир кўрсатувчи қайноқ нуқтага айланувчи катта мамлакат.

## *Томас Фридман*

Таниқли публицист *Томас Фридман* ўзининг 1999 йилда эълон қилинган машҳур мақолаларида<sup>1</sup> глобализацияни янги асрнинг асосий геосиёсий жиҳати сифатида таърифлади. Унинг фикрича, юксак технологиялар даври бозорларнинг кенгайиши билан бирга халқаро тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Одамларни ажратувчи Берлин девори «совук уруш» рамзи ҳисобланган бўлса, барчани ва ҳар кимни бирлаштирувчи World Wide Web глобализация тизими-нинг рамзидир.

Товарлар, капитал бозорлари ва ишлаб чиқаришнинг дунё миқёсида кенгайиши жаҳон мамлакатларини бир хил қоидаларга амал қилишга мажбур этмоқда. Фридманнинг фикрича, бозор иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни демократиялаштириш йўлидан дадил бораётган мамлакатларни тақдирлайди. Иқтисодиёт ва сиёсий ҳаёт устидан марказлашган назоратни сақлаб қолишни маъқул кўрган мамлакатларни, уларнинг фонд бозорлари, валютаси, жамиятини эса, аксинча, қаттиқ жазолайди. Фридман фикрига кўра, келажакда жаҳон миқёсидаги бўлинниш чизиги глобализация ўрнатган қоидаларга қатъий амал қиладиган мамлакатлар билан бу қоидаларга зид иш кўрадиган мамлакатлар ўртасидан ўтади.

Глобализация бозорлар, миллий давлатлар ва технологияларнинг мисли кўрилмаган даражада интеграциялашувидир, деб таъкидлайди Фридман. Дунё бозори ва рақамли технологиялар глобализациянинг инфратузилмасини ташкил этади. Халқаро молиячилар ва корпорацияларнинг менежерлари глобализациянинг бош агентлари бўлиб, дунё миқёсидаги товарлар ва капитал бозори улар орқали мамлакатларни ўзгартиради ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Фридманнинг фикрича, мамлакатлар равнақ топиши учун халқаро капитални жалб қилишлари лозим. Муайян мамлакатга инвестицияларни амалга ошириш тўғрисида қарор бу мамлакатда телекоммуникацияларнинг ривожланиш даражасига, қандай операцион системалар ва компютер тизимлари қўлланилишига ва ниҳоят, ҳукумат хусусий мулкни ҳимоя қилишга қай даражада қодирлигига қараб қабул қилинади. Агар олинган жавоблар халқаро молиячи ва менежерларнинг «электрон ўрда»сини қаноатлантирса, улар компютер клавишини босиб, мамлакатни юк-

---

<sup>1</sup> T. Friedman. *The Lexus and the Olive Tree*. - New York: Farrar, Straus & Giroux, 1999.

салиш учун зарур капитал билан тақдирлайдилар. Акс ҳолда мамлакатни шафқатсиз жазо кутади. Ўз вақтида Малайзия «электрон ўрда»нинг эркатоий бўлган эди, лекин улар шафқатсизлик билан мамлакатни тарк этганидан сўнг Малайзия валютасининг қадри тушиб кетди.

Фридманнинг фикрича, глобализация барча мамлакатлардан очиқ бизнес олиб бориш, статистик ҳисоботларнинг стандарт қоидаларини белгилаш, коррупцияга қарши курашиш ва либерал демократия йўлидан боришини талаб қиласди. БМТ, НАТО ва ЖСТ каби халқаро ташкилотлар бунда жонбозлик кўрсатади.

Бундай ҳаракатлар геосиёсий йўналишда ҳам амалга оширилади - улар ихтилофларнинг олдини олиш омили бўлиб хизмат қиласди. Мамлакатлар «электрон ўрда» жазосидан қўрқиб, низолашибдан ўзларини тиядилар. Бундан ташқари, иқтисодий тараққиёт натижасида вужудга келадиган ўрта синф урушни хоҳламайди. Фукуяма «демократик дунё» тўғрисида сўз юритган бўлса, Фридман «капиталистик дунё» шакл-шамойилини чизади.

Шунга қарамай, глобализацияга қаршилик кўрсатадиган мамлакатлар топилади, деб қайд этади Фридман. Кимдир глобализация анъаналар ва маданиятга хавф солади деб ҳисблайди, кимдир сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришни хоҳламайди. Шу боис жаҳон миқёсидаги бўлинеш чизиги улар билан глобализация неъматларидан баҳраманд бўлишни маъқул кўрган мамлакатлар ўртасидан ўтади.

Фридман глобализация мамлакатларда ички ихтилофларни келтириб чиқариши мумкинligини ҳам тан олади. Фуқаролар уруши глобалистлар ва антиглобалистлар ўртасида, глобалистлар ва традиционалистилар ўртасида чиқиши мумкин. Боз устига, глобализация душманлари унинг ютуқларидан фойдаланиб ҳужум қилишлари мумкин. 2001 йил 11 сентябрда бу прогноз рўёбга чиқди.

Лекин Фридман келажакка оптимизм билан қарайди. Тўғри сиёsat олиб бориш, мамлакатларга ўз маданиятини сақлаш имкониятини туғдирувчи ижтимоий ҳимоя тармогини вужудга келтириш уларга, жаҳон бозорига қўшилишларига қараб, бекарорлик ва бўхронларсиз глобализация неъматларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

### **Збигнев Бжезинский**

Збигнев Бжезинский - амалий йўналишдаги олим. Унинг асарлари жаҳонда рўй бераётган жараёнларни холисона таҳлил қилишдан

ҳам кўра кўпроқ АҚШ ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини таърифлашга қаратилган. Қўшма Штатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таҳдид солувчи ҳар қандай хавфларга қаттиқ қаршилик ва полякни Москва бўлган азалий нафратидан келиб чиқадиган ашаддий антируссизм Бжезинскийга хос бўлган хусусиятлардир.

Унинг фикрича, ҳозирги дунё қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади.

*Биринчи.* Инсоният тарихида биринчи марта дунё миқёсида бир давлат - АҚШнинг лидерлиги, устунлиги қарор топди. Бунгача барча буюк давлатлар - Рим, мўғуллар давлати ва бошқалар умуман олганда минтақа миқёсида гегемонлик қилган эди. Ўтмиш империялари доим Pax (лотинча - дунё), яъни шу империянинг гегемонлигини тан олиш, у белгилаган қонун-қоидаларга амал қилишга асосланган тинчлик, ҳалқаро тотувлик ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Олдинги Раҳларнинг амал қилиш доираси ҳеч қачон бутун дунёни қамраб олмаган.

*Иккинчи.* Америка гегемонияси тўрт соҳада сўзсиз устунликка асосланади:

*ҳарбий соҳада.* АҚШнинг ҳарбий ҳаражатлари қолган бутун дунё ҳаражатларидан икки баравар кўпdir;

*иқтисодиёт соҳасида.* АҚШ жаҳон иқтисодиётининг «локомотив» ҳисобланади;

*технология соҳасида.* Аксарият илфор технологиялар ватани АҚШdir;

*маданият соҳасида.* Америкача хулқ-атвор, истеъмол, таълим ва турмуш маданияти қаршиликларга қарамай кенг тарқалиб бормоқда. Жаҳон томошалар бозорининг тўртдан уч қисмини АҚШ фильмлари ва теледастурлари ташкил этади. Америка университетларини ҳар йили битириб чиқадиган чет эллик талабалар сони ярим миллиондан ошиб кетди.

*Учинчи.* Америка гегемонияси тарихда биринчи марта ҳарбий ҳаракатлар натижасида эмас, балки «сиёсий яшовчанлик, мағкуравий мослашувчанлик иқтисодий жўшқинлик ва маданий жозибадорлик» туфайли ўрнатилди. АҚШ жаҳоннинг етакчи давлати мақомига аввало «кооптация техникаси» - собиқ рақиб мамлакатларда ўз қадриятлари ва принципларини тарқатиш сиёсати ёрдамида эришди. Натижада Иккинчи жаҳон урушида тор-мор келтирилган Япония ва Германия ҳозир АҚШнинг энг яқин ва ишончли иттифоқчилариdir.

*Тўртинчи.* Ҳозирги дунёда қарама-қаршилик «асимметрик» бўлиши, яъни давлатлар ҳар хил йўналишларда, ўзларининг турли соҳалардаги

устунликларидан фойдаланган ҳолда рақобатлашишлари мумкин.

Бжезинскийнинг фикрича, АҚШнинг Евросиёни «бошқариш» услуги унинг дунёдаги ҳозирги мавқенини сақлаб қолишнинг ҳал қилувчи омилидир.<sup>1</sup> Евросиё - жаҳоннинг энг катта қитъаси. Унда Ер курраси аҳолисининг 75% яшайди. Евросиёда жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан энг унумдор уч минтақасидан иккитаси жойлашган, жаҳон ялпи маҳсулотининг 60% ишлаб чиқарилади, текширилган энергия манбаларининг тўртдан уч қисми жамланган. Жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан АҚШдан кейинги ўринларда турадиган олти йирик мамлакати, АҚШдан ташқари, ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар шу ерда жойлашган. Американинг дунёдаги мавқеига барча сиёсий ва (ёки) иқтисодий хавфлар, Бзежинскийнинг фикрича, шу минтақада вужудга келиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, АҚШ, «манёвр, дипломатия, коалициялар тузиш, кооптация, ўз сиёсий устунликлари»дан фойдаланган ҳолда, Евросиё «шахмат тахтаси»да ўз геостратегиясини амалга ошириши лозим.<sup>2</sup>

### *Назария ва амалиёт - танқидий таҳлил*

Юқорида санаб ўтилган олимларнинг барчаси ҳозирги дунёни ўзича талқин қиласди. Бу олимлар келтирган далиллар ва чиқарган хуносалар ҳар хил бўлса-да, уларни бир нарса бирлаштиради - улар ҳалқаро ҳаётнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ажратиб олиб, унинг теварагида мантиқий мушоҳада юритадилар. Шу боис улар чизган дунё манзараси тўлиқ эмас. Бу мушоҳадалар дунё миқёсидаги тенденцияларни тўлақонли тушуниш имконини бермайди.

Мирсхаймер ҳозирги дунёни асосан ўтмиш парадигмаларидан келиб чиқиб тушунишга ҳаракат қиласди. Шу боис сўнгги ўйнилликларда рўй берган катта ўзгаришлар унинг эътиборидан четда қолади. Бжезинский ва қолган олимлар эса, аксинча, ҳозирги дунёнинг улар назарida энг муҳим мезони - АҚШнинг дунёдаги етакчилигидан келиб чиқади. Шу сабабли уларнинг назарий мушоҳадалари жаҳондаги барқарорликнинг бош кафолати сифатидаги «дунёнинг бир қутблилигиги» омилидан нарига ўтмайди. Уларнинг фикрича, жаҳондаги хавфсизлик шу гегемониянинг мустаҳкамланишига боғлиқ.

<sup>1</sup> Brzezinski Z., The Grand Chessboard: American primacy and its geostrategic imperatives, BasicBooks, N.Y., 1997, p.31.

<sup>2</sup> Ibid., p.36.

Ваҳоланки, тарих бир марказнинг устунлиги қарама-қаршиликни келтириб чиқариши ва ихтилофларга сабаб бўлишини кўрсатади. Икки қутбли қарама-қаршилик даври йирик урушлар қайд этилмаган энг тинч давр бўлгани бежиз эмас.

Хантингтон концепцияси одатда «цивилизациялар тўқнашуви» тарғиботчиси сифатида жўн талқин қилинади ва айрим пайтда қоралонади. Аммо, унинг юқорида келтирилган фикрларидан кўриш мумкинки, олим Farb бошқа минтаقا ва цивилизация мамлакатларига ўз ижтимоий-сиёсий қадриятларини ўтказишга ҳаракат қиласлиги керак, деган хуносага келган. Айни вақтда, Хантингтон концепцияси камчиликлардан ҳам холи эмас. Биринчидан, цивилизация, шубҳасиз, амалда мавжуд бирлик. Лекин амалиёт цивилизация давлатларни ўз миллий манфаатлари ҳақида унутиш ва улардан воз кечишига ундиришга қодир куч эмаслигини кўрсатади. Кучли танглик ҳолатларида миллий манфаатлар устун қўйилади. Яқин Шарқнинг энг янги тарихи ислом цивилизацияси мамлакатлари бошқа маданиятга мансуб давлатлардан кўра кўпроқ бир-бири билан ихтилофда бўлганини кўрсатади. Афғонистон ва Ироқдаги урушлар турли цивилизацияларга мансуб мамлакатлардан, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган давлат маданиятига мансуб миллатлардан иттифоқлар тузиш мумкинлигини намойиш этди. Минг йиллик маданий қардошлиқ ришталари билан боғланган Япония ва Хитой бошқа цивилизацияларга қараганда кўпроқ бир-бири билан ихтилофга киришади. «Топталган ислом дунёси» учун жиҳод эълон қилган «Ал Қоида»га қарши урушни жуда кўп мусулмон мамлакатлари кўллаб-кувватлади.

Бошқача айтганда, жаҳон миқёсидаги қарама-қаршиликнинг бош марраси цивилизациялар ўртасидан эмас, балки кучларнинг блоклари ўртасидан ўтади.

Кеннеди ва Каплан «учинчи дунё» мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ривожланган давлатлардан орқада қолаётганини жуда тўғри қайд этадилар. Бу дунёнинг кўргина минтақаларида танглик тобора кучайиб бормоқда. «Катта еттилик» мамлакатлари деярли ҳар йили қашшоқ мамлакатларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг қарзлари баҳридан ўтиш бўйича колектив ҳаракатлар тўғрисида қарорлар қабул қилмоқда. Лекин аҳвол яхшиланадётгани йўқ.

Ёрдам ҳажми «учинчи дунё» мамлакатларининг эҳтиёжларига ҳам, бой мамлакатларнинг имкониятларига ҳам мос келмайди. Масалан, АҚШ ажратадётган моддий ёрдам шу мамлакат йиллик

ялпи маҳсулотининг 1% ўндан бирини ташкил этади. Қашшоқ мамлакатларнинг муаммоларини ҳал қилиш, улардан тарқалаётган бекарорлаштирувчи омилларга барҳам бериш анча кўп харажат қилишини тақозо этади.

Ҳозирги дунёда қарама-қаршиликнинг янги марраси бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидан ўтади, деган фикрга ҳам қўшилиш қийин. Биринчидан, камбағал мамлакатлар қудратли салоҳиятга эга бўлган ривожланган мамлакатларга қарши тура олмайди. Иккинчидан, ривожланган мамлакатлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш институтларини ташкил қилган бўлсалар, «учинчи дунё» мамлакатлари ўзлари муайян даражада қарам бўлган Farbга қаршилик кўрсатиш учун бирлашиши мумкинлиги ақлга ҳам сиғмайдиган ҳолдир. Бой мамлакатларга «ривожланаётган миллатлар»нинг бирлашган фронти эмас, балки сийрим қашшоқ давлатлар хавф солиши мумкин (бунга толиблар тузуми давридаги Афғонистон мисол бўлади).

Дунёнинг Шимол ва Жанубга бўлениши, бой мамлакатлар билан камбағал мамлакатлар ўртасида ихтилоф чиқиши халқаро терроризм учун айни муддаодир. Farb мамлакатлари демократия принципларидан чекиниши, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан кўчиб юриш ва сиёсий ташкилотлар тузиш эркинлигининг чекланиши экстремистик ҳаракатларнинг манфаатларига мос келади.

Мирсхаймернинг фикрича, ҳарбий қудратнинг тақсимланиши ва хусусияти жаҳонда ҳал қилувчи куч ҳисобланади. У дунё миқёсидаги хавф-хатарларни мувозанатга солиш орқали тинчликни барқарор этиш зарур, деган фикрни илгари суради. Франция ва Нидерландия фуқаролари Европанинг ягона Конституциясига қарши овоз бериши Мирсхаймернинг қитъада ўтмишдаги ихтилофлар тикланади, деган башоратини тасдиқлагандек бўлди. Лекин бу тўғри эмас. Европанинг бирлашишига айнан Берлин деворининг қулаши ва икки қутбли қарама-қаршиликнинг барҳам топиши имконият туғдирди. Европанинг АҚШ ва Россия таъсиридан қутулиши қитъа мамлакатларининг бирлашишига катта турткни берди. Айнан шу даврда Европа Иттифоқи ўз қамров ва таъсир доирасини кенгайтириб, қитъадан ташқарида ҳам фаол кучга айланди.

Фукуяма ва Фридман тавсифлаган шахс ва давлат, мамлакатлар ва халқлар ўртасида уйғунлик ҳукм сурадиган ажойиб либерал демократия дунёси узоқ келажақда вужудга келиши мумкин. Улар ўзларининг бу концепцияси билан «демократик фундаментализм»

сиёсатини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилганлар. Бу сиёсатни юритиш жаҳонда демократияни илгари суришда ҳар хил натижаларга олиб келди. Марказий Осиёда бу уч хил кўринишда намоён бўлди.

Биринчи. Farb ноҳукумат ташкилотларининг анъанавий жамиятларга либерализм нормалари ва принципларини олиб кириш борасидаги қизгин, баъзан агрессив фаолияти ҳақли равишида «демократияни экспорт қилиш» сифатида баҳоланди ва рад этилди. Информацион ва маданий глобализация натижасида минтақага кириб келган ва ёшлар орасида тарқала бошлаган Farbча ахлоқ ва ўзини тутиш беорлик ва андишасизлик билан тенглаштирила бошланди. Шунгача Farb цивилизацияси билан алоқаларга очиқлик кузатилган жамиятларда Farbга қарши кайфиятлар бирданига кучайди.

Иккинчи. Демократиянинг ашаддий душмани - диний ақидапарастлик билан музокара олиб бориш ва муроса қилиш зарурлиги ҳақидагиояни илгари суришда «демократик фундаментализм»нинг мўлжалларни йўқотиб қўйиш хусусияти намоён бўлди. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар экстремистик оқимларни амалда қўллаб-кувватлаб, минтақанинг дунёвий ҳукуматлари мавқеига птурт етказдилар.

Ниҳоят, учинчи. Farb мамлакатлари ва ноҳукумат ташкилотларининг Марказий Осиё мамлакатлари амалга ошираётган сиёсий испоҳотларни «сертификатлаштириш», «баҳолаш учун тинглашлар» ўтказиш борасидаги ҳаракатлари бу ерда қабул қилинмади. Табиийки, ўз давлат мустақиллигини яқинда қўлга киритган мамлакатлар суверенитет масалаларига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашадилар ва «устоз - шогирд» муносабатлари уларни қаноатлантирмайди.

\* \* \*

Farb мамлакатларининг жуда кўп олимлари орасидан биз Тойнби, Фукуяма, Мирсхаймер, Фридман, Кеннеди, Каплан ва Бжезинскийни танлаганимизнинг асосий сабаби шундаки, уларнинг концепциялари ҳозирги замон Farb сиёсий тафаккурининг асосий тенденцияларини акс эттиради. Боз устига, улар бу тафаккурни муайян даражада шакллантиради. Айни вақтда, бу олимларнинг концепциялари Farb дунёсининг етакчи мамлакати - АҚШ ташкисиёсатининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Шу боисдан Тойнби, Фукуяма, Мирсхаймер, Фридман, Кеннеди, Каплан ва Бжезинский асарлари билан танишиш АҚШнинг шу журмадан

Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсати принциплари ва мақсадларини тушуниш учун мұхимдір.

## **АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан стратегиясини шакллантирувчи омиллар**

### ***Ҳозирги шароитда АҚШ ташқи сиёсатининг асосий принциплари***

Турли маъмуриятлар даврида ва турли халқаро шароитларда АҚШ ташқи сиёсатининг шаклланиши ва уни амалга ошириш жараёни анъанавий равишда «изоляционизм» сиёсати билан «фаол аралашиш» сиёсати ўртасида танлаш муаммосидан иборат бўлиб келган. Доимо иккала йўналиш маъмуриятда ҳам, Конгрессда ҳам, мамлакат жамоатчилиги орасида ҳам ўз фаол тарафдорлари ва муҳолифларига эга бўлган. Биринчи йўналиш тарафдорлари бошқа мамлакатларнинг муаммоларидан муайян даражада узоклашиш зарурлигини АҚШ ривожланишининг тарихий, геосиёсий хусусиятлари билан ва бу мамлакатда, таниқли сиёсатчи О.Нейл таъбири билан айтганда, «бутун сиёсат фақат маҳаллий сиёсатдан иборат» эканлиги билан асослашга ҳаракат қилганлар. Уларнинг муҳолифлари, ўз навбатида, АҚШнинг миллий сиёсий ва иқтисодий манфатларини жаҳоннинг турли нуқталарида фаол ҳимоя қилмасдан, иттифоқчилар билан ҳамкорликда иш олиб бормасдан ва рақибларга қарши курашмасдан Америка жамиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин эмас, деб таъкидлаганлар.

Ҳозирги босқичда АҚШ ташқи сиёсатида иккинчи йўналиш - халқаро ҳаёт муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш сиёсати устунлик қилаётir.

Муайян мамлакат ёки минтақага нисбатан АҚШнинг узоқ муддатли сиёсати бир қанча омиллар таъсирида шаклланади. Бу омилларни икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга АҚШ ташқи сиёсатининг тарихан шаклланган асосий принциплари замирида ётубви омиллар киради. Бошқача айтганда, бу Америка дипломатиясининг моҳиятини ташкил этувчи, «қонига сингган» омиллардир. Улар узоқ муддатли, барқарор хусусиятга эга бўлиб, маъмурият ёки Конгресснинг партиявий асосидан қатын назар у ёки бу даражада доим ўз таъсирини кўрсатади. Иккинчи гурух омиллари умуман олганда биринчи гурух омилларига бўйсунади. Улар муайян тариф

хий шароит, халқаро вазиятнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари, жаҳон бозоридаги ҳолат билан боғлиқ. Америка дипломатияси субъектлари партияйиб дастурининг ўзига хос хусусиятлари ҳам шу омиллар билан белгиланади.

Ҳозирги шароитда АҚШ ташқи сиёсатининг стратегиясини белгиловчи асосий омиллар қўйидагилардан иборат.

Биринчи омил - *дунё миқёсида устунлик (global dominance), глобал лидерлик стратегияси*. СССР парчаланиб кетганидан сўнг АҚШнинг жаҳондаги етакчи давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш Америка дипломатиясининг бош фоясига айланди. Бу фоя бошқа ҳар қандай давлат ёки мамлакатлар гурӯҳидан иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий, маданий, ахборот соҳаларида АҚШнинг стратегик устунлигини таъминлашни назарда тутади. Бу, ўз навбатида, Вашингтонга жаҳондаги сиёсий жараёнларга ўз миллӣ манфаатларидан келиб чиқиб таъсир кўрсатиш имконини беради. Дунё миқёсида етакчилик қилишга бўлган бу интилиш халқаро муносабатлар соҳасига кўчирилган биологик атавизм эмас. У табиий бир ҳол бўлиб, қўлга киритилган устунликдан муайян натижаларга эришишга интилишни акс эттиради.

АҚШ ташқи сиёсати ҳозирги дунёга ҳар қандай мамлакатни ва исталган минтақада ўз хоҳиш-иродасига бўйсундиришга қодир қудратли ва барқарор етакчи давлатга эга бўлган бир қутбли тизим сифатида қарайди. Бу концепцияга очиқ ёки яширин қаршилик кўрсатиш нимага олиб келишини АҚШнинг Ироқдаги, ундан олдинроқ - Афғонистон ва Судандаги ҳаракатлари, шунингдек Покистон ва Хиндистонга қарши санкциялар кўрсатди. Вашингтон кўп қутбли дунё концепциясини тан олмайди.

Дунё миқёсидаги устунликни мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларнинг ички мантиқига кўра мамлакат тенг ҳуқуқли стратегик иттифоқчига эга бўлмайди. АҚШнинг НАТО бўйича ҳамкорлари билан муносабатлари бундан бўён шу мантиққа асосан ривожланса керак. Бу узоқ келажакда АҚШ мавқеига муайян хавф туғилишига олиб келиши мумкин. Шу ички мантиққа кўра бирон-бир давлат жаҳоннинг бирон-бир ҳудудида АҚШ манфаатларига зид ёки уларга мос келмайдиган манфаатларни илгари суриши мумкин эмас. Шу боис АҚШнинг дунё миқёсидаги устунлик схемасига муайян даражада мос келмайдиган мамлакатлар бевосита ёки билвосита тазийк ўтказиш обьекти сифатида баҳоланади.

Марказий Осиёга нисбатан бу ҳозир шунда намоён бўладики, 90-йиллардан фарқли ўлароқ, Россия ёки бошқа регионал давлат-

нинг бу минтақадаги қонуний манфаатлари юзасидан мунозаралар деярли барҳам топди. Эндиликда бу ерда АҚШ ўз таъсирини ўрнатиши кераклиги ва мақсадга мувофиқлигига Вашингтонда ҳеч ким шубҳа қилмайди ва бирон-бир учинчи кучнинг манфаатларини ҳисобга олишни зарур деб ҳисобламайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллар мобайнида ҳалқаро ривожланиш, «бир қутбли» дунёning барқарорлиги ҳақидаги тезис ўз тасдини топмаяпти. Бугунги дунёга хос бўлган воқелик бу - узлуксиз можаролар, зўравонлик ва терроризмнинг кенг тарқалиши, ҳалқаро муносабатларда тангликнинг кескин ўсиши ва деярли барча мамлакатларда янги қўпорувчилик ҳаракатларини хавотир билан кутиб туриш ҳолати, кучайиб бораётган ксенофобия, яъни чет элликларга нисбатан адоватнинг илдиз отиши. «Демократик лидер-давлатнинг» дунё ривожига кўрсатажак ижобий таъсири билан боғлиқ бўлган оптимизм, некбинлик ҳам амалда тасдини топа олмади. Глобал барқарорлик ривожининг асосий муаммолари наинки ечилмоқда, балки янада мураккаблашмоқда. Ироқдаги ҳарбий-сиёсий инқизоз, ҳатто АҚШнинг ўзида «Вашингтоннинг глобал миқёсдаги мажбуриятлари ҳаддан ташқари катталиги» юзасидан баҳсларга олиб келмоқда.

Ягона «супердавлат» ва бутун қолган дунё орасидаги зиддиятлар натижасида, антиамериканизм кайфиятлари тобора ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Бу кайфиятлар шу жумладан Американинг доимо ва сўзсиз ғоявий ва ҳарбий-сиёсий иттифоқчилари бўлган мамлакатларда ҳам пайдо бўлмоқда.

Иккинчи омил - *геосиёсий ёндашув принципи*. Америка дипломатияси бу принципни кўп йиллардан бери ишлаб чиқиб қўллаб келмоқда ва бундан бўён ҳам унга амал қилса керак. Ушбу концепцияга кўра, кучлар нисбати назарияси ўтган даврларда қўл келар эди. Ўша даврда манфаатлари зид бўлган мамлакатлар (ёки давлатлар грухигина)нинг ҳарбий-сиёсий салоҳиятини мувозанатга сошлиш мумкин бўлган эди. Ҳозирги шароитда бу ёндашув барқарорликни таъминлай олмайди. Бундан ташқари, у АҚШнинг дунё миқёсидаги устунлик принципига мос келмайди. Геосиёсат принципига кўра, жаҳон географик, иқтисодий ва цивилизацион мезонларнинг бирлигидан келиб чиқиб шаклланадиган регионал тузилмалардан ташкил топади. Бунга кўра муйайян мамлакат бир неча геосиёсий тузилма таркибига кириши мумкин. Масалан, Ўзбекистон «собиқ СССР ҳудуди», «янги мустақил давлатлар», «ислом дунёси», «Марказий Осиё», «Марказий Осиё ва Каспийбўй минтақаси»га киради.

Айрим йирик тадқиқотчиларнинг фикрича, сўнгги йилларда рўй бергаётган геосиёсий ўзгаришлар шунга олиб келадики, Ўзбекистон, ўз тарихий ажоддлари каби, Яқин ва Ўрта Шарқнинг таркибий қисмига айланади. Айрим америкалик тадқиқотчилар «Осиё» бу асосан Хитой ва Тинч Океан минтақасини қамраб олувчи макон, деган ёндашувидан келиб чиқкан ҳолда, унинг таркибига Ўзбекистонни киритмайдилар.

Регионал тузилмада узоқ муддатли сиёсатни амалга оширишда АҚШ ҳамкори бўлишга қодир таянч давлатни ажратиш геосиёсий ёндашувнинг асосий принципларидан биридир. Одатда, бундай ҳамкор сифатида нафақат етарли сиёсий, иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган, балки АҚШнинг foявий императивлари ва ижтимоий қадриятларига қўшиладиган мамлакат танланади (бундан мустасно ҳолатга мисоллар йўқ эмас. Масалан, узоқ вақт мобайнида АҚШнинг энг яқин ҳамкори Саудия Арабистони бўлиб келган).

Манфаатлари бир-бирига зид бўлган жуда кўп мамлакатлар Марказий Осиё ва Каспий ҳавзасига эътиборни кучайтирган ҳозирги шароитда АҚШ минтақада обрўли, барқарор ва ишончли ҳамкорга муҳтож бўлиб турибди. Ислом дунёсига таъсир кўрсатиш воситаларини кўпайтириш, Эронга қаршилик кўрсатиш вазифаси ҳам Вашингтон учун долзарб бўлиб қолаётir.

Учинчи омил - *демократияни фаол илгари суриш принципи*. Моҳият эътибори билан, АҚШ мафкуравий, чукур илдиз отган қадриятлар ва принциплар тизимиға эга давлатдир. Либерал демократия, ҳуқуқий давлат ва тадбиркорлик эркинлиги АҚШ жамиятининг асосий қадриятлари ҳисобланади. Ташкил топган пайтидан бери бу мамлакат Farb цивилизацияси foяларининг инъикоси ва ифодачиси бўлиш вазифасини ўз зиммасига олишга интилиб келмоқда. Ҳар мир масих, мессиан давлат каби АҚШ ўз foявий императивларини тарқатиш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаётir. АҚШнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган иқтисодий pragmatizm кўпинча демократик фундаментализм принципи билан уйғунлашмоқда. Бу шу жумладан Маршал режасини амалга оширишда, Япония ва Жанубий Кореяни тиклашда, Истроил, Миср, Украинага кўп миллиардли ёрдам кўрсатишда намоён бўлди. Бунда АҚШ моддий ёрдам кўрсатиш билан бир вақтда, ўзига ўшаган давлатларни вужудга келтиришга ҳам ҳаракат қилди. Айрим мамлакатларга нисбатан икки хил стандарт кўллаш ҳолатларига қарамай, демократия, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти масалалари АҚШнинг чет мамлакатлар билан муносабатлари мазмунига таъсир кўрсатувчи кучли омил бўлиб қолаётir.

АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсатига оммавий ахборот воситалари ва ноҳуқумат ташкилотлари минтақа мамлакатларини ислоҳотларни дадил амалга оширишга мойил эмас, Фарб демократияси ва бозор иқтисодиёти қадриятларини тан олмайдиган мамлакатлар - ўзига хос коммунизм қўриқхонаси сифатида кўрсатишлари катта таъсир кўрсатди.

Юқорида қайд этилганидек, АҚШ дипломатиясининг масих, мессиан характери, охириги йилларда Америка қадриятларини «универсал ва барчага таалуқли» деган тушунчадан келиб чиқкан ҳолда, уларни бошқа мамлакатларга «экспорт» қилишга уринишлирида кўринмоқда. Бу мақсадларга салмоқли маблағлар ва дипломатик фаолият сафарбар этилмоқда. Аммо, кўп ҳолатларда, АҚШ маъмурити ва Америка нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган «кўмак ва техник ёрдам дастурлари», одатда, АҚШ манфаатларини илгари суришга эмас, балки антиамериканизмнинг кучайишига ва бошқа мамлакатларда барқарорликнинг издан чиқишига олиб келмоқда.

Тўртинчи омил - **«ташқи сиёсатнинг иқтисодийлашуви» принципи**. Америка ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг дипломатияси га нисбатан савдо-иқтисодий мақсадларга эришишга кўпроқ йўналтирилган сиёсатдир. Бу унинг ҳалқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга интилишида ва «энергетик хавфсизлик»ни таъминлаш стратегиясини амалга оширишида намоён бўлади.

Биринчи ҳолда АҚШ «нисбий устунликлар» (comparative advantages theory) иқтисодий концепциясидан келиб чиқади. Бу концепцияга кўра, ўз иқтисодиётининг муайян тармоғида меҳнат унумдорлиги даражаси бошқа мамлакатларнинг шундай кўрсаткичларидан юқори бўлган мамлакат шу тармоқ маҳсулотини экспорт қилишга интилиши лозим. Мамлакатда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги паст бўлган маҳсулотни эса импорт қилиш зарур. Шунга асосан ва АҚШда ижтимоий меҳнат унумдорлиги бошқа мамлакатлардагидан юқори эканлигини ҳисобга олиб, Қўшма Штатлар жаҳон бозоридаги тўсиқларни мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун у Жаҳон Савдо Ташкилоти, Ҳалқаро Валюта Фонди ва бошқа ҳалқаро иқтисодий ташкилотларнинг имкониятларидан фаол фойдаланмоқда. АҚШ олиб бораётган (айниқса, Япония ва Хитойга нисбатан) икки тарафлама дипломатия сиёсати ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича протекционистик чора-тадбирларга барҳам беришга қаратилган.

Марказий Осиё географик жиҳатдан АҚШдан узоқда жойлашганлиги туфайли, унинг Қўшма Штатлар билан бевосита савдо

алоқаларини фаол кенгайтириш имконияти чеклангандир. Кичик ва ўрта корхоналар капиталининг даромаддорлик даражаси юқори бўлган бошқа мамлакатлар АҚШга яқинроқда жойлашганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу боис бугунги қунда иқтисодий алоқалар стратегиясини мамлакатнинг катта капитал сарфини талаб қиласидиган тармоқларида йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, АҚШ жаҳонда энг қудратли молия капитали бўлиб қолаётир.

Энергия ресурсларидан фойдаланиш масалалари АҚШ иқтисодий дипломатиясининг иккинчи устувор йўналишиди. Маъмуриятда Каспий ҳавзасида энергетик дипломатия масалалари бўйича Президент маслаҳатчиси ва давлат котиби лавозимининг жорий этилиши ҳам шундан далолат беради. Бу АҚШ ўз миллий хавфсизлиги манфаатларини мустаҳкамлайдиган ва минтақада Америка компанияларининг имкониятларини кенгайтирадиган Шарқ-Фарб қувур йўллари тармогини барпо этиш ниятини акс эттиради. Бу минтақада АҚШ фаоллигининг асосий сабабларидан бири уни Россия ва Эрондан ажратиш, ҳеч бўлмаса уларнинг имкониятларини камайтиришдан иборат эканлиги шубҳасиздир.

АҚШнинг фикрича, Ўзбекистон, айтайлик, Озарбайжон, Туркманистон ёки Қозогистон каби энергия ресурсларининг катта захираларига эга бўлмаса ҳам, унинг минтақадаги мавқенини оширадиган бир қанча стратегик омиллар мавжуд. Минтақадаги барқарорлик энергетика соҳасидаги барча лойиҳаларни амалга оширишнинг бош шартидир. Ўзбекистон - Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги етакчи ва обрўли давлат. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш, минтақадаги можароларни тартибга солиш, наркобизнес ва терроризмга қарши кураш олиб боришга қаратилган изчил ташқи сиёсати энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси Шарқ-Фарб иқтисодий йўлагини муваффақиятли барпо этишининг гаровидир. Бундан ташқари, айрим нуфузли мутахассисларнинг фикрича, катта нефть захираларининг мавжудлиги бекарорлик омили бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Асосан шу хом ашёни ишлаб чиқаришга қараб мўлжал олиш кўпинча ҳокимият тузилмаларида коррупциянинг кучайиши, нефть қазиб олишни назорат қилувчи кланлар ўртасидаги кураш, мафия гурухларининг вужудга келиши каби салбий оқибатларга олиб келади.

## *АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсати ҳақида*

Марказий Осиё мамлакатлари ва Қўшма Штатлар ўртасидағи алоқаларнинг дастлабки даврида муносабатлар спорадик хусусиятга эга бўлди. АҚШ минтақа мамлакатларининг суверенитет ва мустақилликни қўллаб-қувватлаши, ислоҳотларни маъқуллашини вақти-вақти билан қайд этиб турса-да, амалда Марказий Осиё ишларига амалий равишда сезиларли аралашмади деса бўлади. Қозогистоннинг ядро қуроли ҳамда Каспий ҳавзаси энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар бундан мустаснодир. Ўша даврда Давлат департаментида минтақага нисбатан сиёсатни Строуб Тэлбот командаси белгилар эди ва у ҳатто Вашингтоннинг ўзида «русоцентризм» (собиқ СССР худудидаги барча масалаларга Москва билан муносабатлар нуқтаи назаридан қарашга мойиллик) ва «демократик радикализм» (икки тарафлама муносабатларда асосий ургуни инсон ҳуқуqlари масалаларига бериш) учун танқид қилинган эди.

1994 йил ўрталарида минтақага АҚШнинг ўша даврдаги мудофаа вазири Уильям Перри ташриф буюрганидан сўнг вазият анча ўзгарди. У Марказий Осиёга ташриф натижалари тўғрисидаги ўз докладида кучли мустақил сиёsat олиб бораётган, барқарор дунёвий давлат ҳисобланган ва анча катта ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистонга алоҳида эътиборни қаратди.

90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда Марказий Осиё географик чегараларининг кенгайтирилган, яъни Афғонистон, Фарбий Хитой, бутун Қозогистон ва Озарбайжон киритилган талқини муоммаладан мустаҳкам ўрин олди. Шунинг ўзиёқ АҚШнинг минтақадаги манбаатлари Америка ташки сиёсатининг Ҳиндистон субконтиенти, Ўтра Шарқ, Хитой ва Россияядаги стратегик мақсадларига таалуклилигини англатади. Айни вақтда, ўтган аср давомида шаклланган маълум омилларга кўра, Марказий Осиёга «собиқ СССР ҳудуди» сифатида ёндашилади. Шу билан бирга, минтақани жанубий Кавказ ва Каспий минтақаси билан ягона геостратегик ва иқтисодий маконда кўздан кечиришга интилиш ҳам кучайиб бораёттир. Ниҳоят, яна бир муҳим йўналиш бу Евросиё йўналиши бўлиб, у Марказий Осиё Европадаги жараёнлар, ЕХХТ фаолияти доирасига киришини назарда тутади.

Шунинг учун бўлса керак, АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатида муайян кўп қатламлилик ва бунинг натижаси ўлароқ ёндашувларнинг ҳар хиллиги, бир-бирига зид тенденцияларнинг

мавжудлиги кузатилади. АҚШнинг минтақадаги жараёнларда иштироки шубҳасиз мураккаб хусусиятга эга. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, у кўпроқ «реактив» хусусиятга эга бўлган, учинчи мамлакатлар, аввало Россия, Хитой ва Эрон манфаатлари билан белгиланган. Лекин бу ёндашув АҚШнинг минтақадаги жараёнларда иштирокини жўнлаштиришдан бошқа нарса эмас ва АҚШнинг ҳозирги босқичдаги умумий ташки сиёсий концепциясига мос келмайди, чунки у бошқа давлатлар дипломатиясига қарам ва етакловчи бўлиши глобал лидерлик концепциясига тўғри келмайди.

Халқаро хавфларга қарши дунё миқёсида қураш нуқтаи назаридан Марказий Осиё ҳозирги дунёда мухим рол ўйнаши Вашингтонда тобора кенг эътироф этилмоқда. Бу энг аввало минтақадан тарқалаётган ва Қўшма Штатларнинг миллий манфаатларига дахл этаётган хавфлар - халқаро терроризм, наркобизнес ва диний экстремизм миқёси янада аникроқ тасавур қилинишида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда минтақа мамлакатлари билан икки тарафлама муносабатларда хавфсизлик ва минтақада ҳарбий-сиёсий кучларнинг бўлиб туриши масалаларига кўпроқ ургу берила бошланди.

АҚШ Россия ва Хитойнинг минтақадаги фаоллигини ҳозир ҳам ташвиш билан кузатиб бормоқда. Давлат департаменти Марказий Осиё мамлакатлари терроризмга қарши қураш масалаларида Россия билан ҳамкорлик қилиши зарурлигини тан олган бўлса-да, Россиядаги муайян доиралар юзага келган вазиятдан минтақада Россия таъсирини кучайтириш учун фойдаланиши мумкинлиги Қўшма Штатларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шундай қилиб, Марказий Осиёдаги «катта геосиёсий ўйин»да ўз иштирокини тан олмаган ҳолда, АҚШ бу ерда аксарият ҳолларда геосиёсий вазиятнинг ривожланишига ва Россия, Хитой, Эрон, Евropa Иттифоқи, Ҳиндистон, Туркия каби куч марказларининг хулқ-атворига қараб иш кўрмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатидаги номуайянлик маълум даражада Қўшма Штатлар маъмуритида мазкур сиёсатнинг йўналишига нисбатан яқдил фикр ва ёндашувлар йўқлигининг натижасидир.

Ресурсларга бой, барқарор, ҳамкорликка тайёр, мустақил халқаро сиёsat олиб боришига қодир мамлакатларнинг минтақавий ҳамкорлиги ривожланишидан Вашингтоннинг манфаатдорлиги АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатининг мухим йўналиши бўлиб қолаётир. Минтақанинг барқарорлиги, унда хавфсизлик ва

ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ташланган қадамларга боғлиқ эканлигига АҚШ маъмуриятининг ишончи комил. Бунда жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимиға минтақанинг қўшилиши муҳим аҳамият касб этади. «Ипак йўли стратегияси: XXI аср» қонун лойиҳаси шу йўналишда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. У Марказий Осиёга нисбатан ташки сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида АҚШ Конгрессининг иштироки фаоллашганидан далолат беради. Қонун лойиҳаси Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари Европанинг ривожланган мамлакатлари билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишига имконият яратувчи кўп даражали инфратузилма - «Евросиё коридори»ни барпо этиш бўйича кўп тарафлама музокаралар олиб боришни таклиф қилди. Конгрессда муҳокама қилинा�ётган ушбу қонун лойиҳаси минтақа мамлакатларининг мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлаш, минтақавий ҳамкорликни рафбатлантириш, минтақа мамлакатлари жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига, ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларга имконият яратиш, минтақавий можароларни тартибга солиш, халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилишни назарда тутади.

АҚШнинг минтақадаги иқтисодий манфаатларига келсак, Каспийбўйи энергия ресурсларининг ривожланишига Қўшма Штатларнинг қизиқиши АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига таъсир кўрсатा�ётган муҳим омил бўлиб қолаётир. АҚШнинг энергетик лойиҳалари таъсирида шаклланадиган ёндашувлар нафақат Каспий нефтида ўз улушига эга бўлган минтақа давлатлари билан АҚШнинг икки тарафлама ҳамкорлик истиқболларини, балки Россия ва Эрон билан сиёсий ва иқтисодий рақобатни ҳам ҳисобга олади.

## **Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи**

Марказий Осиё мамлакатларининг Европа давлатлари билан ўзаро муносабатлари ўзига хос тарзда ривожланди. Осиё марказида жойлашган ва испом дунёсининг ўзвий қисми ҳисобланган минтақа бирдан Хельсинки Ҳужжатига қўшилиш, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиш орқали Европадаги жараёнларнинг тўлақонли иштирокчисига айланди. Бу муҳим ташкилотда ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Марказий Осиё мамлакатлари айни вақтда Европадаги жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш имкониятини ҳам қўлга киритдилар. Бу мамлакатлар Европада вужудга келган миллий давлат тоясини қабул қилганлари

ва уни ўзида барпо этиш йўлидан қатъий бораётганлари европаликларга манзур бўлди. Улар минтаقا мамлакатлари дунёвий тараққиёт йўли ва демократияни танлаганларини ҳам олқишиладилар. Европа бизнеси Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иктисодий алоқаларининг улкан имкониятларини ҳаммадан олдин англаб етдилар. 1992 йилнинг ёзидаёқ Германиянинг Ҳамкорлик ва иктисодий тараққиёт вазири К.-Д.Шпрангер Ўзбекистонга ташрифи чорида немис компанияларининг минтаقا мамлакатларидағи лойиҳаларини «Гермес» имтиёзли молиялаш тизими орқали маблағ билан таъминлашга тайёрлигини билдири. Бундай ташкилотлар Европанинг барча етакчи мамлакатларида тузилди.

Ўз навбатида, Марказий Осиё Европага устувор ҳамкор сифатида қаради. Минтаقا мамлакатлари «laissez-fair»<sup>1</sup> типидаги либерал капитализмга қараганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидётининг айнан европача модели ўзларининг ижтимоий-иктисодий қурилиш ҳақидаги тасаввурларига кўпроқ мос келишини яширмадилар. Тарафлар ўртасидаги сиёсий мулокот ҳам ўзаро бир текис характерга эга бўлди.

Европада интеграцион жараёнларнинг чуқурлашиши ва Европа Иттифоқининг кенгайиши қитъанинг сиёсий ва иктиносидий харитасида катта ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Бугунги кунда Европа Иттифоқига 25 давлат аъзо бўлиб, уларнинг умумий аҳолиси 450 млн. кишини ташкил этади. Европа Иттифоқи жаҳоннинг энг йирик ягона бозоридир. ЕИга аъзо 12 мамлакатда ягона валюта - «евро» амал қилади. Жаҳон валюта бозорида евронинг мавқеи анча барқарор ва кучлидир. Жами ялпи маҳсулот ва ташки савдо ҳажмига кўра Европа Иттифоқи ҳозирги дунёнинг уч асосий иктиносидий марказидан бири ҳисобланади. Бу ерда жаҳон ЯИМнинг 25% га яқини ишлаб чиқарилади. Жаҳон товар савдосининг 20% ва хизматлар бозорининг 24% ЕИга тўғри келади. Европа Иттифоқи - энергия ресурслари ва хом ашёнинг йирик импортчиси, чунки унинг ҳудудида табиий ресурслар кам. ЕИ ривожланаётган мамлакатларнинг энг йирик донорларидан бири - умумий ҳалқаро ёрдамнинг 55% дан кўпроғи ва жами беминнат ёрдамнинг 2/3 қисми шу уюшма томонидан кўрсатилади.

Ўз атрофида «дўйстлар ҳалқасини», яъни барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонлик ҳудудини барпо этиш мақсадида, Европа Иттифоқи «Кенгайтирилган Европа - қўшни мамлакатлар» дастурини қабул

<sup>1</sup> laissez-fair (франц.) - иктиносидий ҳаёт субъектлари фаолиятига давлатнинг мутлақо аралашмаслиги принципи.

қилди. Үнинг мақсади ЕИ чегаралари атрофида жойлашган давлатлар билан имтиёзли муносибатларни ривожлантиришдан иборат.

2004 йил 29 октябрда Европа Иттифоқининг умумий Конституцияси имзоланди. Бу мазкур уюшма ўз тараққиётининг янги босқичи - халқаро ҳуқуқнинг ягона субъектига айланиш босқичига қадам қўйганини англатади. Конституцияга мувофиқ президент ва ташки ишлар вазири лавозимлари таъсис этилади, 2009 йилдан эътиборан қарорлар «икки баравар қўпчилик овоз» билан қабул қилина бошланадики, бу ЕИ доирасидаги сиёсий жараённи анча енгиллаштиради. Иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ички ишлар ва адлия бўйича ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек умумий ташки сиёсат ва хавфсизлик сиёсатини, шу жумладан Европа хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини шакллантириш мўлжалланмоқда.

Европа Иттифоқининг кенгайиши халқаро вазиятдаги туб ўзгаришлар билан бир вақтда рўй берди. Европа терроризмга қарши дунё миқёсида кураш билан боғлиқ мураккаб жараёнларга аралашди, боз устига, террорчилик ҳужумларининг бевосита обьекти ва нишонига айланди. Глобализация жараёни муҳим иқтисодий марказлар ўртасидаги рақобатни кучайтириб юборди. Европа мамлакатлари ўз манфаатларини илгари суриш учун умумий сиёсатни ишлаб чиқишилари ва амалга оширишлари зарурлиги аён бўлиб қолди. Бир қанча сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар XXI аср бошида АҚШ билан Европанинг айрим мамлакатлари ўртасида кўп ўйниллуклар давомида биринчи марта ихтилофлар чиқиши, Америкага қарши кайфиятлар кучайишини белгилаб берди. 90-йилларнинг бошида АҚШ ва Европанинг Марказий Осиёдаги манфаатлари яқинлиги ёки муштараклиги тўғрисида сўз юритиш мумкин бўлса, бугунги кунда бўни аниқ қайд этиш мушкул.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Европада ислом экстремизми ва у билан боғлиқ терроризмнинг тарқалиши кескин муаммо бўлиб қолди. Қитъанинг айрим мамлакатлари, айниқса Буюк Британия диний адоватни тарғиб қилувчи ташкилотларни тақиқлашга ҳуқуқий асослар тополмай, либерализм принципларини ҳаддан ташқари кенг тушуниш асирига айланди. Шу шароитда Европанинг Марказий Осиёдаги манфаатлари айниқса ёрқин намоён бўла бошлади.

Аввало, Европа Иттифоқида хавфсизликнинг узвийлиги, яхлитлигини, ўзини қуршаган дунё муаммоларидан Шенген зonasи доирасида четлашиш мумкин эмаслигини янада теранроқ тушунга бошладилар.<sup>1</sup> Шундан келиб чиқиб Брюсселда Марказий Осиёга

<sup>1</sup> Шенген Битими Европа Иттифоқи мамлакатлари доирасида визасиз ҳаракатланишни назарда тулади.

Евросиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда мухим минтақа сифатида қаралмоқда. Шу боис Европа минтақа билан ҳар томонлама муносабатлар узок муддатли асосда ривожланишидан манфаатдор ва бу муносабатларнинг институциявий ва шартнома-хуқуқий базасини кенгайтиришга тайёрdir. Европа Иттифоқига Шарқий Европа 10 давлатининг аъзо бўлиши Марказий Осиёнинг ЕИ билан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яқинлашиши ва тарафлар ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига катта туртки берди. Марказий Осиё мамлакатлари Шарқий Европа давлатлари билан барча соҳаларда азалдан яқин алоқа қилиб келади. Бундан тошқари, Европа Иттифоқининг кенгайиши амалда қитъани Марказий Осиёга географик жиҳатдан яқинлаштириди. Ўз чегаралари яқинида «хавфсизлик камари»ни таъминлашдан ЕИнинг манфаатдорлиги ҳамкорликнинг фаоллашувини рағбатлантируви асосий омиллардан биридир. Шу боисдан Брюссель терроризм, диний экстремизм ва наркотрафик хавфларини бартараф этиш борасидаги ташаббуслар ва амалий ҳаракатларни қўллаб-куватламоқда. Ўзбекистоннинг «Ҳизб-ут-тахрир»ни ЕИ мамлакатларида фаолияти тақиқланган ташкилотлар қаторига киритиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-куватлаш зарурлиги ҳакидаги фикр Европа Иттифоқи раҳбарлари орасида кучайиб бораётир.

Марказий Осиёга нисбатан ЕИ минтақавий интеграцияни чукурлашириш ғоясини қаттиқ қўллаб-куватламоқда, ягона, қамровли бозор билан алоқа килишдан манфаатдорлигини қайд этмоқда. Европа тарафи Марказий Осиё Умумий бозорининг шаклланишига техник ва консультатив ёрдам кўрсатиш, Европа интеграцияси тажрибасидан фойдаланишда кўмаклашишга тайёр эканлигини таъкидламоқда. ТАСИС<sup>1</sup> дастури лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш, уларни ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ҳозирги устувор йўналишларига кўпроқ мослаштириш, шунингдек инвестицияларни кўпайтириш зарурлиги тўғрисидаги фикрга Европа тарафи қўшилмоқда. ЕИ 2007-2013 йилларга мўлжалланган техник ҳамкорлик дастури бўйича янги Регламент ишлаб чиқмоқда. Бу ҳужжатда ҳамкорлик мақсад ва шаклларини кенгайтириш, шунингдек лойиҳаларнинг инвестицион компонентларига чеклашларни бекор қилиш назарда тутилади.

---

<sup>1</sup> ТАСИС - Европа Иттифоқининг янги мустақил мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш бўйича дастури. Унинг доирасида сиёсий, иқтисодий испоҳотларни амалга ошириш бўйича лойиҳалар маблаг билан таъминланади, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, шу жумладан таълим соҳасида дастурлар амалга оширилади.

Ўз бозорига келаётган энергия ва минерал ресурсларнинг манбаларини диверсификация қилишга ЕИнинг интилиши ҳам муҳим омил бўлиб қолаётир. Брюссель Марказий Осиё билан энергетика ва транспорт соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ эътибор бериш ниятида. Европа Иттифоқи Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан тиклаш лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишга тайёрдир.

ЕИ билан стратегик шерикчилик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро хурмат тамойилларига асосланган муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги даражасига эришиш Марказий Осиё мамлакатлари ташки сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу, аввало, ҳозирги дунёда бирлашган Европанинг роли ошиб бораётгани билан белгиланади. Эндиликда бу рол қитъанинг анъанавий иқтисодий қудрати билан чекланаётгани йўқ. Европа Марказий Осиёдаги жараёнларда Афғонистонда жойлашган қуролли кучлар контингентлари орқали ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ҳам иштирок этаётир. Хавфсизликни мустаҳкамлаш ва янги хавфлар - терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Европа БМТ, НАТО, ХВФ, ЖСТ каби сиёсий ва иқтисодий халқаро ташкилотларда тобора муҳим рол ўйнамоқда. Табиийки, бу институтларда Брюссель Марказий Осиё мамлакатларини қўллаб-куватлаши жуда муҳим аҳамиятга эга.

## **ХУЛОСА**

Марказий Осиёдаги минтақавий геосиёсий ҳодисалар ва жа-раёнлар түрғун эмас. Улар жаҳоннинг бошқа минтақалариға қара-ганда жўшқинрок ривожланмоқда. Баҳолар, хулосалар тез эскир-моқда ва уларга муттасил аниқлик киритиш, ўзгараётган вазиятга солишишириш зарур. Ташки кучлар сиёсати ва уларнинг минтақада-ги воқеаларга таъсири даражаси ҳам ўзгариб бораётир. Марказий Осиё ривожланишининг ички омилларида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда.

Шу муносабат билан минтақа муаммоларини кенг миёсда ва системали тадқиқ қилиш вазифаси долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда Марказий Осиё муаммолари минтақанинг ўзидан кўра кўпроқ ундан ташқаридан жойлашган мамлакатларда қизғин тадқиқ қилинмоқда. Табиийки, бу тадқиқотларнинг сифати ва му-каммаллик даражасига таъсир этмай қолмаяпти. Айни вақтда, Мар-казий Осиёнинг минтақавий муаммоларини ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Геосиёсий ҳодисалар ва тенденциялар таҳлили Марказий Осиё мамлакатлари бирлашишининг барқарорлигини таъминлаш учун жуда мухимдир. Минтақанинг мухим масалалариға нисбатан баҳо-лар ва ёндашувларни яқинлаштирумасдан яқин давлатлараро мин-тақавий ҳамкорлик тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас.

Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларни таҳлил қилиш Мар-казий Осиёга оид тадқиқотларнинг устувор йўналишига айланиши лозим. Халқаро хавфларнинг биронтасини ҳам алоҳида олинган бир мамлакат доирасида акс эттириш мумкин эмас. Мувофиқлаштириш ва яқин ҳамкорлик халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, ўюшган жиноятчилик каби хавфларнинг илдизлари, омиллари ва кўринишларини фундаментал ва амалий тадқиқ қилишга асосланиши лозим.

Барқарор иқтисодий ривожланиш Марказий Осиё тараққиёти-нинг мухим шартидир. Ўз-ўзидан равшанки, минтақа мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг суръатларини ошириш, улар жаҳон хўжалик алоқалариға кенг миёсда қўшилишини таъминлаш асосан умумминтақавий геоиктисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши ва йирик давлатлараро лойиҳаларнинг амалга оширилишига боғлиқ. Шу сабабли Марказий Осиёга оид тадқиқотлар фақат муаммони кўтариш билан чекланмай, минтақавий дастурларни амалга оширишни техник-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий таъ-

минлаш масалаларини ишлаб чиқыш механизмини ҳам тақлиф қилиши лозим.

Нихоят, күп тарафлама алоқалар ҳамкорликнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этади. Марказий Осиёга оид тадқиқотларнинг ҳуқуқий масалалари минтақани тадқиқ қилишнинг мухим жиҳати бўлиб, уни шаклланиш босқичидан муваффақиятли ўтган бошқа интеграцион тузилмалар, аввало, Европа Иттифоқи норматив базасининг ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш йўналишида олиб бориш зарур.

Марказий Осиёга оид тадқиқотлар минтақанинг ҳар бир мамлакатида олиб борилиши лозим ва, ўз-ўзидан равшанки, олиб борилади. Бунда мамлакатлараро тадқиқотлар учун замин яратиш лозим. Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти тузилмалари уларни ташкил қилиш, маблағ билан таъминлаш ва амалга жорий этиш учун энг табиий база бўлади деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда Марказий Осиёда стратегик номуайянлик юзага келгани қайд этилмоқда. Инсоният тарихида доим мухим рол ўйнаб келган бу мухим минтақанинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларига аниклик киритиш Марказий Осиёга оид тадқиқотларнинг дастурий вазифасидир.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005 й.
2. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. — Т.: Узбекистон, 1997. — 320 с.
3. Каримов И.А. Узбекистан устремленный в XXI век. — Т.: Узбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. По пути созидания. Т.4. — Т.: Узбекистон, 1996. — С. 343.
5. Каримов И.А. Для нас нет иной цели, кроме интересов нашего народа, нашей родины. В кн.: За безопасность и мир надо бороться. Т.10. Т.: «Узбекистон» 2002.
6. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: «Шарқ», 2005.
7. Бартольд В.В. История Туркестана. М.: Восточная литература. 1963.
8. Замятин Д.Н. Моделирование геополитических ситуаций (на примере Центральной Азии во второй половине XIX века).//Полис, 1998. №2,3.
9. Идентичность и конфликт в постсоветских государствах. Под ред. М.Б.Олкотт, В.Тишкова, А.Малашенко; Моск. центр Карнеги. М., 1997
10. Камилов А.Х. Региональные конфликты и международный терроризм. В сб. «Проблемы урегулирования региональных конфликтов в современных условиях». - Москва, ИМЭиМО, 1991.
11. Киссинджер Г. Дипломатия. Пер. с англ. / М.: Ладомир, 1997. -С. 734.
12. Сафаев С. Развитие труда и ускорение. Т., 1988.
13. Современные международные отношения: Учебник / Д.В. Алгульян, Е.П. Бажанов, В.Г. Барановский и др.; Под ред. А.В. Торкунова. - М.: РОССПЭН, 1999. 583 с.
14. Тойнби А.Дж. Постижение истории, Москва, Издательство «Прогресс», 1991.
15. Тейяр де Шарден П. Феномен Человека. М., 1965.
16. Информационный бюллетень о наркоситуации: Центрально-азиатский регион, ОБСЕ, 2005.
17. Шаклеина Т.А. Современные американские концепции ми-

- рового лидерства. М.: ИСКРАН, 2000.
18. Asian Development Outlook 2005, Asian Development Bank Report, Hong Kong, China, 2005.
  19. Brzezinski Z. The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geostrategic Imperatives, BasicBooks, N.Y., 1997.
  20. Brisard J.-Ch., Dasquie G., Ben Laden: La verite interdite. Paris. 2001.
  21. Del Valle A. Islamisme et Etats-Unis: Une alliance contre l'Europe, - Lausanne: L'Age d'Homme, 1999.
  22. Doran S.M. Somebody else's civil war//Foreign Affairs, N.Y., 2002, Vol. 1, №1, p. 22-42.
  23. Friedman T. The Lexus and the Olive Tree. N.Y.: Farrar, Straus & Giroux, 1999.
  24. Fukuyama F. The End of History? // National Interest, №16 (Summer 1989)
  25. Fukuyama F. The End of History and the Last Man. N.Y.: Free Press. 1992.
  26. Fukuyama F. The Primacy of Culture.//Journal of Democracy. (6:2). 1995. №12.
  27. Fukuyama F. Confucianism and Democracy.//Journal of Democracy. 1995. №26.
  28. History of civilizations of Central Asia. UNESCO Publishing, Paris, 1996.
  29. Humboldt A. Asie centrale. Recherches sur les chaines de montagnes et la climatologie compare. Paris, 1843.
  30. Kaplan R. The Coming Anarchy // Atlantic Monthly, 1994.
  31. Kofman E., Youngs G. Globalization Theory and Practice, L., 1996.
  32. Labeviere R. Les dollars de la terreur: Les Etats-Unis et les islamistes, - P.: Bernard Grasset, 1999.
  33. Lubin N. Labour and nationality in Soviet Central Asia: Uneasy compromise. London, 1984.
  34. McLuhan M. The Global Village: Transformations in World Life and Media in the Mearsheimer J. Back to the Future: Instability in Europe After the Cold War // International Security, vol.15, №1 (Summer 1990).
  35. Mearsheimer J. Why We Will Miss the Cold War//Atlantic Monthly, vol. 266, №2 (August 1990).
  36. Nay J. What New World Order? // Foreign Affairs. March/April.1992.

37. Roy O. *The Failure of Political Islam*. Cambridge. Mass. 1994.
38. Schutter B. De, Pas J. *About Globalisation*, Brussels, University Press, 2004.
39. Strange S. *The Retreat of the State*, Cambridge, 1996.
40. Strategic Assessment of Central Eurasia. The Atlantic Council & Central Asia — Caucasus Institute, SAIS, Washington DC, 2001.
41. The Political Geography of Conflict and Peace (ed. by Kliot N., Waterman S.) London: Belhaven Press, 1991.
42. Virilio P. *Pure War*. N.Y. 1993.
43. Waters M. *Globalisation*, L., 1995.

## **Изоҳлар учун**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕОСИЁСАТИ

Муҳаррир: *Т. Рустамов*

Оригинал макет: *И. Семенюк*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммавийлаштиргани учун муаллиф жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32; Ҳажми 9,9 б.т.  
Нусха сони 500. Келишилган нархда.

---

“ПАТЕНТ ПРЕСС” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Тўй тепа кўчаси, 2а.